

С.Б. Шадманова, М.М. Юлдашев

94
Ш 16

**ТАРИХИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЗАМОНАВИЙ
УСУЛЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

ЎЗР ФА ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**ЎЗР ФА ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЗАМОНАВИЙ
УСУЛЛАРИ**

**ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2019**

Муаллифлар

тарих фанлари доктори, профессор – **С.Б. Шадманова;**
фалсафа фанлари доктори – **М.М. Юлдашев**

Масъул муҳаррир

тарих фанлари доктори, профессор – **Мирзохид Рахимов**

Такризчилар:

тарих фанлари номзоди, доцент – **Нодира Азимова**
тарих фанлари номзоди, доцент – **Улуғбек Абдуллаев**

Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2019 йил 20 сентябрдаги 1-сонли баённома).

ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ илмий-методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2019 йил 15 июлдаги 7-сонли баённома).

Мазкур дарслик тарихий тадқиқотлар методологи-
яси ва замонавий усулларини ўрганишга бағишланган.
Унда тарих фанининг махсус усуллари билан биргалик-
да илмий тадқиқотларнинг умумий усуллари, шунинг-
дек, бошқа фанлардан тарих фанига жорий этилган
усуллар таҳлил қилинади. Бундан ташқари, дарсликда
жаҳон тарихшунослигида XX асрнинг ўрталаридан
бошлаб пайдо бўла бошлаган ҳамда тарихий билим-
ларнинг янги парадигмаларига айланган ёндашувларга
алоҳида эътибор қаратилади. XX аср ўрталаригача фан-
лараро ёндашувни фақат баъзи тадқиқотчилар қўллаган
бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин уни қўллаш ом-
мавий тус олиб, аста-секин жиддий илмий тадқиқотлар
қоидасига айланиши сабаблари кўрсатиб берилади. Шу-
нингдек, дарсликда тарихий антропологиянинг вужудга
келиши, унинг пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар,
унда ўрганиладиган масалалар ёритилган. Муаллифлар
тарихий антропология инсоният тараққиёт йўли бир
чизикли ҳаракатланиши тўғрисидаги қарашлардан воз
кечишда муҳим роль ўйнашига эътибор қаратадилар.
Бундан ташқари, анъанавий ижтимоий тарих ва янги
ижтимоий тарих ўртасидаги фарқлар таҳлил қилинади.

Дарсликда тарихга микро ва макроёндашув тушун-
чалари, микротарихнинг вужудга келиши ва унинг са-
баблари, микро ва макротарихнинг ўзаро таъсири, ло-
кал тарих хусусида сўз юритилади. Кундалик ҳаёт тари-
хининг шаклланиш жараёнлари ҳамда уни тадқиқ этиш
усуллари хусусида талабаларга маълумотлар берилади.
Шунингдек, дарсликда гендер ва менталитет тарихи
ҳамда визуал тадқиқотлар каби тарихий тадқиқотлар

йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари, усуллари ва манбалари ҳақидаги материаллар ўз аксини топган. Муаллиф жаҳоннинг етакчи давлатларида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб шакллана бошлаган, ўз тадқиқот усулларига эга бўлган тарихий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари тўғрисида талабаларга маълумот беришга ҳаракат қилган.

Талабалар бу дарсликни ўрганиши натижасида, биринчидан, тарихий тадқиқот усуллари ва йўналишлари ҳақидаги назарий билимга эга бўлса, иккинчидан, уларни замонавий тарихий тадқиқотларда қандай қўллаш мумкинлигини ўрганади.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	6
Маъруза матнлари.....	10
Кириш. Тарих илмий билим сифатида	10

I боб. Илмий тадқиқот усуллари: махсус усуллар ва фанлараро ёндашув

1.1. Илмий тадқиқот усуллари ва уларнинг таснифи	40
1.2. Тарихий жараёнларни ўрганишда цивилизациявий ва формациявий ёндашувнинг ўрни.....	54
1.3. Тадқиқотларда фанлараро ёндашув.....	71
1.4. Тарихий антропология ва «янги» ижтимоий тарих	96
1.5. Тарихий тадқиқотнинг махсус усуллари ва микдорий усуллар.....	113

II боб. Тарихий тадқиқот янги йўналишлари ва уларнинг усуллари

2.1. Тарихга микро ва макроёндашувлар. Локал тарих.....	139
2.2. Кундалик ҳаёт тарихи: шаклланиши, вазифалари ва тадқиқот усуллари	154
2.3. Гендер ва менталитет тарихи	169
2.4. Визуал тадқиқотлар тарих фанидаги йўналишлардан бири сифатида	190
2.5. Оғзаки тарих: шаклланиши, вазифалари ва усуллари	219
2.6. Дискурс ва семиотик таҳлил усуллари.....	236
Илова	254
Мустақил ишлар рўйхати.....	269
Глоссарий.....	271
Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар	288

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши барча соҳаларда бўлгани каби тарихчи олимлар зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юкледи. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин совет ҳукмронлиги йилларида сохталаштирилган тарихни турли тазйиқлардан холи равишда ҳаққоний ёритиш асосий талаблардан бирига айланди. Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб Ўзбекистон тарихини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва кун тартибига ҳаққоний тарихни бирламчи манбалар асосида яратиш, уни холисона талқин этиш, баҳс ва мунозаралар асосида тарихий ҳақиқатни тиклаш вазифаси қўйилди¹. Тарих фани олдига қўйилган муҳим вазифаларни ҳал этиш учун тадқиқотчилардан замонавий методология ва тарихий тадқиқот усуллари ўрганиш талаб этилади.

Тарих фанини инқироздан чиқаришда методология ва тадқиқот усуллари ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Инқироздан чиқиш эскириб кетган қарашлардан воз кечиб, янги бурилиш рўй бериши билан боғлиқ бўлади. XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарб мамлакатларида ижтимоий фанлар ривожланиши

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон овози. – 1998. – 28 июль.

янги назарий қарашларнинг шаклланишига олиб келди. Турдош фанлар назарияси ўзлаштирилиб, қайта ишланди ва тарих фанига мослаштирилиб, тарихий манбалар билан ишлашда фойдалана бошланди. Совет мамлакатада эса, аксинча, ижтимоий назарияларга қатъий равишда чекловлар қўйилди ва қолипга солинди. Тарихий тадқиқотларни олиб боришда ижтимоий борлиқдаги ўзгарувчанлик, мураккабликнинг ортиб боришига монанд методология деярли ўзгаришсиз қолаверди ёки жаҳон илмий ҳамжамиятида қўлланиб келинаётган янги методологиялардан самарали фойдаланилмади. Оқибатда тарих фани узоқ йиллик методологик инқирозга учради.

Ушбу дарслик «Тарих тадқиқотларининг методологияси ва замонавий усуллари» номли ўқув курсининг маъруза матнларидан иборат бўлиб, у Тошкент давлат Шарқшунослик институти 5А120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) мутахассислиги йўналиши талабаларига ўқитилган. Дарслик материаллари мазкур курс дастурига мос келади. Шунингдек, ЎзР ФА Тарих институти ПЗ 20170921162 «XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда тиббиёт ва халқ табобати (форс ва туркий тиллардаги тошбосма асарлар, архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материаллари асосида)» ҳамда ФЗ-2016-0908223644 «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Дарслик тарихий тадқиқотлар методологияси ва замонавий усулларини ўрганишда зарур илмий қўлланмалардан бири бўлиб қолса ажабмас. Унда тарих фанининг махсус усуллари билан биргаликда илмий тадқиқотларнинг умумий усуллари, шунингдек, бошқа фанлардан тарих фанига ўтган усуллар таҳлил

қилинади. Бундан ташқари, қўлланмада жаҳон тарих-шунослигида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб пайдо бўла бошлаган ҳамда тарихий билимларнинг янги парадигмаларига айланган янги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида тарих фалсафасига доир китоблар ҳам чоп этилди. Жумладан, Н.Жўраев «Тарих фалсафасининг назарий асослари»¹ номли монографиясида Шарқ ва Ғарб тарих фалсафаси, тарих методологияси, тарих фалсафасида анъанавийлик ва замонавийлик каби масалалар ёритилган. Шунингдек, Д.Алимова тадқиқотларида² тарих фанининг бир қанча йўналишлари, сиёсий тарих ва давлатчилик тарихи, ижтимоий тарих, маданият ва дин тарихи, тарихий шахслар каби масалалар ўз аксини топган.

Аммо республикада чоп этилаётган дарсликлар орасида тарихий тадқиқот усуллари ва тарих фанининг янги йўналишлари масалалари ёритилган дарсликлар етишмаслиги муаммо сифатида қолди. Мазкур дарслик бу борадаги бўшлиқни биров бўлса-да тўлдиришига умид қиламиз.

Дарсликда илмий тадқиқотнинг умумий усуллари, тарихий тадқиқотнинг махсус усуллари ҳамда ҳозирги кунда жаҳон тарихшунослигида кенг қўлланилаётган фанлараро ёндашув ва усулларга эътибор қаратилди.

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 465 б.

² Алимова Д.А. История как история, история как наука: История и историческое сознание. Т. 1. – Ташкент: Ўзбекистон, 2008. – 280 с.; Ўша муаллиф. История как история, история как наука: Феномен джадидизма. Т. 2. – Ташкент: Ўзбекистон, 2009. – 170 с.; Ўша муаллиф. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. – Ташкент: Vaktria press, 2017. – 640 с.; Алимова Д.А., Илхомов З.А. Тарих фани методологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2018. – 323 б.

Дарсликда фанлараро ёндашувга асосланган ҳолда фалсафа фанлари доктори, профессор М.Н. Абдуллаева ҳамда фалсафа фанлари доктори (PhD) Г.Жалалованинг фан методологиясига оид илмий тадқиқотларидан фойдаланилди. Шунингдек, дарсликда нафақат тарихий тадқиқотларнинг янги усулларига доир назарий билимлар умумлаштирилади, балки унда талабалар мазкур усулларни қўллаш бўйича жаҳон тажрибаси билан таништирилади.

Талабалар бу ўқув курсида, биринчидан, тарихий тадқиқот усуллари ва йўналишлари ҳақида назарий билимга эга бўлса, иккинчидан, уларни замонавий тарихий тадқиқотларга қандай татбиқ этишни ўрганади.

Талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш учун ҳар бир маърузадан кейин назорат саволлари берилди. Шунингдек, асосий тушунча ва атамалар луғати ҳам тузилди. Бундан ташқари, фойдаланилган ва тавсия этилган турли тиллардаги адабиётлар рўйхати берилди. Уларнинг аксарияти охириги 15–20 йилларда чоп этилган тадқиқотлардан иборатдир.

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Кириш. Тарих илмий билим сифатида

Мақсад: Тарих объекти ва предметини, унинг мақсад ва вазифаларини, тарих назарияси ва методологиясига доир қарашларни, XX асрда тарих фанининг ривожланиш хусусиятларини талабаларга тушунтириш.

Таянч сўз ва иборалар: «Тарих» атамаси, «историка», муаррих, Цицерон, Геродот, Абу Абдулло Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий, ибн Халдун, Н.М. Карамзин, М.Блок, Л.Февр, Ф.Бродель, А.Тойнби, тарих фанининг объекти, фан методологияси.

Тарих объекти ва предмети, унинг мақсад ва вазифалари

«Тарих» атамаси юнонча «историка» сўзидан олинган бўлиб, «ўтмиш воқеалари ҳақидаги хикоя», «тадқиқ қилинганларни баён қилиш» деган маъноларни англатади.

Тарих илмий атама сифатида икки хил маънони билдиради. Биринчиси – тарих жамиятнинг ривожланиш жараёни сифатида бўлса, иккинчиси – тарих жамиятнинг ривожланиши ҳақидаги фан сифатида, яъни бу ҳолатда фан объекти ва фanning ўзи битта атамани англатади.

Маълумки, ҳар бир фан объектив воқеликнинг муайян кесимини тадқиқ этади. Тарих фанининг **объекти** инсоният жамиятининг ўтмиши, унинг ривожланиши ва ўзгаришидир. Тарих фан сифатида ўтмишга айланган ва айланаётган ижтимоий борликни ўрганади. Бунда тарихчи ўзидан минг йиллар узоқда бўлган тадқиқот объектини кузатиш имкониятидан маҳрумдир. Шу сабабли ҳам тарих фанида тарихий тадқиқот натижаларининг ҳаққонийлигини аниқлаш муҳимдир¹.

Тарих бу – инсон ҳақидаги, жамиятни инсон фаолияти маҳсули сифатида ўрганадиган фандир. Шундан келиб чиққан ҳолда тарих фанининг вазифаси тарихий жараёни тўлиқ ўрганиш, баён қилишдан иборатдир.

Машҳур олим И.Д. Ковальченко тарих фанининг объекти сифатида «субъект (яъни, тарихчи) билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган воқелик»ни, предмет сифатида билиш жараёнига жалб этилган объектнинг бир қисмини таърифлаган ва тарихий тадқиқот жараёни ривожланиши мобайнида «билиш предмети кенгайиб боради», деб таъкидлаган².

И.Д. Ковальченконинг фикрига кўра, билиш объекти «ички табиати, асосий белгилари ва қонуниятлари бўйича бошқа объектлардан фарқ қилувчи маълум бир воқелик ва жараёнлар йиғиндисидир». Предмет эса, унинг таъкидлашича, «ўрганилаётган билиш объектининг ўзига хос хусусиятлари ва белгиларининг маълум бир йиғиндисидир»³. Бошқача қилиб айтганда,

¹ Бранд М. Ю., Ляшенко Л. М. Введение в историю. – М., 1994. – С. 11–12.

² Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. – М.: Наука, 1987. – С.43–45.

³ Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. – М.: Наука, 1987. – С.42,45.

объект ва предмет «бир бутун – хусусий», яъни предмет тадқиқотчи томонидан ўрганиш учун танланган объектнинг бир қисмидир.

XX асрнинг охириги чорагида тадқиқот парадигмасида тарих объекти ва предмети тўғрисида янги қарашлар вужудга келди ҳамда бу қарашларда ўтмиш ҳақидаги билимда ҳаққонийлик мавжуд эмаслиги таъкидланди¹. Тарихчилар учун фақат матн тушунарли бўлгани туфайли ва матн сифатида ўтмишнинг моддий кўриниши сифатида сақланиб қолган ёзма ёки оғзаки манбалар, бир сўз билан айтганда, инсоният маданиятининг ҳар қандай изи (қолдиғи) тушуниланган².

Таъкидлаш жоизки, инглиз тилидаги тарихий тадқиқотларнинг аксариятида «тадқиқот объекти» ажратиб кўрсатилмайди. «Subject matter of the study» – тадқиқот предметида тадқиқотнинг умумий мавзуси назарда тутилади, шунингдек, «Scope of the study» – тадқиқот доирасида тадқиқотнинг аниқ жиҳатлари кўрсатилади. «Object of study» – «тадқиқот объекти» тушунчаси инглиз тилидаги тадқиқотда деярли ишлатилмайди.

Кўпчилик тарихчилар жараён субъекти инсон, деб ҳисоблашади. Аммо бошқача фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, А.Тойнби тарихнинг ҳақиқий яратувчиси худодир, деб ҳисоблайди³.

¹ Мининков Н.А. Объект, предмет и субъект исторического познания // Открытый текст. Электронное периодическое издание. – URL: <http://www.orienttextnn.ru/history/?id=1350> (дата обращения: 09.06.2015)

² Лубский А.В. От монизма к плюрализму: постнеклассическая модель исторического исследования // Эссе Homo (Памяти Э.Г. Алавердова). 1947–1996. – Ростов-на-Дону: Логос, 2002. – С.52.

³ Тойнби А. Постижение истории. – М., 1996. – С. 504

Тарих назарияси ва методологияси

Тарих жамиятнинг ажралмас бир кисмидир. Тарих фанининг жамиятдаги ўрни ҳақида машхур мутафаккирлар фикр билдириб ўтганлар. Шу ўринда мазкур фикрларни ёдга олиш жоиздир. Жумладан, Цицерон: «Тарих – ҳаёт мураббийси» деб таъкидлаган бўлса, Леонардо да Винчи: «Ўтмишни ва дунё мамлакатларини англаш – инсон заковатининг безагидир» деб фикр билдиради¹.

Н.М. Карамзин тарихнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида қуйидаги фикрни таъкидлаган: «Тарих – халқларнинг муқаддас, асосий, зарур китобидир; борлиқ ва фаолият ойнаси, кашфиётлар ва қоидалар лавҳаси, аждодларнинг авлодларга васияти, ҳозирги кунни тушунтириш ва келажак учун намуна ҳисобланади»². Умуман, кўпчилик тарихчилар аждодлар ҳаётини ўрганмай туриб, инсон ўзлигини англай олмаслиги, дунёга нима учун келганини, қандай яшаши кераклиги, нимага қараб ва қандай қилиб интилиши лозимлигини била олмаслиги тўғрисида фикр билдирганлар.

Бу каби фикрларда мутафаккирлар яқдил эмас эди. Уларнинг баъзилари тарих фанининг фойдали эканига шубҳа билан қарашган. Гегель ва Ницше, Вольтер ва Декарт, Жан-Жак Руссо ва Поль Валери каби мутафаккирлар шулар жумласидандир. Хусусан, Поль Валери «Тарих ақлий фаолиятнинг энг хавfli маҳсули ҳисобланади. У миллатларни заҳарханда, такаббур, чи-

¹ *Вяземский Е.Е., Стрелова О.Ю.* Методика преподавания истории в школе. – М., 2001. – С. 16–17.

² *Карамзин Н.М.* История государства Российского. Том 1. – СПб, 1816. – С.3.

даб бўлмайдиган ва бемаъни қилиб қўяди» деб ёзган эди¹. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тарихнинг роли ва ўрни ҳақида турли зиддиятли фикрлар мавжуддир. Шунга қарамай ҳозирги кунда тарих бошқа фанлар орасида ўз мавқеига эга бўлиб, ривожланиб бормоқда ва бунда турли тадқиқот усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Усул бу – билимга эришиш йўли, олимнинг маълум тарзда тартибга солинган, онгли ва изчил фаолиятидир. Юнончадан сўзмасўз таржимада «метод» бирор нарсага олиб борадиган йўлни англатади. Метод билиш усули сифатида ўрганилаётган объектнинг жиҳатлари ва хоссаларини лабораторияда, илмий тадқиқот мосламасида, тажриба майдонида, шунингдек, тадқиқотчининг миясида акс эттириш усулидир.

Методология (юн. *metodos* билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот ва *logos* – сўз) – тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, тиклаш тамойиллари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимотдир. Методология – методлар ҳақидаги таълимот ёки ялпи умумий билиш методи, деб ҳам таърифланади. Методология умумий воқеликка қандай ёндашиш йўлини ўргатади. Масалан, воқеликнинг муайян қисмини, бирор жиҳатини, воқеликнинг чизиқли ривожланишини метафизика, ўзгариш жараёнини ва уни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни диалектика, воқеликда рўй берувчи кескин, ночизиқли ривожланиш жараёнини синергетика методологияси ўрганади. Методологиянинг асослари бўлиб, ижтимоий-тарихий, ижтимоий-илмий, инсоний, шахсий, маданий омиллар хизмат

¹ *Вяземский Е.Е., Стрелова О.Ю.* Методика преподавания истории в школе. – М., 2001. – С. 16–17.

қилади. Инсон фаолиятининг ўзгариши, янгиланиши методологиянинг шартлилиги ва ўзгарувчанлигини кўрсатади¹. Иерархик нуқтаи назардан, методологияни таснифлашда унинг уч даражаси ажратилиши мумкин: фалсафий даража; умумилмий даража; хусусий илмий даража.

Тарих фанининг ривожланиши

Ўз методологиясига эга бўлган тарих фани пайдо бўлгунга қадар тарихий қарашлар узоқ йўлни босиб ўтди. Тарихнинг дастлабки методологияси биринчи воқеанавислик – қисқа йилномалар, подшолик ҳақидаги ёзувлар пайдо бўлиши билан вужудга келади. Чунки, ҳар қандай ёзув маълумоти ўз тузилишига кўра оғзаки хабарлардан фарқ қилади. Бундан ташқари, ёзиш учун воқеа танланиши, мазкур матн кимга қаратилиши, ёзиш услубини танлаш воқеани баён қилиш жараёни билан узвий боғлиқ равишда олиб борилади. Тарих фанининг ибтидоси Қадимги Шарқда пайдо бўлган.

Эрамиздан аввалги III–II асрда Яқин Шарқда (Шумер, Аккада ва Миср) ёзув пайдо бўлиши билан тарихшунослик намуналари вужудга келади. Сулолаларнинг рўйхати тузилади, воқеалар кетма-кетлигини аниқлаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда йилномалар тузилади. Уларга муҳим воқеаларнинг йиллари, кейинчалик подшоларнинг ҳукмронлик йиллари асос қилиб олинган. Яқин Шарқда подшоларнинг анналари – хеттлар ва кейинчалик ассирияликлар орасида солномаларга йилма-йил маълумотлар ёзиб бориш кенг тарқалган.

¹ Фалсафа: энциклопедик луғат. ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.183–184.

Эрамизгача II асрда тарихгача бўлган ҳужжатлар Шан (Инь) давридаги Хитой жамиятида пайдо бўлди.

Шаҳарлар ва давлатлар рўйхати, подшоларнинг тарихий ёзувлари, қадимги солномаларни дастлабки тарихий матнлар деб аташ мумкин, аммо уларда афсоналар ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Қадимги солномачиларнинг ёритилиши керак бўлган муҳим воқеаларни танлаши тарих методологиясининг вужудга келишига биринчи қадам бўлиб хизмат қилди. Тарихий фактлар танлаш ва талқин қилиш ижтимоий йўналтирилади (масалан, Мисрдаги Қадимги ва Ўрта подшолик даврида фиръавнларнинг юришларини улуғлаб ёзилган ёзувлар, Бехустин ёзувлари ва б.). Шарқда тарихий асарларнинг баъзи шакллари, жумладан, солномалар, биографик ва автобиографик асарлар, генеологик (шажара) асарлар пайдо бўлди, шунингдек, тарихий асарларнинг шакли ўзгариб, мураккаблаша бошлайди, бундай ҳолни айниқса, Қадимги Хитойда кўриш мумкин. Ёзма манбалар орасида Қадимги Хитой солномалари алоҳида ўрин тутуди, Лу подшолигида тузилган «Чуньцю» солномаси бўлиб, унда эрамиздан аввалги VIII–V асрда воқеалар тасвирланган ва муаллифи файласуф Конфуций деб ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳукмдорлар ва уларнинг яқинлари нутқлари ёзиб олина бошланди¹.

Эрамиздан аввалги II–I асрда Хитой тарихи бўйича умумлаштирувчи асар пайдо бўлди. У Сима Цяннинг «Тарихий ёзувлари» (эр.ав. 145–86 й.) бўлиб, унда Хитойнинг қадимги даврдан эр.ав. I асргача бўлган тарихи ёритилган. Сима Цяннинг ушбу асари мураккаб

¹ История Древнего Востока / под ред. В. И. Кузицина. – М.: Высшая школа, 1988. – Б.352.

асар бўлиб, унда турли сулолаларнинг ҳукмдорлари фаолияти, тарихий шахслар ва сулоланинг йирик вакиллари биографияси ўрин олган. Бундан ташқари, унда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, маданият, фанга доир «Трактатлар» мавжуд. Шунингдек, асарнинг «Жадваллар» қисмида хронологияга оид маълумотлар берилган. Сима Цяннинг «Тарихий ёзувлари» Хитойдаги ва бошқа Узоқ Шарқдаги тарихий тафаккур ривожига катта таъсир кўрсатди. Унинг тадқиқот усулини Хитойнинг иккинчи йирик тарихчиси Бань Гу (эр. 32–92 й.) ҳам қўллайди. Аммо, Бань Гунинг «Хань сулоласи тарихи» фақат битта сулола тарихига бағишланган эди. Шундай қилиб, Бань Гу Хитой тарихшунослигидаги янги рукн – «сулолалар тарихи» асосчиси бўлди. Эр. III асрдан бошлаб Бань Гунинг «Хань сулоласи тарихи» намуна сифатида расмий равишда сулолалар тарихи ёзила бошлади. Унинг асосий қисмлари ҳукмдорлар фаолиятини тасвирлашга қаратилган «Анналлар» ва даврнинг машҳур кишилари ҳаётини ёритувчи «Биография»лардан иборат эди. Бундай изчиллик Хитой тарихшунослигини ҳар бир тарихчи ўзига хос равишда ёзувчи юнон ва рим тарихшунослигидан ажратиб туради.

Тарихнинг жаҳонда ривожланишида изчиллик мавжуд бўлиб, юнонлар кўп нарсаларни Шарқдан олишганини таъкидлаш лозим. Жумладан, «тарих отаси» Геродот эллинлар худоларининг номини ва кўп одатларини, ёзувни ва бошқа билимларни қадимги мисрликлардан, финикияликлардан ва бошқалардан олганини таъкидлайди. Диодор Сицилийский эса машҳур донишмандлар, шоирлар ва таърихшунослар – Гомер, Ликург, Солон ва бошқа мунафаккирлар, кейинги давр-

нинг машҳур олимлари ва донишмандлари – Платон, Демокрит ва бошқалар Шарққа бориб, донишмандлар билан ҳамсухбат бўлиб, улардан илм ўрганишганини қайд этиб ўтади¹.

Тарих фан сифатида Европада қадимий давр муаллифлари – Геродот, Полибий, Плутарх, Тацит ва бошқалар томонидан вужудга келтирилди. Улар ўз даври ҳақида маълумотларни тўплаб, ёзиб қолдирдилар.

Геродотнинг машҳур «Тарих» китоби бизгача етиб келган энг қадимий тарихий манбадир. Геродот Кичик Осиё соҳилидаги (ҳозирги Туркия худудида) Галикарнас шаҳрида туғилгани учун унинг ижодига Шарқ таъсири кучли бўлгани табиийдир. Цицерон замонидаёқ (милоднинг I асри) Геродотни «Тарих отаси» деб аташган. Аслида, Геродотнинг бу асари охирига етказилмаган (милоддан аввалги 470 йилгача бўлган воқеалар билан тугалланади) ва уни том маънода илмий тадқиқот деб бўлмайди. Шунга қарамай, унинг китоби воқеалар ва далиллар кўлами, шунингдек, бадий қиймати жиҳатидан ўзидан аввалги тадқиқотлардан анча юқори туради. Масалан, Геродот ўз китобида Каспий денгизига чегарадош ерларда бўлган жанглارни тасвирлайди. Шундан сўнг Каспий ортидаги воҳалар, уларда яшаган масоҳатлар (массагетлар) ҳақида ёзади. Геродот биринчи бўлиб, Каспий денгизининг номи Каспий халқлари номи билан боғлиқ экани ҳақида фикр юритади.

Муаррихнинг буюк шахс эканлигини унинг қуйидаги холис сўзларидан ҳам билиш мумкин: «Мен ўзим эшитган нарсаларни ҳикоя қиляпман, аммо уларнинг

¹ *Вейнберг, И. П.* Рождение истории: Историческая мысль на Ближнем Востоке середины I тысячелетия до н. э. – М.: Наука, 1993. – С.12.

ҳаммасига ишонишим шарт эмас. Ушбу хулоса янги асаримга ҳам тааллуқлидир»¹.

Милоддан аввалги V–IV асрларда яшаган Фукидиднинг Пелопоннес урушлари ҳақидаги асари дунёда биринчи илмий тарихий асар сифатида эътироф этилган. Бу асар ўша давр тарихий воқеаларининг ишончли ва ҳаққоний тасвирлангани билан ажралиб туради. Геродот асарига нисбатан Фукидид асари олға ташланган қадам эди. Фукидид китобида ҳаётий воқеалар тасвирига Олимп «худо»лари аралаштирилмайди. Фукидид асарида воқеалар гувоҳларининг айтганлари таққосланади ва бевосита ўша воқеалар қатнашчиларининг ҳикояларидан фойдаланилади. Фукидид асотирлар, афсоналардан фойдаланган ҳолда тарихий ривожланишга иқтисодий омилларнинг таъсирига асосий эътиборни қаратади. Тарихий далилларни аниқ баён қилиш ва ҳақиқатни аниқлашга интилиш Фукидид асарининг асосий ютукли жиҳатидир.

Тарихий воқеаларни ҳақиқатга яқин қилиб илмий баён этган муаррихлардан яна бири милоддан аввалги II асрда яшаган Полибийдир. У «Умумжаҳон тарихи» асарида милоддан аввалги 220–146 йиллардаги воқеаларни эллинлар (элладаликлар) нуқтаи назаридан тасвирлайди. Ушбу асар Ўртаер денгизи атрофидаги барча асосий давлатлар тарихини ўзаро боғлиқликда тасвирлаган биринчи асардир. Муаррих хулосасига кўра, ҳар бир давлат тирик вужуд каби табиат қонуниятига асосан ўсади, ривожланади ва инкирозга учрайди. Полибийда биринчи марта «прагматик (амалий) тарих» деган ибора учрайди. Асарнинг 2-қисмида воқеалар нима сабабдан, қандай мақсадда юз берга-

¹ Лурье С. Геродот. – М.-Л., 1947. – С. 142–151.

ни аниқланади, яъни муайян воқеалар келиб чиқиши сабабларининг кетма-кетлиги ва оқибатлари баён қилинади.

Фукидид ва Полибий асарлари антик, яъни қадимги давр тарихшунослигининг чўққиси ҳисобланади. Кейинги юнон муаррихларининг деярли барчаси улар изидан бордилар. Римликлар тарихшуносликда ва бошқа фанлар соҳасида, шунингдек, санъатда юнонларнинг шогирдларидир.

Илк туркий тарихчи, ёзувчи ва шоирлардан бири Турк хоқонлиги хоқони (734–739) Йўллуғ Тегин (VII аср охири – 739) эди. Отаси Билга хоқоннинг вафотидан сўнг ўзини Ижан хоқон деб атаган. Тан империясига (Хитой) 3 марта элчилар юборган. Унинг даврида давлатда барқарорлик ва тинчлик ҳукм сурган. Култегин (732), Билга хоқон битикларининг (735) муаллифи бўлган. Ушбу битиклар VIII асрда туркийлар маданияти ва ғоявий қарашлари ҳақида кўплаб маълумотлар ёритилган. Унда туркий халқларнинг дини, тарихий ва жуғрофий билимлари, жанг тактикаси ва ташкилий тизими тўғрисида хитой манбаларидан кўпроқ материаллар берилди¹.

Мусулмон тарихшунослиги бевосита шариат ва ислом ақидалари билан боғлиқдир. Мусулмон олимлари тарихий воқеаларни ислом ақидалари, Аллоҳнинг қудрати ва қазои тақдир билан боғлайдилар. Қуръони каримда айтилишича, инсон тирик экан, у Аллоҳнинг продаси билан иш кўради. Тарихчи эса жамиятда юз берадиган воқеаларнинг сабабларини шариат қоидалари билан уйғунлаштириши зарур эди. Чунки ҳар қандай мантиқий фикрлаш воқеаларнинг сабабини аниқлашни

¹ Гумилев Л. Н., Древние тюрки. – М., 1967. – С.224–230.

такозо этади. Муслмон тарихчилари бу мураккаб вазиятда ўзига хос йўл топдилар. Улар воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини баён этиб, бу сабаблар ҳам Аллоҳнинг иродаси эканини эътироф этдилар. Муслмон тарихчилари кўп ўринларда Куръон сура ва оятларига асосланадилар. Ислом таълимоти тарқалиши тарих фанининг сезиларли даражада ривожланишига таъсир кўрсатди. Ана шу даврда (VII асрдан бошлаб) араблар, форслар, туркий мутафаккирлар (Абу Абдулло Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850 й.), Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973–1048 й.), Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (839–923 й.), Ибн Халдун ва бошқалар) Шарқ тарихчилигига асос солдилар. Жумладан, муайян бир вақтдан бошлаб тарихни ҳисоблаб бориш ҳақидаги фан сифатида тарихни Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз асарининг биринчи, яъни «араб илмлари» қисмига киритган ҳамда унда исломгача бўлган ва исломдан кейинги давр тарихини, қисқача Эрон, Рум тарихини баён қилганда ўз даврининг анъанасига биноан подшоҳлар сулоласига алоҳида эътибор берган. Буни бўлим бобларининг номланишидан ҳам кўриш мумкин. Араб анъанасига кўра, бир исм билан бир неча ҳокимларни ўз ичига олган бир бутун сулола назарда тутилган. Масалан, Ҳорис ар-Роиш сулоласи 13 подшоҳдан иборат эди. Алоҳида боб Рум ва Юнон тарихига бағишланган. Бу боб Марказий Осиёда ўрта асрларда қадимги дунё тарихини чуқур ва яхши билганлигидан далолат беради. Бу фикрни охириги, тўққизинчи боб ҳам тасдиқлайди. Хусусан, унда ёзилишича, «Августъ Қайсар (Цезарь) – уни императорлар ичида биринчи бўлиб, Цезарь, яъни Қайсар деб аташган. Бу сўзнинг маъноси «кесиб олин-

ган», шундай дейишларига сабаб уни ўлган ҳомиладор онасининг қорнини ёриб чиқариб олганлар...»¹.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таснифининг ўзига хос хусусияти бу оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга ўтишдир. У қандай масалага ёндашса ҳам ўрта асрлар муаллифлари манбаларидан маълум бўлган хабарларни, сўнгра эса ўзи топган янги маълумотлар ва материалларни баён қилган.

Беруний «Осор ал-боқия ан алқурун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини Журжонда ёза бошлаган ва 1000-йилда тамомлаган. «Осор ал-боқия» Берунийга жуда катта шуҳрат келтирди, уни фаннинг ҳамма соҳасига қизиқувчи буюк олим эканини кўрсатди. Бундан ташқари, Беруний Журжонда астрономия, метрология тарихига оид 10 дан ортиқ асар ёзди.

Беруний «Осор ал-боқия ан алқурун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарида тарихни ўрганиш ва манбалардан фойдаланиш усули ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Қадимги халқларнинг ҳаёти, уларнинг урф-одатлари ҳақида ушбу халқлар ривоятлари ва аждодлар билимларига эга бўлишнинг энг яқин йўли турли диндаги ва таълимотдаги кишиларнинг ёзганларини тадқиқотга асос қилиб олишдир. Кейин далил сифатида келтирилган турли фикрлар қиёсий таҳлил қилинади. Аммо, аввало ўз қалбимизни ҳақиқатни билишга тўсиқ бўлувчи сабаблардан, яъни ўрганиб қолинган одатлар, майллар, рақобатчилик, ҳокимият учун курашдан халос қилишимиз лозим.... Мен таклиф қилаётган усул осон йўл эмас, аксинча, мураккаб ва машаққатли йўл, ривоятлар ва ҳикояларда

¹ Баҳодиров Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б.14–18.

бемаъни гаплар кўплигидан мақсадга эришиш мумкин эмасдек туюлади... Биз яқиндаги ривоятлардан узоқроқда бўлганига, маълумроғидан номаълумроғига ўтиб, имкон қадар уларни тўғрилаб, қолганини шундай қолдиришимиз лозим»¹. Берунийгача бўлган олимлар ҳам манбаларга танқидий қараш усулини қўллаган бўлсалар-да, унда бу усул тадқиқотнинг асосини ташкил қилди.

Ибн Халдуннинг² асосий тарихий-этнографик асари «Муқаддима»нинг «Кириш» қисми назарий аҳамиятга эгадир. Ибн Халдун фикрининг оригиналлиги унинг тарих предмети ва вазифасини тушунишида кўринади. Ибн Халдун тарихнинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатади. Ташқи томондан қараганда, тарих – ривоят, аждодлар ҳақидаги хабар бўлса, ички томондан қараганда, тарих бу – «ҳақиқатни тиклаш, борлиқнинг асоси ва бошини аниқлаш, воқеалар қандай ва нима сабабдан юз бергани ҳақидаги чуқур билим»³. Ибн Халдун кенг тарқалган биринчи фикрдан анча узоқ бўлиб, иккинчи нуқтаи назар тарафдори эди. Тарихнинг вазифаси барча ижтимоий воқеликлар моҳиятини аниқлашдан иборат бўлгани сабабли тарих фалсафий фанларга киритилиши керак, деб ҳисоблайди. Ибн

¹ *Беруний А.* Памятники минувших поколений (Перевод и примечания М.А.Салье) / Беруний А. Избранные произведения. Том 1. – Ташкент: Фан, 1957. – С.11–12.

² *Ибн Халдун* – тўлиқ исми Абу Зайд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Хадрами, (1332, Тунис – 1406, Қоҳира), араб мусулмон файласуфи, тарихчи, мутафаккир. Тунисда Куръон, ҳадис, ҳуқуқ, грамматикани ўрганadi, Фесда Абу Инон султонга хизмат қилади. Саройдаги фитналар туфайли Испанияга кетишга мажбур бўлди (1362) ва у ерда мантиқ бўйича трактат ва бир қанча шеърлар ёзади. 1382 йилдан у Қоҳирада яшай бошлайди, у ерда у кози бўлиб фаолият юритади.

³ *Халдун Ибн.* Введение // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX–XIV вв. – М., 1961. – С. 559.

Халдун нафақат тарихни фанга айлантиришга, балки тарих назариясини яратишга ҳаракат қилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур араб мутафаккирининг қарашлари Гегель ғояларига ўхшаб кетади. Шу билан бирга, тарих предметини талқин қилишда Ибн Халдун Вольтерга ва XVIII аср француз маърифатпарварларига яқин эди. Улар сингари тарихчи ахлоқнинг, оилавий ва қабилавий руҳнинг ижтимоий ҳолатини, аҳоли қатлами ўртасидаги фарқларни, бир халқни иккинчи халқдан ажратиб турадиган жиҳатларини ўрганиш ва тушунтириш билан машғул бўлиши лозим эди. XIV аср учун тарих предмети ва вазифасини бу тарзда талқин қилиш бутунлай янги концептуал фикр эди. Ибн Халдун: «Мен китоб ёзишда ҳали юрилмаган сўқмоқни ва ҳали аниқ бўлмаган йўлни танладим... Мен ижтимоий ҳаётнинг ва шаҳар турмушининг турли ҳолатини ҳамда шаҳар жамиятининг муҳим белгиларини тушунтирдим», – деб ёзади¹. «Бу фан, – деб тушунтиради Ибн Халдун, – ...ўзининг махсус объектига эга бўлиб, у цивилизация ва инсоният жамиятидир, бундан ташқари, у жамият моҳияти билан боғлиқ маълумотларни тушунтиришга хизмат қилади... Бизнинг фикримиз оригиналлиги билан, шунингдек, улкан фойда келтириши нуқтаи назаридан янги фанни очиб берди. Биз уни кашф қилдик»². Ибн Халдун «цивилизация» тушунчасини илмий муомалага киритган дастлабки олим бўлиши мумкин. У цивилизациянинг вужудга келиши ва мавжудлигини шаҳар билан боғлайди. Фарбий Европа адабиётида «цивилизация» тушунчаси XVIII

¹ *Халдун Ибн. Введение // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX–XIV вв.* – М., 1961. – С. 560.

² *Ратпопорт Х. Философия истории в ее главных течениях.* – СПб., 1898. – С.75.

аср ўрталарида вужудга келган (Тюрго, 1752; Мирабо, 1757; Фергюсон, 1759)¹. Европа мутафаккирлари ҳам цивилизацияни шаҳар маданияти феномени билан боғлаб кўрсатган. Ибн Халдун тарихий жараёнга цивилизация нуқтаи назаридан қараган ва шунинг учун тарихнинг вазифаси нафақат жамиятдаги авлодлар алмашинувини баён қилиш, балки турли халқларнинг цивилизация хусусиятларини тушунтиришдан иборат, деган фикрни илгари сурган.

Янги фаннинг хусусиятлари ҳақида гапирар экан, Ибн Халдун цивилизация тарихини тушунтириш жамиятдаги маълумотлардан келиб чиқади, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ўқувчи ўтмиш давр ва халқлар тарихи билан танишиб, «келажақда бўладиган воқеаларни олдиндан кўра олади»², тарихнинг фойдали жиҳати айнан шунда кўринади. Унинг нуқтаи назарича дунёдаги барча ҳолатларнинг сабаби мавжуд. Барча нарса маълум бир тартиб ва қонуниятга эгадир³. Дунё бир-бирига ўтиб турадиган мураккаб жисмлар – минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами, инсон кетма-кетлигидан иборат. Инсон – дунёнинг энг юқори даражаси бўлиб, у ҳайвонот оламидан қонуний равишда вужудга келган ва ундан юқори поғонани эгаллаган. Ибн Халдуннинг таъкидлашича, инсон ақл ва онгли фаолияти билан ажралиб туради. Унинг яшаш учун манба топишида меҳнат асосий ўрин тутишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ибн Халдун асалари ва чигиртка ҳам меҳнат қилиши, лекин улар фаолияти

¹ *Афанасьев Ю. Н.* Понятие «цивилизация» во французской историографии // *Цивилизация и исторический процесс.* – М., 1983.

² *Раппопорт Х.* Философия истории в ее главных течениях. – СПб., 1898. – С. 75.

³ *Халдун Ибн.* Введение // *Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX–XIV вв.* – М., 1961. – С. 568.

фикрлаш қобилиятига эга бўлмай «ҳисоботсиз истак» оқибатида рўй бераётганини кўрсатади¹. Инсон фаолияти эса онгли, аниқ бир мақсадга қаратилган, деган фикрни илгари суради. Фикрлаш қобилияти ва меҳнат қилиш қобилияти эвазига инсонлар ҳайвонот оламидан ажралиб туради, фан ва ҳунармандчилик вужудга келади. Ибн Халдун фикрига кўра, инсон ҳаётида турли фаолиятнинг роли турличадир. Инсон доимий равишда яшаш манбаига эҳтиёж сезади ва Аллоҳ уларни ишлаб топиш йўллари кўрсатади. Шунинг учун меҳнат фаолияти «зарурий ва табиий» бўлгани сабабли илмий билимлардан кўра муҳимроқдир. Муаллиф нима сабабдан ўз китобида яшаш манбаи ҳақидаги боб илм тўғрисидаги қисмдан олдин берилганини тушунтирган².

Мусулмон мамлакатларидаги халқларнинг турлитуманлиги ғояларнинг ҳам ғаройиб тарзда аралашиб, бирикиб кетишига олиб келди. Исломдан аввал туркий халқларнинг асосий эътиқоди шомонизм билан боғлиқ бўлиб, ҳатто, Бақтрия маркази Балх шаҳрида буддавийларнинг йирик диний қасри – эҳроми бор эди. Ўрта Осиёда яна зардуштийлар ва манихейлар – монийлар ёнма-ён яшар эдилар.

Араблар Ўрта Осиёга янги диний таълимот – ислом таълимоти билан бирга янги ёзувни ҳам олиб келдилар. Араб ёзуви аста-секин бутун Эрон ва Туронга ёйилиб, Аббосийлар ҳукмронлигининг иккинчи асрига (яъни X асрга) келиб, мураккаб ўрта форсий-пахлавий ёзувини сиқиб чиқарди. Мусулмонларнинг муқаддас ки-

¹ Халдун Ибн. Введение // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. – М., 1961. – С. 562.

² Халдун Ибн. Введение // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. – М., 1961. – С. 562-563.

тоби Куръони карим араб ёзувида битилгани, шунингдек, араб алифбоси нисбатан илғорлиги, товушларга асослангани, яъни ҳар бир фонема – товушга алоҳида белги-ҳарф борлиги ҳам катта таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, VIII асрдан XX асрнинг бошларига қадар бўлган Ўрта Осиё тарихи тарихшунослигига доир нодир қўлёзма асарлар мавжуд.

Йилномалар¹ ёзиш Шарқ мамлакатларида қадимдан мавжуд бўлган. Улар, одатда, тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси ёки гувоҳи бўлган қалам аҳли томонидан ёзилади.

Йилномалар муаллифи муаррих (тарихчи) деб номланган. VIII асрдан бошлаб ҳижрий йил ҳисоби тарихнинг бошланиши сифатида қабул қилинган. Ҳижрий йил 2 хил усулда ҳисобланади. Ой кунлари асосида ҳисобланса – «ҳижрий қамарий», куёш кунлари асосида ҳисобланса – «ҳижрий шамсий» номи билан юритилади. Қамарий йил 354 кун, шамсий йил 365 кундир. Баён қилинаётган воқеа қайси йилда содир бўлгани, яъни қамарий йил ёки шамсий йил экани йилномада таъкидланади.

Араб ва Эрон солномачилари араб ёзуви қабул қилинган вақтданок воқеаларнинг йилма-йил баёнини ёза бошлаганлар. XVII–XIX асрларда яратилган йилномаларнинг муаллифлари хукмрон доираларнинг фаолиятини, мақсад ва манфаатларини назарда тутиб иш кўрганлар. Тарихий ҳужжатларнинг моҳияти, сабаблари, одатда, илоҳий кучларга боғлаб изоҳланган. Йилномалар услуб жиҳатдан ҳар хил – баъзилари тантанавор, баъзилари соддароқ бўлади. Масалан, Бобурнинг «Бобурнома», Мирхонднинг «Равзат ус-

¹ Йилнома, солнома — тарихий асар.

сафо» («Софлик боғи»), Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима», Мунис Хоразмий ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул-икбол» асарлари йилноманинг энг яхши намуналаридир. Ўрта асрларда яратилган баъзи тарихий асарларда, жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон», Абу Бакр Наршахийнинг «Тарихи Бухоро», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Бобурнинг «Бобурнома», Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг «Тарихи Хоразм», «Шажарайи Хоразмшоҳий», Аҳмад Донишнинг «Бухоро амирлигининг таржимаи ҳоллари» ва бошқаларда муайян маълумотларни умумлаштиришга, факт ва тарихий жараёнлар баёнида таҳлилий ёндашувга бўлган ҳаракатлар кузатилади¹.

Абулғози Баҳодурхон етук тарихчи олим сифатида эътиборга сазовордир. Унинг «Шажарайи тарокима» ва «Шажарайи турк» асарлари Ўрта Осиё халқлари тарихига оид қимматли манбалардан ҳисобланади. «Шажарайи тарокима»да туркларнинг афсонавий подшоси Ўғузхон, унинг авлоди ва уларнинг замонида юз берган воқеалар қисқача баён этилиб, туркман уруғлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Иккинчи асар, асосан, Чингизхон ва унинг авлодлари, хусусан, Хоразмда 1512 йилдан ҳукмронлик қилган Шайбонийлар ҳақидадир. Абулғозихоннинг бу асарлари рус, француз, немис тилларига таржима қилиниб чоп этилган².

«Жомеъ ут-таворих» (Солномалар мажмуаси) қомусий олим Рашиддин Фазлуллоҳ ибн Имомуддав-

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 4. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.350.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.398.

ла Абулхайр томонидан 1302–1311 йилларда ёзилган бўлиб, у уч қисмдан иборат. Биринчи қисм («Тарихи Ғозий»)да турк-мўғул халқларининг Чингизхонгача бўлган тарихи, Чингизхон тузган йирик феодал давлат, Чингизхоннинг юришлари, унга қарам бўлган мамлакатлар тарихи, XII–XIII асрларда Шимолий-Шарқий Осиёда кўчиб юрган турк ва мўғул қабилаларининг келиб чиқиши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни кенг шарҳланиб, Ғозонхон (1295–1304) ўтказган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар батафсил ёритилган. Асарнинг иккинчи қисми Султон Ўлжойтухон (1304–1317) топшириғи билан элхонийлар саройида истиқомат қилиб турган чет эллик олимлар (кашмирлик бахши Камалашри, хитойлик Ли Да-чжи, франциялик бир монах, иккита форс олими ва ҳ. к.) иштирокида ёзилган. Асарда мўғул истилошига қадар мусулмон оламининг тарихи, шунингдек, яҳудийлар, Европа, Византия, Рим, Хитой ва Ҳиндистон тарихи баён этилган. Учинчи қисм жўғрофий асар бўлиб, «Етти иқлим», яъни оламнинг инсон истиқомат қилиб турган тўртдан бир қисми тавсифига бағишланган. Бу қисм бизгача етиб келмаган¹.

Рашиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асари Шарк ва Ғарб олимлари эътиборини кўпдан бери жалб этиб келяпти. XV асрда Эроннинг йирик тарихчиларидан бири «Жомеъ ут-таворих»нинг давомини ёзиб, Эрон тарихини 1371 йилгача давом эттирган. Ҳофизи Абрунинг бу асари «Зайли жомеъ ут-таворих» («Жомеъ ут-таворих»га қўшимча») номи билан машхур².

Ўрта асрларда Европа тарихчилари орасида христиан дини ғоялари ҳукмронлик қилди. XVIII асрда

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.417.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.417.

Европа маърифатпарварлари – Вольтер, Монтеस्कье, Гольбах, Руссо ва бошқалар – тарих қонуниятлари ҳақидаги масалани кўтариб чиқишди.

XVIII ва XIX асрлар чегарасида тарих билим соҳаси сифатида фанга айлана бошлади. Кейинчалик Гегель тарихда эркинлик ва зарурият муаммосини кўтариб чиқди. К.Маркс тарихнинг материалистик концепциясини яратди. XVIII ва XIX асрларда тарихнинг ривожланишига В.Н. Татишев, Н.М. Карамзин, С.М. Соловьев, Н.И. Костомаров, В.О. Ключевский ва бошқалар катта ҳисса қўшган.

XX аср бошларида Туркистон тараққийпарварларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий тарихнинг миллат тарбиясидаги катта аҳамиятини англаган ҳолда уни ўрганиш зарурияти ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқуб мундан ҳам истифода этмак мумкиндур. Шунинг учун бизнинг ўз шевамизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволига доир «Туркистон тарихи» бор бўлгонда, они кўз олдимизда қўюб, бурунғи қахрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хейли ибрат олар эдук. Ўшандоқ ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларга бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиоли даруний хис эдук, юзларимиз қизарар эди. Ҳоло, биз туркистонийлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон

воқеоти тарихиясидан бутун ғофил ва беҳабардурмиз. Чунки ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилгон, тартибли ва истифодали мукаммал бир асар вужудга келган йўқ. Тўғриси, мундай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан ҳануз майдонга чиқгон йўқки, бу эса турк болаларининг ноҳалаф бўлуб, чин ўгул эмасликларига далилдур»¹.

XX аср бошларида Туркистон тараққийпарварларидан бири Рауф Музаффарзода тарих фанининг аҳамияти ҳақида куйидагиларни таъкидлаган эди: «... Ҳозирда бизим миллий тарихимиз Туркистон вилоятида асрлардан бери тирикчилик қилиб келган турк қавмининг ҳар турли аҳволдан иборатдир. Энди бизга ҳам ўзимизнинг боболаримизни халқимизга танитмак ва мактабларимизда миллий тарих дарслари ўқитмак замони келди. Бунинг учун албатта, яқинда бир миллий тарих ёзмак лозим эди»². У миллий тарихни ёзиш учун мутахассис тарихчилар бўлмагани сабабли Туркистон шаҳарларида 3–4 нафар зиёлидан иборат ҳайъат ташкил этишни, йиғилган маълумот ва материалларни миллий газеталарда бериб бориш, сўнгра уларни тўплаган ҳолда чоп этиш орқали «асосли бўлгон бир тарих» вужудга келтириш таклифи билан чиқади»³.

Мухтор Бакирнинг 1918 йилда чоп этилган тарих ва география фанига оид совет давридаги дастлабки маҳаллий тилдаги «Туркистон қитъаси (Тарихий ва жўхрофий жиҳатдан)» номли дарслик эди. Ушбу дарслик араб алифбосида тошбосма кўринишида

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. «Туркистон тарихи» керак // Ойна. – 1914. – №38. – Б. 898–900.

² Музаффарзода Р. Маданий жараёнлар ва миллий тарихимиз // Садои Туркистон. – 1914. – 9 сентябрь.

³ Ўша жойда.

бўлиб, мактаблар, шунингдек, муаллимлар курсида ўқитилиши учун мўлжалланган эди. Муаллиф томонидан рус ва туркий тиллардаги тадқиқотлар, даврий матбуот материалларига таянган ҳолда Туркистоннинг ҳар бир вилояти аҳолисининг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёти ёритилган. Дарсликда қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, унда баъзи масалаларга синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилган¹.

Туркистон тараққийпарварларидан бири Исҳоқхон Ибрат тарихий асарлар, жумладан, «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият» ва «Мезон ул-замон» асарларини ёзди. Ибрат бу асарларни яратишда Европа ва Россия шарқшуносларининг асарларидан, Шарқ тарихчиларининг тадқиқотларидан, 100 дан ортиқ тарихий манбалардан фойдаланди. Ибрат тарихий асар ёзишдан мақсадини қуйидагича ифодалайди: «Тарихни ислом муаррихлари аксарият ила ҳамма тарихлари умарои бўлиб, жўхрофий, маданий ёки санойй бўлмай, фақат у хонларнинг урушлари бирла адо қиладурлар. Бинобарин, мен бу тарихимда муболағага ошуруб, мақтаб ва ақлнинг косасига сиқмайдурган сўзларни олмай, баъзи хурофий сўзларни ёзмай, тўғри ва ақл косасига сиғадурган сўзларни олдим ва ажнабий тарихлардан кўпроқ ёздим.... Бу «Тарихи Фарғона»ни ёзмоқдин мақсад изҳори ҳунар ёки мусанниф қаторига кирмак ёки таъмини тириклик йўлидан бўлмай, балки бани башарнинг тириклик қилиш, саноат ва зироатлари, маданият ва бадавиятларини халқларга кўрсатмак, биздан кейин келадурганлар ўтганларнинг турмуш ва қилмуш ва билмуш ишларидан ибрат олсун. Ўз замони билан ўтган замонни торозу қилиб, вазини билсун учун ва

¹ *Мадярова С.* Туркистон ўтмиши ва келажаги Мухтор Бакир асарларида / История и истории Узбекистана XX века. – Ташкент, 2014. – Б.49–51.

ҳам илми тарих бир илми таърифдур»¹.

Машхур олим Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг тарихий қарашлари 1950 йилда Истанбулда чоп этилган «Тарихий тадқиқотлар методологияси» китобида ўз аксини топган. Мазкур китобда у турли тарихий қарашлар ва усулларни тадқиқ этган ҳолда ўз қарашларини ҳам баён қилади. Бу китобида келтирилган фикрларини бошқа китобларида ривожлантиради. Валидий Тўғон баён қилиш, амалий, генетик (сабаб-оқибат) ва ижтимоий каби тўрт хил тарихий тадқиқотлар усулларини кўрсатиб ўтади ҳамда ўзи сабаб-оқибат усулига амал қилади. Ушбу масалада у немис олими Э.Бернхайм тадқиқотларини намуна сифатида кўрсатади. У тарих фани инсонлар томонидан амалга оширилган жараёнларни тадқиқ этади ва баён қилади, деб таъкидлайди. Фикрининг давоми сифатида бу жараён бўшлиқда эмас, балки маълум бир вақт ва маконда рўй беришини қайд этади. Энг асосийси воқеликлар ва жараёнларга таъсир кўрсатувчи маънавий ва моддий омиллар мавжуд бўлиб, бу омиллар ва воқеалар орасида сабаб ва оқибат боғлиқлиги мавжудлигини алоҳида таъкидлайди.

Валидий Тўғон «тарихни инсонпарварлик нуқтаи назаридан интерпретация» қилиш тарафдори эди. У тарихни диний нуқтаи назардан ўрганишни, яъни ҳамма воқеаларни «тақдир» билан қабул қилиш тарафдори бўлмагани билан бир вақтда барча тарихий воқеаларни фақат моддийлик билан боғловчи материалистик интерпретацияни ҳам инкор этган. У тарихий воқеаларга иқтисодий ва табиий омиллар катта таъсир ўтказишини эътироф этган ҳолда маънавий

¹ Ибрат. Сиддикий-Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.20.

омиллар ҳам муҳим ўрин тутишини айтади. Тарихий тадқиқотларда энг тўғри йўл барча масалаларга ҳаққоний ёндашиш ва қайси воқеаларга қандай омиллар катта таъсир кўрсатганини аниқлашга ҳаракат қилишдан иборатдир¹.

Аҳмад Закий Валидий Тўғон тарихий тадқиқотларда манбаларнинг ўрни муҳимлигини эътироф этади. Тадқиқотчи ҳужжатнинг ҳақиқийлигини ва унинг илмий қийматини белгилагандан сўнг ундан манба сифатида фойдаланиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди. У манбаларни ташқи ва ички танқидга ажратади. Манбанинг ташқи танқидий таҳлилида манба ҳақиқийлиги ёки қалбакилиги аниқланади. Агар манбанинг муаллифи ва санаси ноаниқ бўлса, уни ҳам аниқлаш лозим. Агар бир неча нусхадаги кўлёзма бўлса, унинг вариантларини таққослаган ҳолда «танқидий текширилган» варианты аниқланади. Ички танқидий таҳлилда манбанинг илмий қиймати ва унинг даражаси белгиланади. Тўғон қуйидагиларни ёзади: «Судда судья кўрилаётган ишда ҳақиқатни аниқлаш учун турли гувоҳларнинг кўрсатмаларини таққослаган ҳолда барча ҳолатларни назорат қилади ва шу асосда ҳукм чиқаради. Тарихчи ҳам шу усулда турли манбаларнинг маълумотлари ўрганиб, шундан кейингина хулосалар чиқариши лозим»².

Тарихий асар яратишдан олдин манбалар аниқланиб, уларни танқидий таҳлил қилиниб, сўнгра та-

¹ Аҳмет Бижан Эрджиласун. *Методология истории Заки Валиди Тогана / Заки Валиди как политик и ученый-востоковед.* – Уфа, 2010. – С.95–105.

² Аҳмет Бижан Эрджиласун. *Методология истории Заки Валиди Тогана / Заки Валиди как политик и ученый-востоковед.* – Уфа, 2010. – С.95–105.

рихчи томонидан интерпретация ва синтез қилинади. Ўрганилаётган мавзу бўйича барча манбалар аниқланиши билан бирга муаммога доир тадқиқотлардан ҳам фойдаланиш лозим. Аҳмад Закий Валидий Тўғон асосий манбалар тилидан ташқари учта Европа тилларини (инглиз, немис ва француз) билган. Закий Валидий рус, араб, форс, туркий тилларда манбалар ўқиган, шунингдек, Хитой ва қадимги юнон тилидаги манбалардан Европа тилларидаги тадқиқотлар орқали танишган. Шунинг учун ҳам у нафақат Туркий халқлар тарихи, балки жаҳон тарихи билан ҳам яхши таниш бўлган.

XX асрда тарих жамият тўғрисидаги нисбатан «ёш» фан – социология билан боғлиқ ҳолда фаолият юрита бошлади. Тарих фани ривожига катта ҳисса қўшган машҳур социологлар Макс Вебер ва П.А. Сорокинлар эди.

XX асрда Европадаги машҳур тарихчилар қаторига М.Блок, Л.Февр, Ф.Бродель, А.Тойнби каби тарихчиларни киритиш мумкин. М.Блок ва Л.Феврлар тарихга ва тарихчилик касбига янги ёндашувларни жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий жабҳаларини тадқиқ этиш ўртасидаги узилишни йўқотишга қаратилган тарихий синтез усулидан фойдаланишни таклиф этдилар¹. Тарихий тадқиқотлар марказига инсон, унинг тасаввурлари, кўркувлари, умидлари, қабул қилиш стереотиплари ва ўзини тутиш модели қўйила бошлади.

Янги ёндашувнинг яна бир муҳим жиҳати баён қилишдан воз кечиб, муаммолар қўйиш ва фаразлар

¹ *Февр Л.* Бои за историю. – М., 1991. – С. 25–27; Блок М. Апология истории или ремесло историка. – М., 1986. – С. 82–88; Гуревич А.Я. Исторический синтез и Школа «Анналов». – М., 1993. – С. 15–25.

ишлаб чиқишга, тадқиқот объектига муносабатни ўзгартиришга қаратилган. Ўтмишда яшаган инсонларни ўрганиш асносида тарихчилар улар билан диалогга киришади, тарихий тадқиқотга уларнинг қадриятлари ва тафаккурининг бошқа жиҳатлари билан бирга тарихчининг қадриятларини ҳам жалб қилади¹. Мазкур диалогда тарихчига фаол роль берилади, унинг билиш имкониятлари, ижодий жасорати юқори баҳоланади.

Француз тарихчилари М.Блок ва Л.Февр антропологияга йўналтирилган тарих фанидаги муаммоларни ишлаб чиқди, уларнинг тарих фани ривожланишига қўшган ҳиссаси «Коперник инқилоби» каби баҳоланади².

«Янги тарих фани» вакиллари нафақат махсус тарихий тадқиқот усулларида фойдаланишган, балки тадқиқотларида бошқа ижтимоий гуманитар фанларнинг тадқиқот усуллари ҳам қўллашган, яъни фанлараро ёндашувдан фойдаланишган. Бу борада Л. Февр ёзишича, «Тарих матнлардан фойдаланиши кундай равшан. Лекин улар нафақат матндан, балки келиб чиқиши турлича бўлган ҳар хил манбалардан фойдаланади. Аввалдан қўлланиб келинган манбалардан ташқари, янги фанлар ривожланиши, айниқса, статистика, демография, лингвистика, психология каби фанлар манбаларидан ҳам фойдаланади. Тарих фани яқкалик ва ўзи билан чегараланишдан воз кечиш учун биридан узоқ ҳамда яқин фанлар орасида алоқанинг янги шакллари доимий равишда ўрнатиши, турли

¹ Гуревич А.Я. Исторический синтез и Школа «Анналов». – С.15. Ўша муаллиф. О кризисе современной исторической науки. – С. 30–31.

² Гуревич А.Я. О кризисе современной исторической науки // Вопросы истории. – 1991. – № 2–3. – С. 30.

фанларнинг эътиборини бир хил объектда жамлаши тезкорлик билан қилинадиган ва ўз самарасини берадиган вазифадир. Гап фақат тушунчаларни ўзлаштириш ҳақида кетмайди. Биринчи навбатда тадқиқот усуллари ва руҳини ўзлаштириш лозим»¹.

«Анналлар мактаби» асосчилари М. Блок ва Л. Феврнинг эски, воқеавий тарих, айниқса, сиёсий ва дипломатия тарихи тарафдорлари билан тортишувида ХХ асрнинг 50-йилларида Ғарб тарихшунослигида «янги тарих» – «узок муддатлилик» тизими тарихи, иқтисодий ва ижтимоий тарих энгиб чиқди. Тарих фанида «оммавий тарих» концепцияси қарор топди, А.Я. Гуревич таъбири билан айтганда, тарихий ҳаётнинг турли даражалари тўғрисида яққол тасаввур қилиш имконини берди². «Оммавий тарих» тушунчаси антрополог Марсель Мосс (1872–1950; «Тана техникаси», «Қобилият ҳақида лавҳалар» асарлари) илгари сурган «оммавий ижтимоий факт» назарияси билан боғлиқ бўлиб, унда инсоннинг жамиятдаги фаолиятининг турли жиҳатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги алоҳида таъкидланади. «Ижтимоий оммавий тизим»лар тўғрисида ёзган француз социологи Жорж Гурвичнинг ғоялари Ф.Броделнинг қарашларига жиддий таъсир кўрсатди³. Айнан Л.Февр ўлимидан сўнг 1956 йилда журнални бошқарган «Анналлар» мактабининг иккинчи авлоди вакили Ф.Бродель ижодида тизимлар тарихини ёритишга алоҳида эътибор берилди. Б.Г. Могильницкийнинг баҳосига кўра, узок

¹ Февр Л. Суд совести истории и историка / Февр Л. Бои за историю. – С. 20.

² Гуревич А.Я. Исторический синтез и школа «Анналов». – М: Индрик, 1993. – С. 65.

³ Гуревич А.Я. Исторический синтез и школа «Анналов». – С. 65.

даврий чегарани ўз ичига олган ва тарихни бир бутунликда ўрганишни асослаб ёзилган «Моддий цивилизация, иқтисод ва капитализм, XV–XVIII асрлар» фундаментал асарини яратган Ф. Бродель бу юз йилликда инсоният оммавий тарихини яратган муаллиф сифатида XX аср тарихий тафаккури тарихига кирди¹. Ушбу асар ўзида фанлараро ғояни мужассамлаштирган ва муаллифнинг «фақат тарих фани инсон ҳақидаги барча фанларни бирлаштириш имкониятига эга, у бошқа фанлар тушунчаларини боғлай олади, фанлараро ижтимоий фан бўла олади»².

Ф.Бродель ва унинг тарафдорлари қизиқишлари, асосан, «катта тарихий давр»да иқтисодий муносабатларни, ўтмишнинг моддий ҳаёти, кундалик ҳаёт реконструкциясига қаратилган»³. Инсонлар менталитети, фикрлаш услублари ва уларнинг идрок қилиши иккинчи даражага тушиб қолган. 1960-йиллар бошида «Анналар» мактабининг учинчи авлоди вакиллари Р. Мандру ва Ж. Дюби тарихга «тирик» инсонни қайтариш тарафдори бўлиб чиқади ҳамда тарихнинг эгасиз қолишига қарши чиқади, уларни ёш тарихчилар гуруҳи – Ж. Ле Гофф, А. Бюргер, М. Ферро ва

¹ *Могильницкий Б.Г.* «Тотальная история» Фернана Броделя как опыт слияния макро- и микроподходов в историческом исследовании // Социальная история. Ежегодник. – 2001/2002. – М., 2004. – С. 38.

² *Бродель Ф.* Материальная цивилизация, экономика и капитализм. XV–XVIII вв. – М., 1986. Т.1. – С. 30.

³ Ф.Бродель ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини учта структурага ажратади: узоқ муддатли (жамиyat ва табиатнинг ўзаро муносабатларини акс эттирувчи моддий цивилизация, фикрлаш ва ҳаракат қилиш), ўртача муддатли (иқтисодий ва ижтимоий воқелик), воқеавий тарих, сиёсий ва дипломатия тарихи. Қ.: Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм. XV–XVIII вв. Т.1. – С. 18.

бошқалар кўллаб-қувватлайди. Ф. Броделнинг ёндашуви мавҳумлиги, қолипларга солиб тасвирлангани ва «инсон йўқотилгани» сабабли танқид остига олинади¹.

Саволлар:

1. Тарихнинг объекти ва предмети нима?
2. Тарих фанининг мақсад ва вазифалари қандай?
3. Тарих назарияси ва методологиясини ишлаб чиққан тарихчи олимлар ҳақида маълумот беринг.
4. XX аср тарих фанининг ривожланиши ҳақида сўзлаб беринг.
5. XX аср тарих фанининг ривожланиши ва янги назариянинг шаклланишига ҳисса қўшган Ғарб олимларининг қарашларига нисбатан муносабатингиз?

¹ *Могильницкий Б.Г.* «Тотальная история» Фернана Броделя как опыт слияния макро- и микроподходов в историческом исследовании // Социальная история. Ежегодник. – 2001/2002. – М., 2004. – С. 37–44.

I БОБ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ: МАХСУС УСУЛЛАР ВА ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВ

1.1. Илмий тадқиқот усуллари ва уларнинг таснифи

Мақсад: Илмий билишнинг умумий усуллари, илмий тадқиқотнинг айрим усуллари: кузатиш, аналогия, моделлаштириш, анализ, синтез, ўлчов, таққослаш, эксперимент ва абстрактлаштириш хусусида маълумот бериш.

Таянч сўз ва иборалар: Эмпирик тадқиқот усуллари, назарий тадқиқот усуллари, илмий билиш, режа, дастур, таҳлил, синтез, дедукция, индукция, тарихий метод, кузатиш, ўлчаш, қиёслаш, эксперимент, формаллаштириш, моделлаштириш, аксиоматик усул, абстракциялаш усули, умумлаштириш усули.

Илмий билишнинг умумий усуллари

Тадқиқот мувафаққиятли чиқиши учун усулларни тўғри танлаш лозим. Илмий билиш усуллари умумий ва махсус усулларга бўлинади.

Фанларнинг махсус муаммоларини ечиш учун махсус усулларни қўллаш талаб этилади. Махсус усуллардан ташқари фаннинг ҳамма соҳаларида бутун тадқиқот давомида ишлатиладиган умумий усуллар ҳам мавжуд.

Илмий билишнинг умумий усуллари 3 гуруҳга бўлинади:

1) эмпирик тадқиқот усуллари (кузатиш, таққослаш, ўлчов, эксперимент);

2) эмпирик ва назарий тадқиқотларда қўлланадиган усуллар (абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, моделлаштириш ва б.);

3) назарий тадқиқотларда қўлланадиган усуллар (абстрактликдан аниқликка ва б.).

Фанлараро тадқиқотларнинг методологик асосини ижтимоий-гуманитар фанлар объектининг умумийлиги ташкил этади, уларнинг предметлари эса турличадир. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг объекти инсон бўлиб, инсон ҳаётининг барча жиҳатлари ўрганилади. Шу билан биргаликда, тадқиқот усуллари турлича эканлиги ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар предметининг ўзига хос хусусиятини ташкил этади. Тадқиқотчилар бу масалани турлича ёритади. Масалан, Т.Шидер таъкидлашича, илмий таҳлил учун зарур бўлган маълумотларни аниқлаш учун инсонларни жалб қилишнинг барча шакллари ижтимоий фанлар усулларига киради. Бу интервью, сўровнома, ижтимоий жараёнларни кузатишнинг барча турлари... Тарихчи «иккиламчи таҳлил» билан шуғулланади, чунки у ишлатаётган барча маълумотлар олдинги воқеалар «қолдиғи» ҳисобланади¹. Т.Пападопулос қайд этишича, тарих диахрон таҳлил синтез ва тарихий жараёнларни тушунтириш, ижтимоий фанлар эса синхрон таҳлил, анализ, функционал ва вақтга тааллуқли бўлмаган муносабатлар таҳлили усулидан фойдаланади².

¹ Шидер Т. Различия между историческим методом и методом социальных наук. – М., 1970. – С. 6–7.

² Пападопулос Т. Метод социальных наук в исторических исследованиях. – М., 1970. – С. 8, 15.

Шу сабабли янги ва энг янги даврда тарихий билим бошқа ижтимоий фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланди. Бунинг асосий сабаби «руҳ» ва жамият ҳақидаги фанларнинг ихтисослашиши билан боғлиқ эди. XIX асрда ва XIX–XX аср чегарасида бир қатор мустақил фанлар (социология, психология, жумладан, тарихий ва ижтимоий психология, антропология) вужудга келди, улар жамиятни, кишилар гуруҳини ва инсонларни махсус ёндашув ҳамда усулларни қўллаган ҳолда ўргана олишини исботлаб берди. Мазкур фанлар тадқиқотларининг натижалари тарихчиларга кишиларнинг ижтимоий, этник жамоалар аъзолари, маълум бир психология ва тасаввурларнинг ифодаловчиси сифатида чуқурроқ ўрганиш имкониятини туғдирди. И.М. Савельева ва А.В. Полетаевларнинг таъкидлашича, «Ижтимоий ва гуманитар фанлар билан доимий ва давомли алоқалар тарих фани учун ёпиқ бўлган зоналарга кириб бориш, янги усуллардан фойдаланиш, тарихий материал билан тажриба ўтказиш имконини кенгайтди. Бундай синтез натижасида тарих фани ўз даврига муносиб равишда даврининг асосий илмий парадигмаларини акс эттиради»¹. Бундай фанлараро парадигмалар сифатида структурализм, постструктурализм, постмодернизм ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

Бу жараёнлар кўрсатадики, билиш бу – жараён бўлиб, фан тараққиётининг ҳар бир босқичи ўзига хос рационаллик, ўзига хос ёндашув ва дунёни ҳис этиш билан тавсифланади, улар эса дунёнинг кўп қиррали ҳамда кўп функциялилигини яхлитликда англашга им-

¹ Савельева И. М., Полетаев А. В. История и время. В поисках утраченного. – М., 1997. – С. 97.

кон яратади¹. Демак, инсоннинг оламдаги ижтимоий, маданий, ментал объектларга тобора чуқурроқ кириб бориши янги билиш жараёнида янги методология, янги илмий усул ва услубларга эҳтиёжни юзага келтиради. Шунингдек, илмий тадқиқот объектларининг мураккаблашуви, уларни турли фанлар ҳамкорлигида тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Агар фанлараро ёндашувнинг тарих фанидаги ривожланиш тарихига назар солсак, бунда Анналлар мактабининг хизмати каттадир. Мазкур мактаб доирасида фанлараро диалог амалиёти фаол равишда ривожланди. Аммо XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фанлараро ҳамкорлик микёси ва «ҳамкор» фанлар танлови ўзгаради². М.Кром таъкидлашича, XX аср ўрталаригача фақат алоҳида бир тарихчилар «полидисциплинар» ёндашувни қўллаган бўлса, урушдан кейинги даврда бундай ёндашув оммавий характерга эга бўлди, аста-секин жиддий тарихий тадқиқотларнинг «қоида»сига (парадигма) айланди. Бундан ташқари, XX асрнинг биринчи ярмида тарихчилар география, социология, иқтисодиёт, психология фанларининг ютуқлари ва усулларидан фойдаланган бўлса, XX асрнинг 60-80-йилларида фанлараро ҳамкорликда антропология, демография ва лингвистикага устунлик берилди³.

Шундай қилиб, бир қатор сабабларга кўра замонавий тарихшуносликда тадқиқот усуллари муаммоси янада долзарблик касб этади:

¹ *Абдуллаева М.Н.* Миллий ғоянинг илмий фалсафий асослари. Монография. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2011. – С.67.

² *Кром М.М.* Историческая антропология. Пособие к лекционному курсу. – СПб., 2000. – С. 7.

³ *Кром М.М.* Историческая антропология. Пособие к лекционному курсу. – СПб., 2000. – С. 7.

Тарих фани анъанавий тадқиқот «майдон»ларини кенгайтириш, тарихий жараёнларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги;

Турли фанлар ва улар қўллайдиган усуллар ўртасида чегараларнинг йўқолиб бориши;

Гуманитар фанлар ривожланишида «лингвистик бурилиш» ва унинг тарихий манбалар рамзий маънога эга эканини кўрсатиши, «шифрланган ёзув»лар мазмунини англаш учун замонавий усуллардан, аввало, семиотика ва лингвистикадан фойдаланиш эҳтиёжи;

Тарихий-антропологик тадқиқотлар объекти мураккаблиги ўтмиш кишисининг онги билан суғорилган, ҳар қандай тарихий воқеликнинг «қўп қатламли» эканлиги бир қатор гуманитар, ижтимоий ва табиий фанлар методологик ёндашувида синтезни, фанлараро усулларни қўллашни талаб қилиши;

Ўзаро яқин ижтимоий ва гуманитар фанлар, шунингдек, табиий фанлар нафақат ўтмишни тарихий талқин қилиш йўлларига, балки унинг воситаларига, аввало, илмий усулларига катта таъсир кўрсатади.

Уларни қўллашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

Тарихий тадқиқотларда қўлланадиган ёндашувлар ва усулларни танлаш ХХІ аср бошларида шаклланган замонавий интеллектуал шароит талабларига ва билимлар янги парадигмасига жавоб бериши керак;

Мазкур концепциялар, хулосалар ва усуллар назарий ҳамда эпистемологик жиҳатдан бир-бирига зид бўлмаслиги лозим; шу билан бирга, улар тадқиқот объектини турли нуқтаи назардан, турли томонлардан ўрганиш имкониятини бериши зарур;

Тарихий-антропологик тадқиқотлар кенг камровли ва турли манбавий асосга эга бўлиши керак;

Тарихий тадқиқотларга ўзаро яқин фанлар усулларини «тўғридан-тўғри» кўчирмасдан, уларни қўллашда ижодий ёндашиш зарур, тарихий тадқиқотнинг мақсади ва мантиқига мос келиши лозим.

Шундай қилиб, ҳар бир аниқ ҳолатда тарихчи ўз тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ва гуманитар фанлардан қайси концепция, атама ва усулларни олишини аниқлаб олиши керак. «Фан ривожининг тадқиқи шуни кўрсатадики, фаннинг ҳар бир даври учун ўзига хос услуб, ёндашув, назариялар шаклланади. Фан ривожини билан инсониятнинг объектив дунё тўғрисидаги тушунчалари, билимлари бойийди. Дунё манзараси ҳам, ёндашув парадигмаси ҳам ўзгаради»¹. Шунингдек, тарихчи тадқиқот усулларини танлашда тадқиқот учун фойдаланаётган манбаларнинг хусусиятларини инобатга олиши керак.

Илмий тадқиқотнинг айрим усуллари: кузатиш, аналогия, моделлаштириш, анализ, синтез, ўлчов, таққослаш

Кузатиш инсон ҳиссий органлари орқали фаол билиш жараёнидир. Кузатиш назарий ва амалий ҳаракатлар асоси бўлиб хизмат қилиши учун предмет ва воқеаларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериши зарур.

Билишнинг самарали усули бўлиши учун кузатиш бир нечта талабга жавоб бериши лозим: 1) режали; 2) йўналтирилган; 3) фаол; 4) тизимли.

Ижтимоий-гуманитар фанларда кузатиш натижалари кўп жиҳатдан кузатувчининг шахсига, унинг билим

¹ Абдуллаева М.Н. Мураккаб тизимлар эпистемологияси // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. – №1/2. – Б. 65.

кўникмалари, ҳаётий қарашларига ва бошқа субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Мазкур фанларда оддий (одагдаги) кузатиш (фактлар ва ҳодисалар четдан туриб қайд этилади) ва иштирокчиликка асосланган (ичдан туриб) кузатиш (бунда тадқиқотчи маълум ижтимоий муҳитга кўшилади, унга мослашади ва ҳодисаларни «ичдан» таҳлил қилади) фарқланади. Психологияда кузатишнинг ўз-ўзини кузатиш (интроспекция) ва эмпатия (бошқа одамларнинг руҳий кечинмаларига кириб бориш, уларнинг ички дунёси – сезгилари, фикрлари, хоҳиш-истакларини тушунишга интилиш ва ҳ.к.) фарқланади¹.

Ижтимоий экспериментлар тобора ривожланмоқда, улар ижтимоий ташкил этиш ва жамиятни бошқаришни оқилонлаштиришнинг янги шакллари амалиётга татбиқ этишга кўмаклашмоқда. Инсонларнинг маълум гуруҳи экспериментнинг бевосита иштирокчиларидан бири бўлиб, уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашишга тўғри келади, тадқиқотчи эса ўзи ўрганаётган вазиятга бевосита кўшилади.

Ижтимоий экспериментлар тадқиқотчидан ахлоқий ва юридик норма ҳамда тамойилларга қатъий риоя этишни талаб қилади. Бу ерда (тиббиётда бўлгани сингари) «зиён етказма!» тамойили муҳим аҳамиятга эга. «Инсоннинг ички дунёсига кириш қуроли бўлиб хизмат қилиш» (В.В. Ильин) ижтимоий экспериментларнинг асосий хусусиятидир.

Таққослаш – билишнинг кенг тарқалган усулларидан биридир. «Ҳамма нарса таққослаш орқали билинади», деб бежиз айтилмайди. Таққослаш предмет

¹ Лукашевич В.К. Основы методологии научных исследований. – Минск: Элайда, 2001. – С.46–48.

ва воқеаларнинг ўхшаш жиҳатлари ва фарқларини аниқлаш имконини беради. Таққослаш натижасида икки ва ундан ортиқ объектга хос умумийлик ёки улар ўртасидаги фарқлар аниқланади. Воқеликларда так-рорланадиган умумийликни аниқлаш қонуниятларни билиш йўлидаги босқич ҳисобланади.

Таққослаш самарали бўлиши учун 2 та асосий талабга жавоб бериши лозим: 1) ўртасида умумийлик мавжуд бўлган воқеликлар таққосланиши лозим; 2) объектларни ўрганиш учун муҳим, асосий жиҳатлари таққосланиши лозим.

Шундай қилиб, бунда маълум даврда маълум ҳудудларда ёки ҳудудда бир-бирига ўхшаш ёхуд яқин воқеа ёки жараёнлар бир-бири билан солиштирилади. Масалан, ўрта асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида мавжуд бўлган солиқ тизимини объект сифатида танлаб олганимизда қўл келиши мумкин. Мазкур мавзу тадқиқ этилганда ушбу хонликларда солиқ сиёсати, солиқ йиғиш механизми, солиқ идоралари, солиқ ҳажми ва унга аҳолининг муносабати каби масалаларни таққослаб ўрганиш мумкин. Бундан ташқари, мавзулар маълум бир даврдаги ўзгаришларни таққослаган ҳолда ҳам тадқиқ этилади. Масалан, юқорида тилга олинган масалалар хонликлар даврида ва ундан кейинги даврда қандай ўзгаришларга учраганини таққослаб ўрганиш масалани ойдинлаштиришда муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, маълумотларни таққослаш асосий натижа сифатида кўриниши мумкин. Аммо бирламчи маълумотни олиш таққослашнинг асосий мақсади бўлиб хизмат қилмайди. Мақсад бирламчи манбаларни қайта ишлаш натижасида маълумот олиш ҳисобланади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бир-

ламчи маълумотларни таққослаш орқали ҳаққонийроқ тарихий маълумотларни билиш ҳисобланади. Жумладан, турли тарихий даврлар тарихини ўрганишда бир неча гуруҳ манбаларидаги маълумотларни тадқиқотга жалб этиш мумкин. Масалан, XIX аср охири – XX аср Туркистон тарихини ўрганишда тадқиқотчилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, турли амалдорлар томонидан ёзилган ҳисоботлар, ёзишмалар, статистик маълумотлар, даврий матбуот материаллари, визуал манбалар, тарихий асарлардаги маълумотларни таққослаш орқали аниқроқ маълумотга эга бўлиши мумкин.

Ўлчов таққослашга нисбатан аниқроқ усул ҳисобланади. Ўлчов сифати ўлчов асбобларига ва тадқиқотчининг ҳаракатига боғлиқдир. Бу усул, асосан, аниқ фанларда ишлатилади.

Анализ (таҳлил) бир предметни таркибий қисмларга ажратиш орқали илмий тадқиқот олиб бориш усулидир. Синтез эса анализ натижасида олинган қисмларни бир бутунга бирлаштиришдан иборат. Унда ҳодисалар ўзаро боғланган, бир бутун ҳолда тадқиқ этилади, олинган натижалар умумлаштирилади ва хулосалар чиқарилади.

Предметнинг белгиларини аниқлаш, қисмларга ажратиш учун бу қандай белгилар эканлигини, уларни қандай элементларга бўлиш лозимлигини билиш керак. Демак, анализ тадқиқотчи дедуктив усулга таянган ҳолда предметни бир бутунликда қамраб олгандагина амалга ошиши мумкин. Чунки индукция «ажратиш» деган маънони билдиради. Индукция ва дедукция бири-бирига тўғри келиши лозим.

Маълумотларни тўлиқ эгаллаш воқеликни нафақат ҳаққоний ва тўғри баҳолаш, балки уни ривожланти-

ришга ёрдам берувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш имконини ҳам беради.

Баъзан таҳлил давомида тадқиқотчи четлашиб кетиши тадқиқот мантиқан бузилишига олиб келади. Кўпгина тадқиқотларда «яна таъкидлаш жоизки», «яна шу ҳақда айтиш лозимки» каби сўзлар кўп такрорланиши мантикий фикрламасликни билдиради. Тадқиқот материални боғлайдиган фикр йўқлигини сездириб қўяди.

Чинакам таҳлил тадқиқот материални мантикий етказиб бериш имконини беради. Маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида муаллиф аниқ қўйилган саволларга жавоб излайди. Анализ маълумотлар, бир бутунликнинг элементлари ўртасидаги турли алоқаларни аниқлашни кўзда тутаяди.

Журжонийнинг (1339–1413) таъкидлашича, назарий билимлар ҳаётий тажрибада ҳосил қилинган бошланғич билимлар ва улар тўғрисида фикрлаш йўли билан қўлга киритилади. Бундай фикрлаш жараёнини у хулоса деб атайти ва унинг уч турини кўрсатиб ўтади. Булар: қиёс (силлогизм), эстекро (индукция – бўлақдан бутунга томон ҳукм юритиш) ва ҳадс (аналогия – ўхшатиш). Булардан қиёс хулосанинг бош тури ҳисобланиб, назарий билимлар ҳосил қилишнинг асосий воситаси бўлиб майдонга чиқади¹.

Журжоний тўла бўлмаган индукция фақат тахминий мулоҳазагагина олиб келади деб ҳисоблайди ва унинг кўрсатишича, биз оловнинг айрим хусусий ҳолатларини кузатсак, ҳар қандай олов иссиқлик чиқаради, деган айрим хусусиятга эга билимдан, яъни дедуктив (бутундан бўлаққа ўтадиган) ҳолатга

¹ Қодиров М. Журжоний / Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент, 1996. – Б.33.

кўчадиган хулоса келиб чиқиши мумкин. Шу билан бирга унинг таъкидлашича, индуктив йўл билан ҳосил қилинган билимлар ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Чунки инсон тажрибаси ҳеч вақт тўла мукамалликни бермайди.

Журжонийнинг индуктив ва дедуктив хулосалар ҳақидаги фикри Арасту ва унинг Шарқдаги издошлари фикрини эслатади. Аммо бу фикрга ноёб хулосалар қўшилиб, такомиллаштирилган¹.

Агар индукция ва дедукция бир-бирига мос келмаса, демак, анализ нотўғри ўтказилган ҳисобланади, ёки сифатли ўтказилган амалиёт дастлабки фаразнинг ҳаққоний эмаслигини билдиради.

Синтез таҳлил давомида бўлинган қисмларни бир бутунга бирлаштиришдир. Анализ ва синтез бир-бирини тўлдирувчи бўлиб, улар чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилсагина илмий натижа беради. Анализ ва синтез доимо ёнма-ён юради, улар қарама-қаршилиқларнинг бирлигини ташкил қилади.

Моделлаштириш – илмий билишнинг универсал усули. Модел – оригинал билан ўхшаш жиҳатлари кўп бўлган аналогдир, улар ўртасидаги фарқлар катта эмас.

Аналогия бу – айнан бир хиллик эмас, сифат жиҳатидан турлича бўлган тизимлардан аналогия асосида хулоса чиқаришдир.

«Модел» тадқиқот қуйидаги структурага эга:

- 1) вазифани кўйиш;
- 2) модел ташкил қилиш ва танлаш;
- 3) моделни тадқиқ қилиш;
- 4) моделдан оригиналга илмни кўчириш.

Моделлар ёрдамида ҳар қандай объект тадқиқ эти-

¹ Қодиров М. Журжоний / Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент, 1996. – Б.33.

лиши мумкин. Аммо моделларнинг тўлиқ эмаслиги, фрагмент характериға эғалиги оригинал ҳақида тўлиқ билимға эға бўлиш имконини бермайди. Уни бошқа билиш усуллари билан ишлатиш самара беради.

Эксперимент ва абстрактлаштириш

Эксперимент (тажриба) усули кузатиш усулиға карағанда бир қанча устунликларға эға: 1) тажриба жараёнида у ёки бу воқеликни «тоза» ҳолатда ўрганиш имконияти мавжуд; 2) тажриба воқеликларни экстремал ҳолатда тадқиқ этади.

Илмий тажриба ўтказиш учун унинг натижаларини умумлаштириш, натижаларни тушунтириш учун эса назария зарур бўлади.

Тажрибани ўтказиш бир қанча босқичларни ўз ичига олади:

- 1) илмий фараз олдинға сурилади;
- 2) тадқиқотнинг аниқ вазифаси ва объекти белгиланади;
- 3) тажрибани амалға ошириш учун моддий база тайёрланади;
- 4) тажриба ўтказишнинг оптимал йўли танланади;
- 5) тажриба жараёнида воқеликлар кузатилади;
- 6) олинган натижалар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.

Илмий фаолият ижод билан чамбарчас боғлиқ. Илмий ходимнинг билими, истеъдоди, қобилияти, кўникмалари, илмий ҳақиқатнинг тагига етишға бўлган интилиш илмий ижодда ўз аксини топади. Илмий кашфиёт, фанда янги назария ёки йўналиш яратиш ижоднинг фандаги олий ифодасидир. Масалан, А.Эйнштейннинг илмий фаолияти улкан даражада илмий фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг ил-

мий кашфиётлари нафақат ҳозирги замон физикаси қиёфасини, балки дунёнинг ҳозирги замон манзарасини ҳам ўзгартириб юборди. Эйнштейннинг кашфиётлари туфайли ҳозирги замон олимлари илмий фаолиятининг руҳи, хусусияти ҳам ўзгариб кетди.

Илмий тадқиқот илмий муаммони қўйишдан бошланади. Илмий тадқиқотнинг мақсади юзага келган муаммоларни ҳал қилиш, олинган ечимлардан воқеликни амалий ижодий ўзлаштиришда, борлиқнинг моҳиятини янада тереин билиш, тушуниш ва англаб етишда фойдаланишдир.

Янги қонуниятни кашф этиш, атроф олам ҳақида шу пайтгача маълум бўлмаган ахборотни олиш билан бир қаторда, илмий тадқиқот мавжуд илмий билимни эгаллаш, уни ижодий ўзлаштириш, илмий кашфиётлар, экспериментлар, кузатишларнинг натижаларидан фаол фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Абстрактлаштириш ёки мавҳумлаштириш ижодий жараён сифатида фанда илмий билишнинг назарий босқичида ёрқин намоён бўлади. Бунда олимнинг тафаккури илмий билимни тўлиқ эгаллагандан сўнг уни янгилик яратиш учун амалда ижодий қўллаш мақсадида жонли мушоҳададан абстракт тафаккур даражасига кўтарилади.

Эксперимент ишлаб чиқилган режага асосан амалга оширилади ҳамда илмий маълумотлар олиш, тўплаш, фаразлар, концепциялар ва назарияларни текширишга ёрдам беради.

Назария – билим тизимида илмий гипотезанинг шаклланиши, ривожланиши ва тасдиқланиши натижасидир. Фараз (гипотеза) илмий муаммодан келиб чиқади: илмий муаммо бу – ҳали аниқланмаган ва билиш лозим бўлган нарса ҳақидаги билим бўлса, фа-

раз (гипотеза) бу – эҳтимол тутилган билим, билимдан олдинги билим, илмий муаммони ҳал қилишнинг эҳтимол тутилган йўллари ҳақидаги озми-кўпми асосланган, далилланган илмий фароздир. Тадқиқот учун мана шу йўллارни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар фароз (гипотеза) илмий тадқиқот жараёнида тасдиқланса, унинг тўғрилиги ва мавжуд илмий фактларга зид эмаслиги исботланса, у тўлақонли илмий-назарияга айланади. Гипотеза ва назариялар ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг муҳим жиҳатидир. Илмий назария кейинги тадқиқотлар учун муҳим туртки бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг эмпирик ва назарий босқичида абстрактлаштириш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, моделлаштириш, формализация, аксиома усуллари қўлланилади.

Абстрактлаштириш усули универсал характерга эга бўлиб, тафаккурнинг ҳар бир қадами ушбу жараён билан боғлиқ. Бу усулнинг моҳияти асосий бўлмаган хусусиятларга, алоқаларга, муносабатларга эътибор қаратмай, предметнинг тадқиқотчини қизиқтирадиган асосий бир нечта томонларига фикрни жамлаш, уларни тадқиқ этишга эътибор қаратишда намоён бўлади. Абстрактлаштириш жараёни икки босқичли мураккаб характерга эга. Биринчи босқичда муҳим жиҳатлари муҳим эмасларидан ажратиб олинади. Айнан шу босқичда воқеликлардан турли томонлар, турли омиллар баҳоланади. Иккинчи босқичда эса турли хусусиятларга бой бўлган объект билан алмаштирилади. Абстрактлаштириш жараёни бошқа тадқиқот усуллари билан, айниқса, анализ ва синтез билан чамбарчас боғлиқдир.

Абстрактликдан конкретликка ўтиш тафаккурнинг асосий усулларида биридир. «Абстрактлик» тушунчаси, асосан, инсон билимларини таснифлаш учун ишлатилади. Абстрактлик деганда бир томонлама, тўлиқ бўлмаган, предметнинг асосий моҳиятини очиб бермайдиган билим тушунилади. «Конкретлик» атамаси, одатда, икки маънода ишлатилади. 1) воқелик, турли хусусиятларга эга объектлар; 2) объект ҳақида кўп қиррали, ҳар томонлама, тизимли билим.

Саволлар:

1. Илмий билиш усуллари қандай гуруҳларга бўлинади ва уларга нималар киради?
2. Эксперимент (тажриба) усулининг кузатиш усулидан устун жиҳатлари нималардан иборат?
3. Анализ ва синтезга таъриф беринг.
4. Бошқа фанлар тадқиқот усуллари қўллашнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
5. Абстрактликдан конкретликка ўтиш қандай ҳолатларда қўлланилади?

1.2. Тарихий жараёнларни ўрганишда цивилизациявий ва формациявий ёндашувнинг ўрни

Мақсад: Тарихий жараёнларни тушунишда формациявий ёндашув ва унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида, шунингдек, тарих фанида цивилизациявий ёндашувнинг афзалликлари борасида маълумотлар бериш.

Таянч сўз ва иборалар: Ижтимоий-иқтисодий формациялар, К.Маркс, ибтидоий жамият, қулдорлик жамияти, феодал жамият, капиталистик жамият, коммунизм, формация базиси, цивилизациявий ёндашув, М.Вебер, А.Тойнби, О.Шпенглер, Н.Я.Данилевский, «Анналар» мактаби, локал цивилизация, маданият ва

цивилизация, Миср, Араб, Фарб, Вавилон, Ҳиндистон, Хитой, Греция-Рим, Мексика маданиятлари.

Совет тизими парчалангандан сўнг собиқ совет республикалари тарихшунослигида, бир томондан, коммунистик идеологиядан тўлиқ воз кечилди ҳамда илмий тадқиқотларда турли усул ва методология пайдо бўлди. Лекин, бошқа томондан, марксистик методология монополиясига чек қўйиш жаҳон тарихшунослигида катта мавқега эга бўлган плюралистик цивилизация методологиясидан кенг фойдаланишга олиб келмади.

Шунга қарамасдан, МДҲ мамлакатлари илмий доирасида аста-секинлик билан бўлса-да, цивилизациявий ёндашувига ўтилмоқда, бу ёндашув тарихни ҳаракатга келтирувчи объектив ва субъектив омилларни яхлит ҳолатда ўрганеди. Шунингдек, бу ёндашув формациявий ёндашувга қарама-қарши қўйилмасдан, бир-бирини тўлдириш сифатида намоён бўлмоқда.

Тарихий жараёнларни ўрганишда формациявий ёндашув

Жамият тўғрисида жуда кўп маълумотлар тўпланди, бу эса парадокс ҳолатни вужудга келтирди: биз қанчалик кўп билсак, шунча ижтимоий фанлардаги мавжуд анъанавий усуллар билан тарихий ривожланиш назариясини яратиш, яъни тўпланган маълумотларни умумийлаштириш қийинлашади.

Тарихий жараённинг назарий концепциясини яратишга уринган дастлабки тадқиқотчилардан бири К.Маркс эди. К.Маркс концепциясининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: инсонни меҳнат яратган; жамият ҳаётининг асосини моддий ишлаб чиқариш ташкил этади, шунинг учун ҳам жамият бир текисда ривожланади. Россияда К.Маркс таълимоти

XIX аср охири – XX аср бошларида В.И. Ленин томонидан ривожлантирилди.

Формациявий ёндашув совет тарих фанида марксизм-ленинизм ҳукмронлиги шароитида устун даражага эришди. У маълум бир ривожланиш босқичи бўлган жамият тури – «ижтимоий-иқтисодий формация» категориясидан келиб чиққан. Мазкур таълимотга кўра, моддий ишлаб чиқариш жамият ривожланишидаги асосий омил ҳисобланади. Ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўз ичига олади. Жамиятнинг моддий ҳаёти – бирламчи, ижтимоий фикр эса иккиламчидир.

Жамият ривожланишининг ички манбалари инсон ва табиат ўртасида ҳамда жамиятнинг ўзи ичида пайдо бўладиган зиддиятларни ҳал қилишдан иборатдир.

Жамиятнинг маълум бир тарихий тури – формация – жамият ривожланишининг муайян тараққиёт босқичини ташкил қилади. Марксистик назария тарафдорлари формация жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олишини эътироф этади. Ҳар бир формациянинг асосида маълум ишлаб чиқариш усули ётади. Формациянинг иқтисодий асосини ташкил қилувчи ишлаб чиқариш муносабатлари тизимига сиёсий, ғоявий устқурма мос келади.

Шундай қилиб, марксистик назарияда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий формациялар ажратилган: ибтидоий жамият, кулдорлик жамияти, феодал жамияти, капиталистик жамият, коммунистик жамият.

Мазкур назарияга кўра, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашинуви янги ишлаб чиқариш кучлари ва эски ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади. Бир формациядан бошқасига ўтиш зиддиятларни ҳал қилувчи ижтимоий инқилоб орқали амалга оширилади.

Ушбу таълимот тарафдорлари тарихнинг асосий яратувчиси халқ оммаси ҳисобланиб, уларнинг роли инқилоб даврида, социалистик ва коммунистик жамиятда фаол кўринадигани, деб ҳисоблашган.

Уларнинг фикрига кўра, марксча-ленинча таълимот инсоният тарихининг ягоналиги ва кўп хиллилигини тушуниш учун калит ҳисобланади. Формацияларнинг навбатма-навбат алмашинуви инсоният тараққиётининг асосий йўналишини ташкил этади. Бир ижтимоий-иқтисодий формациядан иккинчисига ўтиш ижтимоий инқилоблар орқали рўй беради. Янги формациянинг вужудга келиши ҳаётнинг барча соҳаларида тўнтариш қилаётган ҳукмрон синф ғалабаси билан белгиланади. Марксистик назарияда инқилоб ва синфий курашларга алоҳида ўрин берилади. Тарихнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи синфий кураш ҳисобланган. Маркс фикрича, инқилоблар «тарих локомотиви»дир.

Бу таълимотда асосий ўринлардан бирини капиталистик формациянинг бир босқичи бўлган империализм ҳақидаги таълимот ташкил этади. Империализм (лотинча сўздан – ҳокимият, ҳукмронлик) – монополистик капитализм деган маънони англатади. Империализм назарияси В.И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган. XIX–XX асрларда капиталистик ишлаб чиқариш усули янги хусусиятлар касб этди: ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш соҳасида – ишлаб чиқариш юқори даражага эга бўлди, оқибатда капиталистик монополиялар вужудга келди. Ленин таърифига кўра, бу билан «ҳукмронлик муносабатлари ва у билан боғлиқ бўлган зўравонликлар», сиёсий устқурмада буржуазия демократиясидан реакцияга олиб келди. Ленин капитализм янги босқичга – империалистик босқичга кирди, деб хулоса қилади.

Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар ленинча империализм назариясини тўлиғича инкор этмоқда. В.И. Ленин 200 та хорижий ишларни ўрганиш асосида капитализм тараққиётидаги асосий йўналишларни кўрсатиб бера олган. Аммо социалистик революция назариясини яратиш асосий мақсади бўлгани учун ҳам юқорироқ даражага эриша олмаган.

В.И. Ленин «Империализм – капитализмнинг юқори босқичи» (1915) асарида XX асрни «тўқнашувлар ва фожиалар асри» деб таърифлаган. Бу асрда икки-та жаҳон уруши, қатор локал урушлар, инқилоб ва инқирозлар, мустамлака империялари барбод бўлди, янги давлатлар вужудга келди.

Формациявий ёндашувга асосланган тарихнинг материалистик концепцияси совет тарихшунослигида ҳукмрон характерга эга бўлди. Ушбу концепциянинг кучли томони шундаки, маълум бир омилларга асосланиб, тарихий ривожланишнинг бутун бир моделини яратган. Унга кўра, инсоният тарихи ҳаққоний, қонуниятли жараён сифатида намоён бўлган. Мазкур жараённинг ҳаракатлантирувчи кучлари, асосий босқичлари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқ белгилаб берилган.

Аммо формациявий ёндашув маълум бир камчиликларга эга, шунинг учун хорижий ва Ватан тарихшунослигида танқид остига олинади. Биринчидан, бу ёндашув тарихий ривожланишни бир чизикли деб эътироф этади. Европанинг ривожланиш йўлини умумлаштириш асосида бу назарияни яратган К.Маркснинг ўзи ҳам баъзи мамлакатлар 5 та формация тизимиغا сифмаслигини эътироф этган. Шунинг учун ҳам бу мамлакатларни у «ишлаб чиқаришнинг осиеча типига»

киритган. Яъни, бу ёндашув тарихий ривожланишнинг кўп вариантли эканини тушунтиришда маълум бир қийинчиликлар туғдиради.

Иккинчидан, бу ёндашувга ҳар қандай тарихий воқеликни ишлаб чиқариш усули, иқтисодий муносабатлар тизимига боғлаб қўйиш хосдир. Тарихнинг асосий субъекти бўлган инсонга иккинчи даражали ўрин берилган. Инсонга тарихий ривожланишни ҳаракатга келтирган механизмнинг кичик бўлакчаси сифатида қаралган. Яъни тарихий жараёнларнинг шахсий моҳияти ва маънавий омилнинг аҳамияти тушириб кўрсатилади.

Учинчидан, бу ёндашувда тарихий жараёнда зиддиятли муносабатлар, шунингдек, зўравонликнинг роли ошириб кўрсатилади. Бу методологияда тарихий жараён синфий кураш призмаси орқали ўрганилади. Шунинг учун ҳам иқтисодий жараёнлар билан бирга сиёсий жараёнларни ўрганишга катта аҳамият берилади. Мазкур ёндашувга қарши бўлганлар ижтимоий зиддиятлар ижтимоий ҳаётнинг зарур атрибути саналса-да, аммо асосий роль ўйнамайди, деган фикр тарафдори бўлган. Бу эса ўз навбатида тарихда сиёсий муносабатларнинг ўрни масаласини қайта кўриб чиқишга олиб келади. Улар муҳим бўлса-да, маънавий омил ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Тўртинчидан, формация ёндашувида утопизм элементлари мавжуддир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, формация концепциясида тарихий жараёнлар ривожланишини синфларсиз ибтидоий жамоадан синфий жамоалар орқали синфсиз коммунистик жамиятга олиб келиш таъкидланади. Бу таълимот тарафдорлари коммунизм асри бўлиши муқаррарлиги, ҳар

ким ўз қобилиятига яраша меҳнат қилиши, жамиятдан эса эҳтиёжига яраша олишини исботлашга уринганлар. Бу схеманинг утопик характерга эгаллиги совет ҳокимиятининг ва социалистик тузумнинг инқирозга учраганида кўринди.

Тарихга формация ёндашуви ҳақидаги жадвал:

Асосчилар:
К.Маркс, Ф.Энгельс

Ижтимоий- иқтисодий формациялар

А) инсоният тарихи босқичи

Б) тарихий ривожланишнинг маълум бир босқичидаги ўз хусусиятларига эга бўлган жамият

Асоси

Ишлаб чиқариш кучлари

Ишлаб чиқариш муносабатлари


Ишлаб чиқариш муносабатлари

Ишлаб чиқариш муносабатлари бирикмаси – **формация асоси.**

Усткурма – сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа муассасалар, уларга мос келадиган ижтимоий онг: ахлоқ, дин, санъат, фан ва б.

Даврнинг асосий моҳияти – маълум бир даврда кечадиган эски ва янги формациялар кураши.

Даврнинг хронологик чегараси – бир формациядан иккинчисига революция йўли билан ўтиш.



Формация концепциясининг ютуқли томонлари ва камчиликлари

ютуқли томонлари	камчиликлари
<p>Маълум бир мезонлар асосида тарихий ривожланиш моделини аниқ тушунтириб беради.</p>	<p>Тарихий ривожланиш бир чизиқлилиги тахмин қилинган. Тадқиқотлар маълум бир давлатлар тараққиётини бу 5 та формация схемасига жойлаштириш мумкин эмаслигини кўрсатди. Концепция тарихий ривожланишнинг кўп қирралилиги, кўп вариантлилигини кўрсатишда қийинчиликлар туғдиради.</p>

<p>Инсоният тарихи ҳаққоний, муқаррар жараён сифатида намоён бўлади.</p>	<p>Ҳар бир тарихий воқелик ишлаб чиқариш кучига ва иқтисодий муносабатлар тизимига боғлаб қўйилган. Тарихий воқеликларни тушунтиришда инсон омилига эмас, инсон билан боғлиқ бўлмаган омилларга асосий эътибор берилган. Инсон омили эса иккинчи даражага тушиб қолган. Тарихий тараққиётда маънавий омилнинг аҳамияти пасайтирилган.</p>
<p>Бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва асосий босқичлари аниқ кўрсатилган.</p>	<p>Тарихий жараёнда зиддиятли муносабатлар, шунингдек, зўравонликнинг роли ошириб кўрсатилади. Тарихий жараён асосан синфий кураш призмасида кўрсатилади. Шунинг учун ҳам иқтисодий жараёнлар билан бирга сиёсий жараёнларга катта эътибор берилади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий конфликтлар ижтимоий ҳаётнинг зарур белгиси бўлса-да, унда энг асосий ўрин эгалламайди, бу эса тарихда сиёсий муносабатлар ўрнини қайта кўриб чиқиш заруриятини туғдиради. Аммо маънавий-ахлоқий ҳаёт муҳим аҳамиятга эга.</p>

Тарих фанида цивилизациявий ёндашув

Тарих фанида формациявий ёндашувга цивилизациявий ёндашув қарши туради. Тарихий жараёнга цивилизациявий ёндашув XVIII асрда вужудга келган

бўлса-да, фақат XIX аср охири XX асрларда у тўлиқ шаклланди. Тарихчи ва файласуф Ибн Халдун (тахминан 1332–1402 й.) цивилизациявий ёндашув асосчиларидан анча олдин доно фикрлар айтиб ўтган эди. У цивилизация шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги меҳнат тақсимоти, савдо, маҳсулот алмашуви натижасида вужудга келади ва жамият ривожланиши маълум бир тарихий босқичлардан ўтади, деб таъкидлаган. Бу методологиянинг ёрқин тарафдорлари М.Вебер, А.Тойнби, О.Шпенглер ва «Анналар» журнали атрофида тўпланган тарихчилар (Ф.Бродель, Ж.Ле Гофф ва б.) эди. Россия тарих фанида унинг тарафдорлари Н.Я. Данилевский, К.Н. Леонтьев, П.А. Сорокинлар бўлган.

Ушбу концепция тарафдорлари тарихий жараёнларнинг асосини цивилизация ташкил этади, деган ғояни илгари суришган. «Цивилизация» атамаси латинча «civil» сўзидан олинган бўлиб, шаҳарлик, фукаролик, давлатчилик деган маънони англатади. Дастлаб «цивилизация» атамаси варварлик ва ёввойилик босқичидан кейин келган жамиятнинг маълум бир ривожланиш босқичини билдирган. Цивилизациянинг асосий белгилари сифатида шаҳарлар, ёзув, жамият ижтимоий қатлами, давлатчилик вужудга келиши кўрсатилган.

XIX асрда «цивилизация» атамаси умуман капитализмни таснифлашда қўлланилган, аммо «цивилизация» ҳақидаги тасаввурлар ҳукмрон бўлмаган. Хусусан, тарихий ўзгариб туриш ҳақидаги назария ва ғоялар тарафдори бўлган россиялик олим Н.Я. Данилевский (1822–1885 й.) локал характердаги бир-бири билан доимий курашда бўлган 10 та «маданий-тарихий тип»лар тўғрисидаги ғояни илгари суради. У бу типларни аниқлашда 4 та унсур муҳим аҳамиятга эга

эканлиги ва улар бир-бирини сиқиб чиқаришини таъкидлайди. Н.Я. Данилевский «славян типи»ни янгича, келажакка эга тип сифатида кўрсатади.

Кенг маънода эса «цивилизация» атамаси жамият маданиятининг юқори ривожланиш босқичини билдирган. Европада маърифатпарварчилик даврида цивилизация ахлоқнинг, қонунларнинг, фан ва фалсафанинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кўрсатилган. Лекин бунга қарма-қарши нуқтаи назарлар мавжуд бўлиб, масалан, немис файласуфи Освальд Шпенглернинг (1880–1936 й.) «Европа инқирози»¹ китобида цивилизация у ёки бу жамиятда маданият ривожининг охириги босқичи, унинг «ботиши» ёки инқирози сифатида таърифланган. Индустрия ва техниканинг ривожланиши, санъат ва адабиёт инқирози, катта шаҳарларда одамларнинг тўпланиб қолиши, халқнинг ўз қиёфасига эга бўлмаган «омма»га айланиши унинг асосий белгилари деб ҳисобланади.

О.Шпенглернинг тарихшуносликка кўшган энг катта ҳиссаси тарих морфологияси назарияси бўлиб, унда Европа цивилизацияси инқирозининг муқаррарлиги кўрсатиб берилган. О.Шпенглер жаҳон тарихига янгича қарашни, яъни тирик организм каби пайдо бўлиш, шаклланиш ва ҳалок бўлиш даврларини бошидан кечирувчи бир-биридан мустақил бўлган маданиятдан иборат деган қарашни илгари суради.

О.Шпенглер турли такрорланмас ва ўзига хос хусусиятларга эга маданиятларнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда ҳалок бўлиши тарихи ҳақида ёзар экан, ўз имкониятларини реализация қилган «буюк маданият»ларга Хитой, Вавилон, Миср, Ҳиндистон,

¹ Шпенглер О. Закат Европы. – М: Наука, 1993. – 592 с.

Қадимги Рим ва Греция, Византия-араб, Ғарб, майя маданиятини киритган.

О.Шпенглер таъсирида инглиз тарихчиси ва социологи А.Д. Тойнби (1889–1975) локал цивилизациялар ўзгариб туриши тўғрисидаги назария орқали инсониятнинг ижтимоий-тарихий ривожланишини ўрганишга ҳаракат қилди. У жаҳон тарихи алоҳида ўзига хос бўлган ва нисбатан ёпиқ бўлган цивилизациялар тарихи йиғиндисидан иборат, деган фикрни илгари сурган. А.Д. Тойнби дастлаб 21 та цивилизация мавжуд деб ҳисоблаган, кейинчалик уларнинг сонини 13 тага туширган. Цивилизация ёндашувининг тарафдорлари цивилизациялар сонини турлича кўрсатганлар, жумладан, Н.Я.Данилевский 13 та цивилизация, А.Тойнби – 6 типни, О.Шпенглер – 8 та типни кўрсатган.

Аммо тарихий жараёнларга цивилизациявий ёндашув деганда ўзида бир-бири билан боғлиқ бўлган турли элементларни (дин, маданият, иқтисод, сиёсат ва ижтимоий тузилмани) жамлаган яхлит ижтимоий тизимни ўрганиш муҳимдир. Муайян ташқи ва ички таъсирлар натижасида цивилизацияда маълум бир ўзгаришлар рўй берса-да, унинг ички ядроси ўзгаришсиз қолади. Цивилизацияга бундай ёндашув цивилизациянинг маданий-тарихий типлари назариясида ўз аксини топган. Маданий-тарихий типлар деганда – маълум бир ҳудудга ҳамда маданий ва ижтимоий ривожланиш хусусиятларига эга бўлган жамият тушунилган. Цивилизациявий ёндашув қатор кучли жиҳатларга эга:

1) унинг тамойилларини ҳар қандай давлат ёки давлатлар гуруҳига қўллаш мумкин. Бу ёндашув жамият тарихини англашда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни назарда тутлади. Шунинг учун бу методология универсал ҳисобланади;

2) уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш тарихни кўп чизиқлилиқ, жараёнларни кўп вариантлилиқ деб англашда ёрдам беради;

3) цивилизациявий ёндашув инсоният тарихининг бирлиги, яхлитлигини инкор этмасдан, балки буни тақозо этади. Цивилизациялар яхлит тизим сифатида бир-бири билан таққосланиши мумкин. Бу эса тарихий қиёслаш усулини тарихий тадқиқотларга қўллашни тақозо этади. Бундай тадқиқот натижасида бир мамлакат, халқ, ҳудуд тарихи ўзича эмас, балки бошқа мамлакатлар, халқ, ҳудуд, цивилизация билан қиёсий таҳлил этилади. Шу тариқа тарихий жараёнларни чуқурроқ тушуниш, уларнинг хусусиятларини аниқлаш имкони туғилади;

4) цивилизациялар ривожланишидаги маълум омилларни аниқлаш тадқиқотчиларга у ёки бу мамлакатнинг, халқ ва ҳудуднинг эришган ютуқлари, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини англаш имконини беради;

5) цивилизация ёндашуви тарихий жараёнларда ахлоқий-маънавий ва интеллектуал омилга алоҳида эътибор қаратади. Ушбу ёндашувда цивилизацияни таснифлашда ва баҳолашда дин, маданият, менталитет муҳим ўрин тутаяди.

Цивилизация ёндашуви маълум бир камчиликлардан ҳам холи эмас, шулардан бири цивилизация типларини аниқлашдаги омилларнинг аморф ҳолатда эканлигидир. Масалан, Н.Я. Данилевский цивилизация типларини аниқлашда тўртта асосий элемент: диний, маданий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар асосий ўрин тутаяди, деган фикрни таъкидлаган. Баъзи цивилизацияларда иқтисодий, баъзиларида – сиёсий, учинчисида – диний, тўртинчисида – маданий омил муҳим роль ўйнаган.

Цивилизация типини аниқлашда менталитет омили асосий ўринга чиққанда уни таҳлил қилиш янада мураккаблашади. Менталлик, менталитет (фр. mentalite' – фикрлаш, психология) – у ёки бу давлат, ҳудуд аҳолисининг умумий маънавий-руҳий кайфияти, онгидаги барқарорлик, шахс ва жамиятнинг ижтимоий-психологик йўналиши ва эътиқодидир. Бу йўналишлар инсоннинг дунёни қабул қилиши, кадриятлари ва идеаллари характерини аниқлаб беради, шахснинг субъектив дунёсини ташкил этади. Бу йўналишларга асосланган инсон фаолиятининг барча соҳаларида тарихни яратади. Шубҳасиз, инсоннинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий олами тарихда жуда муҳим ўрин тутуди, аммо, уларнинг индикаторини аниқлаш мураккаблик туғдиради, чунки уни илғаб олиш қийиндир.

Шундай қилиб, формациявий ва цивилизациявий ёндашув тарихий жараёнларни турли нуқтаи назардан ўрганиш имконини беради. Бу икки ёндашув ўз нуқсонлари ва кучли томонларига эга, тадқиқотчилар уларнинг иккаласидан ҳам энг яхши жиҳатларини олса, тарих фани фақат ютуқларга эришади.

Цивилизация ёндашуви асосчилари:

Данилевский	Шпенглер асари	Тойнби асари
	«Европа инқирози»	«Тарихни англаш»
Улар чизикли ривожланишдан фарқли равишда ижтимоий ривожланишнинг босқичма-босқич моделини илгари сурганлар; Ушбу цивилизациялар тарихи индивидуал, ёпиқ характерга эга, яъни цивилизациялар локал характерга эга.		
Локал цивилизация – маданий-тарихий тип.		Босқичма-босқич цивилизация

<p>Локал цивилизация – тарихий жараённинг асосий бирлиги. Ривожланиш босқичлари:</p> <p>туғилиш, ўсиш, синиш, таназзул, ҳалокат.</p>	<p>анъанавий жамият индустриал жамият постиндустриал жамият</p>
<p>Ҳар бир цивилизация ноёб ва ўзига хос, ўз менталитетига эга (тарихий шаклланган ақлий йўналиш, онгли ва онгсиз равишда қабул қилинган қадриятлар ва ахлоқий тушунчалар)</p>	

Цивилизация ёндашуви асосчиларининг қарашлари:

<p>Н.Я. Данилевский (1822–1885) – рус ёзувчиси ва социологи, панславизм назариётчиси. «Маданий-тарихий типлар» назарияси яратувчиси. У «славян» типини янги тип деб ҳисоблаган. Унинг концепцияси буюк миллатчиликни оқлаган.</p>	<p>Тарихий халқлар ўзига хос маданий-тарихий типларни яратишга қодир:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Миср – Хитой – Осурий – Вавилон – Финикия, қадимги семит – Ҳиндистон – Эрон – Яхудий – Грек – Рим – Янги семит ёки араб – Герман-роман ёки Европа – Славян 	<p>Тарихий бўлмаган халқлар – жамият ривожланишининг боши берк шохлари ўз маданий-тарихий типига эга бўла олмайдилар</p>
---	--	--

	<p>Асосан барча типлар бир асосли, яъни элементлар ичида биттаси устунлик даражасига эга.</p> <ul style="list-style-type: none"> – Славян типи эса 4 асосли бўлиб, – православие – маданий ўзига хосликка эга. <p>Цивилизация типлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) дастлабки (тайёргарлик) – Миср, Ҳиндистон, Халдейлар давлати ёки Қадимги семит; Эрон, Хитой, Осурий – Вавилон – Финикия 2) бир асосли – Европа, Греция (эллин), Рим, Янги семит ёки араб; 3) икки асосли – герман-роман ёки Европа, Америка (Мексика ва Перу); 4) бирлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи – славян цивилизацияси, унда етакчи ўринни – Россия цивилизацияси эгаллайди.
<p>Шпенглер Освальд (1880–1936) – маданият назарияси. Немис файласуфи, тарихчи. Маданият халқнинг коллектив «қалб»ини ўзида мужассамлаштирган ва маълум бир ҳаётнинг циклини бошидан кечирган, деган назарияни ривожлантирган.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) жаҳондаги жараёнларнинг кўп цикллилиги ҳақидаги ғоя, тарихий ривожланишнинг бир чизиқ бўйича ривожланишини инкор этиш, жаҳон тарихи босқичларининг умумийлиги ҳақидаги фикр. 2) Цивилизация маданият мавжудлигининг охириги босқичи, унинг қайта туғилиши, ботишидир. Цивилизация белгилари: <ol style="list-style-type: none"> А) индустрия, техниканинг ривожланиши; Б) санъат ва адабиётнинг деградацияси; В) ҳақиқий диннинг ўрнига метафизика келиши; Г) шаҳарларда одамларнинг тўпланиши;

	<p>Д) халқнинг оммага айланиши; Е) анъанавий қадриятларнинг инкор этилиши.</p> <p>Цивилизациянинг қўшимча белгилари: урбанизация, империализм, синкретизм, ҳокимият талашиш, синфий кураш</p> <p>8 та маданий-тарихий типга ажратилган маданиятлар:</p> <p>Миср Араб Ғарб Вавилон Ҳиндистон Хитой Греция-Рим Мексика</p> <p>Маданият ва цивилизация Маданият ва цивилизация бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, лекин битта нарса эмас.</p>
<p>Тойнби Арнольд Жозеф (1889–1975) – локал цивилизациялар назарияси. Инглиз тарихчиси, социолог. Позитивизм эволюционизм ва «европоцентризм»га қарши бўлган бир-бирини алмаштириб турган локал цивилизациялар</p>	<p>Локал цивилизациянинг босқичлари: пайдо бўлиш, ўсиш, ҳалокат, инқироз, ўлим.</p> <p>У 6 та цивилизацияни санаб ўтади: Хитой, Ҳиндистон, Византия, Ислон, Россия, Ғарб.</p>

<p>ғоясини илгари сурган. Бу локал цивилизацияларнинг ҳар бири пайдо бўлиш, ўсиш, ҳалокатга учраш ва инқироз даврини бошдан кечиради. Уларни ривожлантирувчи куч – «ижодий элита» бўлиб, у «суст кўпчиликни» эргаштириб юради. Ғарб зиддиятлар ва конфликтлардан фақат маънавий янгиланиш орқалигина чиқиши мумкин, деб таъкидлайди.</p>	
--	--

Саволлар:

1. «Тарихий жараён» тушунчаси ҳақида сўзлаб беринг.
2. Тарихий жараёнларни тушунишда формация ёндашуви-нинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот беринг.
3. Цивилизация ёндашувининг ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат?
4. Цивилизация ёндашуви назариясининг асосчилари ва уларнинг қарашларига нисбатан муносабатингиз?

1.3. Тадқиқотларда фанлараро ёндашув

Мақсад: Тарихий тадқиқотларда фанлараро ёндашув, синергетика ва унинг тушунчалари, чизиқлилиқ ва эмергентлиқ ҳақида маълумот бериш.

Таянч сўз ва иборалар: фанлараро ёндашув, синергетика, бифуркация, флуктуация, аттрактор.

Фанлараро ёндашув – объектни ҳар томонлама, кенг қамровли, турли фан, йўналиш ва соҳалар нуқтаи назаридан тадқиқ этишдир. Фанлараро ёндашувнинг шаклланиши турли билим соҳаларининг ўзаро таъсири натижаси бўлиб, замонавий фан ривожланишининг қонуний тенденциясидир. Унга кўра, тадқиқотни чуқурроқ ва кенгроқ олиб бориш учун олим бошқа «етакчи» фан усуллари ва методологиясидан фойдаланади. Олинган илмий натижалар етакчи фаннинг методологияси нуқтаи назаридан талқин этилади. Шу тариқа фанлараро ёндашувга асосланган янги фан соҳалари вужудга келади. Бундай фанларга тарих фалсафаси, фалсафа тарихи, биокимё, геофизикани мисол қилиш мумкин. Тадқиқ этилаётган фан соҳаларининг ўхшашлиги бир фан усулларини бошқа фан соҳасига олиб ўтишга кенг имкон беради. Бу эса олимнинг ўз тадқиқотини ижобий яқунлашига кенг имконият яратиш билан бирга олимлар бир-бирини тушунишига асос бўлади.

Айнан шундай олиб ўтишлар асосида илмий тадқиқот соҳасида мультидисциплинар, интердисциплинар, трансдисциплинар каби йўналишлар шаклланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида немис олими Морен илмий тадқиқотлардаги детерминистик, дисциплинар ёндашувнинг чекланганлиги, фан ва инсонга янги методология зарур эканлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурди. Олим оламнинг яхлит, ўзаро боғланган мураккаб тизим эканлиги сабабли фанларга ҳам янги методологик ёндашув зарурлигини эътироф этади.

Фанлараро ёндашув, турли соҳавий билимлардаги алоқадорлик бир объектни турли нуқтаи назардан

текшириш зарурати туғилганда юзага келади. Айтиш мумкинки, фанлараро ёндашув ривожига замонавий фанда шу вақтгача эришилган билимларни системалаштириш, уларни бир-бири билан боғлаш, муайян шаклга солиш, амалиётга татбиқ этиш, назорат қилиш кабилар билан белгиланади.

Фанлараро ёндашувни фан тарихида биринчи бўлиб қўллаган кибернетика асосчиси Н.Винер ҳисобланади. Фанлараро ёндашув муаммосининг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Масалан, ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино ва Ал-Хоразмийларнинг илмий фаолиятида ўзига хос фанлараро ёндашувнинг элементлари намоён бўлганини кўришимиз мумкин. Аммо фанлараро ёндашувнинг долзарблигини қуйидаги омиллар билан белгилаш мумкин: Бу эса мавзунинг долзарблигини белгиловчи энг асосий мезондир. Шунингдек, фанлараро ёндашувнинг долзарблиги бошқа омиллар билан ҳам боғланган:

Биринчидан, замонавий даврнинг бифуркацион, мураккаб характерда эканлиги, ўзгаришларнинг тез содир бўлаётганлиги;

Иккинчидан, жамиятнинг тобора мураккаб тизим сифатида амал қилаётганлиги, беқарорлик, эмергентлик, ўзаро боғлиқлик, ночизиқлилиқ ва беқарорликнинг тобора ортиб бориши;

Учинчидан, замонавий мураккаб тизимларни ўрганиш учун янгича услуб, методологик ёндашув ва тафаккурнинг зарурлиги;

Тўртинчидан, фанлараро ёндашув турли соҳа билимлардаги интеграциявий жараёни таъминлаб, объектни яхлит ҳолда тадқиқ этиш имконини бериши;

Бешинчидан, фанлараро ёндашув натижасида шаклланаётган билимлар қай шаклда бўлмасин жамият-

нинг амалий эҳтиёжларига қаратилгани билан ҳам боғлиқдир.

Фанлараро ёндашувга асосланган илмий тадқиқотларда бир фанда қўлланиладиган ғоя, усул, воситалар бошқа фанга олиб ўтилади. Бундай олиб ўтишлар гуманитар фанлар доирасида ёки бошқа гуруҳдаги фанлараро ёндашувда ҳосил бўлиши мумкин.

Масалан, сунъий интеллект муаммоси билан бугунги кунда математиклар, муҳандислар, психолог, файласуфлар, лингвистлар ишламоқдалар. Бу ўз навбатида муаммони чуқур ва кенг миқёсда ўрганиш имконини беради.

Яна бир мисол: тарихчилар бўлиб ўтган тарихий жараёнларни ўрганаётганда, ўша даврдаги воқеалар бўлиб ўтган жойнинг ландшафти, фауна, флораси, инсонларнинг ҳаёт тарзи, озиқ-овқатлари, иқлим, мавжуд технологиялар ва бошқа маълумотларга эга бўлса, илмий тадқиқот натижалари кенг бўлади. Бунда табиий фанлардаги маълумот ва методлар қўлланилади. Чунки маълумотларни ультрафиолет, ультрақизил нурларда ўқиш, маълумотларни қайта тиклаш учун табиий фанлардаги мураккаб техник воситалар керак бўлади. Шу сабабли тарихшуносликда ҳам XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли фанларнинг чегарасидаги касалликлар тарихи, овқатланиш тарихи, медицина тарихи, болалик тарихи каби илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳатто ифорлар тарихи, эмоциялар тарихи ҳам ривожланиб бормоқда. Бунда биз психология, антропология, медицина, тарих фанларидаги методларнинг уйғунлашувини кўрамиз. Натижада фан бугунги кунда қизиқ илмий натижаларга эга бўлиб бормоқда.

Фанлараро ёндашувга асосланган илмий тадқиқотлар ҳам ўз таснифига эга. Улар қуйидагича: 1. Мульт-

тидисциплинар йўналиш. Бунда объект турли фан методлари томонидан ўрганилади ва кейингина умумий хулоса қилинади.

2. Интердисциплинар тадқиқотларда «тадқиқотлар майдони» умумий бўлиб, унинг устида бир гуруҳ олимлар ҳамкорликда иш олиб боради, аммо турли фан вакиллари бўлган тадқиқотчилар турлича методологик усуллардан фойдаланади.

3. Трансдисциплинар тадқиқотларда турли илмий йўналишлар ва фанлар ўзаро таъсири асосида фанлар ва илмий тадқиқот усуллари янада кучли интеграциялашади ва у ёки бу предметни ўрганишнинг умумий комплекс методологияси ишлаб чиқилади.

Фанлараро ёндашувнинг икки турини фарқлаш мумкин: 1. Бир илмий соҳаларнинг интеграцияси (тарихий антропология, геофизика, биохимия, биомедицина, квант физикаси); 2. Турли фанлараро интеграция (когнитив иқтисод, иқтисодий психология, иқтисодий синергетика, рақамли филология).

Биринчи турдаги, соҳалараро фанлараро ёндашувга биомедицина фанини мисол қилиш мумкин. Бирон касалликни даволаш учун биология, медицинадан фойдаланиш биринчи турдаги фанлараро ёндашувга мисол бўла олади. Ёки психологик педагогика ҳам биринчи турдаги фанлараро ёндашувдир. Бунда педагогик муаммолар педагогика ҳамда психология методлари асосида ўрганилади ва умумий хулосалар чиқарилади.

2002 йили иқтисод соҳасида Нобель мукофотиغا психолог Д.Канеман сазовор бўлади. Олим психолог бўла туриб, иқтисод фани йўналишида шундай юксак мукофотни қўлга киритган. Чунки Д.Канеманнинг тадқиқотида иқтисод фани ва психологиянинг интеграцияси ниҳоятда муҳимлиги экспериментал тарзда

исботланди. Олим изланишлари асосида бекарорлик даврида иқтисодий субъектларнинг, яъни инсоннинг қарор қабул қилиш муаммосини ўрганади. Олим исботлайдики, инсон бекарор вазиятларда интуитив қарорлар қабул қилади. Бу классик иқтисодий назарияларга тамомила зид эди. Чунки классик иқтисодий назарияларда иқтисодий субъект рационал қарорлар қабул қилиши кўзда тутилар эди. Бу илмий хулосалар иқтисодий субъектларни, жараёнларни фақатгина бир фан усуллари, методологияси асосида ўрганиш доим ҳам етарли эмаслигини исботлади. Дарҳақиқат, инсон, иқтисодий тизим мураккаб бўлиб, у жамиятнинг бошқа соҳалари билан ўзаро боғлиқдир. Шу сабабли иқтисодий жараёнларни тўлароқ, самарали ўрганиш учун бошқа фанлардан ҳам фойдаланиш, яъни фанлараро ёндашувга асосланиш долзарб муаммодир. Натижада бугунги кунда иқтисодий психология фани шаклланмоқда. Бу психологиянинг бир йўналиши бўлиб, инсоннинг товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш фаолияти билан боғлиқ иқтисодий фаолияти ва ундаги психик жараёнларни ўрганади. Иқтисодий психологиянинг предметини иқтисодий фаолиятнинг психологик қонуниятлари ва иқтисодий муносабатлар субъекти бўлган инсонларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этади. Иқтисодий психологиянинг вазифаси иқтисодий реалликни психологик баҳолаш ва иқтисодга таъсир қилувчи назария ва амалиётни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Д.Канеманнинг тадқиқоти «молияни бошқариш мумкин эмас» деган фикрдан йироқ. Иқтисодий муносабат ва жараёнларда субъектнинг когнитив хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарурлиги исботлан-

ди. Бунинг натижаси ўлароқ, молияни бошқаришда инвестиция маслаҳатчилари ва психотерапевтларнинг ёрдам бериши мумкинлиги амалиётда ўз исботини топмоқда. Шу сабабли Фарбдаги кўплаб инвестиция маслаҳатчилари бугунги кунда психология бўйича ҳам тайёргарликдан ўтмоқдалар. Масалан, Гарварддаги медицина мактабида психотерапия ва инвестиция консалтинги ҳам ўқитилади. Инвесторлар учун тренинглари, телефон маслаҳатлари олиб борилади. Беқарорлик вазиятларида инвестицияга оид қарорларни қабул қилишдаги психологик хусусиятлар ва хатоларни тушуниш, турли стресс ҳолатларини бартараф этишга оид адабиётлар нашр этилади. Бу фанлараро ёндашувнинг иқтисодий фанларда намоён бўлишидир¹. Олимнинг изланишлари ишбилармонлик, бизнес соҳасидаги инсон фаолиятини когнитив психология методлари асосида ўрганишни бошлаб берди. Фанлараро ёндашувнинг қўлланилиши илмий тадқиқотни янада бойитади, объектни чуқурроқ ўрганиш, янги маълумотлар олиш имконини беради.

Буни когнитивликни ўрганишдаги фанлараро ёндашув мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Демак, айтиш мумкинки, иқтисодий назарияларда инсон когнитив хусусиятларига эътибор қаратиш, инсонни фақатгина иқтисодий субъект сифатида кўрмасдан, уни яхлит, тизим сифатида тадқиқ этиш фанлараро ёндашувни кучайтирмоқда. Бундай фанлараро интегратив жараённи иқтисодиёт фанидаги яна бир янги парадигма бўлган «когнитив иқтисодиёт» ғоясида ҳам кўришимиз

¹ Жалалова Г.О. Илмий ва ижтимоий ғояларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти / Мустақиллик ва ғоялар фалсафасининг назарий методологик асослари (монография). Абдуллаева М.Н., Саффарова Н.О., Гаффарова Г.Ф., Жалалова Г.О., Ниязимбетов М.К., Усмонов Ф.Н. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б. 94–99.

мумкиндир. Когнитив иқтисодиёт ғоясининг асосчилари америкалик олим Герберт Саймон¹, австриялик иқтисодчи ва философ Фридрих Август фон Хайек² ва австриялик-америкалик иқтисодчи олим Фриц Махлуп (1960-йиллар) ҳисобланади. Уларнинг изланишлари кўрсатадики, янги когнитив иқтисодиётда асосий таҳлил ментал тизимларга қаратилади.

«Когнитив иқтисодиёт ёки билим иқтисодиётининг олдинги иқтисодий назариялардан фарқи шундан иборатки, унда иқтисодиётга нафақат технологиялар балки билим ишлаб чиқариш механизми, жараёни ҳам киритилди. Натижада бугунги кунда когнитив менежмент ривожланмоқда. Когнитив менежмент бу инсонларнинг билиш жараёнлари, билиш имкониятларини ташкилий ва институционал контекстда бошқариш сифатида таърифланади. Натижада бугунги кундаги йирик, инновацион корпорацияларда билиш фаолиятининг технология ва воситалари қизғин тадқиқ этилмоқда ва иқтисодий самарадорликни ошириш мақсадида амалиётга жорий этилмоқда.

Шунингдек, иқтисодий фанлардаги трансформация табиий фанлардаги ғоя, парадигмаларнинг иқтисодий фанга кириб келишида ҳам намоён бўлмоқда. Буни биз иқтисодий фанлардаги «синергетика иқтисодиёти» ғояси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ёндашувга кўра, иқтисодий тизимнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги ундаги нозизиқлилиги ва беқарорлик натижасидир. Синергетика иқтисодиёти ёндашувида иқтисодий тизим мураккаб тизим сифатида ўрганилади. Иқтисодий тизимда мураккаблик, хаос, мувозанатсизлик, беқарорлик, бифуркация, флуктуа-

¹ 1978 йилда Нобель мукофоти соҳиби бўлган.

² 1974 йилда Нобель мукофоти соҳиби бўлган.

ция жараёнлари эътироф этилади. Иқтисодий синергетика ривожланишни кўп фазали ва кўп босқичли жараён сифатида тадқиқ этади. Шу сабабли Л.Ландаунинг фазали ўтиш назариясига асосланган синергетик бозор ғояси ҳам ишлаб чиқилмоқда¹. Демак, кўриниб турибдики, табиий фанларнинг ғоялари ижтимоий фанларга кириб келмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, замонавий фан тизими тобора мураккаблашиб, трансформацияга учрамоқда, янги методология, янги илмий тафаккурга зарурият сезилмоқда. Иккинчидан, замонавий реалликнинг беқарорлиги, эҳтимолийлиги, мураккаблик барча жабҳаларда намоён бўлмоқда. Шу сабабли инсониятга замонавий мураккаб маконда фаолият олиб бориш учун янги билиш усуллари зарурдир. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, фанлараро ёндашувнинг ривожланиши, унинг олимлар томонидан қўлланилиши учун, биринчидан, жамиятнинг илмий салоҳияти етарлича юқори бўлиши лозим. Иккинчидан, бунинг учун маълум моддий, илмий-техникавий шарт-шароитлар талаб этилади².

Фанлараро ёндашув ғояларининг ривожланиши турли фан соҳаларига асосланган синергетика ёки мураккаб тизимлар назариясида намоён бўлди.

¹ Жалалова Г. Илмий билимлардаги трансформация жараёнлари. Фал. фан. док. (PhD)... диссертацияси – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – Б. 56.

² Жалалова Г. Илмий ва ижтимоий ғояларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти / Мустақиллик ва ғоялар фалсафасининг назарий методологик асослари (монография). Абдуллаева М.Н., Саффарова Н.О., Гаффарова Г.Ф., Жалалова Г.О., Ниязимбетов М.К., Усмонов Ф.Н. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б. 96–97.

Синергетика – билишда фанлараро ёндашув услуги

Замонавий дунёдаги жараёнлар ўзининг мураккаблиги билан характерланади. Мураккаблик кўп қиррали тизим бўлиб, у янги методологик нормаларга асосланган янги усуллар билан тадқиқ қилишни тақозо этади¹. Дунёдаги ана шундай мураккаб ижтимоий, иқтисодий, психологик жараёнларни ўрганиш зарурияти натижасида «синергетика» илмий билиш ёндашуви сифатида замонавий фан тизимида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда.

«Фанда икки турдаги тизимлар ўрганилади. Биринчиси оддий ва иккинчиси мураккаб тизимлардир. Замонавий фан асосан мураккаб тизимларни ўрганмоқда. Мураккаб тизимларга ижтимоий, иқтисодий, биологик, табиий тизимлар киради. Мураккаб тизимларда элементлар сони кўп бўлиб, улар ўзаро боғланишда, таъсирда ва ҳамкорликда бўлади»². Масалан, инсон миясини олсак, мияда кўплаб нейронлар мавжуд бўлиб, улар ўртасида доимо ўзаро боғланишлар (синапслар) мавжуд. Шунингдек, бу нейронлар доимо ўзаро таъсир ва ҳамкорликда миянинг фаолиятини таъминлайди. Ёки спектаклни олсак, сценарий муаллифи, режиссёр, актёрлар, техник ходимлар бир мураккаб тизим сифатида фаолият олиб бориб спектаклни яратадилар.

Мураккаб тизимлар ўзида бекарорлик, ночизиклик, яхлитлик, ўз-ўзини ташкиллаштириш, эмергент-

¹ Жалалова Г.О., Абдуллаева М.Н. Трансформация когнитивных возможностей научного познания. Материалы УШ Международной научно-практической конференции. 26-27 декабря 2012 г. Том III. – Москва, 2012. – С.15.

² Жалалова Г.О. Фандаги трансформация жараёнларини ўрганишда синергетика методологиясининг имкониятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. – №1/2. – Б.151.

лик (тасодиф) каби хусусиятларни намоён этади. Немис олими Морен ўз тадқиқотларида мураккаб тизимларда вужудга келиши мумкин бўлган сабаб-оқибатнинг диалектик комбинациясини кўрсатади ва бу комбинацияларни эътиборга олиш бошқарувда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур комбинациялар қуйидагилардан иборат:

а) бир хил сабаб турли натижаларни келтириб чиқариши мумкин;

б) турли сабаблар бир хил натижаларга олиб келиши мумкин;

в) катта бўлмаган сабаблар ҳам катта натижаларга олиб келиши мумкин;

г) катта сабаблар ҳам кичкина натижаларга олиб келиши мумкин;

д) баъзи сабаблар тескари натижаларни келтириб чиқариши мумкин;

е) қарама-қарши сабабларнинг натижалари ноаниқ бўлиши мумкин¹.

Фан мураккаб тизимларни ўрганар экан, янги методология, янги тафаккур зарурияти вужудга келди. Классик методологиядаги детерминизмга асосланган методлар замонавий мураккаб объектларни ўрганиш, улар ҳақида етарли маълумотлар бериш имкониятига эга бўлмай қолди. Масалан, замонавий глобаллашув, ахборотлашув жараёнлари, Интернетнинг инсон идрокига таъсири ва ҳ.к.

Мураккаб объектларни ўрганиш фаннинг ўзида ҳам интегратив жараёнларнинг кучайишига олиб келди. Мураккаб тизимларнинг ривожланиши, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши натижасида «Фан объекти, субъ-

¹ Морен Э. Метод. Природа природы / Э. Морен. – М.: Прогресс-Традиция, 2005. – 464 с.

екти, функциялари, билимларни узатиш, билимларни тақдим этиш жараёнларининг ҳам мураккаблашуви¹ кузатилди. Шу тариқа соҳа олимлари янги методология заруриятини англадилар ҳамда турли метод ва методологияни тақдим эта бошладилар. Янги методологияга эҳтиёж тарих фанида ҳам юзага келди. Машҳур француз тарихчи-методологи М.Эмарнинг фикрига кўра, бугунги кунда тарих фани жамиятни ўрганувчи бошқа фанлар томонидан илгари сурилган барча фикрлар ва гипотезалар (фараз) учун очиқ бўлиши лозим, тарих фанининг усуллари ва унда масалаларнинг қўйилиши янгиланиб туриши керак. Кўриниб турибдики, мураккаб ҳодиса ва жараёнларни алоҳида олинган фан методлари воситасида билиш мумкин эмас, шунинг учун фанлараро ёндашувни ривожлантириш зарурияти юзага келди.

Синергетика XX асрнинг тўртинчи чорагида пайдо бўлди. «Синергетика» атамаси қадимги юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, биргалик, бирлашган ҳолда, ҳамкорлик, кўмаклашиш, иштирок этиш, ёрдам бериш деган маъноларни англатади. Синергетика юқорида кўриб ўтилган мураккаб тизимларни ўрганади. Мураккаб тизимлар беқарор, ўзгарувчан бўлади. Илмий билишнинг анъанавий соҳаларидан фарқли ўларок, синергетика ҳар қандай табиатга эга тизимни эмас, балки беқарор тизимлар эволюциясининг умумий қонуниятларини ўрганади. Масалан, жамиятда содир бўлаётган инқилоблар, трансформация, модернизация жараёнларини синергетика методологияси асосида тадқиқ этиш самарали илмий натижалар беради. Чунки жамият бу методологияда яхлит мураккаб тизим си-

¹ Жалалова Г.О. Фандаги трансформация жараёнларини ўрганишда синергетика методологиясининг имкониятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. – №1/2. – Б.152.

фатида олинади, ижтимоий ўзаро боғланишлар, структуравий ўзгаришлар эътибордан четда қолмайди.

Нобель мукофотининг лауреати, бельгиялик физик кимёгар олим И.Пригожин ва унинг шогирдлари тадқиқотлари асосида тартиб ва тартибсизликнинг вужудга келиши жараёнини тизимли ёндашув ёрдамида ўрганувчи бутун бир фанлараро ёндашув пайдо бўлди. Немис олими Г.Хакен 1973 йилда ўз-ўзини ташкил этиш муаммоларига бағишланган биринчи конференцияда нутқ сўзлаб, мазкур йўналишга «синергетика» атамасини берди.

Хакен синергетикани нафақат ўз-ўзини ташкил этиш ҳақидаги, балки беқарорлик даврида тизимларнинг ҳамкорлиги натижасида макроскопик даражада янги тизимнинг вужудга келиши тўғрисидаги фан сифатида эътироф этади. Иккинчидан, тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиш умумий тамойилларини топишга у турли фанларни жалб этади.

Олимнинг фикрича, турли табиатли тизимларнинг бир хил ўз-ўзини ташкил этиш тамойиллари мавжуд, демак, табиий ва ижтимоий жараёнларнинг умумий аниқловчиларини топиш тўғрисида сўз юритиш лозим. Синергетика айнан мана шу умумий аниқловчиларни топишга йўналтирилган.

1980-йилларда Германияда бу фан синергетика (Г.Хакен), француз тилли давлатларда – диссипатив тизимлар назарияси (И.Пригожин), АҚШда – динамик тартибсизлик назарияси (М.Фейгенбаум) деб аталган. Унда ривожланиш тизимнинг барқарор ҳолатига мувофиқ равишда узоқ даврлар изчиллиги сифатида тушунилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, синергетика очик, яъни ташқи муҳит билан модда, энергия ва ахборот алмашувчи, мувозанатсиз мураккаб тизимларни ўрганади.

Яъни синергетика тамойиллари бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтаётган, масалан, инсоннинг ўспиринлик даври, жамиятдаги ислохотлар, инкилоблар, янги иқтисодий муносабатлар шаклланаётган даврларни тадқиқ этишда самаралидир. Агар тизим бир текис, барқарор ривожланаётган бўлса, диалектика қонунлари асосида ўрганиш мумкин бўлади. Аммо замонавий ижтимоий, сиёсий, маданий жараёнлардаги тез ўзгарувчанлик, беқарорлик, мураккаблик синергетик ёндашувдан фойдаланишни талаб этмоқда. Чунки синергетика айнан шундай хусусиятларни ўрганишда конструктив аҳамият касб этади.

Синергетика ўз тамойилларини «бифуркация», «флуктуация», «аттрактор», «мураккаблик», «тизим», «ўз-ўзини ташкил этиш», «хаос», «структурогенез», «тартиб параметри», «ночизиқлилиқ», «эмергентлик» каби тушунчалар асосида очиб беради.

Синергетиканинг асосий тушунчаларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Бифуркациялар бу тизимнинг танлов нуқтаси ҳисобланади. Тизим ичидаги беқарорлик шундай нуқтага етадики, унда тизим олдинги тартибдан янги тартибга ўтиши зарур бўлиб қолади. Тизим ўзи ривожланиш йўлини танлаши керак бўлади. Масалан, ўспириннинг касб танлаш жараёни, уйланишдан олдинги йигитлар ҳолатини кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. Ёки беморнинг критик ҳолатида шифокор қайси бир даволаниш муолажасини танлайди. Ана шу танлов ўтказилаётган дақиқа, давр, нуқта бифуркация давридир. Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамиз бифуркация нуқтасига келганди, яъни янги ижтимоий тизимга ўтиш зарурияти туғилган эди. Танлов қилишга бир қанча флуктуациялар таъсир этди. Флуктуациялар деганда синергетикада тизимнинг беқарор ҳолатида унинг бошқа ҳолат,

тизимга ўтишида таъсир қилувчи омилларга айтилади. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида ривожланишнинг мавжуд моделлари (бозор иқтисоди, режали иқтисод ва ҳ.к.) флуктуация сифатида амал қилди. Агар фан тизимини олсак, унга таъсир қилувчи флуктуацияларнинг ташқи ва ички турларини фарқлаш мумкин¹: 1) фан тизимидан ташқарида вужудга келган флуктуациялар (замонавий хом-ашё ва ижтимоий технологияларга бўлган эҳтиёж, иқтисодий ва демографик ўзгаришлар, урушлар, табиий ўзгаришлар); 2) фан тизимининг ўзида вужудга келадиган флуктуациялар (квант физикаси, нанотехнологиялар, ахборот технологиялари, когнитив фанларнинг ривожланиши, инновациялар, тарих фанида янги маълумот ва фактларнинг очилиши).

Флуктуациялар таъсирида аттракторлар («ўзига тортиш») муҳим аҳамият касб этади. Аттракторлар деганимизда флуктуациялар ичида тизимни ўзига кўпроқ жалб этувчи таъсирлар тушунилади. Аттракторлар тушунчаси очик, ночизиқли тизимлар эволюцион йўналишида қандайдир структурага (мақсадга) интилишини тасвирлайди².

Ўзбекистон учун мустақилликнинг дастлабки даврларида «Ўзбек модели» ана шундай аттрактор сифатида амал қилди. Ривожланишнинг босқичма-босқич бориши, «шок терапиясининг» қўлланмаслиги каби хусусиятлар «Ўзбек моделининг» жамиятимизда барқарорликни таъминлашига хизмат қилди.

Ўрганилаётган тизим ҳолатини улар беқарор ривожланаётган вақтда, бифуркациялар нуқтасида аввал-

¹ Жалалова Г. Илмий билимлардаги трансформация жараёнлари. Дисс. фал.фан.док. (PhD). – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – Б. 56.

² Фаффарова Г., Жалалова Г.О., Тангиоров Н.А., Абдуллаева М.Н. Илмий ғояларнинг ижтимоий тараққиётдаги фалсафий аҳамияти. Илмий методологик қўлланма. – Тошкент, 2014. – Б.78.

дан айта билмаслик тадқиқотчилар эътиборини жалб қилади. Бундай даврда жараёнга тасодифий флуктуациялар кучли таъсир кўрсатади, аксинча, «мувозанат» шароитидаги катта флуктуациялар тарихий жараёнларга кам таъсир кўрсатади. Бифуркация нуктаси яқинида пайдо бўлган «тартибсизлик» умуман тартиб йўқолишини билдирмайди, аксинча, жараён динамикаси ички кўринишга эга бўлади. «Тартиб параметри тизимнинг ҳаракатини белгилайди»¹ Дарҳақиқат, билим ҳам мураккаб тизим сифатида ташқи таъсир даражаси ва характери (глобаллашув, ахборотлашув, глобал экологик муаммолар) ва ички мантикий қонуниятлари (таъсирида) нисбатан барқарор ривожланиб боради ва маълум тартиб параметрига амал қилади. «Тартиб параметри тизимдаги элементларнинг ўзаро монанд ҳаракатлари йўналишини белгилайди. Фан каби мураккаб тизимда тартиб элементларнинг ўзаро муносабати ва тизим структурасини белгилайди. Мураккаб тизимлардаги янги даражага ўтиш энг аввало тартиб параметрларига флуктуацияларнинг таъсир этишидан бошланади. Фан тизимида бу таъсирлар турли янги ғоя, назариялар ёки маданий-ижтимоий омил бўлиши мумкин. Масалан, фаннинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ана шу тартиб параметрларининг ўзгариши орқали содир бўлади. Тартиб параметрларининг ўзгаришидан олдин тизимда турли ғоялар, турли илмий мактаб ва йўналишлар кўпайиб кетиши кузатилади. Натижада, мавжуд фандаги тартиб параметри билан янги тартиб параметрлари орасида рақобат пайдо бўлади. Бунда фан тизимини эволюцион барқарор

¹ Абдуллаева М.Н. Синергетиканинг баъзи бир ғоялари тўғрисида / Илмий ғояларнинг ижтимоий тараққиётдаги фалсафий аҳамияти (илмий-методологик) қўлланма. Гаффарова Г.Ғ., Жалалова Г.О., Тангиоров Н.А., Абдуллаева М.Н. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б.75.

ҳолатга қисман қисқа йўл билан олиб ўтган ғоя янги тартиб параметрига айланади.

Натижада фан тизими структурасининг барча элементларини ўзига бўйсундирувчи янги параметр ва янги структура ҳосил бўлади. Бунга батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, фандаги мавжуд қонунлар, фан ривожланишининг маълум даврига келиб, илмий билиш мезонларини белгилашга ожизлик қилиб қолади. Унга классик фан асосларининг инқирозини мисол қилиш мумкин. Яъни, фан ривожланишининг маълум бир даврида беқарор вазият вужудга келади. Турли назария, ғоя, тасодифий кашфиётлар фандаги беқарорликка сабаб бўлиши мумкин. Янги ғоялар, кашфиётлар шу даражада радикал бўлиши мумкинки, натижада билимларда структуравий ўзгаришлар – трансформациялар юз беради¹. Масалан, жамиятни оладиган бўлсак, ундаги тартиблар инсонларга катта таъсир қилади, фаолиятимизни белгилайди. Ёки фандаги парадигмаларни фаннинг тартиб параметрлари сифатида кўриш мумкин. Буни билиш ўрганилаётган жараённинг ривожланишига прогноз қилиш мумкин бўлмаган тасодифий ҳолатларнинг таъсирини тадқиқ этишда тарихчилар учун муҳимдир.

Академик Н.Н. Моисеев фикрига кўра, ҳар қандай мураккаб тизимнинг ривожланиши қандайдир аттракторда, яъни тизимнинг мувозанат ҳолатидаги «тортиш соҳаси», «мақсади»да рўй беради. Яъни «аттрактор» тушунчаси мураккаб тизимнинг қандайдир структурага (мақсадга) интилишини билдиради². Масалан, «за-

¹ Жалалова Г.О. Илмий билимлардаги трансформация жараёнлари. Дисс. фал.фан.док.(PhD). – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – Б. 55-56.

² Абдуллаева М.Н. Синергетиканинг баъзи бир ғоялари тўғрисида / Илмий ғояларнинг ижтимоий тараққиётдаги фалсафий аҳамияти (илмий-методологик) қўлланма. Гаффарова Г.Ғ., Жалалова Г.О., Тангиров Н.А., Абдуллаева М.Н. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б.75.

монавий фандаги антропологик бурилишни фандаги «аттрактор» сифатида тушунишимиз мумкин»¹. Мураккаб ночизикли тизимлар бир қанча аттракторларга эга бўлиши мумкин. Бир қанча сабабларга кўра шароит бирдан ўзгариб кетиши, тизим янги аттракторга, бошқача қилиб айтганда, эволюциянинг янги каналига ўтиши мумкин. Бу каби тизимнинг қайта қурилиши бифуркация дейилади. Бифуркациядан кейинги ҳолатни аввалдан айтиб бўлмайди, фақат рўй бериши мумкин бўлган сценарий ёки ривожланишнинг умумий йўналишлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Шундай қилиб, ҳар қандай мураккаб эволюция мувозанатли даврлардан («дарвин», эволюцион) катастрофик қайта қуришлар даврига алмашиб туради.

Синергетика эволюционизм ғоялари билан тарихий жараёнларнинг кўп вариантлилигини мужассамлаштирган ҳолда тарихда анъанавий ёндашувларнинг чекланганлигини бартараф этишга ёрдам беради.

Ночизиклилик ғояси эволюция йўлларининг муқобил вариантларининг кўплигини билдиради. Масалан, жамият ривожланишининг бир қанча муқобил йўлларининг мавжудлиги эътиборга олинади. Ночизиклилик тарих фани, унинг методологияси учун қандай аҳамият касб этади? Тарихий жараёнларни тадқиқ этаётганда ночизикли ёндашув, объектнинг ривожланиш йўлларининг кўп эканлигини назарда тутишни, шунингдек, анъанавий усуллардан чекланишга, бошқа фан усулларида ҳам фойдаланишга имкон беради.

Чизиклилик – дунёқараш нуктаи назаридан ҳодиса ва жараёнларнинг ягона йўналганлиги, моҳият, мақсад ёки структуранинг олдиндан берилган ягона йўлдан

¹ Жалалова Г.О. Фандаги трансформация жараёнларини ўрганишда синергетика методологиясининг имкониятлари // ЎзМУ хабарлари. – 2014. – № 1/2 – Б.154.

боришидир. Тарихий тадқиқотларда чизикли ёндашилганда, объект анъанавий усул ва ёндашувлар асосида ўрганилади. Шунингдек, тарихий жараёнлар, ҳодисалар ривожининг, муаммоларни ечишнинг кўп йўллари борлиги эътибордан четда қолади. Тизимли ёндашмайди, жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинмайди. Бундай чизикли ёндашувни совет иттифоқи амалиётида, режали иқтисод мисолида кўришимиз мумкин. Чизикли ёндашувни агар бошқарувда кўрадиган бўлсак, унга кўра натижа сарфланган хатти-ҳаракатга пропорционал бўлади. Масалан, иттифоқ даврида қуролланиш пойгасига қанча кўп маблағ ажратилса, мамлакат шунчалик кучли, хавфсиз бўлади деган ғоя илгари сурилди. Ривожланиш ягона коммунистик мафкурага бўйсундирилди. Бошқа ғояларнинг бўлишига йўл қўйилмади. Натижада прогресс технологияларни ривожлантириш асосидагина бўлиши, инсоннинг ривожланиши четда қолади. Бу чизиклиликнинг яққол мисолидир. Тарихга назар солсак ана шундай чизиклилик фашизмнинг ривожланишида ҳам қўлланилган. Илмий тадқиқотларда қўлланганда ривожланишнинг ягона йўли эътиборга олинади, холос.

Эмергентлик (лот. *emergere* – юз бермоқ, пайдо бўлмоқ) – тизимда янгилик тасодифан пайдо бўлади. Масалан, хужайрадан тортиб то организмгача, гендан тортиб генофондгача эмергентлик хусусиятга эга тизимли яхлитликни намоён этади.

Масалан, кишиларнинг маълум бир гуруҳига янги аъзолар қўшилса янги, эмергентлик пайдо бўлиши мумкин. Яъни гуруҳда янги хусусият тасодиф туфайли ҳосил бўлади. Масалан, уруш вақтида қуршовда қолган аскарлар ичидан бир кишининг хужумга отилиб чиқиши, ўзини кутилмаганда қурбон қилиши

воқеалар ривожини кескин ўзгартириб юбориши мумкин. Ваҳоланки, бу ҳолат кутилмаганда содир бўлади. Ёки бирон тарихий ҳодиса ўрганилаётган, илмий хулосалар тайёр бўлганда тасодиф туфайли кутилмаган жойдан янги фактларнинг топилиши, илмий натижанинг бутунлай ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бу тизимда унинг бошқа элементларига ҳам ўз таъсирини ўтказувчи эмергентликдир. Тўсатдан, кутилмаганда, тасодифан ҳосил бўлувчи ва тизимни ўзгартириб юбурувчи янгиликдир.

Дунёнинг синергетик манзарасида кўпвариантлилиқ ва қайтарилмасликка асосланган шаклланиш ҳукм суради. Масалан, инсон организмига ҳам хаос ва тартиб ўртасидаги режим характерли бўлиб, детерминантлашган хаос маълум бир тартиботни таъминлаши таъкидланмоқда. Олимларнинг фикрича, инсоннинг нафас олиши, юрак уриши, уйку ритмлари, уйғоқлик ҳолати, гармонал ритмлар, психик мувозанат ва бошқа шу каби ҳолатларнинг барчасига хаоснинг маълум ўлчовлари керак бўлади. Мисол учун инсоннинг юрак аритмияси хавфли, лекин ҳаддан ташқари тартиблашган уриши ҳам унинг касаллигидан дарак беради. Шу маънода, бу олимларнинг фикрича, саломатлик бу — хаос ва тартиб ўртасида нозик мутаносибликда намоён бўлади.

Ижодкор фаолиятини кузатганда ҳам тартиб ва хаос бирлиги намоён бўлади. Масалан, олим ўз тадқиқотини олиб борар экан, унинг шундай даврлари бўладики, фактлар, маълумотлар, фикрларда тартибсизлик кузатилади. Аммо маълум бир давр ўтгандан кейин бу тартибсизлик ҳолатида илмий тадқиқот ғояси, янги илмий мазмун ҳосил бўла бошлайди. Бу илмий ижодда хаосдан тартибга ўтиш сифатида баҳоланиши

мумкин. Аммо янги сифат ҳосил бўлаётганда, синергетикага кўра, ижодкорга турли флуктуациялар, яъни ўзга ғоялар ёки турли моддий, маънавий, жисмоний қийинчиликлар, ижтимоий-иқтисодий шароит таъсир қилади. Сўнг у ижоддаги бифуркация нуқтасига яқинлашади. Яъни шундай нуқтага келадик, ижодкор олдида бир қанча танлов, имкониятлар очилади. Шундан бирини танлашига тўғри келади. Бундай танловга тасодиф ҳам катта таъсир ўтказиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг ривожланишини ҳам синергетик жараёнлар, жамиятнинг ўз-ўзини ташкил этиш сифатида ифодалаш мумкин. Маълумки, фуқаролик жамияти ҳар бир фуқаронинг фаоллиги, онглилиги, бошқарувдаги фаол иштирокини талаб этади. Демак, давлат ва фуқаро орасида синергетик жараёнларда кузатиладиган тескари қайта алоқадорлик кузатилади. Яъни фуқаронинг фаоллиги давлатнинг ривожланишига таъсир этади, давлатдаги ривожланиш эса фуқаронинг манфаатлари асосида олиб борилади. Давлат бошқарувида тобора фуқаронинг фаол иштироки пировардида жамиятнинг тараққиётига хизмат қилади.

Ёки яна бир мисол: қушлар учаётганда ўз-ўзини ташкиллаштириш йўли билан маълум конфигурацияларга терилади, бу уларнинг ортиқча энергия сарфламаслигига олиб келади. Қушлар синергия, яъни ҳамкорлик асосида ҳаракат қилар экан.

Синергетик методологияни ижтимоий жараёнлар, гуманитар соҳа тадқиқотларида қўллаш мумкинлиги ҳозирда илмий доираларда кўп мунозараларга сабаб бўлмоқда. Аммо гуманитар фан объектларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, олимлар синергетик методология эҳтимолий натижалар беришини эътироф этмоқда. Масалан, олим К.Майнцер

синергетикадан жамият ривожланишини ўрганишда фойдаланиш мураккаб ташкиллаштириш, башорат қилиш ва қарор қабул қилишда ёрдам беришини таъкидлайди. Рус олими В.Г. Буданов ўз изланишларида синергетиканинг гуманитар соҳаларга тез интеграллашиб бораётганини кўрсатиб ўтади. Бундан кўриниб турибдики, гуманитар фан соҳаларида ҳам синергетик методологиядан ижтимоий объектлардаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда фойдаланишимиз мумкин»¹.

Чунки шу кунгача ижтимоий жараёнларни ўрганишга қўлланилган назарий методлар глобал ижтимоий тизимни шакллантирувчи ички механизмларга эътибор бермаган. Яъни жамиятнинг структуравий яхлитлиги, жамиятдаги бутун ва қисмнинг ўзаро бирлиги, ўзаро таъсири ва ҳамкорлиги етарлича ўрганилмади. Замоनावий муаммоларни ҳал этиш учун фанлараро ёндашув зарурдир. Масалан, замоनावий экологик муаммолар иқтисодиёт, сиёсат, инсон маданияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, замоनावий глобал муаммолар ҳам инсон фаолиятининг этник, психологик, ижтимоий ва бошқа жабҳалари билан муштаракдир². Шунинг учун илмий тадқиқотларда синергетик ёндашув имкониятларидан фойдаланиш, тадқиқотчининг когнитив имкониятларини оширади, объектни тўлароқ ва чуқурроқ тадқиқ этиш имконини беради.

¹ Жалалова Г.О. Фандаги трансформация жараёнларини ўрганишда синергетика методологиясининг имкониятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. – №1/2. – Б.153; Jalolova G.O. The processes of modern transformation in science as complexity. . European Applied Sciences. – 2014. – № 3. – P.129.

² Жалалова Г.О., Абдулаева М.Н. Трансформация когнитивных возможностей научного познания. Материалы VIII Международной научно-практической конференции. 26–27 декабря 2012 г. Том III. – Москва, 2012. – С. 15.

Синергетика илми физика, кимё, биология, социологияга ўхшаган махсус фан бўлмай, ўз-ўзидан ташкилланиш илмидир. Синергетиканинг моҳияти шундан иборат.

Илгари жонли ва жонсиз табиат орасидаги фарқ мутлақлаштирилар эди, улар бир-бирига зид деб қаралар эди. Энди маълум бўлдики, улар орасидаги умумийлик моддийликкина эмас, балки диалектика қонунларидан ташқари баъзи қонунларнинг баравар ҳукмронлигида бўлиб чиқди. Масалан, ўз-ўзидан ташкилланиш қонунияти физика ва биологияда ҳам, жониворлар тўдаси ва кишилиқ жамиятида ҳам мавжуддир.

Тарихчи-тадқиқотчиларнинг ушбу янги илмий парадигмага муносабати қандай? Синергетикани тарихий тадқиқотларда қўллаш ҳақида умумий бир фикрга келинганми? Бу ҳақда тарихчи тадқиқотчилар фикри турличадир, баъзилар уни тўлиқ инкор қилса, баъзилар синергетика концепцияси ва усуллари тўлиқ қўллаш тарафдоридир.

1980–1990 йилларда методологлар тарихчилар бир тизимдан иккинчисига ўтишни асослаб берувчи ҳаққоний назарияга эга эмаслигини таъкидлашган эди. Кейинги ўн йилликда эса ўтиш даврларини ўрганиш, тарихий ривожланишнинг муқобиллиги, ижтимоий ўзгаришлар давридаги қонуниятлар ва тасодифлар муносабати масалалари тарихчиларда катта қизиқиш уйғотган. Масалан, Б.Н. Миронов Россияда уч асрда модернизация жараёнини ўрганар экан, Россиядаги ҳаракат вақти-вақти билан урушлар, ижтимоий низолар ёки радикал ислоҳотлар оқибатида рўй берган 15–25 йиллик инқироз билан узилиб турган¹.

¹ Миронов Б.Н. Социальная история России периода империи (XVIII – начало XX). В 2-томах. 3-издание. – СПб, 2003.

Б.Н. Миронов В.Булдаков билан баҳса ўз «эволюцион нуқтаи назари»га эътиборини қаратади. Инкилоб тарихини ўрганган, яъни маълум вақтгача «яшириниб турган» низолар тадқиқотчиси В.Булдаков Россиянинг ривожланишини барқарор ва ҳатто олдиндан уни башорат қилиш мумкин, деб таъкидлайди.

И.М. Савельева ва А.В. Полетаевларнинг «Тарих ва замон» номли китобида тарихий ривожланишнинг «стационар-портловчи» модели ҳақидаги фикр илгари сурилади. Улар тарихий ривожланишда жамиятдаги бир «стационар» ҳолатни иккинчисидан ажратиб турувчи «ўтиш» даврини таҳлил қилиш катта қизиқиш уйғотишини таъкидлайди. Мазкур даврлар жамиятдаги фаол ўзгаришлар билан боғлиқдир¹.

Л.И. Бородкин тадқиқотларидан бирида XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Петербург биржасида акциялар бозори динамикасини, бошқа бир ишида XIX аср охири XX аср бошларида Россияда стачка ҳаракати динамикасини синергетик ёндашув асосида таҳлил қилган ва ушбу ҳаракатга бу даврда хаос (ўта тартибсизлик) хос бўлганлиги аниқланади. Бундан ташқари, стачка ҳаракатининг математик модели яратилиб, унинг таҳлили моделнинг маълум бир параметрларида хаос режими пайдо бўлишини кўрсатган. Бу эса ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тушунишни чуқурлаштиради ҳамда йирик (ҳатто катастрофик) воқеалар маълум бир сабабсиз, тасодифан, қор кўчкиси каби рўй беришини кўрсатади.

Синергетиканинг тарихий тадқиқотларда қўлланишига бир қанча асос мавжуд бўлиб, биринчидан, хаос, бифуркациялар, «катастрофа» ва бошқа ночизикликлар мавжудлиги сабабли, иккинчидан, ўрганилаётган ти-

¹ Савельева И.М., Полетаев А.В. История и время: В поисках утраченного. – М., 1997. – С.449.

зимнинг ташқи таъсирларга жавоби турличалиги, бирон бир сабаби кўзга ташланмаган катастрофик воқеалар мавжудлиги, хаос ҳолатида воқеалар ривож қандай бўлишини олдиндан айта олмаслик ҳолатлари тарихий тадқиқотларда синергетикадан фойдаланиш тадқиқотчилар имкониятини кенгайтиришга ҳамда воқеа-ҳодиса, жараёнларни чуқур ўрганишга ёрдам беради. Тарихий синергетика тарих фанининг бошқа фанлар билан диалоги учун қўшимча имкониятлар очади.

Тарихий тизимлар мураккаб деб ҳисобланган бўлса-да, аммо ночизиқлилиқ узоқ вақт тадқиқотчилар назаридан четда қолган эди. Синергетика «фанлараро ёндашувни кучайтириб, билимлар синтезини таъминлайди. Объектнинг турли жиҳатлари, хусусиятлари, боғланишларини тасодифни эътиборга олган ҳолда тадқиқ этади»¹. Бу ўз навбатида тадқиқотчида мураккаб тафаккур шаклланишига ёрдам беради. Мураккаб тафаккур замонавий глобал муаммоларга конструктив ечим топиш учун жуда зарур ҳисобланади. Биз олимлар учун мураккаб тафаккур қандай аҳамият касб этади? «Биринчидан, мураккаб тафаккур асосида хилма-хиллик, очиқлик ва креативлик ётади. Иккинчидан, мураккаб тафаккур бизда диалог ва парадигмал плюрализмни шакллантиради»². Шунини таъкидлаш лозимки, замонавий субъектларда «мураккаб тафаккур»³ талаб этилмоқда. Мураккаб тафаккурга эга

¹ Жалалова Г.О. Фандаги трансформация жараёнларини ўрганишда синергетика методологиясининг имкониятлари // ЎзМУ хабарлари. – 2014. – № 1/2. – Б. 155.

² Жалалова Г.О. Илм-фандаги трансформация ва конвергенция жараёнлари // O'zbekistonda ijtimoiy fanlar. – Toshkent, 2015. – № 1. – Б.28.

³ Қаранг: *Jalalova G.O. The progresses of modern transformation in science as complex European Applied Sciences. Stuttgart, Germany. 2014. No3. 129–131; Жалалова Г.О. Таълим тизимидаги трансформацияларнинг эпистемологик моҳияти // ЎзМУ хабарлари. Махсус сон. – Тошкент, 2013. – Б.181.*

тадқиқотчи объектни бир бутунликда, яъни дунёда доимо рақобат, тартиб ва тартибсизлик, аниқлик ва тасодиқ, аниқмаслик, бўлинганлик ва бўлинмаслик диалогии мавжудлигини эътиборга олган ҳолда ўрганади ва илмий хулосалар қилади. Аммо шуни назарда тутиш зарурки, синергетика тизим мураккаб бўлганда, унда беқарорлик вужудга келганда амал қилади. Синергетика методологияси диалектикани буткул инкор этмайди. Балки диалектика ва синергетика ривожланишни тушуниш ва тушунтиришда ўз ўрнига эгадир.

Саволлар:

1. Фанлараро ҳамкорликнинг ва тарихий тадқиқотларда фанлараро усуллардан фойдаланишнинг кенгайиши сабаблари қандай?
2. Тарихий тадқиқотларда фанлараро усулларни қўллашнинг методологик тамойиллари нималардан иборат?
3. Илмий билиш ва унинг турлари ҳақида маълумот беринг.
4. Синергетика – билишда фанлараро ёндашув услубининг аҳамияти қандай?
5. Синергетик билишда «система» тушунчаси нимани англатади?
6. Синергетик ёндашувдаги янгилик нимадан иборат?
7. Бифуркация, флуктуация, аттрактор каби тушунчаларнинг маъносини тушунтириб беринг.
8. Чизиклилик ва эмергентлик нима?

1.4. Тарихий антропология ва «янги» ижтимоий тарих

Мақсад: Тарихий антропология ва «янги» ижтимоий тарихнинг вужудга келиш шарт-шароитлари, уларнинг вазифалари, муаммолари ҳақида маълумот бериш.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий антропология, янги ижтимоий тарих, интеллектуал тарих, харбий тарихий антропология.

Охирги юз йилликда тарих фани ривожланишида маълум бир даврийликни кўриш мумкин. XIX аср охирида жаҳон тарихшунослигида позитивизм ҳукмронлик қилган, буюк воқеалар ва буюк кишилар ҳақида ҳикоялар тарихни ёзишнинг кенг тарқалган шакли бўлган. Тадқиқотчилар диққат марказида давлат тузилиши, бошқаруви ва унинг раҳбарлари, сиёсий ҳаракатлар ва кўзғолонлар, умуман, сиёсий тарих устунлик қилган. XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Германияда Карл Лампрехт, Францияда Люсьен Февр ва Марк Блок, Буюк Британияда Льюис Нэмир ва Ричард Тоуни каби тарихчилар «эски» воқеавий тарих тарафдорларидан фарқли ўлароқ ўз ғояларини илғари сура бошлаган. 1950-йилларда «янги тарих»: структура тарихи, иқтисодий ва ижтимоий тарих, «катта узоқлик» (Фернан Бродель таъбири билан айтганда, *la longue duree*) вужудга келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин миқдорий, математик усуллардан (клиометрия) кенг фойдалана бошланди. Жаҳон тарихшунослигидан янги парадигма мустаҳкам ўрин олганидан сўнг омма тарихи ўрганилиб, инсон четда қолиб кетаётгани, тарих шахсиз бўлиб қолаётгани ҳақидаги фикрлар пайдо бўла бошлади.

Йирик медиевист олим Жорж Дюбининг этироф этишича, 1960-йилларда француз тарихчилари «иқтисодий тарих имкониятлари»га, аниқроқ қилиб айтганда, иқтисодий детерминизм имкониятларига ишончларини йўқотиб, менталлик тарихига мурожаат қила бошладилар. Унинг дастлабки кўринишлари Л. Февр ва М. Блок асарларида пайдо бўлди, улар ижтимоий антропология ютуқлари билан қизиқа бошла-

дилар. Бундан ташқари, мустамлакалар парчаланиши давридан сўнг Францияга Африкадан қайтиб келган этнологлар ўз тадқиқот усулларини анъанавий маданиятга қўллай бошладилар, Францияда этнология вужудга келди ва у француз тарихчиларининг янги авлоди танлаётган мавзу ва ёндашувларга катта таъсир кўрсатди¹.

Бундай бурилишлар бошқа давлатларда, хусусан, Буюк Британия ва АҚШда ҳам вужудга келди. «Past and Present» журнали атрофида тўпланган Буюк Британия тарихчилари (Эдвард П.Томпсон, Э. Хобсбаум ва бошқалар) тадқиқотчилар эътиборини ижтимоий-иқтисодий структураларни ўрганишдан оммавий онг ва феъл-атвор, ўзини тутишни таҳлил қилишга қаратишга катта эътибор берди. Буюк Британия ижтимоий антропологияси таъсири туфайли кейинчалик АҚШда янги маданий тарих вужудга келди. Шу йўналишда АҚШда Н.З. Дэвис тадқиқотлар олиб борди².

Фанда приоритетлар ўзгариши натижасида 1970-йиллар бошларида тарихчилар яна «воқеалар қайтгани» ҳақида гапира бошлайдилар ва сиёсий тарих яна кенг тадқиқ қилинади, 1980-йиллар бошларида илмий биография рукни яна урф бўла бошлади, тарихда ноёблик ва индивидуалликка қизиқиш кучайди³. Тарихий

¹ Дюби Ж. Развитие исторических исследований во Франции после 1950 года // Одиссей. Человек в истории. – М., 1991. – С. 53–55.

² Davis N. Z. Society and Culture in Early Modern France. – Stanford, 1975; Davis N. Z. Fiction in the Archives. Pardon Tales and their Tellers in Sixteenth-Century France. – Stanford, 1987; Davis N. Z. The Gift in Sixteenth-Century France. – Madison; London, 2000; Репина Л.П. Социальная история и историческая антропология: новейшие тенденции в современной британской и американской медиевистике // Одиссей. Человек в истории. – М., 1990. – С.167–181.

³ МДХ давлатларидан Россияда 1997 йилдан «Казус: Индивидуальное и уникальное в истории» номли альманах чоп этилмоқда.

антропология таъсири туфайли биография ва сиёсий тарих фанга «янгилаиб» кириб келди.

«Тарихий антропология» атамаси 1970-йилларнинг бошларидан бошлаб Фарбда тадқиқотнинг янги йўналиши сифатида пайдо бўлди. Бу вақтга келиб, инсоннинг тарихдаги ҳақиқий ролини тушуниш учун «қиёфага эга бўлмаган» менталитет тизимлар етарли эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Демак, тарихий антропология тарих фанининг янгиланишга бўлган ички эҳтиёжи натижасида вужудга келди. Янгиланишнинг воситаларидан бири ўзаро яқин фанлар, аввало, ижтимоий ва маданий антропология, шунингдек, социология, лингвистика ютуқларидан фойдаланиш бўлди. Гуманитар фанларнинг янги парадигмаси бўлган тарихий антропология тарихий тадқиқотларда инсон омилини кучайтириш билан бирга тарихда альтернативликни (бир-бирига зид икки хил йўл), дунёнинг турли нуқталарида ва алоҳида ҳудудларда муҳим жараёнларнинг шаклларидаги хилма-хилликни кўрсатади.

А. Бюргер 1978 йилда «Янги тарих фани» энциклопедиясида тарихий антропология тарих фани ривожланишининг ҳозирги вақтига тўғри келиб, унинг алоҳида бир бўлимини ташкил қилмайди, деб таъкидлайди. Тарихий антропология томонидан ўрганилаётган мавзулар тарих фанининг бошқа соҳалари тадқиқот предметини ташкил қилиши мумкин. Аммо тарихчи-антропологни, аввало, тарихий эволюциядаги инсон омили қизиқтиради, инсоннинг хатти-ҳаракати, унинг ўзгариши каби муаммолар қизиқтиради¹. Тарихий антропологияни Ж.Ле Гофф янада кенгроқ таърифлайди: «Тарихий антропология тарихнинг оммавий

¹ Бюргер А. Историческая антропология // История ментальностей. Историческая антропология. Зарубежные исследования в обзорах и рефератах. – С. 32.

умумий концепциясини ўзида акс эттиради. У менталитет, моддий ҳаёт, кундалик ҳаётни ўрганиб, «янги тарих фани»нинг барча ютуқларини қамраб олади¹. Тадқиқотчилар тарихий антропологиянинг фанлараро характерга эга эканлиги, бошқа ижтимоий фанлар, айниқса, этнология билан ўзаро таъсирга эгалиги ҳақидаги фикрга бир овоздан кўшилади. Ниҳоят, тарихий антропология ўз хусусиятига ҳам эга бўлиб, улар асосий эътиборни кундалик ҳаётнинг рамзий ифодасига, ҳаёт тарзига, одатларига, хатти-ҳаракатига, маросим, удумларига қаратади².

«Тарихий антропология» бир-бири билан уйғунлашиб кетган, аниқ чегарага эга бўлмаган илмий йўналишларнинг, аввало, менталитет тарихи (Франция), «янги маданий тарих» (АҚШ), микротарих (Италия), кундалик ҳаёт тарихи (Германия) йиғиндисидан иборатдир. Микротарих ва кундалик ҳаёт тарихи тарихий антропологияни танқид қилиш натижасида ундан «ўсиб чикди». 1970-йилларда унинг вужудга келиши тарихий жараёнларнинг ғайриихтиёрий равишда рўй бериши ҳақидаги тасаввурларга қарши тарихда алоҳида ва ноёб воқеа-ҳодисаларга эътиборнинг кучайиши билан боғлиқ эди.

1950–1960-йилларда фанлараро ёндашув унчалик катта янгилик эмас эди, чунки XIX аср охирида ўзаро яқин фанларга мурожаат қилиш тажрибасини баъзи тадқиқотчилар қўллай бошлаган. 1930-йилларда «Анналлар» мактаби асосчилари фанлараро ёндашувни тадқиқотларда қўллашни кенг тарғиб қила бошлади. XX аср ўрталаригача фанлараро ёндашувни

¹ Кромм М.М. Историческая антропология. Пособие к лекционному курсу. – СПб., 2000. – С. 32.

² Кром М.М. Историческая антропология. Пособие к лекционному курсу. – СПб., 2000. – С. 35–36.

фақат баъзи тадқиқотчилар қўллаган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин уни қўллаш оммавий тус олади, аста-секин жиддий илмий тадқиқотлар қоидасига айланди. Бундан ташқари, қайси фанлар билан алоқа қилиш масаласида фарқ мавжуд бўлганми деган савол туғилса, бунга, агар XX аср бошларида тарих география, социология, иқтисод, психология фанлари билан алоқа қилган бўлса, 1960–1980-йилларда эса тарихчилар фанлараро ёндашувда антропология, демография ва лингвистикага кўпроқ эътибор бера бошланган деб жавоб бериш мумкин¹. Таъкидлаш жоизки, жаҳонда мустамлакалар парчаланиши даврида тарихга антропологиянинг таъсири вужудга келиши бежиз эмас, у тарих фанини европоцентризмдан халос қилишда, шунингдек, маърифатпарварлик давридан буён мавжуд бўлган инсониятнинг ривожланиш йўли универсаллиги ва бир чизиқли ҳаракатланиши тўғрисидаги қарашлардан воз кечишда муҳим роль ўйнади. Унинг ўрнига тарихда муқобилликни тан олувчи, дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган муҳим жараёнларнинг турли шакллари тан олувчи янги парадигма вужудга келди. Тарихий антропология кўп шаклликнинг ва ҳудудий фарқларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидловчи йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тарихий антропологияга яқин бўлган ва вужудга келиш жараёнида унинг кучли таъсирига учраган тарихий тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларидан яна бири янги интеллектуал тарих ҳисобланади. Ҳозир тарихи интеллектуал тарихнинг анъанавий предмети бўлишда давом этса-да, унинг тадқиқот доираси анча кенгайди ва битта илмий парадигмага таяниб

¹ *Репина Л. П.* Социальная история и историческая антропология: новейшие тенденции в современной британской и американской медиэвистике // *Одиссей. Человек в истории.* – М., 1990. – С. 170.

қолмади¹. Анъанавий интеллектуал тарихдан фарқли равишда у фақат мазмун ва шаклни эмас, балки интеллектуал фаолият шароитини, давр интеллектуал иқлимини ўрганеди ва тафаккур тарихини ижтимоий-маданий боғлиқликда тадқиқ этади. Л.П. Репинанинг таъкидлашича, «Ҳозирги интеллектуал тарихнинг вужудга келиш шарт-шароити, бир томондан, ғоялар ва ғоялар йиғиндиси ўртасидаги ўзаро алоқа билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, «янги маданий тарих» 1970–1980-йилларда тарихшуносликда мавжуд бўлган фикрлашнинг бинар (иккили) модели анча мураккаб ва ҳаракатчан модел билан алмашади...»².

Ғарбда, айниқса, АҚШ ва Буюк Британияда инсон ҳақидаги фан тармоғи сифатида медицина антропологияси 1970-йиллардан бошлаб вужудга келди. Мазкур илм соҳаси антропологлар ва тарихчилар, шунингдек, шифокорлар ва психиатрларнинг қизиқиш доирасига кирди. Медицина антропологияси ўқув фани сифатида ижтимоий антропологлар ва медицина соҳасида ўқиётган талабалар ўқув дастуридан ўрин олди. Медицина антропологияси фанлараро соҳа бўлиб, турли жамиятларда олдин мавжуд бўлган ва ҳозирда ҳам бор бўлган тиббиёт тизимлари, тиббиёт амалиётининг маданий контексти билан боғлиқ масалаларни ўрганеди. Барча инсонлар саломатлигида муаммога учраганда уни нафақат ўз моддий имкониятидан, балки ўз маданий қарашлари ва қадриятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки,

¹ Репина Л.П. Интеллектуальная история сегодня // Диалог со временем. Альманах интеллектуальной истории. Под ред. Л.П. Репиной и В.И. Уколовой. Вып. 2. – М., 2000. – С. 8.

² Репина Л.П. Интеллектуальная история сегодня // Диалог со временем. Альманах интеллектуальной истории. Под ред. Л.П. Репиной и В.И. Уколовой. Вып. 2. – М., 2000. – С.9–10.

хеч бир мамлакатда аҳоли учун ягона тиббиёт стандартлари ишлаб чиқиш имкони бўлмаган ва ҳозирда ҳам мавжуд эмас. Демак, ҳозиргача турли ижтимоий ва этник гуруҳларнинг саломатликка, маиший турмушидаги санитар шароитга, тиббий муассасаларга муносабатида фарқлар мавжуд. Уларни биринчи ўринда антропологлар ва медицина ходимлари ҳисобга олишлари лозим.

Ўзбекистонда бугунги кунда медицина антропологияси алоҳида фан тармоғи сифатида ўқитилмайди ва бу борада тадқиқотлар олиб боришга киришилмаган. Фақат тиббиёт тарихи ва этнология соҳасида бу масалага бироз эътибор қаратилган.

Бундай тадқиқотлар олиб бориш ҳозирги кунда ниҳоятда муҳим, улар нафақат маълумотга эга бўлиш учун лозим, балки уларни билиш амалий характер касб этади. Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ва унинг саломатлиги асосий қадрият ҳисобланаётган бир вақтда бу ҳақдаги ижтимоий билимларни ошириш эҳтиёжи мавжуд.

Олимлар қадимдан тиббиётга қизиқиб келганлар, дастлаб тиббий билимларни тиббиёт ходимларининг ўзи тадқиқ этишган. XIX асрнинг бошларидан Ғарбда замонавий тиббиётнинг вужудга келиши билан тиббиёт ходимлари орасида ўз касби тарихини ёритиш эҳтиёжи вужудга келади. Тиббиёт ходимлари тиббиёт тарихини ёза бошладилар, уларнинг асосий эътибори тиббий билимларнинг босқичма-босқич ривожланиши, тиббий техника, ташхис қўйиш ва даволаш усуллари эволюцияси, тиббиёт мактаблари фаолияти каби масалаларга қаратилди¹.

¹ Litte Maximilien Paul Emile. *Medecine et medecins*, Paris, 1872 (рус. пер., Спб., 1873); Ковнер С. *История средневековой медицины*. Выпуски 1, 2. - Киев: Типография Императорского Университета Св. Владимира Год: 1891, 1897. - 648 с.; Менье Л. *История медицины*. - Москва-Ленинград: Госиздат, 1926; Т. Мейер-Штейнег, Карл Зудгоф. *История медицины*. - Москва: Госиздат, 1925 ва б.

XX асрда тиббиётга гуманитар соҳадаги олимлар ҳам эътибор қарата бошладилар. Ушбу соҳадаги дастлабки қадамларни файласуфлар бошлаб берди, улар тиббий билимларнинг марказий тушунчалари бўлган саломатлик, касаллик, норма, патология каби тушунчаларни таҳлил қилишга киришди.

1950 йилда Толкотт Парсонс¹ тадқиқотидан кейин медицина социологияси вужудга келади. Медицина алоҳида ижтимоий институт, касаллик ва саломатлик ижтимоий феноменлар сифатида ўрганилади. Асосий эътибор шифокор, бемор ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларга, низоларга ва беморлар билан ижтимоий бирдамлик масалаларига қаратилади.

Айнан шу даврда медицинанинг ижтимоий тарихи шакллана бошлайди, унинг ривожланишига Буюк Британия ва Франция тарихчилари катта ҳисса қўшади. Анъанавий медицина тарихидан фарқли равишда медицинанинг ижтимоий тарихи тиббиётни жамият тарихининг умумий контекстида ўрганади. Шунингдек, унда у ёки бу касалликнинг ижтимоий тарихини, масалан, эпидемиялар тарихи ёки ақлдан озиш тарихини ёзишга катта аҳамият берилади. Медицинанинг ижтимоий тарихини тадқиқ этиш халқаро маркази Wellcome

¹ *Толкотт Парсонс* (Talcott Parsons, 1902 йил 13 декабрь, Колорадо-Спрингс – 1979 йил 8 май, Мюнхен) — америкалик социолог-назариётчи, структуравий функционализм мактабининг бошлиғи, замонавий назарий социологиянинг асосчиларидан бири. Толкотт Парсонс Амхерстда биология ва фалсафани ўрганди, кейин Лондон иқтисод мактабида ва Ҳайдельберг университетида ўқиди. 1927 йилда Ҳайдельберг университетида социология ва иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олди. 1927–1973 йилларда Гарвардда дарс берди, у ерда ижтимоий муносабатлар фанлараро бўлимини ташкил этди ва бошқарди. 1949 йилда Америка социология ассоциацияси президенти этиб сайланди ва 1960–1965 йилларда ушбу ассоциациянинг котиби бўлиб фаолият юритди. Парсонс 1979 йил 8 майда инсультдан Мюнхенда вафот этди. Парсонснинг асарлари дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган.

Trust Institute бўлиб, у Лондонда жойлашган. Медици-
нанинг ижтимоий тарихи бўйича йирик мутахассис-
лардан бири машҳур инглиз фан тарихчиси Рой Пор-
тердир¹ (2002 йилда вафот этган).

Медицинанинг ижтимоий тарихи бўйича машҳур
асарлар сирасига Мишель Фуконинг «Клиниканинг
туғилиши» (1963; рус тилида, 1998); Мишель Фуко-
нинг «Классик боскичда ақлдан озиш тарихи» (1972;
рус тилида, 1997); Фредерик Картрайтнинг «Тиббиёт-
нинг ижтимоий тарихи» (инглиз тилида, 1977); Роджер
Смитнинг «Тиббиёт билан синов: Викторян суди-
да ақлдан озиш ва масъулият» (инглиз тилида, 1981);
Джастин Чампион муҳаррирлигида чоп этилган «Лон-
дондаги эпидемия» (инглиз тилида, 1993) каби китоб-
лар киради².

Янги йўналишдаги фанлараро тадқиқотлар сираси-
га ҳарбий тарихий антропология ҳам киради, у уруш-
ларни тадқиқ қилишга ихтисослашмаган, аксинча,
турли ижтимоий-гуманитар фанларнинг бу ҳақдаги
билимларини интеграция қилишга қаратилган. Ушбу
йўналишда тадқиқот олиб борувчи олимлардан бири
Е.С. Сенявская, уруш ўзига хос ижтимоий воқелик
бўлиб, унда жамиятдаги экстремал ҳолат, жамиятнинг
бошқа ижтимоий кучларга қаршилигидаги аҳволи на-
моён бўлади, шунинг учун уни ўрганишда махсус ён-
дашувлар ва усуллар талаб қилинади, деб таъкидлай-
ди. Е.С. Сенявская тадқиқотчилар олдига урушларда-
ги умумийлик ва хусусийликни, фақат армияга эмас,

¹ Портер Р. Краткая история безумия. – М., 2009. – 224 с.

² Фуко М. Рождение клиники. – М.: Смысл, 1998; Уники. История
безумия в классическую эпоху. – СПб.: Университетская книга, 1997;
Frederick Fox Cartwright. A Social History of Medicine. – London: Longman,
1977. – 209 pp.; Roger Smith. Trial by medicine: Insanity and responsibility
in Victorian Trials. Edinburgh: Edinburgh University Press, 1981. – 238 pp.;
Justin Champion. Epidemic Diseases in London. – London, 1993.

балки жамият аъзоларининг психологиясига таъсир кўрсатувчи омиллар, барча ижтимоий категорияларнинг қадриятлари, тасаввурлари, эътиқодлари, анъаналари ва одатларини урушнинг келиб чиқиши, бориши, яқунланиши ва оқибатлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш вазифасини қўяди. Бунинг учун тарих, ҳарбий фан, психология, социологиянинг фанлараро кооперацияси асосида тадқиқот олиб бориш талаб этилади¹.

Хорижий тарихшуносликда ХХ асрнинг 70–80-йилларида антропология йўналишидаги тарихий тадқиқотларнинг янги йўналиши – ижтимоий тарих вужудга келди. Унда ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий структураларни ўрганишга катта эътибор қаратилади. Ижтимоий тарихни тарихий тадқиқотларнинг бир йўналиши сифатида эътироф этиш учун когнитив ва ижтимоий институциализацияси бўлиши зарур эди. Ижтимоий институциализация биринчи навбатда тадқиқот гуруҳи ичида кооперация ва меҳнат тақсимооти, улар ўртасидаги мунтазам алоқалар, уларнинг бирлашмалари, ассоциациялари, журналларга эга бўлиши билан белгиланади². Жумладан, 1967 йилдан АҚШда «Journal of Social History» журнали, 1976 йилдан Буюк Британияда «Social History» журнали чоп этила бошлайди. Бундан ташқари, Европа давлатларида ва АҚШда ижтимоий тарих билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг бирлашмалари ташкил этилди. Ижтимоий тарих мутахассислари ҳар йили йиғилиб, илмий муаммоларни муҳокама қилишган.

¹ *Сенявская Е.С.* 1941–1945: Фронтовое поколение. Историко-психологическое исследование. – М., 1995; Ўша муаллиф. Человек на войне. Историко-психологические очерки. – М., 1997; Ўша муаллиф. Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М., 1999.

² *Уитли Р.* Когнитивная и социальная институциализации научных специальностей и областей исследования / Научная деятельность: структура и институты. – М., 1980. – С. 218–257.

Дастлабки даврда ижтимоий тарих жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий структураларни тадқиқ этди. Ижтимоий жараёнлар орасида модернизация, индустриализация, урбанизация, вестернизация каби жараёнларга алоҳида эътибор қаратилган. Ижтимоий структуралар ичида ижтимоий институтлар, партиялар, давлат, ҳуқуқ, иқтисод ижтимоий тарихчилар томонидан ўрганилган. Дастлабки босқичда ижтимоий тарих шахссиз ижтимоий ўзгаришлар ва структураларни тадқиқ этган, ижтимоий ҳаракатлар субъекти тадқиқот доирасидан четда қолди. Ижтимоий тарихнинг дастлабки босқичида тадқиқотлар тарихчилар макротаҳлилга, яъни йирик ижтимоий жараёнларни ўрганиш билан чегараланди.

XX асрнинг 80–90-йилларида ижтимоий тарих предмети ва тадқиқот усулларида катта ўзгаришлар юз берди, яъни тадқиқотчилар микротахлилий стратегияга бурилиш ясади. Масалан, тарихчилар давлат, ҳуқуқ, ҳуқмронлик, ижтимоий институтларни тадқиқ этишга катта эътибор бермасдан, балки ҳокимият барча ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларидаги феномен сифатида ўрганила бошлади. Бунда давлат, ҳуқуқ каби ҳокимиятнинг институционал шакллари иккинчи даражали масала сифатида ўрганилди. Ҳокимиятнинг бундай тарзда талқин қилинишини М. Фуко бошлаб берган эди, у ҳокимиятни ижтимоий ўзаро таъсир майдони, бир-бирига тенг бўлмаган кучлар муносабати сифатида ўрганган. Ҳокимиятнинг микротахлили бир ижтимоий қатламнинг бошқасининг устидан эксплуатациясини тадқиқ этишни кўзда тутмайди, аксинча, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, ижтимоий тарих-

даги микротаҳлилда кичик гуруҳларнинг, яъни оила, тадқиқот гуруҳи, ҳукмрон гуруҳларнинг ўзаро таъсирини ёритишни мақсад қилади. Айниқса, бу гуруҳларнинг норасмий, ноинституционал ўзаро таъсири шаклларига алоҳида эътибор берилади. Ижтимоий тарихдаги микротаҳлилда «кундалик ҳаёт тарихи» тадқиқот предметига киради.

Анъанавий ижтимоий тарихдан фарқли равишда унинг диққат марказида ижтимоий тизим ва жараёнлар эмас, балки «ривожланаётган жонли ижтимоий организмнинг ҳужайраси сифатида» инсон туради¹. Ижтимоий жараёнларни ўрганиш ракурси ўзгарди: тарихни «юқоридан» туриб, «дунёнинг кучли кишилари» идрок қилиши ва расмий дискурс орқали ўрганишдан воз кечилди, турли даврларда оддий инсонлар ҳаёти «пастандан» ва «ичкаридан» ўрганила бошлади. Шунингдек, ижтимоий борлиқ шакллари, ҳокимият институтлари ва улар ўртасидаги муносабатлар, инсонларнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни ва роли тадқиқ этилади. Шундай қилиб, ижтимоий тарихда инсон ижтимоий-маданий амалиёти ва инсон хатти-ҳаракатининг (кундалик ҳаётда инсонларнинг ўзаро муносабати ва ҳокимият билан муносабати; оила, никоҳ, болалар туғилиши ва тарбияси муаммолари; жинслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, таълим, моддий жиҳатдан таъминланганлик, дам олиш ва бошқалар; яшашнинг ҳар кунлик муаммоларини ҳал қилувчи ижтимоий муассасалар, жамиятнинг моддий таъминланганлиги, ахлоқий ва психик жиҳатдан саломатлиги; ичкиликбозлик, жиноятчилик, наркомания муаммоси; эътиқод рамзлари, ижтимоий онг афсоналари,

¹ Соколов А.К. Социальная история России новейшего времени: проблемы методологии и источниковедения // Теоретические проблемы исторических исследований. Вып.1. – М., 1998.– С.108.

маросимлар, суҳбат амалиёти, фольклор ва бошқалар) ижтимоий сабаблари олдинги ўринга чиқади¹.

Янги ижтимоий тарих назарий жиҳатдан герменевтика, тилшунослик ва дискурс тамойилларига асосланади, улар методологик синтезни амалга ошириш, фанлараро тадқиқот вазифаларини адо этиш имкониятларини яратади. Микротаҳлилга, жамиятдаги микро даражадаги тарихий синтезга катта ўрин берилган. Янги ижтимоий тарих манбашунослигида шахсий характердаги манбаларга катта эътибор қаратилган. Бундан ташқари, кишиларнинг давлат ва жамият институтлари билан бевосита муносабатини акс эттирган манбалар гуруҳи алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг ичида хатлар, мурожаатномалар, аризалар, шикоятлар, шахсий ишлар, суд-тергов материаллари ва коллектив биографияни (просопография) тузиш учун хизмат қилувчи шу турдаги бошқа ҳужжатлар катта ўрин тутади. Совет даври тарихини ўрганишда турли сиёсий ташкилотлар доимий равишда тузган жамиятдаги кайфиятга доир маълумотлар ва хабарлар, текширишлар, «тозалашлар», назорат комиссиялари материаллари жамиятдаги сохта ҳолат эмас, ҳақиқий аҳвол ҳақида тасаввур беради².

Ижтимоий тарих ушбу жараёнларни ёритишда фақатгина тарихий ижтимоий муҳит билан чегараланмасдан, балки уни ижтимоий ҳаётга таъсир этувчи бошқа соҳалар билан ҳамкорликда қўллашига тўғри келади. Чунки ижтимоий жараёнлар иқтисодий, маданий ҳамда бошқа соҳалардаги жараёнларга бевосита боғлиқдир. Бундай ишлардан бири Паоло Сар-

¹ Соколов А.К. Социальная история: проблемы методологии и источниковедения / Проблемы источниковедения и историографии. Материалы II Научных чтений памяти академика И.Д. Ковальченко. – М., 2000. – С.78–79.

² Соколов А.К. Социальная история: проблемы методологии и источниковедения / Проблемы источниковедения и историографии. Материалы II Научных чтений памяти академика И.Д. Ковальченко. – М., 2000. – С. 85.

тори муҳаррирлигида чоп этилган илмий тўплам хисобланади. Унда тарихда иқтисодий ва юридик соҳалардаги ўзгаришлар орқали ҳудуддаги ижтимоий ҳаёт ёритиб берилади. Яъни бунда ижтимоий тарих фақатгина ижтимоий жараёнларни эмас, балки иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги тарихий жараёнларни тадқиқ этишда муҳим тадқиқотлардан бири эканлиги кўзга ташланади¹.

Охириги 20 йилда Ўзбекистон тарихчилари ҳам фанлараро ёндашув усулларида фойдаланган ҳолда тадқиқотлар яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистонда урбанизация, миграция ва демография жараёнларини ўрганишда иқтисодиёт, география, социология фанлари усуллари қўллаган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда².

XX аср охири ХХI аср бошларидаги тарихий жараёнларга жаҳон халқлари ҳаётидаги қадриятлар ва ижтимоий-сиёсий тузумидаги қатъий ўзгаришлар хос бўлиб, бу давр тарихини ўрганиш ҳам тадқиқотчилардан фанлараро ёндашувни талаб этади. Жумладан, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ҳам Ватан тарихшунослиги ва у билан боғлиқ фанлар олдида катта вазифалар қўяди. Ҳозирги замон жараёнларини тадқиқ этиш ижтимоий-гуманитар фанларнинг, хусусан, тарих, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар,

¹ Explorations in the social history of modern Central Asia (19th-early 20th century), ed. Paolo Sartori, Leiden-Boston, 2013. – 333 p.

² Урбанизационные процессы в Узбекистане: история и современность [Отв. Ред. Р.Х. Муртазаева]. – Ташкент, 2007; Агзамова Г. Ўзбекистон шаҳарлари XVI–XIX асрнинг ўрталарида. – Тошкент, 2014; Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида. – Тошкент, 2013; Шадманова С. Ўзбекистон шаҳарларидаги трансформация жараёнлари (1917–1941 й.). – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2014; Муртазаева Р. Миграционные процессы в Узбекистане в конце XX – начале ХХI веков: исторические события и новые тенденции. – Германия: Lambert, 2015. ва бошқалар.

иктисод, социология, география, психология, антропология каби фанларнинг иштирокидаги вазифалардан биридир. Бу соҳа вакиллари ўз тадқиқотларида нафақат янги концептуал ёндашувлардан, балки замонавий тадқиқот усулларидан ҳам фойдаланади¹.

¹ Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – 112 с.; Р.Фарманов. Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиши ва фарб тажрибаси. – Ташкент: ТДПУ, 2004. – 292 б.; Шарапова С.Ш. Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторический и социальные факторы. – Ташкент, 2000; Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2002. – 216 с.; Муминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро ҳуқуқий муносабатлари. – Тошкент, 2003. – 210 б.; Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2004. – 172 с.; Сандов А.Х. Межпарламентские организации мира. – М.: Международные отношения, 2004. – 351 с.; Гуломов Х., Татыбаев А. Центральная Азия и мировая история. – Ташкент, 2004. – 22 с.; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – 280 б.; Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент: Шарқ, 2005 – 464 с.; Сафаев С. Марказий Осиё геополитикаси. – Тошкент, 2005; Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2005. – 153 с.; Касымова Н., Жураев С. Проблемы современных международных отношений. – Ташкент: Академия, 2008; Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграциоон жараёни муаммолари. – Тошкент: Фан, 2007. – 203 б.; Арифханов Ш. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Ташкент, 2008. – 202 с.; Парамонов В., Строков А., Столповский О. Россия и Китай в Центральной Азии: политика, экономика, безопасность. – Бишкек, 2008. – 155 с.; Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии. – Ташкент: Yangi Nashr, 2011. – 232 с.; Стратификационные процессы общества Узбекистана в контексте исторических процессов. Отв. ред. Рахимов М.А. – Ташкент: Навруз, 2014. – 275 с.; Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Республики Узбекистан. – Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2016. – 375 с.; Рахимов М. Узбекистан – 25 лет независимости // Центральная Азия – 25: мысли о прошлом, проекция будущего. – США: Университет Дж. Вашингтона, 2017. – Стр.12–15; Rakhimov Mirzokhid. New priorities of Uzbekistan // Journal of International affairs SIPA Columbia university. <https://jia.sipa.columbia.edu/online-articles/new-priorities-uzbekistan>.

тори муҳаррирлигида чоп этилган илмий тўплам ҳисобланади. Унда тарихда иқтисодий ва юридик соҳалардаги ўзгаришлар орқали ҳудуддаги ижтимоий ҳаёт ёритиб берилади. Яъни бунда ижтимоий тарих фақатгина ижтимоий жараёнларни эмас, балки иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги тарихий жараёнларни тадқиқ этишда муҳим тадқиқотлардан бири эканлиги кўзга ташланади¹.

Охириги 20 йилда Ўзбекистон тарихчилари ҳам фанлараро ёндашув усулларида фойдаланган ҳолда тадқиқотлар яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистонда урбанизация, миграция ва демография жараёнларини ўрганишда иқтисодиёт, география, социология фанлари усуллари қўллаган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда².

XX аср охири ХХІ аср бошларидаги тарихий жараёнларга жаҳон халқлари ҳаётидаги қадриятлар ва ижтимоий-сиёсий тузумидаги қатъий ўзгаришлар хос бўлиб, бу давр тарихини ўрганиш ҳам тадқиқотчилардан фанлараро ёндашувни талаб этади. Жумладан, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ҳам Ватан тарихшунослиги ва у билан боғлиқ фанлар олдида катта вазифалар қўяди. Ҳозирги замон жараёнларини тадқиқ этиш ижтимоий-гуманитар фанларнинг, хусусан, тарих, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар,

¹ Explorations in the social history of modern Central Asia (19th-early 20th century), ed. Paolo Sartori, Leiden-Boston, 2013. – 333 p.

² Урбанизационные процессы в Узбекистане: история и современность [Отв. Ред. Р.Х. Муртазаева]. – Ташкент, 2007; Агзамова Г. Ўзбекистон шаҳарлари XVI–XIX асрнинг ўрталарида. – Тошкент, 2014; Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида. – Тошкент, 2013; Шадманова С. Ўзбекистон шаҳарларидаги трансформация жараёнлари (1917–1941 й.). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2014; Муртазаева Р. Миграционные процессы в Узбекистане в конце XX – начале XXI веков: исторические события и новые тенденции. – Германия: Lambert, 2015. ва бошқалар.

иктисод, социология, география, психология, антропология каби фанларнинг иштирокидаги вазифалардан биридир. Бу соҳа вакиллари ўз тадқиқотларида нафақат янги концептуал ёндашувлардан, балки замонавий тадқиқот усулларида ҳам фойдаланади¹.

¹ Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – 112 с.; Р.Фарманов. Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиши ва Ғарб тажрибаси. – Ташкент: ТДПУ, 2004. – 292 б.; Шарапова С.Ш. Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторический и социальные факторы. – Ташкент, 2000; Нуридинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2002. – 216 с.; Муминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-хуқуқий муносабатлари. – Тошкент, 2003. – 210 б.; Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2004. – 172 с.; Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира. – М.: Международные отношения, 2004. – 351 с.; Гуломов Х., Татыбаев А. Центральная Азия и мировая история. – Ташкент, 2004. – 22 с.; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – 280 б.; Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент: Шарк, 2005 – 464 с.; Сафаев С. Марказий Осиё геополитикаси. – Тошкент, 2005; Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2005. – 153 с.; Касымова Н., Жураев С. Проблемы современных международных отношений. – Ташкент: Академия, 2008; Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. – Тошкент: Фан, 2007. – 203 б.; Арифханов Ш. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Ташкент, 2008. – 202 с.; Парамонов В., Строков А., Столповский О. Россия и Китай в Центральной Азии: политика, экономика, безопасность. – Бишкек, 2008. – 155 с.; Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии. – Ташкент: Yangi Nashr, 2011. – 232 с.; Стратификационные процессы общества Узбекистана в контексте исторических процессов. Отв. ред. Рахимов М.А. – Ташкент: Навруз, 2014. – 275 с.; Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Республики Узбекистан. – Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2016. – 375 с.; Рахимов М. Узбекистан – 25 лет независимости // Центральная Азия – 25: мысли о прошлом, проекция будущего. – США: Университет Дж. Вашингтона, 2017. – Стр.12–15; Rakhimov Mirzokhid. New priorities of Uzbekistan // Journal of International affairs SIPA Columbia university. <https://jia.sipa.columbia.edu/online-articles/new-priorities-uzbekistan>.

Тадқиқотчилар, асосан, компаратив ва комплекс таҳлил усулларини қўллаш билан бирга фанлараро ёндашувдан ҳам унумли фойдаланишмоқда.

Энг янги тарихнинг мақсади жамиятда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар ҳақида асосий билимларни бериш, замонавий ижтимоий аҳволни баҳолашда ўз қарашини шакллантириш, шунингдек, жамиятдаги тарихий жараёнларни жаҳондаги жараёнлар билан боғлашга ёрдам беришдан иборатдир. Бунинг учун эса фанлараро тўсиқларни олиб ташлаш, бошқачасига айтганда, фанлараро синтезни амалга оширишга ҳаракат қилиш лозим¹. Жумладан, Марказий Осиёда замонавий халқаро муносабатлар динамикаси ва тарихий манбаи масаласини кенгроқ тадқиқ этиш мақсадида манбалар ва адабиётларни ўрганиш билан бирга социологик тадқиқотлар ўтказилиб, ҳудуд республикалари, хорижий мамлакатлар, халқаро ва ҳудудий ташкилотлар вакиллари билан суҳбатлар олиб борилди. Ушбу ёндашувдан фойдаланиш расмий манбалар билан биргаликда экспертлар фикр-мулоҳазалари ҳамда воқеа иштирокчилари хотираларидан фойдаланиш имконини беради². Тарих фанлари доктори, проф. М.А. Рахимовнинг фикрига кўра, XX охири XXI аср бошлари тарихи уч босқичли асосда, яъни миллий, ҳудудий ва глобал жиҳатдан таҳлил этилиши лозим³. Унинг таъкидлашича, энг янги та-

¹ Новейшая история Республики Узбекистан. Учебник для вузов. – Ташкент, 2017. – С. 6-7.

² См. *Рахимов М.* Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии. Изд. – Ташкент: Yangi Nashr, 2011. – С.232.

³ См. *Mirzokhid Rakhimov, Reimund Seidelmann, Sinatillo Jonboboev.* Central Asia today: Countries, Neighbors, and the Region. – Frankfurt/Berlin/Bern/Brussels, New York/Oxford/Vienna: Peter Lang Publishing House, 2014. – P. 435.

рихни тизимли ва комплекс равишда тадқиқ этиш Ўзбекистонда давлат ва жамият ривожланишидаги йўналишларни аниқлаш ва олдиндан айтиш имконини беради¹.

Замонавий тарихнинг мураккаб ва зиддиятли жараёнларини таҳлил этиш учун тадқиқотчиларимиз жаҳон тарихшунослигида қўлланилаётган янги тадқиқот усулларидан фойдаланишига зарурият мавжуддир.

Саволлар:

1. Тарихий антропологиянинг пайдо бўлиш сабаблари ва унинг аҳамияти нимада?
2. Ҳарбий тарихий антропологияда қандай масалалар тадқиқ этилади?
3. «Янги» ижтимоий тарихнинг пайдо бўлиш сабаблари нималардан иборат?
4. «Янги» ижтимоий тарихнинг тадқиқот марказида бўлган масалалар нималардан иборат?

1.5. Тарихий тадқиқотларнинг махсус усуллари ва микдорий усуллар

Мақсад: Синхрон усул, муаммовий-хронологик усул, даврлаштириш усули ва қиёсий тарихий усул, ретроспектив усул, микдорий усуллар ва уларнинг хусусиятлари, шунингдек, таркибий таҳлил усулларини тушунтириб бериш.

¹ См. *М.Рахимов*. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2016. – 224 с; *Rakhimov Mirzokhid*. Post-Soviet transformations and the contemporary history of Uzbekistan // Uzbekistan: political order, societal changes, and cultural changes. – USA: The George Washington University, 2017. – Pp.10–15; *Рахимов М.* Узбекистан – 25 лет независимости // Центральная Азия – 25: мысли о прошлом, проекция будущего. – США: Университет Дж. Вашингтона, 2017.

Таянч сўз ва иборалар: тарих фанининг предмети, синхрон усул, хронологик усул, диахрон усул ёки даврлаштириш усули, тарихий параллел усули, тарихий моделлаштириш усули (ретроспектив), структурали-тизимли усул, «ретроҳикоя», миқдорий усул, математик усул, тарихий демография, математик моделлаштириш усули, кластер таҳлили, таркибий таҳлил – контент анализ, тарихий информатика.

Тарих фанининг предмети жуда мураккаб бўлиб, тарих бу – фақат илмий трактатлар эмас, балки инсоният ижтимоий онги билан боғлиқдир. Тарих ижтимоий жараёнлар узвийлигини ёритиб, ўтмиш асосида ҳозирги замонни тушуниш имкониятини беради ва маълум маънода келажакни кўра билишга ёрдам беради. Тарих бу инсоният хотирасидир.

«Тарих» тушунчаси илмий мақсадда ва кундалик турмушда ишлатилади. Демак, «тарих» тушунчаси 2 хил маъно касб этади: 1) тарих бу – ривожланаётган воқелиқдир 2) тарих – шу воқелиқни англашдир. Тушунчанинг иккинчи маъносида тарих фан сифатида майдонга чиқади. Тарих фани усуллари методологик назариядан илмий иш амалиётига ўтадиган кўприк вазифасини бажаради.

Тарих фанининг махсус усуллари 2 гуруҳга бўлинади: 1-гуруҳ илмий тадқиқотларнинг умумий усулларига ўхшаб кетади. Буларга синхрон, хронологик (унинг бир тури – муаммовий-даврийлик), даврлаштириш усули (диахрон) киради.

2-гуруҳ усуллар эса мантикий усулларга яқин бўлиб, назарий тадқиқотга ва тарихий воқеаларни таққослаш, улардаги қонуниятни аниқлашга асосланган. Унга тарихий таққослаш, ретроспектив усуллар киради.

Синхрон усул, муаммовий-хронологик усул, даврлаштириш усули ва қиёсий тарихий усул

Синхрон усул – турли воқеа ва ҳодисаларни бир пайтда ўрганиш. Турли воқеа ва ҳодисаларни алоҳида ўрганиш уларнинг аҳамиятини ошириб ёки камайтириб юборади, оқибатда абсолютлаштириш келиб чиқади. Воқелик ҳақида субъектив қарашлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, синхрон усулдан фойдаланиш воқеликлар ўртасидаги мураккаб алоқаларни ва ўзаро таъсирни ўрганиш имконини беради.

Воқелик ва жараёни тўғри тушуниш учун барча алоқаларни ва «ўтишларни», ўзаро таъсирни аниқлаш муҳимдир. Бир воқеликнинг келиб чиқиш сабабларини ва характерини очиқ бериш учун бошқа кўплаб воқеликларни тадқиқ этиш зарур. Масалан, бир ишчилар забастовкаси тарихини ўрганиш учун мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни ва саноат тармоқларини, ишчилар синфига нисбатан олиб борилган сиёсатни ҳамда ишчилар ва тадбиркорлар муносабатини, касаба ташкилотлари ва сиёсий партиялар фаолияти, ишчилар ўртасидаги бирдамлик каби масалаларни ҳам таҳлил қилади. Шунингдек, табиий ва ташқи омилларни ўрганиш зарур бўлади.

Муаммовий-хронологик усул – тарихий воқеа ва ҳодисаларни маълум бир тарихий давр доирасида уларнинг кетма-кетлиги, ҳаракати ва ўзгариши нуқтаи назаридан ўрганади. Ушбу усул бир-бири билан боғлиқ воқеалар хроникасини ўрганиб, тадқиқ этилаётган жараёнинг моҳиятини очиқ имконини беради.

Диахрон усул ёки даврлаштириш усули – инсон, жамият ёки воқеликларнинг алоҳида қисмларини тадқиқот мобайнида алоҳида босқичларга ажратиш. Бу

тарихий тадқиқотларнинг муҳим усулларидан биридир. Мазкур усул тарихий жараённинг маълум бир давр мобайнидаги сифат жиҳатидан ўзгаришини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, маълум бир даврда тарихий воқеликларнинг моҳиятини ва қонуниятини очишга ёрдам беради.

Тарихий параллел усули ёки қиёсий-тарихий усул ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга асосланган. Бу усул ўрганилаётган воқеликни ўрганиб бўлинган воқелик билан қиёслаш ҳамда биринчисининг моҳиятини иккинчиси воситасида англаб етишга ёрдам беради. Ушбу усул XIX охири XX аср бошларида ягона илмий усул сифатида тан олинган.

Қиёсий-тарихий усул воқеликларни ва унинг қўп томонларини, хусусиятларини ривожланишда ўрганишни тақозо этади. Ушбу усулнинг кучли томонларидан бири тадқиқ этилаётган воқеликларни кенг қамраб олишга имкон беришидир. Энг камида икки «қатор» воқеликни, жараёни параллел равишда ўрганиш тадқиқотчига алоҳида аналогик воқеликлар ўртасидаги алоқалар характерини кузатиш учун шароит яратди. Бундан келиб чиқадики, воқеликларни ажратилган ҳолатда, абсолют ягона деб қабул қилиб бўлмайди.

Жараёнда воқеликларни қиёсий ўрганиш билишни чуқурлаштиради (масалан, воқеликларда қонуниятларни аниқлаш, уларнинг янги сифатий томонларини очиш) ва кенгайтиради (масалан, билимнинг маълумотлар асосини кенгайтиради). Демак, бу усул бошқалари билан бир қаторда илмни микдорий ва сифатий чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Мазкур усул ёрдамида: а) воқеликлардаги турли белгилар аниқланади, улар қиёсланади; б) воқеликлардаги

тарихий изчиллик, ўзаро боғлиқлик, ривожланиш жараёнида уларнинг алоқалари ва муносабатлари аниқланади; в) ижтимоий жараёнлар ва воқеликлар умумлаштирилади.

Қиёсий-тарихий усулни қўллаш қиёсланаётган вазиятларни аниқ таҳлил қилишни тақозо этади, фақат уларни ташқи ўхшашлик жиҳатлари бўйича қиёслаш мумкин эмас, аynи чоғда, ҳар қандай қиёслаш ҳам шартли эканини унутмаслик лозим.

Тарихий тадқиқотларда энг кенг қўлланиладиган усуллардан бири қиёсий таҳлил усулидир. Мазкур усулдан фанда қадимдан фойдалана бошланган ва воқеалар даврийлигига эътибор қаратилмаган. Янги даврда эса маълум бир воқеалар ва даврлар таққосланди.

Бунда воқеаларнинг фарқи қайд этилиши билан бирга турли воқеликлардаги ўхшашликлар ҳам эътиборга олинади. Маърифатпарварлик тарихшунослигида инсоният табиатининг ягоналиги оқибати сифатида жаҳон тарихининг бирлиги эътироф этилади. Маърифатпарварлар қиёсий таҳлил усулидан кенг фойдаланиб, тарихий ривожланишнинг такрорланмаслиги ҳақидаги ғояни илгари суради. Аммо улар ижтимоий воқеликнинг ўзига хослиги ва воқеликлар такрорланиши моҳиятини тушуниб етолмади. Шунинг учун улар қиёсий усулдан юзаки равишда фойдаланди. Шунга қарамасдан, маърифатпарварлар ўрганилаётган воқеликларни таққослаш мезонлари қандай бўлиши керак, нималарни таққослаш мумкин ва нималарни қиёслаш мумкин эмас каби саволларга жавоб бера олдилар.

Тарихий билимлар ривожланиши жараёнида қиёсий таҳлил муаммолари, жумладан, билиш имкониятлари ва қўллаш доирасига оид муаммолар юзага чиқа бош-

лади. Т.Моммзен фикрига кўра, қиёсий таҳлил бир хил тизимдаги ва такрорланувчи типларга нисбатан ишлатилиши мумкин. Қиёсий таҳлил воқеликларнинг ўзига хос хусусиятлари ва умумий жиҳатларини аниқлашга ёрдам бериши масаласи бўйича тарихчилар орасида турли фикрлар вужудга келган. Жумладан, Д.Герхард қиёсий таҳлил хусусиятни аниқлашга ёрдам беришини эътироф этади. Аксинча, А.Тойнби цивилизациялар концепциясини асослашда уларнинг ўхшаш жиҳатларига таянади ва турли воқеликларни бир-бирига қиёслайди. У Эрондаги XIX аср охиридаги кўзғолонни асримизгача бўлган II асрда қадимги Яҳудийлар давлатидаги Маккаевеев кўзғолони билан қиёслайди¹.

Тарихий тадқиқотларда энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири қиёсий таҳлил усули бўлиб, усиз илмий тадқиқот олиб боришнинг мутлақо иложи йўқ. Ушбу усулни қўллаш имконияти ва зарурияти билиш объектининг характери билан белгиланади.

«Қар қандай воқеликни ёки ўхшаш воқеликларни қиёслаш мумкинми?» деган савол туғилади. Ҳамма нарсани таққослаш мумкин, масалан, ўрта аср ҳунармандчилигининг ташкилий шакли сифатида цех и мануфактурани, Спартак ва Жакерия кўзғолонини таққослаш мумкин, лекин воқеликларни қиёслаш уларнинг бир-биридан фарқини кўрсатиб беради, уларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам бермайди. Шунинг учун бу усулни қўллашдан аввал уни ишлатишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳисобга олинади.

Мазкур усулдан унумли фойдаланиш учун бир-бирига ўхшаш воқелик ва жараёнлар таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун таққосланаётган

¹ Тойнби А. Ж. Постигание истории / пер. с англ. Е.Д. Жарикова. – М., 1996.

воқеликларнинг белгилари батафсил аниқланиши лозим, акс ҳолда қиёсий таҳлил натижаси юзаки бўлади. Шунингдек, таққосланаётган воқелик ёки жараённинг ўрганилиш даражаси тахминан бир хил бўлиши лозим, чунки уларнинг бири етарлича тадқиқ этилмаса нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Демак, мазкур усулдан унумли фойдаланишдан олдин тавсифий усулни қўллаб, ўрганилаётган масалани батафсил баён қилиш зарур, яъни тавсифлаш қиёслашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўрганилаётган воқеликни таққослаш унинг моҳияти қай даражада эгалланганига қараб фарқланади. Қиёсий таҳлилнинг дастлабки даражаси аналогия ҳисобланади. Аналогияда асосий эътибор воқелик ёки жараён, оддий ёки мураккаблигидан қатъий назар, унинг моҳиятини тадқиқ этишга қаратилмайди, одатда, бирон бир нарса ни исботлаш учун фойдаланилади. Аналогияда таҳлил қилиш талаб этилмайди, балки бир объектдан иккинчи объектга тасаввур кўчирилади. Масалан, О.Бисмарк ва Ж. Гарибальди ўз давлатларини бирлаштиришда муҳим роль ўйнаганлар, тахминан бир хил сабаб ва мезонлар бирлаштиришга олиб келган.

Қиёсий таҳлил воқеликнинг ривожланиш даражасини кўрсатиб беради. XVI асрда қатор Ғарбий Европа давлатларида Реформация юз берган эди. Унинг сабаблари ўхшаш бўлиб, ўрта аср тартибларидан янги, капиталистик тартибларга ўтиш унинг асосини ташкил этган. Лекин бу жараён ҳар бир давлатда ўзига хос равишда кечган. Масалан, кальвинизмда реформациянинг асосий моҳияти мужассамлашган ва бошқа оқимларда ўзига хос хусусиятлар ва фарқлар билан намоён бўлган.

Бундан ташқари, XIX аср охири XX аср бошларида Араб мамлакатлари ва Туркистонда даврий матбуот-

нинг вужудга келиши, унинг йўналишлари ва фаолиятини қиёсий таҳлилга мисол қилиб келтириш мумкин. Уларни қиёсий таҳлил этиш орқали бу даврда Араб мамлакатларида ва Туркистонда даврий матбуотда газета чоп этиш устун бўлганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, ушбу мамлакатлардаги газеталар уч йўналишга ажратилганини, яъни расмий, хусусий газеталар ва миллий матбуотга бўлинганини таъкидлаш лозим¹.

Шунингдек, бундай қиёслаш натижасида кўпгина давлатларда, жумладан, Араб давлатларида ва Туркистонда дастлабки даврий матбуот улар мустамлакага айланганидан сўнг пайдо бўлганини ва бу даврий матбуот қиёфасига ўз таъсирини кўрсатганини аниқлаш мумкин.

Матбуотнинг вужудга келиши ва ривожланиши метрополиянинг мустамлакадаги фаолияти, унинг мустамлакачилик сиёсати хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда кечган. Матбуот эволюциясига, шунингдек, мустамлакаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда маҳаллий аҳолининг миллий ўзлигини англаши ҳам таъсир кўрсатган. Аммо Европа давлатлари мустамлака сиёсатининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий оқибатларидаги ўхшашлик мустамлака давлатлари дунёнинг қайси жойида бўлмасин, матбуотнинг ривожланиш жараёнида ўхшаш томонларни вужудга келтиради.

Араб мамлакатлари ва Туркистон матбуотидаги умумий жиҳатлардан бири расмий матбуотнинг, бир томондан, метрополия тарафдори бўлгани ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлагани бўлса, иккинчи томондан, унинг саҳифаларида иқтисодий, ижтимоий, мада-

¹ Arab media: introduction [Электронный ресурс]. – Режим доступа: // <http://www.al-bab.com/media/>, свободный. – Al-Bab: an Open Door to the Arab World.

ний масалалардаги кўплаб маълумотлар ўз аксини топгани эди.

Хукумат ташкил этган газеталар метрополиянинг мустамлака сиёсати йўналишида бўлиб, уларни ахборот билан таъминлар эди. Метрополия тилида нашр этилган бундай нашрларнинг аксарият ўқувчилари мустамлака амалдорлари ва тадбиркорларни ташкил этган. Газеталар мустамлакачиларни метрополиядаги воқеалар ҳамда мустамлака маъмуриятининг ҳаракатлари билан таништириб борган. Ушбу нашрлар метрополиядан келган кишиларни уларнинг маданиятлари билан боғлаб турган ва Ватанларига бўлган соғинч кайфиятларини бартараф этишга ҳаракат қилган. Даврий матбуотдаги хабарлар европоцентризм руҳида ёзилган, уларнинг саҳифаларида метрополиядан келганларнинг устун мавқеи тарғиб қилинган.

Шундай газеталардан бири француз тилида «Le Courrier de L'Egypte» («Миср куръери») газетаси 1798 йилдан нашр этилган, французлар учун – асосан, Наполеон қўшинлари аскарлари ва зобитларига мўлжалланган эди. Мазкур газета Миср аҳолиси ҳаётида алоҳида ўрин тутмади.

Туркистонда 1870 йилдан бошлаб чоп этилган тўнғич газета – «Туркестанские ведомости» газетаси расмий ва даврий нашр бўлиб, ўлкадаги хукумат манфаатлари асосида ташкил қилинган эди. Метрополиядан анча узоқ масофада жойлашган Туркистонда ташкил этилган бу газета ўлкани ҳар томонлама ўрганиш ҳамда у билан рус аҳолисини таништириш, уларга маданий, иқтисодий, ижтимоий хабарлар бериш мақсадида ташкил этилган.

Шу билан бирга, мустамлакада ташкил этилган матбуот маҳаллий аҳолига даврий матбуотнинг мақсади

ва вазифалари тўғрисида бирламчи тасаввурни бера олди. Қолаверса, мазмун жиҳатдан «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифалари жуда серкирра ва бой эди. Ўлканинг табиати, маҳаллий аҳоли этнографияси, археологияси қидирув ишлари, халқ оғзаки ижоди, маҳаллий аҳолининг савдо-сотик ва ишлаб чиқариш фаолияти, метеорологик кузатувлар, ўлкага кўчиб келган русийзабон аҳолининг ҳаёти ва турмуш тарзига оид қизиқарли материаллар эълон қилинган. Шунинг учун ушбу газета материаллари ҳозирги кунгача ҳам бу давр Туркистон тарихи билан шуғулланувчилар учун муҳим манбалардан ҳисобланади.

Ушбу ҳудудларда чоп этилган хусусий газеталар цензурага учраганини кузатиш мумкин. 1908 йилгача мустақил сиёсий позицияга эга даврий матбуот яширин фаолият юритди ва Усмонийлар империяси ҳукумати катағонига учради. Араб мамлакатлари ва Туркистонда матбуот XX асрнинг бошларида жаҳонда юз берган сиёсий воқеалар таъсирида ривожланди. Жумладан, 1908 йилда ёш турклар таъсири остида ҳукуқий чекловлар йўқ қилинди. Натижада араб мамлакатларида, айниқса, Сурия, Миср ва Ироқда миллий матбуот ривожланди¹.

Туркистонда ҳам миллий матбуотнинг пайдо бўлиши 1905–1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби даврига тўғри келади. Инқилоб натижасида Россия империяси ҳукумати матбуот соҳасида ҳам ён беришга мажбур бўлган. Бундай вазиятдан фойдаланган Туркистоннинг миллий тараққийпарвар кучлари ўз

¹ *Said Essoulami*. The press in the Arab world: 100 years of suppressed freedom [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.al-bab.com/media/introduction.htm>, свободный. – Al-Bab: an Open Door to the Arab World.

дунёкарашлари ва фикрларини матбуот орқали халққа етказишга ҳаракат қила бошладилар. Халқни жаҳолат ботқоғидан чиқариш ҳамда мамлакатни тараққиёт йўлига бошлашда матбуот қудратли восита эканини англаган жадидлар газета нашр қилишда рус матбуоти ва Россиянинг турли ҳудудларида татар тилида чиқарилган газеталар, айниқса, Исмоилбек Гаспирали муҳаррирлигида чиққан «Таржимон» газетасининг иш тажрибасига таяндилар. Жадид тараққийпарварлари нашр қилган дастлабки газеталардан бири «Тараққий» газетаси бўлиб, у Иван Гейернинг «Ўрта Осиёнинг умргузорлиги тараққий» газетасининг ўрнига, ундан қолган маблағ ҳисобига чиқарилган. Шундай қилиб, миллий матбуотга маърифатпарварлик тенденцияси хос бўлиб, жамият тараққиётига тўсқинлик қилган иллатлар танқид этилади, жамиятни ислоҳ қилиш ва буни миллий кадриятлар билан уйғун олиб бориш масалалари кўтарилади, ўқувчилар бошқа мамлакатлар тажрибаси билан таништириб борилади. Бу нашр мўътадиллигига қарамасдан ҳукумат улар фаолиятини метрополия манфаатларига зид деб ҳисоблади, шу боис уларга турли тазйиқлар ўтказилди.

Матбуотни киёсий таҳлил асосида ўрганиш бу икки ҳудудда ҳам матбуот маҳаллий аҳоли учун чоп этилганини кўрсатади. Мустамлакалар аҳолиси метрополия тилини билмаслиги ҳисобга олиниб, улар орасида ўз ғояларини тарқатиш, маҳаллий аҳолида метрополияга содиқлик кайфиятини уйғотиш, метрополиянинг сиёсий, ижтимоий, маданий институтлари ва кадриятларига ҳурмат туғдиришга хизмат қилувчи расмий газеталар ташкил этилди. Айнан шу мақсадда Жазоирда мустамлака даврида «Ал Мубашир» («Хушха-

бар») ва «Ал-Ахбор» («Янгиликлар») номли газеталар чиқарилди. Мазкур газеталар маҳаллий аҳоли орасида Франциянинг цивилизаторлик миссиясини улуғлайди, мамлакат ҳудудида мустамлакачилар фаолияти натижалари ошириб кўрсатилади¹.

Туркистонда биринчи ўзбек тилидаги жариди — «Туркистон вилоятининг газети» 1870–1883 йилларда «Туркестанские ведомости» газетасига илова тарзида чиқарилган. Мазкур газета халқ орасида катта обрўга эга бўлмаган, бунинг сабабларидан бири газетада расмий буйруқ ва фармойишлар жуда кўп босилган. Бундан ташқари, газетанинг расмий бўлмаган бўлимида маълумотлар куруқ услубда ҳамда ҳаётдан узилган ҳолда берилган, шунингдек, арабча, форсча сўз ва ата-малар ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши уни ўқишда қийинчилик туғдирган². Аммо Зокиржон Фуркат³, Сатторхон Абдуғафоров⁴, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мирмуҳсин Шермухамедов ва бошқа зиёлиларнинг газетада эълон қилинган маданий-маърифий мавзудаги мақолалари маҳаллий аҳолининг дунёвий илмлар, фан ва техника, бошқа халқларнинг маданий ва адабий меросига қизиқишини кучайтирди.

Турли жуғрофий ҳудудлардаги мустамлакаларда миллий матбуотнинг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳолат мамлакатларнинг тарихий ривожланишидаги кўпвариантлилиқ ва носинхронлик билан боғлиқ эди.

¹ Беспалова А.Г., Корнилов Е.А., Короченский А.П. и др. История мировой журналистики. Москва – Ростов-на-Дону: Издательский центр «Март», 2003. – С.162.

² ЎЗР МДА, 1-жамғарма, 17-рўйхат, 734-иш, 71- 71 варақ орқаси.

³ Фуркат. Танланган асарлар. II том. – Тошкент: 1959. – 123–159 б.

⁴ Савицкий А. Саттархон Абдуғафуров – просветитель-демократ. – Тошкент: Узбекистан, 1965. – 46 с.

Ўрта Осиё тарихини бошқа ҳудуд тарихи билан қиёсий таҳлил усули асосида ўрганган олим британиялик Александер Моррисон ҳисобланади. У XIX аср охири XX аср бошларидаги Самарқанд тарихини ўша даврдаги Ҳиндистон тарихи билан қиёсан тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Муаллиф китобининг аввалида қиёсий таҳлил Туркистон тарихини ёритишда қай даражада аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтади. Жумладан, у бир қарашда XIX аср охири XX аср бошларидаги Туркистон билан Ҳиндистон ўртасида қиёсий таҳлил орқали тадқиқ этишга лойиқ ўхшашликлар йўқдек туюлиши, лекин бу даврда ушбу икки ҳудудда ҳам бир хил тарихий жараён кечаётгани шундай тадқиқот олиб боришга имкон яратганини таъкидлайди. Бу тарихий жараёнлар икки ҳудудда амалда юз бераётган кичик масалалар орқали таҳлил қилинади. Шу билан биргаликда, ушбу икки ҳудуддаги тарихий жараёнлар қиёсий таҳлили муаллифга уларнинг натижаларини таққослашга имкон беради. Яъни Александер Моррисон фақатгина тадқиқот давомида қиёсий таҳлил усулидан фойдаланмасдан, балки тадқиқот натижаларини ҳам бир-бири билан қиёслайди¹.

Ретроспектив усул

Тарихий моделлаштириш усули (ретроспектив) – тарихий жараён қайтарилмайди, тарихий вақт орқага қайтмайди каби маъноларда ишлатилади. Ўтмишга айланган воқеаларни реал ҳолатда тиклаш имкони мавжуд эмас. Аммо реал ҳолатни тиклаб бўлмаса-да, тафаккурда унинг моделини яратиш, тарихий воқелик ва жараёнларни ишончли тасвирлаб бериш мумкин.

¹ *Alexander Morrison. Russian Rule in Samarkand, 1868–1910: A Comparison with British India.* – Oxford: Oxford University Press, 2008. – 364 p.

Тарихий воқелик ва жараёнларни ишончли тасвирлаб бериш, уларнинг сабабларини, муайян тарихий шароитда ривожланиши ва амал қилиши қонуниятларини аниқлаш тарих фанининг вазифасидир.

Тарихий моделлаштириш ретроспектив усул деб ҳам аталади. Бу усулнинг моҳияти «ретроҳикоя», яъни тадқиқотчининг фикрлаш йўналиши ҳозирги замондан ўтмишга, ҳозиргача сақланиб қолган эски элементларни ўрганишдан улар асосидаги тарихий воқеа ва ҳодисаларни реконструкция қилишдадир. Ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг бирлиги ретроҳикояга имкон беради. Ҳозирги замондан ўтмишга бориш туфайли тадқиқотчи воқеликларнинг турли босқичларини кўриш имкониятига эга бўлади. Ўз навбатида, ўрганилаётган жараёнларнинг моҳиятини чуқур англаб етишга, кейинчалик уларнинг моҳиятини очиб беришга имкон топади. Аммо тадқиқотчи ўша даврдаги ривожланган воқеликни эталон сифатида қабул қилмаслиги лозим.

Бу усул ўтмиш воқеликларини батафсил ўрганиш учун умумий кўлам ролини бажаради. Шунинг учун ҳам бу усулда ҳаракат унчалик етилмаган вазиятдан етилган вазиятга қараб бориши керак, агар бундай бўлмаса ретроспектив усул тарихни модернизация қилиш хавфини туғдиради.

Тарихчи оқибатдан сабабга қараб боради. Ретроспектив усулнинг моҳияти юқорироқ бўлган ривожланиш босқичига таянган ҳолда аввалги даврларга баҳо беришдан иборатдир. Тадқиқотчи маълумотлар етишмаслиги туфайли эмас, балки олдинги босқичлардаги тарихий жараёнлар моҳиятини бошқа босқичлардаги жараёнлар билан боғлиқ ҳолда тушуниш мақсадида бу усулни қўллайди. Масалан, ретроспектив усулдан

Л.Г. Морган ўз тадқиқотларида моҳирона фойдаланган. «Қадимги жамият» номли асарида у оила-никоҳ муносабатлари эволюциясини, яъни гуруҳ шаклидан индивидуал шаклга ўтишини кўрсатиб беради. Л.Г. Морган оила тарихини тескари тартибда ибтидоий давргача тиклади.

Л.Г. Морган оиланинг ибтидоий шаклини тиклаш билан бирга қадимги греклар ва римликлар ҳамда америкалик ҳиндуларда оила-никоҳ муносабатларининг ўхшаш жиҳатларини исботлаб берди. Унга жаҳон тарихининг ягоналиги ҳақидаги ғоя ёрдам берди¹.

Россия тарихшунослигида ретроспектив усулдан И.Д. Ковальченко XIX асрда Россияда аграр муносабатларни ўрганишда муваффақиятли равишда фойдаланди. У деҳқон хўжаликларини турли тизимли даражада тадқиқ этишга ҳаракат қилди: алоҳида крестьян хўжаликлари (ҳовлилар), юқорироқ даража – крестьян жамоалари (қишлоқлар), ундан ҳам юқорироқ даража – волостлар, уездлар, губерниялар. И.Д. Ковальченко губерниялар тизимини ўрганиш қуйидаги тизимлар моҳиятини тадқиқ этишда зарурлигини қайд этган.

Структурали-тизимли усул – жамиятни турли ва кўп алоқаларга (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ғоявий) эга бўлган ягона, аммо мураккаб тизим сифатида тадқиқ этади, яъни «горизонтал ҳолатда» ўрганади. Шунингдек, бу усул жамиятнинг ижтимоий структура-сини «вертикал кўринишда» ўрганиш имконини беради, яъни жамиятни иерархияга асосланган гуруҳларга (шахс, ижтимоий гуруҳ, синф, партия, давлат ва б.) бўлиб ўрганади.

¹ Морган Л.Г. Древнее общество. – Л.: Изд-во Института народов Севера ЦИК СССР, 1935. – С.216–315.

Таъкидлаш жоизки, баъзан замонавий тарих фани, айниқса, ижтимоий тарих ҳодисалар тарихини структуралар (страталар) тарихига қарши қўяди. Аммо, бу иккиси бир-бирини тўлдириб, ҳаққоний тарих яратишга имкон беришини унутмаслик керак.

Миқдорий усуллар ва уларнинг хусусиятлари

Миқдорий усуллар – воқелик ва жараёнларни миқдорий кўрсаткичлар тизими асосида таҳлил қилиш. Математик усуллар – миқдорий маълумотлар асосида воқелик ва жараёнларнинг миқдорий, математик моделини яратишдир. Уларнинг иккаласида ҳам таҳлил учун миқдорий кўрсаткичлар асос бўлиб хизмат қилгани ва материалларни ишлаш учун математик аппарат қўллангани боисидан ҳамда иккиси ўртасида ўхшашлик кўплиги учун ушбу атамалар айнан бир-бирига ўхшаш деб қабул қилинади.

Миқдорий усулнинг пайдо бўлишига сабаб тарихчилар миқдорий хулосалар қилганда бу маълумотларни ҳисоб-китоб қилишига тўғри келишида эди. Тарихчилар ўз фаолияти мобайнида миқдорий хулосаларга кўп мурожаат қиладилар. Тарихчиларнинг хулосалари одатда характер касб этади. Масалан, 1914 йилда британ ишчиси саводхонлиги ёки энг янги тарих даврида инглиз аёллари кеч турмушга чиққанлари ҳақидаги масалаларга аниқлик киритиш миқдорий таҳлил қилишни тақозо этади.

Айниқса, тарихий демографияни ўрганишда миқдорий усулдан кенг фойдаланиш мумкин. Тарихий демография аҳоли сонини бирор тарихий даврда бирор ҳудудда оддийгина ҳисоблаш билан чегараланмайди. Аҳолининг ёши, жинси ва хўжалиги кўрсаткичларини аниқлаш муҳимдир. Бундай ҳисоб-китоб ишловчилар

ва боқимандалар ўртасидаги нисбатни, хўжаликда хизматчилар меҳнатидан фойдаланиш ва бошқа кўрсаткичлар фоизини аниқлаш имконини беради ва иқтисодий ҳамда ижтимоий масалаларни тадқиқ этувчи тарихчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Тарихий демография билан шуғулланувчи мутахассислар учун энг мураккаб вазифа аҳоли таркибидаги ўзгариш ёки ўзгармаганлик сабабини аниқлашдир. Бу орқали туғилиш, ўлим ва никоҳлар сонини аниқлаш мумкин. Ўз навбатида, бу кўрсаткичларга жуда кўп турлича омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг мураккаблик даражаси ҳам турличадир – булар контрацепциянинг тарқалиши ва абортлар сони, никоҳга кириш ёши ва никоҳсиз туғилган болалар сони, очлик ва эпидемиялар таъсири ва бошқалар.

Тарихий демография, асосан, икки хил манбадан фойдаланади. Биринчиси – маълум бир тарихий даврда бир мамлакат ёки жамоанинг аҳолиси ҳақидаги маълумотлар бўлиб, XVIII асрда Скандинавияда биринчи бор ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш бундай маълумотларга асос солган. Британияда 1801 йилдан бошлаб, ҳар 10 йилда аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади. 1841 йилдан бошлаб, ҳар бир кишининг фамилияси кўрсатила бошлади ва аҳолининг умумий сонидеги нуқсонлар анча камайди. Ундан олдинги даврда эса бошқача рўйхатлар – солиқ ведомостлари, черков дафтаридаги ёзувлар ва бошқалар юритилган. Аммо бу ҳужжатлар амалда анча хатоликларга эга ва маълум бир қонуниятларга жавоб бермасди. Аҳолини рўйхатга олиш нисбатан узоқ бўлмаган давр вужудга келгани сабабли XVIII аср охирида Британияда демографик ўзгаришлар ва индустриализациянинг бошланиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш қийинчилик туғдиради. Бунда маълум жойларда олиб борилган «ҳаётий фао-

лият» ҳақидаги ёзувлар ёрдамга келади. Англия тарихи учун бундай тоифадаги манбалар туркумига инглиз черковлари руҳонийлари 1538 йилдан бошлаб юритган зиёратчиларни қайд этиш (приход) дафтарлари муҳим роль ўйнайди. Шу йилда қонун бўйича улар ўз қавмидаги чўқинтириш, тўй ва ўлим ҳолларини ёзиб боришлари лозим эди. Ўрта Осиёда солиқ китоблари орқали аҳоли сонини аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, аҳолининг демографик тарихини унга кирган оилалар сонининг ошиши ёки камайишига қараб билиш мумкин. Бу усул «оилалар тикланиши» деб аталиб, унга номинатив таҳлил, яъни сонларга эмас, исмларга асосланган ҳолда таҳлил қилиш мисоли сифатида қаралиши мумкин. Бу усул тадқиқотчидан жуда кўп иш талаб қилади, масалан, битта 1000 кишилик приходдаги 300 йиллик оилавий тарихни яратиш учун 1500 соатлик ёки бошқача қилиб айтганда, бир йиллик иш вақти талаб қилинади. Лекин бу усул туғилиш ва ўлим қонуниятларини батафсил ўрганиш имкониятини беради. Фақат туғилиш даражаси ошгани, ўлим даражаси пасайгани ҳақидаги маълумотни аниқлаш тадқиқотчига унчалик кўп нарса бермайди. Оила тарихини тиклаш бўйича қилинган яхши ишлар туғилишнинг ошгани аёлларнинг никоҳга кириш ёши пасайгани ёки бир умр турмуш қурмай ўтган аёллар сони камайгани билан боғлиқ эканини кўрсатади. Ушбу маълумотларни маълум бир жойдаги шароитдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мумкин.

Микдорий усуллар кенг қўлланиладиган соҳалардан бири бу – жамият ижтимоий структураси тарихидир. Амалда бу соҳа тарихий демография билан чамбарчас боғлиқ, чунки уларнинг иккаласи ҳам бир хил манбалардан фойдаланади. Барча аҳоли рўйхати

мавжуд бўлган ҳар қандай манба аҳолини ижтимоий гуруҳларга ажратиш имконини беради. Агар гуруҳлар жинси ва ёши бўйича ажратилган бўлса, вазифа янада осонлашади. Тарихчилар демографик маълумотлардан хўжаликлар ҳажми ва структурасининг ўзгариши масалаларини ўрганишда ҳам фойдаланмоқда. Фуқаролик ёзувлари ва «оилаларни тиклаш» таҳлили Ғарбий Европада индустриал жамиятгача бўлган даврдаги катта, мураккаб хўжалик типларига хос, деган анъанавий фикрнинг нотўғри эканини кўрсатди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, аҳолини рўйхатга олишда бериладиган саволлар ўзгариб, уларнинг тури кўпайди ва улар аниқроқ қўйила бошлади. Натижада миқдорий таҳлилга қатор ижтимоий масалалар — машғулот тури, ижтимоий аҳволи, диний мансублиги, қишлоқдан шаҳарга миграция қилиши каби масалалар тортила бошлади. АҚШда «янги шаҳар тарихи»га шаҳар аҳолисининг ўзгараётган ижтимоий структураси асосий замин бўлиб хизмат қилди. Бунга эса Америкада ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ҳамда солиқ хизмати архиви, шаҳар маълумотномалари, туғилиш, никоҳ ва ўлим ҳақидаги қайд ёзувлари манба бўлиб хизмат қилди.

Миқдорий усулларни сиёсий тарихга ҳам қўллаш мумкин. Масалан, электоратнинг ўзини тутишини ўрганишда ундан кенг фойдаланиш мумкин. *Псефология* — замонавий сайловларни тадқиқ этиш соҳаси бўлиб, бунда асосан сонлар билан ишланиб, улар таҳлил этилади. 1950-йиллар ўрталаригача электоратнинг сиёсий кизиқишларини аниқлаш анча мураккаблик туғдирган, шу даврдан бошлаб, ижтимоий фикрни аниқлаш юзасидан сўровлар ўтказилиши бу масалага ойдинлик киритишга ёрдам берди. Аммо тарихчилар замонавий

псефологларга нисбатан баъзи устунликларга эгадир. 1872 йилда сайлов ҳақидаги қонун қабул қилингунга қадар Британияда парламент сайлови очиқ овоз билан ўтказилиб, ҳар бир овоз алоҳида белгилаб борилган. Ушбу рўйхатларни бошқа маълумотлар, хусусан, даромад, сайловчиларнинг ижтимоий ва диний мансублиги ҳақидаги материаллар билан биргаликда таҳлил қилиш XIX асрда Британия сиёсий партияларининг ижтимоий манбаи ҳақида асосли хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Микдорий усулларни сиёсий тарихнинг бошқа бир вазифаси – сиёсий элитани ўрганиш вазифасини амалга оширишда ҳам муваффақиятли қўллаш мумкин. Бир нечта машхур биографиялар асосида элита ёки бошқа бир ижтимоий гуруҳни тасвирлаш ўта жўнликка олиб келади. Аммо муайян элитар гуруҳ, масалан, парламентнинг қуйи палатаси аъзолари ҳақида ёзганда барча парламент аъзолари ҳақида биографик маълумотлар тўплаш мумкин.

Микдорий усулни иқтисодий тарихни ёзишда ҳам кенг қўллаш мумкин, чунки, маълумки, иқтисод ҳам демография каби сонлар билан боғлиқдир. Иқтисодий тизимнинг асосий элементлари – нарх, даромад, ишлаб чиқариш, инвестициялар, савдо ва кредит кабиларни аниқ санаш мумкин ва зарурдир. XIX асрнинг охиридан иқтисодий тарих алоҳида фан сифатида ажралиб чиққанидан сўнг бу соҳадаги мутахассислар ўз тадқиқотларининг бир жиҳати сифатида микдорий маълумотлар тўплай бошладилар. Аммо охириги 40 йиллар ичидагина тарихчилар бу маълумотлар асосида кенгайтирилган статистик схемалар туза бошладилар.

Масалан, математик моделлаштириш усули бир мамлакатда ҳосилдорликни ва асл экспорт имкони-

ятларни аниқлаш учун ишлатилади. Жумладан, бир манбада ғалла экспорти тахминий миқдори берилган, унинг ҳаққонийлигини аниқлаш учун бир ғалла дондан бир бошокда нечта дон чиқиши аниқланиши лозим. Кейин ўртача ҳар бир ўсимликда нечта бошок чиқади, 1 кв.м.да ўртача қанча чиқади, кейин 1 гектарига қанча чиқади, экин майдонларининг умумий сони аниқланиб, кўпайтирилади. Шундан ички истеъмол ва уруғликка қолдиргани чегирилиб, қолган сондан экспортга чиққан ғалла ҳисобланади.

Кластер таҳлили ўхшаш объектлар йиғини ва уларни қиёслаб ўрганиш бўлиб, масалан, қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқаришини шу усулда ўрганиш мумкин. Бунда уларнинг хусусиятлари кўрсатиб берилди.

Тарихий информатика: 1) компьютерни тарих фанига жорий қилиш, мультимедик технологиялар; 2) дастурий таъминлаш ва тарихий маълумотларни қайта ишлаш. Хариталарни компьютерлаштириш. (ГИС географик ахборот тизими). Фото ва видео ахборотлар, турлича маълумотларни электрон шаклга ўтказиш масаласи.

Математик (статистик) усул. Бу усул тарихий тадқиқотларда ҳам қўлланади. У олиндиган зарур маълумотларни ўрганилаётган объектларни тўлиқ ёки сайлаб кузатиш натижасида маълумотлар олишни тақозо этади. Бунда тадқиқотчи чоп этилган статистик материаллардан ҳамда ўзи тўплаган маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Лекин оддий ҳолатларни таснифлаш учун бундай маълумотлар тўлиқ бўлиши, ўрганилаётган жараённинг барча жиҳатларини ўзида акс эттириши лозим. Бу усул ўрганилаётган объектнинг миқдорий ва сифатий ўхшашликларини аниқлашга ва умумлашган кўрсаткичларни олишга ёрдам беради.

А. Базарбаев 1870–1917 йилларда Жиззах воҳасининг тарихий демографиясини ўрганишда миқдорий усулдан фойдаланади. Бу ишда тадқиқотчи солиқ дафтарлари, статистик ҳисоботлар ҳамда аҳолини рўйхатга олиш ишларидан манба сифатида фойдаланиб, воҳа аҳолисининг сонигаги ўзгаришларни кўрсатишга ҳаракат қилади. Шу билан биргаликда, ушбу манбалардаги ҳудуд аҳолисининг умумий сони турли рақамларда кўрсатилади. Шу сабабли тадқиқотчи манбалардаги рақамлардан миқдорий усул орқали фойдаланади ва шу усул асосида Жиззах воҳасининг XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихий демографиясини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади¹.

Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий ўлкада чоп этилган дастлабки ўзбек тилидаги газета – «Туркистон вилоятининг газети» ишида фаол қатнашган ҳамда бу газетада унинг тахминан 75 та мақола ва хабарлари чиққан, шунингдек, «Тужжор», «Садои Туркистон» газеталари фаолиятида иштирок этган ҳамда «Самарқанд» газетасининг муҳаррири ва ношири бўлган. Бундан ташқари, Н.С. Ликошиннинг ўлка даврий матбуотидаги иштирокини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. У «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларида «Н.Лыкошин», «Н.С.Л.», «Н.Васильев» тахаллуси остида 1890–1917 йилларда (240 та мақола ва хабарлар), «Окраина» газетасида «Миршаб», «Мюрид», «Н.Васильев» тахаллуси билан 1890–1897 йилларда (60 та мақола), «Русский Туркестан»да 1898–1905 йилларда (73 та мақола ва хабарлар), «Самарқанд» газета-

¹ Базарбаев А. XIX аср охири-XX аср бошларида Жиззах уезди аҳолиси: статистик ва архив манбаларининг қиёсий таҳлили // Тошкент Ислом Университети Илмий-Таҳлилий Ахбороти. – 2015. – № 4. – Б.21-24.

сида «Путник», «Старый ворчун», «Ворчун помоложе», «Мнительный обыватель» тахаллуслари остида 1904 – 1905 йилларда (97 та мақола ва хабарлар), «Среднеазиатская жизнь» нашрида 1906 – 1908 йилларда (11 та мақола ва хабарлар), «Туркистон вилоятининг газети»да 1891 ва 1896 йилларда (5 та мақола), «Туркестан» газетасида 1917 йилда (6 та мақола), «Туркестанский курьер»да 1917 йилда (17 та мақола), «Туркестанское слово» нашрида «Мансур Касабаев» тахаллусида 1917 йилда (10 та мақола) иштирок этган¹. Шундай қилиб, уларнинг турли газета фаолиятидаги иштирокини микдорий таҳлил усуллари воситасида тадқиқ этиш айрим муаллифларнинг расмий, хусусий ва миллий газеталар ишида қатнашиш даражасини аниқлаш имконини беради.

Таркибий таҳлил усули (контент таҳлил)

Ижтимоий фан соҳаларида қўлланиладиган усулдир. Таҳлил предмети ахборот бериш қобилятига эга бўлган матнлар таркибидан иборат. Таркибий таҳлил, ўз моҳиятига кўра, худди микдорий таҳлил усули каби матн ва матнлар мажмуасини таҳлил қилади. Таркибий таҳлилда манба ўрганилаётганда унга ёндош бўлган барча ахборот манбалари бирдек таҳлил этилади.

Ушбу усулнинг кенг қўлланила бошланган даври ахборот асрининг бошланиши билан боғлиқ, бироқ XVIII асрдаёқ Швецияда бу усул билан боғлиқ айрим тадқиқотлар яратилган. XX асрнинг 30-йилларидан бу усул тўлақонли усул сифатида АҚШда ижтимоий фанлар доирасида кенг қўллана бошланди. Мазкур

¹ *Шаҳманова С.* Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870–1917 й.). – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – 296 б.

усулнинг назарий масалаларини яратишда АҚШлик олимлар Б.Мэтью, А.Тенни, Д.Спид, Д.Уипкенне ва кейинчалик франциялик тадқиқотчи Ж.Кайзернинг хизматлари катта бўлган. Дастлаб таркибий таҳлилдан социологик тадқиқотларда, жумладан, реклама ва тарғибот ишлари материалларини ўрганишда фойдаланилган. Сиёсий тадқиқотларда қўлланилиши юзасидан дастлабки тадқиқотни Г.Лассуэл амалга оширган. У иккинчи жаҳон урушидаги ташвиқот ва тарғибот материалларини ўрганишда метод имкониятларини очиб берган. 1960 - йиллардан компьютер техникаларидан кенг фойдалана бошланиши билан ушбу усулга кўп муножаат қилиш ҳам бошланди.

Таркибий таҳлил, айтиш мумкинки, барча ижтимоий фан соҳаларида кенг қўлланилади. Сиёсатшунослик ва социологиядан ташқари антропология, персонал бошқарув, психология, адабиётшунослик, тарих ва фалсафа тарихи соҳаларида кенг қўлланилади. Тадқиқотчи Ола Холст мазкур усулни фан соҳаларида қўлланилишини қуйидагича тақсимлаган: антрополёгия – 21.5 %, коммуникация назарияси – 25.9 %, тарих 21.5 %. Таркибий таҳлил қуйидаги турли матнларни таҳлил қилиш имконини беради: ОАВ хабарлари, сиёсий тарғибот материаллари, сиёсий партиялар дастурлари, ҳуқуқий нормалар, реклама ва тарғибот материаллари, тарихий манбалар ва адабиёт намуналари.

Ушбу усулни татбиқ қилишнинг биринчи босқичида тадқиқотга тааллуқли, дея тахмин қилинаётган барча ахборот манбалари жамланади. Ўрганилиш учун жамланаётган барча хабарлар маълум талабларга жавоб бериши керак. Манбаларнинг маълум турлари, жумладан, матбуот, телевидение, радио, реклама ёки тарғибот материалларини фарқлай билиш лозим. Бундан ташқари,

материаллар маълум бир мезонларга эга бўлиши керак, масалан, коммуникация жараёнларида иштирок қилаётган кишилар бўлиши (юборувчи, қабул қилувчи, реципент), хабар маълум бир ҳажмга эга бўлиши, хабарнинг такрорланиш даражаси, ёйилиш имконияти ва кенглиги, хабарнинг кўриниш вақти каби саволларга жавоб бера олсагина ахборотдан унумли фойдаланиш мумкин.

Иккинчи босқичда, барча тўпланган хабарларни шакллантириш назарда тутилади. Биринчи босқичда ҳамма хабарлар ўрганилган бўлса, энди улар танлаб ўрганилади.

Учинчи босқич – таҳлил бирлигини ойдинлаштириш, бошқача айтганда, мавзу топиш. Бу – ишдаги энг муҳим жараён ҳисобланади. Мавзу тадқиқот моҳиятини очиб бера оладиган даражада аниқ, лўнда бўлиши керак.

Тўртинчи босқич – бирликлар ҳажмини ажратишдир. Матннинг ҳажмини белгилаш, қаторлар миқдорини аниқлаш (абзац (хат боши)лар, белгилар, матн колонка (устун)лари) радио ёки ТВ даги трансляциянинг давомийлик вақти, аудио ва видео тасмалар узунлигини аниқлаш, маълумот берувчи сюжетлар ифодаланган расмлар миқдорини аниқлаш вазифасини бажариш керак.

Охирги босқич – қўлга киритилган натижаларни шарҳлаш. Бу тадқиқотчининг хулосаларига таянувчи босқич бўлиб, унда жамланган ахборотлар ва уларнинг аҳамияти ҳамда хусусияти ҳақида маълумотлар берилади.

Контент-анализ усулида матндаги маълумотлар миқдорий шаклга солинади. Масалан, ижтимоий ғоялар, алоҳида сўзлар ва тушунчаларнинг матндаги так-

роллари ҳисобга олинади. У миқдорий ва сифатий таҳлилни ўз ичига олади.

Саволлар:

1. Тарихий тадқиқотларнинг махсус усуллари ҳақида умумий тушунча беринг.
2. Синхрон усул қандай ҳолатларда қўлланилади?
3. Муаммовий-хронологик усул ҳақида маълумот беринг.
4. Даврлаштириш усули муаммолари нималарда кўринади?
5. Қиёсий тарихий усулнинг афзалликлари ҳақида гапириб беринг.
6. Ретроспектив усулнинг моҳияти нимадан иборат?
7. Тарихий тадқиқотларда миқдорий усулнинг хусусиятлари нималардан иборат?
8. Таркибий таҳлил усулининг афзалликлари нималардан иборат?

II БОБ. ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УСУЛЛАРИ

2.1. Тарихга микро ва макроёндашувлар. Локал тарих

Мақсад: Тарихга микро ва макроёндашув тушунчалари, микротарихнинг вужудга келиши ва унинг сабаблари, микро ва макротарихнинг ўзаро таъсири, локал тарих борасида янги маълумотлар тақдим қилиш.

Таянч сўз ва иборалар: Микротарих, воқеавий тарих, локал тарих, персоналистика, Ф.Бродель, Ж.Леви, «Анналлар» мактаби, мемуар манба, «оддий» инсонлар, «янги тарих фани».

Тарихга микро ва макроёндашув тушунчалари

Қадимдан тарих ўрганила бошланиши билан инсоннинг шахсий ҳаётига қизиқиш ҳам вужудга келган. Лекин асосий эътибор машҳур инсонлар, хусусан, сиёсат ва давлат арбоблари, ҳарбий кўмондонлар, маданият арбоблари ҳаётини ўрганишга қаратилган, «оддий» инсонлар ҳаёти эса тарихий фон вазифасини бажарган. Ваҳоланки, XVIII асрнинг 2-ярмида, Маърифат асрида «кичик» одамлар ҳам ўз ҳиссиётларига эга эканлиги, улар ҳам қаҳрамонликлар кўрсатишга қодирлиги, уларда ҳам маънавий юксалиш ва тушқунликка тушиш онлари бўлиши қайд этилган.

«Омма орасидаги оддий инсон» ёзувчилар (Н.В. Гоголь «Шинель») ва рассомлар (П.А. Федотов расмлари)

эътиборига тушди, аммо шу вақтда ҳам тарихчилар назарида бу инсон омманинг бир қисми сифатида қолди. Фақат омманинг баъзи бир вакиллари тарихнинг асосий қаҳрамонлари билан йўллари туташган маълум даврдаги ҳаётигина тарихчилар қаламига тушди.

Инсоннинг ўз ички дунёсига бўлган қизиқиши натижасида эсдаликлар ва кундаликлар вужудга келди. Нафақат манбанинг янги тури, балки асосий хусусияти субъективлик бўлган, шунинг учун ҳам инсон ички кечинмалари, унинг шахсий ҳаётини очиб беришга қодир янги бир манба пайдо бўлди. XIX аср бошларида мемуар адабиётнинг кўпайиши «микротарих»ни ўрганишга қулай замин яратди, аммо биринчи ўринда дворянлар, жамиятнинг мол-мулкка эга бўлган қатлами (тадбиркорлар, савдогарлар) дунёси «микротарих»ини яратишга киришилди, мемуар адабиётлар ҳам улар томонидан яратилган эди. Кейинчалик деҳқонлар ва ишчилар мемуарларининг пайдо бўлиши умумий манзарани деярли ўзгартирмади. Шунга қарамасдан «микротарих»ни ўрганиш имконияти кенгайди.

Этнографик маълумотларга қизиқишнинг ортиши, ўлкашунослик бўйича тадқиқотларнинг кўпайиши «микротарихий» тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилди. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср тарихчилари В.О. Ключевский, Н.И. Костомаров ва бошқалар асарларида энди халқ, ифодали айтганда, ўз «юзига» эга бўла бошлади.

XX аср бошларидаги сиёсий воқеалардан сўнг ҳокимият тепасига келган ҳукуматнинг ижтимоий вазифаси ўзгариб кетди. Олдинги қаторга оммавий ҳаракатлар чиқди, алоҳида бир инсон эса коммунистик идеалга тўғри келсагина тарих майдонида пайдо бўлди ва қаҳрамонлар маълум бир белгиларга эга бўлиши

кўзда тутилди. 1920-йиллар мемуарлари ўзининг самими хиссиётлари билан ажралиб турса, 1930-йиллардан бошлаб эсдаликлар ҳукмрон мафкурага мослаб ёзилди.

Тарихий микротадқиқотлар уруш даврида ва урушдан кейинги йиллар аҳвол ҳамда цензура сабаб қаттиқ сиқувга олинган эди. «Коммунизм қурувчилари» пафоси билан ўлка, шаҳар, қишлоқ, корхона тарихи ўрганилди. Лекин бу йўналишдаги адабиётларнинг «фабрика ва завод тарихи»га доир асарлардан фарқи йўқ эди. 1960-йилларда мемуар адабиётлар ўлкашунослик адабиётида реал ҳаётга яқинлашиш борасида қатта аҳамиятга эга бўлмади.

1980-йиллар ўрталарида ўлкашунос ва журналистлар, мутахассис тарихчилар шахсий характердаги манбалар, оғзаки эсдаликлардан кенг фойдаланишди. Бу даврда фойдаланилган манбаларда маълумотлар анча кенг бўлса-да, 1950-йиллардаги каби алоҳида «қаҳрамонлар»ни тасвирлашда ғоявий андозалар учрайди.

Мемуар манбалар тарихий микротадқиқотларда, алоҳида аҳоли пункти, инсон ҳаёти тарихи бўйича жиддий восита бўлиб хизмат қилади. Парадокс (илмий қоидаларга мос бўлмаган) равишда «микроскоп» XX асрнинг иккинчи ярмида тарихчиларнинг қуроли бўлиб хизмат қилди. Ушбу давр тарих фанининг юксалиш ва янгиланиш даври бўлди. Мазкур жараён Европа тарихчиларининг (биринчи навбатда – француз «Анналар» мактаби вакиллари) фаолияти натижаси эди, улар тарихий тадқиқотлар мавзуларини, усулларини ва академик тарихшунослик предметини такроран кўриб чиқдилар. Бундай «тарихшунослик инқилоби» «янги тарих фани» шакллантирди, бу ҳақдаги баҳсларда тарихий тадқиқотларнинг янги усуллари, қамрови ва объекти ҳақида янги ғоялар илгари сурилди.

Аввал макро тарих бутун бир халқнинг тарихини ва ўтмишдаги глобал жараёнларни ўрганган бўлса, янги тарихнинг объекти оддий инсоннинг ҳаёти ва ўша давр инсонлари орасидаги ижтимоий муносабатлар характери бўлди. Дастлаб табиий фанлар усули сифатида пайдо бўлган микротаҳлил усулидан (кичик ўлчамларни ўрганиш) кейинчалик ижтимоий фан мутахассислари ҳам фойдалана бошлади, жумладан, у социология, иқтисод, ижтимоий психология соҳаларига муваффақиятли татбиқ этилди. «Янги тарих фани»даги истиқболли йўналишлардан бири микротарих бўлиб, унда «ўтмиш микроскоп ёрдамида ўрганилади», «тафсилотлар тадқиқ этилади».

Микротарихнинг вужудга келиши ва унинг сабаблари

Микротарих машҳур бўлмаган кишилар, у ёки бу ижтимоий қатлами одатий бўлмаган вакиллари ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш орқали тарихий тадқиқотлар олиб бориш йўналишидир. 1950–1960 йилларда «микротарих» атамаси Ф.Бродель томонидан ишлатилган. Микротарих 1970-йилларда Италияда вужудга келган. Бу борадаги дастлабки ишлар аввал «Quaderni Storici» номли журналда, кейинчалик Эйнауди нашриётида Карло Гинзбург ва Жованни Леви томонидан «Microistirie» номли серияда чоп этилган. 1970-йилларда Германияда ижтимоий фанларнинг тарихий-танқидий вакилларига қарши (Х.У. Велер, Х.Бёме, Ю.Кокк, М.Штюрмер) «давлат сиёсатини ўрганишдан ва глобал ижтимоий тизимларни таҳлил қилишдан кичик ҳаётий воқеликларга мурожаат қилайлик» шиори остида ҳаракат бошланди. Бунинг натижасида микротарихга оид бир нечта тадқиқотлар вужудга келди, Б.Хауперт ва Ф.Шефернинг

қаламига мансуб «Ёшлар хоч ва свастика орасида. Биографияни тиклаш фашизм кундалик ҳаёти тарихи» номли монографияси классик асарга айланди¹. Унда Иккинчи жаҳон урушида миллионлаб ҳалок бўлган кишилар каби оддий инсон – вермахт танкисти Йозеф Шефер биографияси тадқиқ этилади. 1980–1990 йилларда Германия ва Италия «микротарихчилари» сафини «янги маданий тарих» тарафдорлари бўлган америкалик тадқиқотчилар ва «Анналлар» мактабининг баъзи вакиллари (Ж.Ле Гофф, Р.Шартье) тўлдиришди.

Микротарихнинг пайдо бўлишига 1960-йилларда макротарихий тадқиқотларнинг инқироzi сабаб бўлган. Биринчидан, ўз даврида анналчилар эълон қилган оммавий (тотал) тарихнинг чеклангани кўрина бошлади. В.Ф. Эрн таъкидлаганидек, тарихий билимларимизнинг адекватлигига (мувофиқлиги) ишонч ҳосил қилиш учун тарихий жараёнларда қатнашган ер юзида яшаган миллиардлаб кишилардан ҳар бирини англаш муҳимдир. Аммо бундай вазифани амалга оширишнинг иложи йўқ, шунинг учун баъзи олимлар айрим индивидуал объектлар ва контекстларни тадқиқ этишга ва яқка мисол орқали даврни ўрганишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам бу йўналиш тарихий антропологияга ва кундалик ҳаёт тарихига жуда яқин ҳамда моҳиятан уларнинг тармоғи ҳисобланади.

Мазкур йўналишнинг нуқсонлари дастлабки ишлардаёқ кўрина бошлади. Биринчиси, Ж.Ревель таъбири билан айтганда, тавсиф қопқони, яъни тадқиқотчи ўз объектини барча жиҳатлари билан, ҳеч қандай жиҳатларини эсдан чиқармасдан оддий тавсифлашга

¹ *Bernhard Hauptert, Franz Josef Schäfer. Jugend zwischen Kreuz und Hakenkreuz – Biographische Rekonstruktion als Alltagsgeschichte des Faschismus. – Frankfurt am Meine, 1991.*

Ўтиб кетиш хавфи мавжудлиги эди. Бу ёндашувнинг иккинчи нуқсони ўрганилаётган объектни репрезентация қилиш муаммосидир. Маълумки, тарихни, объект ва индивидлар тарихини арифметик ҳисоблаш йўли билан тиклаш мумкин эмас.

Микротарих ёндашуви назариётчиларидан бири Ж.Леви ўрганилаётган объектни репрезентация қилиш муаммосидан чиқиш йўлини кўрсатади, бунинг учун ҳар бир ижтимоий қатламдан бу гуруҳда турли ўрин эгаллаган бир неча модель танлашни таклиф қилади.

Ушбу қарама-қаршиликларга қарамасдан бу ёндашув Ғарб тарихшунослигида етарлича ўз тарафдорларига эга бўлди. Масалан, анча оммавийлашиб кетган италиялик олимлар – Карло Гинзбургнинг «Пишлоқ ва чувалчанглар. XVI асрда яшаган бир тегирмончи дунёси» (1976), Жузеппе Левининг «Номоддий мерос», Америка-канадалик тарихчи Натали Земон Дэвиснинг «Мартин Геррнинг қайтиши» номли монографияларини келтириш мумкин. Бу асарларда аҳолининг қуйи табақаларини «индамас» омма сифатида қабул қилган «анъанавий» макро йўналишдаги ижтимоий тарихдан фарқли ўлароқ ўтмишда яшаган инсонларга ўз мақсадига эга бўлган ҳаракатланувчи шахслар деб қаралган. Масалан, Карло Гинзбургнинг «Пишлоқ ва чувалчанглар. XVI асрда яшаган бир тегирмончи дунёси» асарида инквизиция¹ протоколлари асосида Фриулилик бидъатчи тегирмончи Меноккионинг (Доменико Сканделло (1532–1600)) қарашлари кўрсатиб берилади. Китоб Меноккионинг фаришталар ва Худо пишлоқдаги чувалчанг каби тартибсизликдан вужудга келган деган ғоясидан келиб чиқиб номланган. Меноккио кишлоқда

¹ XIII–XIX асрларда католик черковининг асоратига қарши кишиларни таъкиб ва суд қилиш учун таъсис этилган суд-полиция ташкилоти.

дунёнинг тузилиши, Исо Масих, христианлик ва бошқа динлар ҳақида радикал фикрлар билдиради. Мазкур асар 18 та тилга таржима қилинган.

Гинзбург ўша давр қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзига ёт бундай қарашларнинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш мақсадида тегирмончининг бутун ҳаётини таҳлил қилади. Меноккио ўқиган китобларни ўрганиб чиқади. Муаллиф оддий бир инсон дунёқарашида ноизчиллик пайдо бўлишига нима асос бўлганини аниқлашга ҳаракат қилади ва христианликкача бўлган тасаввурлар, протестантизм, шунингдек, Меноккио ўқиган китобларнинг таъсирига эътиборни қаратади (Италян тилидаги Библия; Декамерон; Жона Мандевиль саёҳатномаси; авлиёлар ҳаёти ва бошқа китоблар). Меноккио ўқиган китоблар ноодатий баён қилинади¹. Таъкидлаш жоизки, тегирмончи қишлоқда ҳурматли инсон бўлса-да, унинг аҳолисидан бироз узоқлашган эди, аммо кўпчиликка ўз назариясини етказишга улгурган, буни судга кўплаб хабарлар берилганидан билиш мумкин. Меноккио ўзи ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Мен устачилик қилардим, тегирмонни ишлатардим, трактирим бор эди, болаларга мактабда ҳисоб-китоб ва ёзувни ўргатардим, байрамларда гитарада мусиқа чалардим»². Меноккионинг турли соҳаларда фаолият юритиши унинг умуман ақлдан озмагани, аксинча, омма орасида ажралиб тургани, мустақил фикрлагани, ўз дунёсини англашга ҳаракат қилганини кўрсатади. Муаллиф Меноккионинг қарашлари Италия реформаторларининг радикал

¹ *Гинзбург К. Сыр и черви. Картина мира одного мельника, жившего в XVI в. – М.: РОССПЭН, 2000. – 272 с.*

² *Гинзбург К. Сыр и черви. Картина мира одного мельника, жившего в XVI в. – М.: РОССПЭН, 2000. – С.64.*

оқимидаги диний қарашларга яқин туради, у ёшлигида бу оқимга мансуб адабиётларни ўқиб чиққан, деган хулосага келади¹.

1982 йилда Францияда «Мартин Геррнинг қайтиши» номли фильм суратга олинди, фильмга Земон Дэвис маслаҳатчи бўлган. Фильм устида ишлаш натижалари асосида у шу номда китоб нашр этди (дастлаб француз тилида фильм билан бир вақтда, 1983 йилда эса инглиз тилига таржима қилинди). Асар марказида XVI асрда француз деҳқонларининг инсон ҳақидаги тасаввурлари туради². Мартен Герр деган бир киши ўз уйини ташлаб, анча йилларга йўқ бўлиб кетади. Кўп йиллардан сўнг уйига қайтиб, қишлоқдошларини Мартен Геррлигига ишонтиришга ҳаракат қилади. Қўшнилари маълумотлар тўплайди ва ўзини Мартен Герр деб таништирган киши суд йиғилишида энди ғалабани қўлга киритай деганда суд залига ёғоч оёқли киши кириб келиб, у ҳам ўзини Мартен Герр деб эълон қилади. Ушбу ҳаққоний тарих бир неча асрлар мобайнида Европанинг қатор давлатларида турли бадий асарларга асос бўлиб хизмат қилди.

Микротарих қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Одатда макротахлилда эътибордан четда қолиб кетадиган воқеликнинг асосий хусусиятларини ўрганишга ёрдам берувчи йирик масштабдаги тадқиқотлар олиб бориш;

Анъаналар давомчиси, тарихий ўзгаришлар сабабчиси бўлган «кичик одамлар» стратегияси, танлови ва интерпретациясига эътибор қаратиш;

¹ Гинзбург К. Сыр и черви. Картина мира одного мельника, жившего в XVI в. – М.: РОССПЭН, 2000. – С.96.

² Земон Дэвис Н. Возвращение Мартена Герра. – М.: Прогресс, 1990. – 208 с.

Ижтимоий муносабатлар тизими контекстида инсонларнинг ижтимоий ўзаро алоқаларини таҳлил этиш;

Барча турдаги манбаларни тадқиқотларга жалб қилиш, айниқса, эътиборни муаллифи кўрсатилган, яъни муаллифи аниқ бўлган манбаларга қаратиш.

Микротарих ёндашувининг аҳамияти шундаки, у биринчидан, кўплаб шахсий тақдирларни эътиборга олиш имконини беради. Шу маънода, кундалик ҳаёт тарихи «машҳур бўлмаган инсонлар ҳаёти»ни ўзига хос реконструкция қилишга кўмаклашади ва уни «микротарих» ёндашуви асосида тадқиқ этиш «машҳур кишилар ҳаёти»ни ўрганишдек муҳимдир. Иккинчидан, «микротарих» ёндашуви кундалик ҳаёт тарихини реконструкция қилиш воситаси сифатида амалга ошмаган имкониятлар ва сабабларни, шунингдек, тасодифий ҳолатларни ўрганишга ёрдам беради.

Учинчидан, микротарихий тадқиқотларда биографик маълумотларга алоҳида эътибор берилади. Шу жиҳатдан, кундалик ҳаёт тарихи «хусусий ҳаёт тарихи» ва «оғзаки тарих»га яқин туради. Айниқса, бу ҳолат АҚШда яққол кўзга ташланади, у ерда «new cultural history» социологияда «хусусий ҳаёт тарихи» (case studies) билан бир вақтда вужудга келган.

Тўртинчидан, айнан микротарихчилар фақат оддий тажрибани эмас, балки уруш, инқилоб, террор ёки очлик шароити каби экстремал ҳолатларда омон қолиш тажрибасини ҳам ўрганади. Бродель мактаби вакиллари ҳам шундай мавзуларга мурожаат этишган, лекин айнан микротарихчилар ўтиш ва бурилиш даврлари таҳлилини кундалик ҳаёт тарихи марказига қўйишди.

Маълум бир масалани микротарих нуқтаи назаридан ўрганиш кўпроқ манбаларни талаб қилади, бироқ ушбу манбалар тарихда юз берган муҳим воқеалар тўғрисида

барча маълумотларни ўзида жам қилиши шарт эмас. Чунки микротарих тарихий тадқиқотларнинг бошқа усуллари ўрганишга имкон бермайдиган кичик тарихий воқеаларни ўрганишга ёрдам беради. Охириги йилларда бу йўналишда Ўрта Осиё тарихига оид тадқиқотлар ҳам юзага кела бошлади. Жумладан, Буюк Британиялик олим Томас Велсфорд 60 та тарихий хужжатга асосланган ҳолда бир оиланинг иқтисодий муносабатларига оид мавзуда мақола чоп этади. Бунда бир оиладаги бир авлод вакиллари тарихи эмас, балки бир оиланинг бир қанча авлод вакиллари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўрганилади. Бу йўналиш орқали муаллиф XIX аср охири XX аср бошларидаги иқтисодий муносабатларни бир оила мисолида кўрсатиб беради¹.

Локал тарих

Миллий ва регионал тарих мутахассислари илгари сурган аксар зиддиятли фикрларни тасдиқлаш учун маълумотлар етказиб берган «эски» локал тарихдан фарқли равишда локал тарихнинг янгича тури – «янги ижтимоий тарих» ижтимоий гуруҳ тарихи билан бево-сита боғлиқ бўлиб, ўзаро ижтимоий таъсир доирасидаги маълум макон ва замон билан чегараланган. XX асрнинг иккинчи ярми давомида янги локал тарих барча янги локал объектларни (қишлоқ, шаҳарлардаги) забт эта бошлади, аста-секин тарихий ўлкашуносликнинг эски модели ўрнини эгаллай бошлади.

Локал тарихни методологик жиҳатдан асослашда микросоциология назарияси ва ёндашувлари катта ёрдам берди. Дастлаб Жорж Хоманснинг алмашиш назариясига, кейинчалик тизимли таҳлилга асосланди.

¹ Thomas Welsford. Fathers and sons: re-readings in a Samarqandi private archive. In *Explorations in the social history of modern Central Asia (19th-early 20th century)*, ed. Paolo Sartori, Leiden-Boston, 2013. P. 299–324

XX асрнинг охирги чорагида регионал ва миллий даражада янги назариялар яратилмаган бўлса-да, локал тадқиқотларнинг аксарият қисмида демографик, иқтисодий ва маданий ривожланишнинг, ижтимоий тизим ва маҳаллий бошқарув тизимининг турли хил локал вариантлари аниқланди. Локал тарих билан шуғулланувчи тадқиқотчилар инсонлар ўртасидаги реал муносабатларни фақат ўз негизида (заминида), маълум бир инсонга яқин бўлган ижтимоий ҳаёт дасрасида тушунишдан келиб чиқадилар. Идентиклик объекти қандай аталишидан қатъий назар, инсонлар айнан шу жойга таалуқли эканини ва ҳиссий жиҳатдан боғлиқлигини сезишган.

Локал тадқиқотлар тотал тарихнинг микро даражаси намунаси сифатида намоён бўлди. Бундай тадқиқотлар таҳлилнинг турли усуллари ва маҳаллий архивлар маълумотларини жалб қилиш орқали алоҳида кишиларнинг ҳаёти ва ўзаро муносабатлари тарихини ёзиш эмас, балки уларни «регионал филтер» орқали барча соҳалардаги макрожараёнлар билан боғлашдан иборат.

Локал тадқиқотларда асосан қуйидаги масалалар таҳлил қилинади:

- иқтисодий ва демографик аҳволнинг асосий тавсифи;
- оила ва уй хўжалигининг структураси;
- мерос тартиби ва қоидалари;
- қариндошлик ва қўшничилик тизими;
- индивидуал ва гуруҳнинг ижтимоий ҳамда географик мобиллиги;
- жинслар ижтимоий функцияси;
- локал сиёсий структура ва маданий тасаввурлар;
- ижтимоий назоратнинг расмий ва норасмий воситалари, ҳокимиятнинг бўлиниши ҳамда жамоа ўртасидаги таъсир;

индивидуал ва жамоавий ижтимоий муносабатларнинг тизимли таҳлили.

Локал тизим тадқиқотчилари локал жамоалар контекстидан (қишлоқ ва шаҳар жамоалари) келиб чиққан ҳолда тадқиқот олиб борадилар.

Кўп ҳолларда, ҳатто ўрта асрлар тарихини тадқиқ этишда тадқиқотнинг манбавий асоси тўлиқ тизимли таҳлил ўтказиш имконини беради¹. Бундай таҳлилнинг намунаси сифатида Жудит Беннетнинг «Ўрта асрда инглиз қишлоғида аёллар» номли асарини келтириш мумкин. Унда 1297–1348 йилларда Нортгемптонширдаги Бригсток кўрғонидаги кундалик ҳаёт тарихи ёритилади. Муаллиф турли ҳаётий даврларда (қизлик, никоҳда ва турмуш ўртоғи ўлимидан кейин) аёлларнинг ижтимоий мавқеи ўзгаришини батафсил кузатади. Ж.Беннет фикрича, локал жамиятда аёлнинг роли микро ижтимоий гуруҳнинг мавқеи, яъни уй хўжалиги ва унинг ривожланиши даврига қараб белгиланади. Мазкур ижтимоий жамоа хотин-қизлар мавқеига зиддиятли равишда таъсир кўрсатган бўлиб, маълум ҳаётий циклларда уларнинг мавқеини пасайтириб юборса, мана шу уй хўжалиги хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширади. Бундан ташқари, тарих фанлари доктори, профессор Наталья Пушкарёванинг тадқиқотларида² X аср ва XIX аср бошларида рус хотин-қизларининг шахсий ҳаёти тарихи ёритиб берилди. Маълумки, инсон шахсий ҳаёти бошқа ижтимоий соҳалар билан чамбарчас боғлиқ, шахсий ҳаёт жамиятдаги вазиятни кўрсатувчи жиҳатлардан биридир. Шахсий ҳаёт соҳасига кундалик ҳаётда вужудга келган ҳиссий муносабатлар

¹ *Bennett J. M. Women in the Medieval English Countryside: Gender and Household in Brigstock before the Plague.* – N.Y., 1987.

² *Пушкарёва Н.Л. Частная жизнь русской женщины: невеста, жена, любовница (X – начало XIX в.).* – М.: Ладомир, 1997.

ва алоқалар киради ҳамда улар маълум бир гуруҳ ҳаёти билан боғлиқ бўлади, шахсий ҳаёт уй ва оилада кечади ҳамда бошқа кишилардан пинҳон тутилади. У оилавий ҳаётнинг бир бўлаги ҳисобланади, шунингдек, унда инсоннинг ички ҳаёти ва инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам мужассамлашади.

Микросоциология усуллари макро ёндашувлар билан мувофиқ бўлмагани сабабли тарихчиларга олинган маълумотларни синтез қилиш учун тайёр назарий конструкциялар бера олмас эди. 1980–1990 йилларда «янги локал тарих»нинг етакчи вакилларида бири, локал тарих бўйича Лестер мактабининг бошлиғи бўлган Чарльз Фитьян-Адамс XX аср охирларида локал тарих ривожланишининг оралиқ натижаларини баҳолаган ҳолда айтадики, «локал тарихий тадқиқотлардан миллий жараёнларнинг бирлигини намоён қилиш эмас, уларнинг кўп вариантлигига мисоллар ёрдамида амин бўлиш кутилган»¹.

Ғарб мамлакатлари тарихшунослигида локал тарих бўйича жуда кўп тадқиқотлар яратилмоқда. Тарихий журналларда локал тарихга махсус жойлар ажратилмоқда. Масалан, Буюк Британияда нашр этилаётган «Economic History Review» журнали иқтисодий йўналишда бўлишига қарамасдан, унда «Локал тарих» бўлими мавжуд ва майда ҳарфда терилган 54 та журнал бетида локал тарих бўйича мақолалар чоп этилмоқда².

Бу даврда локал, регионал, миллий жараёнларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш учун янги назарий моделлар-

¹ Phythian-Adams C. Local History and National History // Rural History. – Vol.2 – №1. – April 1991. – P.1–23.

² Хут Л.Р. Теоретико-методологические проблемы изучения истории Нового времени в отечественной историографии рубежа XX–XXI вв. – М.: Прометей, 2010. – С. 529–549.

ни юзага келтириш эҳтиёжи сезила бошлади. Микро ва макро ёндашувлар интеграцияси имкониятини XVI–XVII асрларда инглиз жамияти тарихи бўйича умумлаштирувчи китоб яққол кўрсатиб берди, 1980-йилларнинг биринчи ярмида мазкур китоб методологик жиҳатдан ўзига ўхшаш китоблардан анча устун турарди, шунинг учун уни 20 йилдан сўнг яна қайтадан нашр этиш эҳтиёжи вужудга келди¹.

Машҳур инглиз тарихчиларидан К.Райтсон, ўнлаб локал тарихий тадқиқотларга таянган ҳолда, йирик ижтимоий ўзгаришларга олиб келган демографик, иқтисодий, маданий ва маъмурий ўзгаришлар, бир томондан, жойларда ижтимоий стратификациянинг мураккаблашувига, локал ижтимоий муносабатларни қайта қуришга, бошқа томондан эса, турли локал жамиятлар ўртасидаги таъсирнинг кучайишига ва уларнинг миллий жамоага янада мустаҳкам интеграциялашувига олиб келди, деган хулосани баён этади.

Ўзбекистон тарихи фанида ҳам локал тарихий тадқиқотларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, этнолог олим А.М. Маликов тадқиқотларида фанлараро ёндашувдан фойдаланиб, XIX–XXI асрларда Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник тарихи конструктивистик ёндашув, оммавий хотира, локал тарих усуллари ёрдамида тадқиқ этилган. Шунингдек, Самарқанд тарихи шаҳар антропологияси усуллари кўллаган ҳолда ўрганилган².

¹ *Репина Л.Н.* Историческая наука на рубеже XX–XXI вв. социальные теории и историографическая практика. – М.: Кругъ, 2011. – С.171.

² *Ўзбеки группы кунграт долины Зерафшана в XIX – начале XX в.* – Самарқанд, 2007. – 125 с.; *Ходжи долины Нижнего Зерафшана: история и идентичность // Религиозная жизнь народов Центральной Евразии.* отв. ред. В.И.Харитоновна. – Москва: ИЭА РАН, 2012. – С.176–180; *Культура Самарқанда второй половины XVIII – первой половины XIXв. // Культурно-исторические процессы в Центральной Азии (древность и средние*

Ўзбекистон шаҳарлари тарихи бўйича амалга оширилган кўпгина тадқиқотлар ҳам локал тарих йўналиши бўйича ёзилган. Улар сирасига илмий ва илмий-оммабоп тадқиқотларни киритиш мумкин¹. Мазкур китобларда қўйилган масалаларни макротаҳлил билан бирга микротаҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Локал тарихда никоҳ ва оила институти, оилавий муносабатлар, ижтимоий гуруҳлар ва улар орасидаги муносабатлар макрожараёнлар контекстида, яъни аҳоли ривожланиши, иқтисодий ва маънавий соҳадаги ўзгаришлар, ижтимоий назорат институтлари ва ижтимоий зиддиятларни ҳал қилиш механизмлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Жойлардаги ижтимоий дифференциация чуқурлашуви ва минглаб жойлардаги жамоалар манфаатлари поляризацияси (хилма-хиллиги)

века). – Алматы: Дайк-пресс, 2012. – С.290–304; Самарканд в начале XIX века // Эхо истории. – №4. – 2010.

¹ Юнусхўжаева М. Келажаги буюк давлат пойтахти. – Тошкент, 1994; Юракдаги Бухоро: юрт тарихидан сабоқлар. – Тошкент: Шарк, 1998; Раҳмонов С.Асака. – Тошкент, 1999; Боқиев М. Ғиждувоннома (Ғиждувон тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 397 б.; Мирзо Ж. Термиз тарихи. – Тошкент, 2001; Шокаримов С., Султонов А. Жаннатмакон Андижон. – Тошкент, 2002; Болтаева Б., Мўминова З. Ғиждувон ободдир. – Бухоро, 2003; Исроилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Қарши, 2006; Нафасов Т., Турсунов Ш. Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари. – Тошкент, 2008; Алимова Д.А., Буяков Ю.Ф., Раҳматуллаев Ш. История Самарканда. – Ташкент: Art Flex, 2009; Турсунов С., Турдиев Т. Денов. – Тошкент: Фан, 2009; Ражабов Қ., Максудов Р. Қизилтепа тарихи. – Тошкент: Muhatir, 2011; Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарк, 2013; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент, 2016; Турсунов Ж.Н. История социально-экономического развития городов Узбекистана (на примере городов Байсун, Шаргун, Шурчи). Автореферат дисс. на соиск. уч.степени канд. ист.наук. – Самарканд, 1995; Раҳматуллаев Ш. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости. Автореферат дисс. на соиск.уч.степени канд. ист. наук. – Ташкент, 2000 ва бошқалар.

орқали макротизимлардаги ўзгаришлар ва инсонлар кундалик ҳаёти ўртасидаги алоқалар ўзагини топиш имкониятини беради.

Бир-бири билан боғлиқ бўлган, аммо индивидуал жиҳатдан фарқ қилган «локал жамиятлар» нафақат миллий ғоя, рамзий белгилар ва марказлашган давлат бошқаруви орқали бирлашган, балки улар ижтимоий нормалар ва қадриятлар билан ҳам боғланган. Миллий тарихни ўрганувчи тадқиқотчилар ижтимоий тузум ва давлат қурилишини таҳлил қилиш билан чегараланмасдан миллий маданиятнинг турли жиҳатларини, ахлоқ нормаларини, турли тоифадаги инсонлар йиғиндисини ҳам ўрганиши зарур. Локал ва миллий тарих интеграцияси жамиятнинг барча даражаларида ҳокимият органлари фаолиятини, яъни ҳокимиятнинг мураккаб маҳаллий кўринишларини ўрганишни назарда тутди. Шундай қилиб, микро ва макро тарихнинг туташ нуқталари пайдо бўлади.

Саволлар:

1. Жаҳон тарихшунослигида микротарихнинг шаклланиши сабаблари нималардан иборат?
2. Тадқиқотларнинг предмети ва «масштаби» нимадан иборат?
3. Микротарихнинг макротарихдан фарқлари ва устун жиҳатлари ҳақида гапириб беринг.
4. Ж.Леви, К.Гинзбургнинг қандай асарлари микротарихга асосланиб ёзилган?

2.2. Кундалик ҳаёт тарихи: шаклланиши, вазибалари ва тадқиқот усуллари

Мақсад: Кундалик ҳаёт тарихининг шаклланиш жараёнлари ҳамда кундалик ҳаёт тарихини тадқиқ этиш усуллари хусусида талабаларга маълумотлар тақдим қилиш.

Таянч сўз ва иборалар: Кундалик ҳаёт тарихи, «Анналлар» мактаби, инсон, шахсий ва уй ҳаёти, ижтимоий қатлам, жамият, интервью, хатлар, кундаликлар, эсдаликлар.

Кундалик ҳаёт тарихининг шаклланиши

Ўзбекистон тарих фани олдида қўйилаётган долзарб вазифаларни ҳал қилиш учун жаҳон тарихшўнослигидаги янги йўналишларни ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шундай янги йўналишлардан бири «кундалик ҳаёт тарихи» (everyday life history, Alltagsgeschichte, histoire de la vie quotidienne) йўналиши бўлиб, унинг предмети инсон кундалик ҳаётини турли тарихий-маданий, сиёсий, этник ва конфессионал контекстда ўрганишдир.

XX аср ўрталарида Ғарб мамлакатлари ижтимоий тафаккурида «тарихий-антропологик ўзгариш» рўй бериши билан кундалик ҳаёт тарихи мустақил тадқиқот соҳаси сифатида шаклланди. Дастлаб француз тадқиқотчилари кундалик ҳаёт тарихининг тадқиқотларга катта туртки бера олишини кўра билдилар. Айнан улар тарихнинг фақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатларини эмас, балки уни бир бутунликда ҳамда инсоннинг бу жараёнларга муносабатида ўрганишни диққат марказга қўйдилар. Мазкур тарихий-антропологик ёндашув «Анналлар» журнали атрофида бирлашган машҳур йўналиш вакиллари М.Блок, Л.Февр, Ф.Бродель¹ асарлари асосини ташкил этди. Уларнинг асарларида кундалик ҳаёт тарихи инсонлар ҳаёти макроконтекстининг бир қисми сифатида на-

¹ Бродель Ф. Структуры повседневности: Возможное и невозможное / Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV–XVIII вв. в 3-х т. Т.1. – М., 1986. – 621 с.

моён бўлди. Жумладан, Ф.Бродель ҳар қандай жамият иктисодида икки хил структурага эътибор қаратишни таклиф қилади, булар моддий ҳаёт структураси ва инсон психологияси ҳамда кундалик амалиётни қамраб олган номоддий ҳаёт эди. У айнан номоддий ҳаётни «кундалик структура» деб атади. Ф. Бродель ва унинг сафдошлари глобал ижтимоий ўзгаришларни аниқлаш ҳамда турли даврлардаги воқеаларни таҳлил қилиш мақсадида катта даврларни тадқиқот учун танлайди. У бой қатламга мансуб аҳолининг маданияти оддий аҳоли томонидан қандай қабул қилганига катта эътибор беради. Шунингдек, унинг «Кундалик ҳаёт тузилиши» номли асари тарихий тадқиқотларнинг йўналишини ўзгартиришга катта туртки берди, яъни воқеликлар ёритилган сиёсий тарихдан, иқтисодий ривожланишнинг умумий қонуниятларини излашдан тарихий психология, тарихий демография, тарихий маданият сюжетларини таҳлилий ўрганишга ўтишда ёрдам берди. Ф. Бродель «давр руҳини» тушуниш учун инсон онгини, психологиясини, ижтимоий хулқ-атворини ўрганади.

«Тарихни қуйидан», яъни давлатга қараб инсонларни эмас, балки инсонларга қараб давлатни ўрганиш орқали ўтмишни тушуниш Ф. Бродель ва «микротарихчилар»¹ ёндашувининг умумий жиҳати эди. Бундай ёндашув «кичик инсонни» тарихий

¹ Микротарих – машҳур бўлмаган кишилар, у ёки бу ижтимоий қатламнинг ноодатий вакиллари ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш орқали тарихий тадқиқотлар олиб бориш йўналишидир. 1950–1960 йилларда «микротарих» атамаси Ф.Бродель томонидан ишлатилган. Микротарих 1970-йилларда Италияда вужудга келган. Бу борадаги дастлабки ишлар аввал «Quaderni Storici» номли журналда, кейинчалик Эйнауди нашриётида Карл Гинзбург ва Джованни Леви томонидан «Microistirie» номли серияда чоп этилган.

тадқиқотлар предметига айлангирди ва нафақат оддий инсонлар, балки қароқчилар, психопатлар, жодугарлар, анархистлар, ногиронлар, фоҳишалар, жинойтчилар ҳам тарихий тадқиқотлар марказида бўлиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шунингдек, элиталарни ўрганиш усуллари ҳам ўзгартирди, яъни асосий эътибор машҳур инсонлар ва уларга қарам бўлган кишилар кундалик ҳаёти ўртасидаги боғлиқлик жиҳатига қаратила бошлади.

Фернан Броделнинг сафдошлари – «Анналар» мактабининг вакиллари унинг тадқиқот усуллари янада ривожлантиришга ҳаракат қилди. Ф.Бродель асарлари француз тарихшунослиги доирасидан чиқиб, жаҳондаги ўрта асрлар ва илк янги давр тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар эътирофини ҳам қозонди.

Машҳур француз тарихчиси, файласуфи ва антропологи Мишель де Серто (1925–1986 й.) 1980 йилда «Кундалик ҳаёт ихтироси» асарини чоп этган. Ушбу китоб қоидаларга бўйсунушга мажбур бўлган оддий инсонларнинг, «фойдаланувчилар» ва «истеъмолчилар» кундалик ҳаётига бағишланган. Тадқиқот муаллифи ўзининг турли илмий қизиқишларини қўллаган ҳолда кундалик ҳаётнинг оригинал назариясини яратади, унга кўра, «фойдаланувчилар» уларга зўрлаб ўтказилаётган қоида ва тартибларга қарши пинҳона кураш олиб боргани ҳамда уларни «ўзлаштириш» жараёнида ўзгартириб боргани таъкидланади¹.

Мишель де Серто «стратегия» ва «тактика» тушунчалари ўртасидаги фарқга эътибор қаратади. Серто «стратегия» тушунчасини ҳокимият институтлари ва

¹ Мишель де Серто. Изобретение повседневности. 1. Искусство делать / пер. с фр. Д. Калугина, Н. Мовниной. – СПб.: Изд-во Европейского университета в Санкт-Петербурге, 2013. – С. 41.

тизимига тенглайди, «тактика» тушунчаси эса инсонлар ўз атрофида эркин шахсий макон ташкил қилишига татбиқан ишлатилиши ҳақида ёзади. «Шаҳар бўйлаб сайр» номли бўлимда муаллиф шаҳарни ўзлаштириш амалиётини кўрсатиб беради. Агар шаҳарга «стратегик» жиҳатдан қаралса, унинг ҳукумат, корпорациялар ва бошқа ташкилотлар томонидан вужудга келтирилганига эътибор қаратади. Шаҳарга «тактик» жиҳатдан қаралса, у янги тавсифларга эгаллигини кўриш мумкин.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам олиб борила бошланди. Жумладан, 1980-йилларда Ғарбий Германияда кундалик ҳаёт тарихи йўналиши юзага келади ва шу ўн йиллик охирида донғи чиққан йўналишга айланади. Уни ишлаб чиқишда Геттингенда жойлашган Макс Планк номидаги тарих институти профессори Альфред Людтке катта ҳисса қўшди. У XIX–XX асрдаги Германия ишчилари ўтмишини ўрганган эди.

А. Людтке фикрига кўра, кундалик ҳаёт тарихи индивиднинг шахсий тасаввурлари шаклланишини англай бошлашдан иборат. Ушбу ёндашувга кўра, жамиятнинг «ҳаракатлантирувчи кучи» бўлган инсон тарихнинг фаол субъекти сифатида кўрилади. Бу эса ўтмишни ўрганишдаги у ёки бу схемага асосланган, «буюк» одамлар фаолиятини тадқиқ этувчи тарихшунослик аънаналарига зид бўлиб, тарихда номсиз қолган «кичик», «оддий» инсонларнинг ҳаётий муаммолари марказий ўринда туради. Тарихий жараёнлар иштирокчиларининг кўпчилигини ташкил қилган бу гуруҳнинг ижтимоий амалиёти тарихдаги ўзгариш ва узвийликни таъминлайди. Кундалик ҳаёт тарихи ижтимоий структуралар ва субъектларнинг амалиётдаги ўзаро алоқаларини ўрганишдаги методологик муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Германияда «Alltagsgeschichte» мактабининг вакиллари¹ бу йўналиш доирасидаги мавзуларни, ёндашувларни ишлаб чиқди. «Эски фан» танқидчилари Х.Медик² ва А.Людке тадқиқотчиларни инсонлар ва гуруҳлар «микротарихи»ни ўрганишга чорлайди. Шунинг учун Германияда кундалик ҳаёт тарихининг иккинчи номи – «Geschichte von unten» – «қуйидан тарихни» ўрганиш ҳам деб аталади.

А.Людке кундалик тарихни ўрганишда асосий эътибор ҳаётда ўз ўрнини топган ёки ҳамма нарсадан маҳрум, тўқ ёки оч кишилар, улар ўртасидаги бирдамлик ёки нифок, уларнинг рухий кечинмалари, эсдаликларига қаратилиши керак, деб ҳисоблайди. Умуман олганда ушбу йўналиш таҳлилида асосан тарихда «изсиз кетган» кишиларнинг ҳаётини муаммолари марказий ўринда туради.

Бундан ташқари, XX аср охири XXI аср бошларида инглиз тилида аҳолининг кундалик тарихига оид қатор

¹ *Ullrich V.* Spuren im Alltag. «Barfusshistoriker» — woher sie kommen und was sie wollen // Die Zeit. 1981. 2. Nov.; *Ullrich V.* Entdeckungsreise in den historischen Alltag // Geschichte in Wissenschaft und Unterricht. 1985. H. 6.; *Geschichte von unten: Fragestellungen, Methoden und Projekte einer Geschichte des Alltags* / Hrsg von H. Ehalt. Wien, Köln, Graz, 1984; Людке А. Что такое история повседневности? Ее достижения и перспективы в Германии // Социальная история. Ежегодник, 1998/99. М., 1999; Людке А. «История повседневности» в Германии после 1989 года // Казус. 1999. М., 1999. С. 117–131; *Fieseler B.* Frauen auf dem Weg in die russische Sozialdemokratie, 1890–1917. Eine kollektive Biographie (= Quellen und Studien zur Geschichte des östlichen Europa. Hg. Helmut Altrichter), Stuttgart 1995; «Arme Sieger». Die Invaliden des «Großen Vaterländischen Krieges» der Sowjetunion, 1941–1991, Köln-Weimar-Wien 2013. *Schloegel K.* Kommunalka – der Kommunismus als Lebensform. Zu einer historischen Topographie der Sowjetunion // Historische Anthropologie. Kultur. Gesellschaft. Alltag. 1998. S. 329–346.

² *Medick H.* Quo vadis Historische Anthropologie? Geschichtsforschung zwischen Historischer Kulturswissenschaft und Mikro-Historie / H. Medick // Historische Anthropologie. – 2001. – № 9.

хам тадқиқотлар эълон қилинди. С.Коткин 1930 йилларда Россиядаги Магнитогорск металлургия комбинатининг қурилиши ва фаолияти мисолида жамият ҳаётидаги ўзгаришларни кўрсатиб берган. Муаллиф ўз олдига кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, биринчи навбатда, ўша давр учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган меҳнат интизоми, давр сиёсатига содиқлик тўғрисидаги тушунчаларни реконструкция қилишни мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, Ш.Фицпатрик 1930-йиллардаги совет шаҳарлари ҳаётига оид масалаларни тадқиқ этган. Ушбу муаллиф кишиларнинг «фавқулодда ҳолат», яъни қатағон йилларида ўзига хос омон қолиш стратегиясини очиб берган. Ш.Фицпатрикни биринчи ўринда инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар қизиқтирган, чунки совет кишиларининг бутун умри давлат ташкилотлари измида бўлган, давлат ҳам иш берувчи, ҳам маҳсулотлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминловчи эди¹.

Гарвард университети профессори Светлана Боймининг китоби² ижтимоий «мумий жойлар»ни ўрганишга бағишланган, яъни ўша жойда яшовчи кишилар учун табиий ҳисобланган, одатда, бу ҳақда ўйлаб кўрилмайдиган кундалик ҳаёт шакллари тадқиқ қилинган. Шунинг учун ҳам тарих китобларида улар ҳақида ёзилмайди ва у ҳақда ёзма манбалар учрамайди.

Светлана Бойм аҳолининг турмушига ғоянинг қандай тарзда кириб келганини тадқиқ этади. Кундалик ҳаёт тарихида турмуш ва идеология, кундалик ва

¹ *Kotkin S. Magnetic Mountain: Stalinism as a Civilization.* – University of California Press, 1995; Бодрийяр Ж. Система вещей / Пер. с франц. – М., 2001; Бойм С. Общие места. Мифология повседневной жизни. – М., 2002; Фицпатрик Ш. Повседневный сталинизм. Социальная история Советской России в 30-е годы: город / Пер. с англ. – М.: РОССПЭН, 2001. – 336 с.

² *Бойм С. Общие места. Мифология повседневной жизни.* М., 2002.

эстетик ҳаёт ўртасидаги чегара ўрганилади. Шу билан бирга, кундалик ҳаётда расмий тарғиботга, ғоявий босимга ва давлат машинаси тазйиқига қаршилик қилиш элементи ҳам мавжуд. Бир қарашда фойдасиз бўлган кўпгина майда-чуйдалар, уйдаги ҳар хил лаш-лушлар совет кишилари учун ўз идентиклигини сақлаш, «катта сиёсат» дунёсида ўз мустақиллигини асраб қолиш усули сифатида қаралган. Тоталитар тизим буни ўзи учун хавfli деб ҳисоблаган ҳолда «турмушни тозалаш» кампаниясини ўтказиб турган. Кейинчалик уйларда тинтув ўтказиш кундалик ҳаётни қайта қуришнинг умумий майдонига айланган.

Светлана Бойм советча истиқомат жойининг ёрқин белгиси бўлган коммунал квартиралар, барак ва казармаларни ҳам тадқиқ этади. Муаллиф коммунал квартиралар даврий эҳтиёжи бўлиш билан бирга ҳаёлий ғоялар ва партия фармойишлари кундалик амалиётга айланган совет ҳаёти лабораторияси бўлганини ҳам таъкидлайди. 1930-йилларга келиб давлат назорати ўрнатилган коммунал квартиралар уй-жойининг бир қисмига айланди. Яшаш жойига қайд этишнинг жорий қилиниши ва ички паспорт тизимининг йўлга қўйилиши бунга ёрдам берди. Деярли ҳар бир уйда ўз айғоқчилари бўлган, бундан ташқари, ҳовли тозалигига қаровчи кишиларнинг мавқеи ошиб кетди, уларга ҳовлини тозалашдан муҳимроқ янги вазибалар юклана бошлади. Жактлар ва ЖЭКларга ҳам катта ҳуқуқлар берилди. Светлана Бойм турмушнинг қийинлиги, доимий равишда «кўриниб» яшаш яхши қўшничилик муносабатларига олиб келмаслигига эътибор қаратади. Омадли айғоқчига «фош этилган» қўшнисининг квадрат метрлари берилган. Шунинг учун аҳоли 1960-йиллардаги Н.С. Хрушевнинг уй-жой ислоҳотини хурсандчилик билан кутиб олди.

Ғарб мамлакатларида чоп этилган илмий адабиётлар XX аср 80-йиллари ўргаларидан Россиядаги тарихий тадқиқотларда «кундалик ҳаёт» тушунчаси ишлатила бошланишига сабаб бўлди. Дастлаб кундалик ҳаёт тарихини медиєвистлар ва хотин-қизлар масаласи билан шуғулланувчи мутахассислар ўргана бошлади. Ю.Л. Бессмертный ва А.Я. Гуревич бошчилигида Россия ФА тизимидаги ижтимоий фан институтларида кундалик ҳаёт тарихи бўйича тадқиқот олиб борувчи ишчи-гуруҳи тузилди. Улар томонидан «Одиссей» номли альманах ва «Казус» номли йилнома чиқарила бошланди.

Россияда охириги ўн йилликларда мазкур йўналишда ривожлантириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2002 йил апрелида Россия ФА Илмий кенгаши «Кундалик ҳаётда инсон: ўтмиш ва ҳозирги замон» номли дастур ишлаб чиқди. Кенгаш аъзолари Ю.А.Поляков ва В.Б.Жиромская ҳаётнинг ўзи каби инсон умри чексиз ва турли-туман муаммоларга бой, шунинг учун инсон кундалик ҳаётини ўрганиш комплекс ёндашувни талаб қилади, деган фикрни илгари сурдилар¹. Н.Б.Лебина ва А.Н. Чистиков тадқиқотлари янги

¹ *Брусиловская Л.Б.* Культура повседневности в эпоху «Оттепели»: Метаморфозы стиля. – М.: Изд-во УРАО, 2001. – 188 с.; *Жиромская В.Б.* Советский город в 1921–1925 гг.: проблемы социальной структуры. Отв. ред. Ю.А. Поляков. – М., 1998. – 166 с.; *Журавлев С.В.* «Маленькие люди» и «большая история». Иностранцы московского Электростанции в советском обществе 1920–1930-х гг. – М.: РОССПЭН, 2000. – 453 с.; *Журавлев С.В., Мухин М.Ю.* «Крепость социализма»: Повседневность и мотивация труда на советском предприятии, 1918–1938. – М.: РОССПЭН, 2004. – 240 с.; *Каганский В.Л.* Культурный ландшафт и советское обитаемое пространство. – М.: НЛЮ, 2001. – 574 с.; *Нарский И.В.* Жизнь в катастрофе: Будни населения Урала в 1917–1922 гг. – М.: РОССПЭН, 2001. – 632 с.; *Осокина Е.А.* За фасадом «сталинского изобилия»: Распределение и рынок в снабжении населения в годы индустриализации. 1927–1941. – М.: РОССПЭН, 1997. – 271 с.

иктисодий сиёсат ва «илиқлик» давридаги жараёнларнинг оддий инсонлар томонидан қабул қилиниши масалаларига қаратилган. Мазкур китобда уй-жой, кийим-кечак, дам олиш соҳаларидаги янгиликлар қандай рўй бергани таҳлил этилган¹. Бундан ташқари, хотинқизлар кундалик ҳаётини ўрганишга ҳам катта эътибор берилган².

Умуман олганда, жаҳон тарихшунослигида кундалик ҳаёт йўналишида инсонларнинг шахсий ва уй ҳаёти ҳамда турмуш тарзи, инсонларнинг жамиятдаги воқеликка мослашуви йўллари, воқеа ва ҳодисаларнинг эмоционал томони, кишилар ва инсонлар гуруҳининг одатдаги турмуш тарзи билан боғлиқ кечинмалари каби масалаларга алоҳида эътибор берилади.

Германия тарихшунослигида такрорланувчи, одатий ҳол ғайри одатий ёки ноёб ҳолатга қарши қўйилади. Бундай ёндашув кундалик ҳаётни «омма ҳаёти» сифатида «оддий бўлмаган, ноёб шахслар ҳаётига» қарши қўяди. Бу эса «кундалик ҳаёт тарихи»нинг немисча вариантыни келтириб чиқарди, унда «кундалик ҳаёт тарихи» оддий, кўз илғамас, ўз даври ва ўз ижтимоий қатламининг типик вакили микротарихи сифатида тавсифланиши мумкин. Немис олимлари кундалик ҳаётга «оппозиция» сифатида байрамлар ва «экстремал

¹ *Лебина Н.Б., Чистиков А.Н.* Обыватель и реформы. Картины повседневной жизни горожан в годы нэпа и хрущевского десятилетия. – СПб., 2003.

² Женская повседневность в России в XVIII–XX вв.: Материалы международной научной конференции. 25 сентября 2003 года. – Тамбов, 2003; Пушкарева Н.Л. Частная жизнь и проблема повседневности // Демоскоп weekly. – 2002. – № 57/58. – С.4–5; Уники. Частная жизнь и повседневность глазами историка // Шмидт С.О. (ред.) Города европейской России конца XV – первой половины XIX в. Ч.1. – Тверь, 2002. – С.49-63; Уники. История частной жизни и история повседневности: содержание и соотношение понятий // Социальная история. – М., 2005.

ҳолатлар»ни кўрсатади, улар ҳам маълум бир шароитда одатий ҳолга, кундалик ҳаётга айланиши мумкин. Шунингдек, улар таълим олиш, меҳнат фаолияти, дам олишни кундалик ҳаётга киритади.

«Кундалик ҳаёт тарихи»ни микротарих сифатида тушунганлари боис ушбу йўналиш мутахассисларини университет ва илмий марказлардаги лавозимлар конкурсда қатнашишига тўсқинлик қилина бошлади. Оқибатда Германияда расмий йўналишга қарши параллел «тарихчилар устахонаси» ва махсус журналлар вужудга келди. Бунга мисол қилиб «Тарихий антропология» журналинини айтиш мумкин, шунингдек, Геттингенда «take history in our hands» шиори остида бирлашган тарихчилар ва оддий фуқаролар фаол иш олиб борди.

Россияда кундалик ҳаёт тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар этнографлар ва XIX асрдаги «турмуш тарзини ёзувчиларидан» кўп нарсани олдилар. Уларнинг асосий қизиқишлари этнографик мавзулар – уй-жой ва унинг қурилиши, овқатланиш тизими, кийим-кечаклар ва бошқаларга қаратилган эди. Этнографларнинг бевоқиф кузатиш усулидан фойдаланиш тарихчиларга инсонлар ҳаётининг тарихий ҳужжатларда учрамайдиган томонларини тушуниш имконини берди.

Умуман олганда, этнографик тадқиқотлардан фарқли равишда кундалик ҳаётни ўрганишда воқеалар аҳамиятини тушунишга, сиёсий воқеаларга турли индивидуал муносабатларни кўрсатишга ҳаракат қилинади.

Моддий маданиятни тадқиқ этувчи этнограф мутахассислар «майда нарсаларни» таҳлил қилади, ҳунармандчилик куроллари, маҳсулоти ва хомашё каби моддий предмет тавсифини ўрганади. Кундалик ҳаёт эса унинг олдида инсонларнинг муносабатини ёритишни мақсад қилиб қўяди. Турмушдаги деталлар

тадқиқотчига «давр руҳини» англашга ёрдам беради, инсоннинг шахсий ҳаёти билан тарихий воқеликларни уйғунликда кўриш имконини яратади.

Кундалик ҳаёт тарихини тадқиқ этиш усуллари

Мазкур йўналишнинг тарихий манбаларга муносабати ўзига хосдир. «Кундалик ҳаёт тарихи» билан шуғулланувчи мутахассислар тарихий манбаларда келтирилган фикрларнинг ички маъносини англаб етишга, яширин жиҳатларини илғаб олишга уринадилар. Улар тарихий воқеалар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатини асослашга ва уларни тушунишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, кундалик ҳаёт тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ҳаққоний судья ролини бажаришдан бош тортадилар. Бунинг ўрнига манбалар билан «диалог» ўрнатишга ҳаракат қилади, шунинг учун матнга саволлар беради.

XX аср кундалик ҳаёт тарихини ўрганаётган мутахассис оғзаки тарих усулларига мурожаат қилиш имкониятига эга. «Ҳаётий тарих»ни тўплаш ва ёзиб олиш, турли интервьюлар олиш фақат оддий материал тўплаш эмас, балки кўп ҳолларда «иккиламчи» манба турини яратиш имконини беради. Совет тарихшунослигида, асосан, Иккинчи жаҳон уруши тарихини ўрганишда эсдаликларга манба сифатида мурожаат қилинган. Охириги 20 йил мобайнида Россия тарихшунослигида оғзаки тарих усуллари кундалик ҳаёт тарихида кенг қўлланилмоқда. Бунда психолог ва социологлар ишлаб чиққан автобиографик матнлар билан ишлаш усули фойдалидир. Хусусан, шундай усуллардан бири «эркин ҳикоя»дир, интервью олувчи интервью берувчидан ҳеч бир муҳим жиҳатларни қолдирмасдан ўзи ва ўз ҳаёти ҳақида сўзлаб беришини сўрайди. Мавзуларнинг ва ҳаётий коллизияларнинг (қарама-қарши фикрлар ва

манфаатлар) такрорланиши такқосланади, бу эса хулосалар қилишга ёрдам беради.

«Ўтмишга савол бериш» имконига эга бўлмаган тадқиқотчилар анъанавий манбалар билан ишлайди, лекин аввало шахсий характердаги манбаларга мурожаат қилади. Қадимги давр, Ўрта асрлар ва илк Янги давр тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчиларда эса хатлар, кундаликлар, эсдаликлардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Этнография ва социологиядаги кузатиш усулидан фойдаланганда, тадқиқотчи бир пайтнинг ўзида маълумот тўплайди ва муаллифни кузатади. Бу ҳолда тадқиқотчи мазкур инсоннинг ушбу матни ёзиш вақтида неча ёшда бўлгани, оилавий шароити, психологик кайфияти қандай бўлганини ҳисобга олади. Жамоанинг фикри, масалан, бирор бир муҳим форумнинг баённомаси залнинг реакциясини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинади.

Инсонларнинг қувонч ва қайғулари, орзу ва умидлари тарихий манбаларда кўпинча тасодифий из қолдирган, холос. Шунинг учун ҳам турмуш деталлари ва аломатларини аниқлаш учун матбуот материаллари, расмлардан фойдаланиш мумкин. Кундалик турмушдаги фарқларни осон пайқовчи хорижликлар гувоҳликларини ҳам тадқиқотларга жалб қилиш мумкин.

Натижада тарихчи микротарихий изланишларини ўзаро боғлиқ бир тизимга солиши лозим, шундагина майда элементлар катта саволларга жавоб бера олади. Кундалик ҳаёт тарихини танқид қилувчи мутахассислар унда тарихий жараёнлар ҳақида яхлит бир тасаввурга эга бўлиш мураккаблигини таъкидлашади. Бу болада социологлар маълум тажрибага эгадир. Масалан, кундалик ҳаёт тарихини ўрганишда тўпланган бир хил

турдаги манбалардан (суд жараёни ёзувлари ёки автобиографиялар, тарғибот рисолалари) матн қисмлари ажратиб олинади, улар тизимга солинади ва маълумотнинг такрорланиши нуктаи назаридан таҳлил этилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, жаҳон тарихшунослигида кундалик ҳаёт тарихининг шаклланиши чуқур илдизга эга бўлиб, XX асрнинг ўрталарида Франциядаги «Анналлар» мактаби вакиллари бу йўналишнинг алоҳида соҳа сифатида вужудга келишига катта ҳисса қўшди. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Германияда ва дунёнинг бошқа давлатларида кундалик ҳаёт тарихи ривож топиб, талай тадқиқотлар яратилди. Шунингдек, XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида Россияда ҳам кундалик ҳаёт тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда Ўзбекистон тарихшунослигида бу йўналишни ривожлантириш тарих фанининг қатор муаммоларини ечишга катта ёрдам беради.

Кундалик тарихни ўрганишда тадқиқотчилар 2 гуруҳдаги манбалардан фойдаланиши мумкин:

I. Кундалик ҳаёт ҳақида маълумот берувчи материаллар:

Табиий, шаҳарсозлик ва бошқа манбалар – табиий ва сунъий вужудга келтирилган яшаш муҳити (рельеф, иқлим, флора, фауна, коммуникациялар).

Оммавий (демографияга оид) манбалар – туғилиш, никоҳ, ажрим, ўлимни қайд этувчи ҳужжатлар; турли хил шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, аъзолик билетлари ва бошқалар.

Ашёвий манбалар – бинолар (ташқи кўриниши, биноларнинг режаси), мебель, интерьер, идишлар, кийим-кечаклар, маиший нарсалар, болалар ўйинчоқлари ва бошқалар.

Тасвирий манбалар – расм, гравюра, фотография, хроника, ҳужжатли кино, телевидение дастури ва бошқалар.

Буюмлар рўйхати, музей коллекциялари ва тўпламлари тавсифи, архитектура лойиҳалари, шаҳарлар режалари, хариталар, расмий ҳисоботлар, статистика, маиший турмушни ўрганувчи жамият ва комиссиялар материаллари ва бошқалар.

Эълонлар, афишалар, ўрамлар, театр ва концерт дастурлари, плакатлар, таомнома, «открытка»лар ва бошқалар (бир вақтнинг ўзида ҳам ашёвий, ҳам ёзма манба ҳисобланади).

Ёзма манбалар – норматив нашрлар ва қўлланмалар, шунингдек, иллюстрацияли ҳужжатлар (муомала қоидалари, турли ўйинлар тартибини тушунтириш, дарсликлар, луғатлар, сўзлашгичлар, туш таъбирлари, ошпазлик китоблари, мода журналлари, каталоглар ва бошқалар.)

II. Кундалик ҳаётни қабул қилиш контексти билан боғлиқ материаллар:

Шахсий характердаги ҳужжатлар – кундаликлар, ёзишмалар, мемуарлар.

Бадий адабиёт.

Публицистика.

Мақол, матал, латифалар.

Карикатура.

Бадий фильм.

Саволлар:

1. Кундалик ҳаёт тарихининг пайдо бўлиш сабаблари нималардан иборат?
2. Жаҳоннинг турли мамлакатларида кундалик ҳаёт тарихининг ривожланиши қандай кечди?
3. «Анналлар» мактабининг вакиллари асарларида кундалик ҳаёт тарихи қандай ёритилди?

4. Кундалик ҳаёт тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчи қандай манбаларга таянади ва нима сабабдан?
5. Кундалик ҳаёт тарихи билан шуғулланишнинг илмий аҳамияти нимадан иборат?

2.3. Гендер ва менталитет тарихи

Мақсад: Фанлараро тадқиқотларнинг ўсиб бориши ва янги тадқиқот йўналишларининг вужудга келиши, менталитет тарихи, гендер тарихи, визуал тадқиқотлар юзасидан талабаларда янги билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Таянч сўз ва иборалар: Фанлараро тадқиқот, менталитет тарихи, гендер тарихи, визуал тадқиқотлар, «Анналлар» мактаби, «янги тарих фани», социологик усуллар, «хотин-қизлар тарихи».

Фанлараро тадқиқотларнинг ўсиб бориши ва янги тадқиқот йўналишларининг вужудга келиши. Менталитет тарихи

Замонавий фаннинг ривожланиш динамикаси унда фанларнинг интеграцияси, фанлараро тадқиқотларнинг ўсиб бориши билан характерланади. Зеро, муаммони бир неча фанларнинг методлари асосида ўрганиш тадқиқотнинг самарали бўлишини таъминлайди. Замонавий фан методологиясига мурожаат қиладиган бўлсак, мураккаб тизимларни ўрганиш учун битта фан методлари етарли бўлмай қолди.

Тарихга ва тарихчи касбига янгича ёндашувлар тарафдорлари – «Анналлар» мактаби вакиллари М.Блок ва Л.Февр жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини ўрганиш ўртасидаги узилишни йўқотиб, уларни уйғун равишда ўрганиш ғоясини илгари сурганлар. Тарихий тадқиқотлар марказига инсон, унинг

тасаввурлари, кўркувлари, умидлари, бир қолипда идрок қилишлари ва ўзларини тутишлари чикди.

Янгича ёндашувнинг муҳим жиҳатларидан бири баён қилиш услубидан воз кечган ҳолда муаммолар қўйиш ва фаразлар ишлаб чиқишдан иборат эди. Тарихчилар ўтмишда яшаган инсонларни ўрганиш учун улар билан диалогга киришиб, шу орқали уларнинг кадриятлари ва тафаккурининг бошқа томонларини тадқиқ қилиш имконига эга бўлади.

«Янги тарих фани» вакиллари нафақат тарихнинг махсус усулларидан, балки ижтимоий-гуманитар фанларнинг услубларидан ҳам фойдалана бошладилар. Л.Февр: «Бир-бирига яқин ва узоқ бўлган фанлар ўртасида алоқа ўрнатиш, бу фанларнинг кучини битта тадқиқот объектига қаратиш уларнинг ўз-ўзини чеклашини ва яққаланишини тугатади. Гап фақат бир-биридан тушунчалар ўзлаштириш ҳақида эмас, балки тадқиқот услублари ва уларнинг моҳиятини ўзлаштиришдан иборатдир»¹.

Фанлараро тадқиқотларнинг методологик асосини ижтимоий-гуманитар фанлар объектининг умумийлиги (предметидан фарқли равишда), яъни инсон ҳаёти эканлиги ташкил этади. Умуман, тарихий билиш бошқа ижтимоий фанлар билан чамбарчас алоқада ривожланди. XIX–XX асрларда социология, психология, шу жумладан, тарихий ва ижтимоий психология, антропология каби мустақил фанлар вужудга келди. Уларнинг тадқиқот натижалари тарихчиларга инсонларнинг турли жамиятлар аъзоси сифатидаги хулқ-атвори ва ўзаро таъсири сабабларини ҳамда механизмини чуқурроқ ўрганишга ёрдам берди.

¹ Февр Л. Суд совести истории и историка // Февр Л. Бои за историю. – С. 20.

«Анналлар» мактаби асосчилари М.Блок ва Л.Февринг «эски» тарихчилар, яъни асосан сиёсий ва дипломатик тарих тарафдорлари билан кураши XX асрнинг 50-йилларида Ғарб тарихшунослигида «янги тарих»нинг, яъни ижтимоий ва иқтисодий тарихнинг голиб чиқишига олиб келди. «Анналлар» мактаби иккинчи авлоди раҳбари Ф.Бродель 1956 йилда Л.Февр ўлимидан сўнг журналга муҳаррирлик қилди. Унинг фундаментал тадқиқоти «Моддий цивилизация, иқтисод ва капитализм»¹ деб аталиб, XX асрда инсоният тарихини яхлитликда ярата олган асар сифатида танилган. Унда муаллиф «фақат тарих фани инсон ҳақидаги барча фанларни бирлаштира олади, уларнинг тадқиқотларини боғлашга ёрдам беради, фанлараро ижтимоий фан бўла олади»², деб ёзган эди. Тарихий тадқиқотларда микро ва макроёндашувларни биргаликда ишлатган олим Ф.Бродель эди, у Европа цивилизацияси шаклланишининг кенг тарихий панорамасини ёритган. Бундан ташқари, тадқиқотнинг географик доираси ҳам жуда кенглиги билан ажралиб туради. Унда Африка мамлакати Абиссиния, Жанубий Америка дарёси Амазонка ва Сибирдаги Томск шаҳри ҳам бор. Ушбу тадқиқотдаги микроёндашув эса кундалик ҳаёт структураси: озиқ-овқат, кийим-кечак, уй жой ва б., яъни «макон ва замонда зўрға кўзга ташланадиган майда фактлар»ни ўрганишда намоён бўлади. Ф.Бродель: «Тадқиқот майдонини қанчалик кўп қисқартирсангиз, шунча кўп янги маълумотлар оласиз. ... Баъзида бир нечта қизиқ воқеалар турмуш тарзини тўлиқ кўрсатиб бера олиши

¹ Бродель Ф. Структуры повседневности: Возможное и невозможное / Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV–XVIII вв. в 3-х т. Т.1. – М., 1986. – 621 с.

² Бродель Ф. Структуры повседневности: Возможное и невозможное / Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV–XVIII вв. в 3-х т. Т.1. – М., 1986. – С. 30.

мумкин»¹. Масалан, битта қишлоқ ёки шаҳар аҳолиси мисолида буни кўриш ва ўрганиш мумкин.

Таржима қилиш мураккаб бўлган «менталлик» (mentalite) XIX аср охири XX аср бошларида Францияда тарқалди ва у «дунёқараш» деган маънони англатиб, асосан, содда деб ҳисобланган жамоавий онгга нисбатан қўлланилган. XX асрнинг 20-йилларида этнологлар ва психологлар тадқиқотларида, жумладан, Люсьен Леви-Брюлнинг «Ибтидоий менталитет» (La mentalite primitive (1922) асарида ибтидоий кишиларнинг «мантиққагача бўлган» фикрлаши ҳақида сўз юритилади², кейинчалик Шарль Блонделнинг «Ибтидоий менталитет» (1926) номли асари ва Анри Валлоннинг «Ибтидоий менталитет ва болалар менталитети» (1928) мақоласида бу ҳақда фикр юритади. Психологияда «менталлик» атамаси кам ишлатила бошлади, аммо тарих ва антропологияда у анча кенг қўлланди. Тарихчилар, антропологлар, филологлар, социологлар, психологлар, фольклоршунослар оммавий ғоя ва маданиятни фанлараро ёндашув асосида ўргана бошладилар. Мазкур мутахассисларнинг биргаликдаги ҳаракатидан мақсад, Л.Февр фикрича, инсон шахсини ўрганиш бўлиши лозим эди. Бу иш осон эмас эди, Л.Февр бир неча бор ўз хиссиётлари, фикрлари ва хурофотларига эга бўлган тарихчиларни ўтмиш билан проекциялашдан эҳтиёт бўлишга чақиради ҳамда бундай қилиш кечириб бўлмас хатоликларга олиб келишини таъкидлайди³.

¹ *Бродель Ф.* Структуры повседневности: Возможное и невозможное / Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV–XVIII вв. в 3-х т. Т.1. – М., 1986. – С.39.

² Duby G. Histoire des mentalites // L’histoire et ses methodes / Sous la dir. de Ch. Samaran. – Paris, 1961. – P. 917-966.

³ *Гуревич А.Я.* Проблема ментальностей в современной историографии // Всеобщая история: дискуссии, новые подходы / Отв. ред. А. О. Чубарьян, В.В. Согрин. Вып. 1. – М., 1989. – С. 75–89.

Шундай қилиб, ҳозирги замон кишисининг фикрлари ва ҳиссиётлари ўтмишда яшаган инсонларникидан тубдан фарқ қилиши ва дунёқарашга моддий ҳаёт, дин ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиши ҳақидаги масаланинг кўйилиши Л.Феврнинг муҳим хизматларидан биридир. Мазкур тамойилларнинг амалда қўлланиши унинг Реформация ҳақидаги қатор асарларида, айниқса, «XVI асрда эътиқодсизлик муаммоси. Рабле дини» (1942) номли китобда ўз аксини топган¹.

1960-йилларда тарихчилар менталитет тарихини ўрганишга киришди, унинг асоси М.Блок ва Л.Февр асарларида ўз аксини топган эди. М.Блок ижодида бу феномен (атама ишлатилмасдан) социология, ижтимоий антропология, тарихий психология ютуқларига таяниб ўрганилган бўлса, Л.Февр менталликни психология билан бирга тадқиқ этди. М.Блокнинг «Феодал жамият» номли асарида ўша давр кишилари идроки, ҳиссиёти, тафаккури, жамоавий хотираси тадқиқ этилган. 1960–1970 йилларда менталликни ўрганиш француз тарихшунослигида асосий йўналишга айланди.

Маълумки, менталитетда онглилик ва онгсизлик элементлари мавжуд бўлиб, фикр ҳиссиёт билан чамбарчас боғланиб кетади. Шунинг учун «янги тарих» тарафдорлари фақат инсонлар қолдирган матнлар ва бошқа манбаларга ишонмасдан инсон онгининг яширинган қатламларини ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Бунинг учун менталитет тарихи асосчиси Л.Февр ўрганилаётган давр инсонларининг маросимлари ва рамзларини, адабиёт ва санъатни, техника тарихини, хуллас, инсон тафаккури ва фаолияти изларини ўрганишни таклиф этади.

¹ Гуревич А. Я. Проблема ментальностей в современной историографии // Всеобщая история: дискуссии, новые подходы / Отв. ред. А.О. Чубарьян, В.В. Согрин. Вып. 1. – М., 1989. – С. 75–89.

Агар М.Блок ва Л.Февр «менталлик» тушунчасини эҳтиётлик билан ишлатган бўлса, уларнинг издошлари Ф.Арьес, Р.Мандру ва Ж.Дюби каби олимлар бу тушунчани «жамоавий онгсизлик», «жамоавий тасаввурлар» каби тушунчалар ўрнига ишлата бошладилар.

Менталитет тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлардан бири Филипп Арьес бўлиб, у «Эски тартиб даврида бола ва оилавий ҳаёт» (1960 йилда француз тилида 1-нашри, 1973 йилда 2-нашри), «Инсон ўлим олдида» (1977 йилда француз тилида, 1992 йилда рус тилида чоп этилди) номли асарлар ёзган эди. Биринчи китоб ҳақиқий новаторона характерга эга асар бўлиб, унда болалик тарихий тадқиқот предмети бўлган ва муаллиф манба сифатида адабий матнлар, иконографик материаллар ва ҳатто қабр тошидаги тасвирлардан фойдаланган. Ф.Арьес китобда муайян тарихий босқичда жамиятдаги ўлимга муносабат билан ўша жамиятдаги инсоннинг ўз-ўзини англаши ўртасида алоқа мавжуд, деган фикрни илгари сурган. Шунинг учун ўлимни қабул қилишдаги ўзгариш инсоннинг ўз-ўзини англашдаги ўзгаришида намоён бўлади.

Арьес ўлимга бўлган муносабатнинг ўзгаришида бешта асосий босқич мавжудлигини таъкидлайди. Биринчи босқич («ҳаммамиз ўламиз» деган ибора билан ифодаланади) – «ўргатилган ўлим» ҳолати узок ўтмишдан XIX асргача (балки ҳозирги замонгача) халқ оммасида кенг тарқалган. Ушбу атама билан («ўргатилган ўлим») Арьес инсонлар бу босқичда ўлимга одатий ҳолат деб қарагани ва ўлимдан кўрқмаганини таъкидлайди. Инсон табиатга уйғун қўшилиб кетгани ҳамда ўликлар ва тириклар ўртасида узвийлик мавжудлигини қайд этади. Шунинг учун «ўргатилган ўлим»ни табиий муқаррар ҳолат сифатида қабул қилган. Илк ўрта асрларда инсонлар ўлимдан кўрқмаслигига сабаб улар ўлган ки-

шилар устидан суд бўлмаслиги ва ўлган кишилар Исо Масихнинг иккинчи марта келиши вақтигача уйқуга кетиши ҳамда жуда қаттиқ гуноҳ қилган кишилардан бошқалар осмон подшолигига кириши ҳақидаги фикр устун бўлган.

Иккинчи босқич («ўз ўлими») XI ва XIII асрларда Қиёмат қойим ғояларига асосланган ҳолда зиёлилар томонидан тасдиқланган. Инсоният устидан суд қилиш ғояси инсон ўлиmidан сўнг индивидуал суд билан алмаштирилади. Ушбу босқич инсоннинг индивидуаллашуви томонига ўзгарган.

Ўлимни қабул қилиш эволюциясининг учинчи босқичи (Маърифатчилик даври) – «узок ва яқин ўлим» бўлиб, Арьес фикрича, табиий ҳимояланиш механизми инкирози рўй беради. Ўлимга ёввойилик қайтади ва бу даврнинг рамзий белгиси сифатида Маркиз де Сад¹ намоён бўлади.

Ўлимни қабул қилиш эволюциясининг тўртинчи босқичи – «сенинг ўлиминг» (романтизм босқичи). Арьес фикрича, севган кишисини йўқотган кишининг фожеавий ҳиссиётлари комплекси оилада ва умуман инсонлар ўртасида ҳиссий боғланиш мустаҳкамлангани билан боғлиқ эди. Ўлимдан кейинги жазо тўғрисидаги имоннинг сусайиши боис инсонлар севган кишилари билан ўлганларидан кейин бирга бўлишлари мумкин деган фикр пайдо бўлади.

¹ *Маркиз де Сад* (1740–1814) – Донасьен Альфонс Франсуа де Сад француз сиёсатчиси, ёзувчи ва файласуф. У ҳеч қандай ахлоқ, дин, ҳуқуқ билан чегараланмаган эркинлик тарафдори эди, инсоннинг ўз истакларини қондиришини асосий ҳаётий қадрият сифатида баҳолаган. Маркиз де Саднинг асосий ғояларидан бири – «қотиллик жамият учун эзгулик» ҳисобланади, унинг фикрига кўра, агар шундай қилинмаса халқлар аҳолининг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетиши ва керакли манбалар етишмаслиги туфайли бутунлай йўқ бўлиб кетади. Шунга ўхшаш фикрлар Томас Мальтусда ҳам мавжуд эди.

Бешинчи босқич, Арьес «ағдарилган ўлим» деб атайди ва у XX асрга хосдир, унда жамият жамоавий онгидан ўлимни сиқиб чиқаради, жамият аъзолари ўзини гўёки, ҳеч ким ўлмайдигандай тутишади.

Арьес нима сабабдан ўлимга муносабат ўзгарганини аниқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, европаликларнинг ўлимга муносабатини куйидаги тўртта омил белгилаган, булар – индивидуал ўз-ўзини англаш, ижтимоий тартибга доимий равишда хавф туғдираётган табиат кучларига қарши ҳимоя механизмлари, ўлимдан сўнгги ҳаётга ишониш, ёвузлик ва гуноҳ орасидаги, жабр чекиш ва ўлим ўртасидаги мустаҳкам алоқага ишонишдир. Бу омиллар турли тарихий даврларда турли мутаносибликка эга бўлади.

Бу жанрдаги йирик тадқиқотлардан яна бири Роберт Мандрунинг «XVII асрда Францияда магистратлар ва жодугарлар. Тарихий психология таҳлили» (1968 йилда француз тилида чоп этилган) номли китобидир. У жодугарликда айбланган кишилар ишини кўриб чиққан магистрат – юристлар психологиясини ўрганган. Р.Мандру француз жамиятида жодугарликка бўлган муносабатнинг ўзгариб боришини, уларни таъқиб қилишнинг пасайиши ва XVII аср охирига келиб, таъқиб тўхтатилганини таҳлил қилиш орқали менталитетдаги «инкилоб»ни кўрсатиб берган.

Ж.Дюбининг куйидаги сўзларида менталитетни ўрганишнинг принципиал ёндашуви ўз аксини топган: «Турли гуруҳ ва мамлакатларда турлича кўринишга эга бўлган образлар, тасаввурлар тизими бўлиб, доимий равишда дунё ҳақидаги ва бу дунёдаги ўз ўрни тўғрисидаги тасаввурлар асосини эгаллайди, кишилар ҳаракатини ва хулқ-атворини аниқлайди. Аниқ чегарага эга бўлмаган ва вақт ўтиши билан ўзгаришларга

учрайдиган мазкур тизимни ўрганиш анча мураккаб, бунинг учун маълумотларни турли манбалардан мисқоллаб йиғиш зарур. Лекин биз аминмизки, жамият ичидаги ўзаро муносабатлар мана шу тасаввурлар тизими (таълим тизими унинг ифодалувчиси ҳисобланади) билан, иқтисодий омилга боғлиқ бўлгандек бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам биз менталликни тизимли равишда ўрганишни таклиф қилдик». Юқоридаги сўзлардан менталлик деганда образлар, тасаввурларни тушуниш мумкинлиги ва уни тизимли равишда ўрганиш лозимлигини англаш керак.

Р.Мандру фараз кўринишидаги натижани прогноз қилувчи социологлардан фарқли равишда хулосани олдиндан кўра билишга ҳаракат қилмади. Менталликни реконструкция қилишнинг мақсади тарқоқ психологик белгилардан, социологик нормалардан, касбий қоидалардан ўрганилаётган даврнинг жамоавий психология манзарасини яратиш эди. Тадқиқот натижаси ҳеч қандай схемага солинмагани туфайли ҳаққоний ҳисобланади. Шундай ёндашувнинг яққол намунаси ўрта асрлар давридаги болалар ҳаёти ҳақидаги Ф.Арьеснинг тадқиқоти ҳисобланади.

Р.Мандру инсон менталитетини тўлиқ тиклаш учун бир нечта босқичда тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини таъкидлайди: 1. Моддий ҳаёт шароитлари; 2. Билиш манбаи; 3. Ижтимоий муҳит (синфий ва оилавий муносабатлар); 4. Кундалик машғулотлар (касбий фаолият ва ўйин-кулги); 5. Маънавий фаолият (санъат, фан, дин); 6. Жамиятдаги хулқ-атвор нормаларига амал қилмаслик ва унинг шакллари (дарбадарлик, ўз жонига қасд қилиш). Шундай қилиб, реконструкция жараёни физиологик босқичдан маънавиятгача бўлган босқични ўз ичига олиб, натижада биргаликда

кўшилади. Р.Мандру ўз тадқиқотларида статистикадан кенг фойдаланади. Бир қарашда статистик маълумотлар кишилар ҳиссиёти, хулқ-атвори тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермайдигандай кўринса-да, аммо улар бундай тадқиқотларда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи фақат тассаввурига эмас, бундай маълумотларга ҳам таянса, ҳаққонийлик даражаси ошади.

Ж.Дюби ва Р.Мандру менталликнинг шаклланиши жамият ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан бевосита боғлиқлигини таъкидлайди. Агар М.Блок бутун бир тарихий даврлар мобайнида менталликнинг умумий ўзгариши тўғрисида эҳтиёткорлик билан гапирса, Ж.Дюби ва Р.Мандру аниқ вақт чегараларида бундай ўзгариш юз беришини исботлаб берди.

Ж.Дюби ва Р.Мандру менталитет ўзгариши сабаблари ҳақида ёзар экан, унинг сабаби жамият бошидан кечирган катаклизм (табiiй, ижтимоий ҳаётда юз берган кескин ўзгариш, фалокат, ҳалокат) бўлиши мумкин. Масалан, Ж.Дюби, бундай омиллар сирасига 1348 йилдаги ўлат эпидемиясини киритган. Ж.Дюбининг таъкидлашича, ушбу эпидемиядан сўнг европаликларнинг дунёвийлашуви, яъни ердаги ҳаётда яшашдан лаззат олишга интилиши фаоллашди.

Р.Мандру эса менталитет ўзгаришининг асосий омили ижтимоий-иқтисодий инқироз деб ҳисоблайди. Колумбдан Галилейгача бўлган даврда жамиятда рўй берган кескин ижтимоий-иқтисодий инқироз психологик инқирозни вужудга келтирди. Бу инқироз шароитида цивилизация асосий элементларининг қайтадан гуруҳлашуви юз берди, дунёни ва табиатни ўзлаштиришнинг янги шакллари пайдо бўлди, диний

хиссиётларнинг янги шакллари вужудга келди ва тadbиркорлик руҳи уйғонди. Натижада инсон ўз-ўзини янги тарзда англай бошлади.

Шундай қилиб, ижтимоий фанлар орасидаги боғлиқлик XIX асрнинг охирида пайдо бўлиб, тарих фанини ривожлантириш эҳтиёжидан келиб чиққан эди. Айниқса, «Анналлар мактаби» намояндалари унга катта эътибор қаратди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, тарихий тадқиқотларда кенг тарқала бошлади. XX асрнинг биринчи ярмида тарихчилар география, социология, иқтисод, психология фанларининг ютуқ ва усулларидан фойдаланган бўлса, XX асрнинг 60–80-йилларидан антропология, демография ва тилшунослик фанларининг ютуқ ва усулларидан фойдаланишга катта эътибор бера бошлади. Масалан, антропология тарихни «инсон омили» билан тўлдиришга ёрдам беради. Бунинг натижасида тадқиқотчилар аввал кам эътибор берган янги манбаларни илмий истеъмолга киритиш имконияти пайдо бўлади.

Гендер тарихи

Жаҳон тарихшунослигида XX асрнинг 70-йилларида «хотин-қизлар тарихи» янги йўналиш сифатида пайдо бўлди ва долзарблик касб этди. «Хотин-қизлар тарихи»нинг асосий йўналиш сифатида шаклланишига унга оммавий ҳаракатлар тарихини ўрганган тадқиқотчилар қизиқиши таъсир қилган. Замонавий муаммоларни тушунишда феминизм ва суфражизм тарихини ўрганиш: шубҳали тарзда шухрат қозонган аёлларга «зулм» деганда нимани тушуниш керак, у ҳар доим ҳам бўлганми, қачон ва қаерда вужудга келган, у пайдо бўлиш сабаблари ва яшаш шакллари, қандай

тенгсизликни йўқотиш усуллари ва йўллари. «Хотин-қизлар тарихи» бўйича дастлабки ишлар АҚШда women's studies илмий дастури асосида амалга оширилган.

Дастлаб АҚШда, кейинчалик кўпгина Европа мамлакатларида Хотин-қизлар тадқиқотлари институционализация қилина бошлади: факультетлар ва тадқиқот лойиҳалари, гуруҳ ва лабораториялар шаклланди ҳамда улар «Хотин-қизлар тарихи»ни фанлараро спектрдан ўргана бошладилар. 1980-йиллар бошида Фарб мамлакатлари олий ўқув юртларида юзлаб ўқув курслари вужудга келди ва ўнлаб олий ўқув юртлари талабаларни бу соҳага ихтисослаштирди.

Аmmo бу йўналишда иш олиб борган тадқиқотчилар алоҳида «Хотин-қизлар тарихи» билан шуғулланиш уларни боши берк кўчага олиб киришини тушуниб етдилар. Шунинг учун 1980-йилларда гендер концепцияси вужудга келди, яъни «Хотин-қизлар тарихи» «эркаклар тарихи» билан, албатта, кесишиши лозим эди. «Хотин-қизлар тарихи» ва «эркаклар тарихи»ни бири-бирига қарши қўйиб бўлмаслигини тадқиқотчилар тушуниб олдилар. Барча давлатлардаги тадқиқотчилар ижтимоий тадқиқотларда гендер омилини ҳисобга олиш заруриятини англаб етдилар.

Янги тарих бўйича ишлар муаллифи, машҳур америкалик-канадалик тарихчи Натали Земон Дэвис «Йўл ёқасидаги аёллар» номли тадқиқотида мавжуд андозалардан четга чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Китоб XVII аср тарих майдонига кирмаган учта аёл тақдирига бағишланиб, унда аёл шахсининг ўз-ўзини реализация қилишининг ноанъанавий йўлларини танлашга қаратилган шахсий ҳаёти ўрганилган. Китобда уч хил тоифадаги, бир-бирини танимайдиган аёллар

хаёти тасвирланиб, улар ўзаро ўхшаш ташқи шароитга боғланиб қолгани таъкидланади. Бу аҳвол хотин-қизлар эмансипациясига қарши бўлган асрда оддий маънавий турмушдан бошлаб, жамиятда аёлнинг ўзини қандай тутиши ҳақида талабларгача ўхшашлиги билан боғлиқ эди. Ушбу китобда тасвирланган аёллар тақдири маълум бир тарихий даврни яхлит маданият сифатида қабул қилишимиздаги қолипни ўзгартириш имконини беради.

Шунга қарамасдан, бир-бирига ўхшамаган мазкур аёллар анъанавий тасаввурлар доирасидан ва мавжуд қолиплардан чиққан ҳолда хулқ-атворларини намойиш қилади. Яҳудий, католик ва протестант аёлларнинг тарихи XVII аср ҳақидаги билимнинг янада тўлиқроқ бўлишига ҳисса қўшади ҳамда аёллар тимсолининг ўзига хос жиҳатларини очиб беради¹.

СССРда эса 1985 йилгача, яъни қайта қуриш давригача нафақат гендер тадқиқотлари, балки «хотин-қизлар тарихи» ҳам мустақил йўналиш сифатида мавжуд эмас эди. Бу даврда СССРда дастлабки тадқиқотлар вужудга келди, лекин ушбу мавзу илмий жамоатчилик томонидан қўллаб қувватланмади.

СССРда «хотин-қизлар тарихи» «амалий» характердаги ижтимоий фанларда социологлар, ҳуқуқшунослар, демографлар ва этнографлар томонидан бирмунча тадқиқ этилган, масалан, никоҳ ва оила муносабатларининг эволюцияси тадқиқ этилганда жинс омилини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ эди. Бу борада тарихчилар ва файласуфларнинг вазифаси мураккаброқ бўлган.

1980-йиллар охиридан СССРда инглиз тилидаги феминистик адабиётлар таржима қилина бошлайди.

¹ *Земон Девис Н.* Дамы на обочине. Три женских портрета XVII века. — М.: Новое литературное обозрение, 1999. — 400 с.

1990 йилда Москвада гендер тадқиқотлари маркази Россия ФА илмий тармоғи сифатида вужудга келган, 1994 йилда у хотин-қизлар нодавлат ташкилоти сифатида рўйхатга олинган. 1991 йил бундай марказлар Санкт-Петербургда (университет қошида ва Россия ФА социологик тадқиқотлар Институти филиали ҳузурида), 1992 йилда бошқа шаҳарларда ҳам вужудга келади. Бундай марказлар, аввало, социологлар ва демографлар, иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар, қисман, этнологлар, тиббиёт ходимлари, психологларни бирлаштирган эди. Ўз илмий фаолиятини янги йўналиш хотин-қизлар, айниқса, гендер тадқиқотларига бағишлаган тарихчилар эса МДХ мамлакатларида ҳозирги кунгача камчиликни ташкил этади. Бунинг асосий сабаби – социологлар, психологлар, медиклар ва демографлар тадқиқотлари амалий характерга эғалигидадир.

1990-йилларнинг ўрталаридан «хотин-қизлар тарихи» бўйича курслар Россиянинг баъзи университетларида ўқитила бошлади. Охириги 25 йилда жаҳонда «хотин-қизлар тарихи»ни ўрганиш ниҳоятда ривожланди, ўнлаб журналлар ушбу мавзуда махсус рукнларга эга, ҳар йили турли давр ва минтақалар бўйича кўплаб тадқиқотлар нашр қилинади.

МДХ давлатларида бундай тадқиқотларнинг камлигига яна бир сабаб адабиётларнинг асосий қисми хорижий тилларда эканлиги ҳамда хорижий журналлардан фойдаланиш имконияти камлигидадир. Шундай қилиб, фанлараро ёндашувнинг бир йўналиши бўлган гендер тарихи «хотин-қизлар тарихи»дан фарқли равишда ўз предмети сифатида жинслар ижтимоий диалогини танлади. Гендер тадқиқотлари билан шуғулланувчи машҳур олим Н.Л. Пушкирева гендер тадқиқотлари хотин-қизлар ва эркакларни «фақат иерархия, стратификация

ракурсида эмас, балки уларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини тўлдиришининг турли кўринишлари тарихий эволюциясини» ўрганишга қаратилган. Ҳозирги замон машҳур файласуфлари Ж.Лакан, Ж.Деррида ҳамда постмодернизм феминизми тарафдорлари Ю.Кристева ва Л.Иригарэйларнинг гендер тарихи билан қизиқишлари бежиз эмас»¹. Ижтимоий тарих ва маданият тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар гендер тарихининг фаол тарафдорлари бўлди.

Охирги йилларда олиб борилаётган изланишларда тадқиқот предметига жинс омилининг таъсир қилишини ҳисобга олишга (иш ҳақи, меҳнат шароити, иш билан таъминланганлик даражаси, турли протестларга мойиллик ва б.) алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, тарихий демография туғилиш, ўлим, контрацепцияга ва болаларга муносабатдаги гендер фарқлар, миграциянинг гендер жиҳатлари (меҳнат, диний, никоҳ) каби масалаларни ўрганмоқда.

Сиёсий тарихни ўрганишда ҳам гендер ёндашувидан фойдаланиш мумкин, айниқса, сиёсий, фуқаролик, сайлов ҳуқуқлари учун кураш тарихи, ҳукумат органларидаги иштироқи масаласи каби жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим.

Бундан ташқари, менталитет тарихини ўрганишда ҳам гендер тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди. Кундалик ҳаёт тарихида, болалик, ёшлик, қариллик, бевалик тарихини ўрганишда масаланинг гендер жиҳатларини очиб бериш чуқур илмий хулосалар қилишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, гендер тарихи тарихий тадқиқотларда фанлараро ёндашувнинг намоён бўлиши ҳисобланиб, янги ижтимоий тарихнинг яхлитлигини

¹Женщина. Гендер. Культура. Под ред. Пушкаревой Н.Л. – М.: МЦГИ, 1999. – С. 26–27.

тиклашга қаратилгандир. Гендер тарихининг предмети ижтимоий муносабатларнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ҳамда уларнинг макротарихий контекстда намоён бўлиши ҳисобланади. Гендер тарихи жинсларнинг ижтимоий-маданий фарқлари ва жинслар иерархияси тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда уларнинг функциясини тарихий ретроспекцияда кўрсатади. Гендер муносабатлари динамикаси ижтимоий-тарихий ривожланишнинг умумий концепциясига қўшилиб кетади.

Ўзбекистонда ҳам 1990-йиллар ўрталаридан гуманитар фан соҳаси вакиллари гендер тарихи билан шуғуллана бошладилар. 2003 йилда «Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси»¹ чоп этилди. Китобда гендер назарияси ва феминизмнинг асосий тушунчалари ҳамда атамалари, гендер тадқиқотларининг назарий-услубий асослари бўйича Фарбада машҳур бўлган асарлардан парчалар ўзбек тилига таржима қилиб берилган. Масалан, француз ёзувчиси, феминистик ҳаракат ғоявий раҳнамоларидан бири Симона Бовуарнинг (1908–1986 й.) «Иккинчи жинс» (1949 й.), Кейт Миллетнинг «Жинсий сиёсат назарияси», Р.Хофнинг «Гендер тадқиқотларининг вужудга келиши ва ривожланиши» каби тадқиқотларидан парчалар ўрин олган². 2007 йилда «Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётига кириш» тўплами нашр этилди, унда турли илмий йўналишлар: иқтисод, таълим, ҳуқуқ, тарих, сиёсат, ва маданият доирасидаги гендер тадқиқотлар

¹ Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 411 б.

² *Симона де Бовуар*. Второй пол. – М.: Прогресс, 1997; Миллет К. Теория сексуальной политики // Вопросы философии. – М., 1994. – №9. – С.23–58; Хоф Р. Возникновение, развитие гендерных исследований / Пол, гендер, культура. Под ред. Э.Шоре, К.Хайдера. – М.: РГГУ, 1999. – С.24–43.

назарияси ва методологияси бўйича мақолалар жамланган. Илмий мақолалар тўплами икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда гендер назариясининг асосий қоидалари: инсон барқарор ривожланиши концепциясининг юзага келиши ва моҳияти, гендер стереотиплар, тарихий ретроспекцияда гендер тенглиги масалалари таҳлил қилинган. Иккинчи бўлим ривожланиш назарияси ва амалиётидаги гендерга бағишланган бўлиб, иқтисод, ҳуқуқ ва бошқарув соҳаси, ижтимоий секторда гендер жиҳатларни очиб беради¹. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий фан соҳаларида гендер бўйича тадқиқотларни кенгайтириш лозим.

Охириги ўн йилликда хотин-қизлар масаласига Ватан тарихшунослигида² ва хорижий тадқиқот-

¹ Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш. – Тошкент, 2007. – 424 б.

² *Алимова Д.А.* Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. – 132 с.; Она же. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20–80 годы). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1991. – 45 с.; Раупова З.Э. Участие женщин Узбекистана в развитии сельского хозяйства в 20-гг.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1993. – 29 с.; Мухамеджанова В.А. периодическая печать 20–30-х годов о раскрепощении женщин Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 26 с.; Эргашхўжаева Г.Э. 20-йиллар Ўрта осие хотин-қизлари эмансипацияси масалалари француз тарихшунослигида: тарих фан.номзод. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1996. – 27 б.; Нишанбаева К.В. Культурные аспекты решения женского вопроса в Узбекистане (20–30 гг.). Опыт и последствия.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 27 с.; Ражабова Д.Н. Проблемы молодежи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 26 с.; Жўраева Н.Д. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20–30 йиллари): тарих фан.номзод. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2004. – 33 с.; Абдуллаева Я.А. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX – XX вв. (Социально-политический аспект). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2005. – 46 с.; Ганиева Г.Ж. Женский вопрос в Узбекистане: новые подходы, проблемы и решения. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: 2006. – 24 с.; Насретдинова Д. Туркистон маданий ҳаётида татар аёллари. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 184 б.

ларда¹ алоҳида аҳамият берилмоқда. Улар орасида Ўзбекистонда хотин-қизлар эмансипациясига бағишланган америкалик тадқиқотчи Марианна Кампнинг илмий изланишлари муҳим ўрин тутди. Унинг тадқиқотларида давлатнинг ва партиянинг сиёсатига эмас, балки хотин-қизларнинг ҳаётий тажрибаларига асосий урғу қаратилган. Марианна Камп ўзбек хотин-қизларининг субъектив тажрибасини ўрганиб, XX аср бошларида «Хужум» кампанияси эълон қилингунга қадар «янги хотин-қизлар»нинг паранжи кийишдан бош тортиши жамиятда қаршиликка учрамади, деган хулосага келади. 1927 йилда бошланган кенг миқёсдаги кампания «янги хотин-қизлар»га нисбатан оммавий равишда куч ишлатишни вужудга келтирди, чунки маҳаллий аҳоли мазкур кампанияни анъанавий турмуш тарзига қарши чиқиш деб қабул қилди. Тадқиқотчи жамиятнинг анъанавий қисми ва паранжини ташлаган аёллар ўртасидаги қарама-қаршиликни, бир томондан, совет ҳокимияти ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги, ик-

¹ Massell, Gregory J. 1974. *The Surrogate Proletariat: Moslem Women and Revolutionary Strategies in Soviet Central Asia, 1919–1929*. Princeton, NJ: Princeton University Press; M. Kamp. *Unveiling Uzbek Women: Liberation, Representation and Discourse, 1906–1929* Ph.D. Dissertation : University of Chicago, Illinois; 1998;

Marianne Kamp. *Pilgrimage and Performance: Uzbek Women and the Imagining of Uzbekistan in the 1920s* // *International Journal of Middle East Studies*, Vol. 34, No. 2, Special Issue: Nationalism and the Colonial Legacy in the Middle East and Central Asia (May, 2002), pp. 263–278; Marianne R. Kamp, *The New Woman in Central Asia: Islam, the Soviet Project, and the Unveiling of Uzbek Women*. Seattle, WA; London: University of Washington Press, 2006. 320 pp.; Douglas T. Northrop. *Languages of Loyalty: Gender, Politics, and Party Supervision in Uzbekistan, 1927–41* // *Russian Review*, Vol. 59, No. 2 (Apr., 2000), pp. 179–200; Douglas T. Northrop. *Subaltern Dialogues: Subversion and Resistance in Soviet Uzbek Family Law* // *Slavic Review*, Vol. 60, No. 1 (Spring, 2001), pp. 115–139; Douglas T. Northrop. *Veiled Empire: Gender and Power in Stalinist Central Asia*. Ithaca, NY: Cornell University Press. 2004.

кинчи томондан, жамият ичидаги маданий зиддият деб қарайди. Марианна Камп хужум кампаниясида иштирок этган аёллар билан суҳбатлашиб, оғзаки тарих асосида тадқиқот олиб борди.

Кейинчалик журналист ва тадқиқотчи Марфуа Тўхтаўжаева Ўзбекистондаги турли касб ва турли ёшдаги хотин-қизларининг оғзаки ҳикоялари, хатлари ва кундаликлари асосида XX аср тарихий воқеаларига ойдинлик киритди¹. Машҳур тадқиқотчилардан бири Дениз Кандиотти таъкидлашича, мазкур муаллифнинг китоблари шакл жиҳатидан илмий бўлмаса-да, унда тарихий ҳикоя, инсонлар тақдири, социологик таҳлил ва интервью, шеър ва кўшиқларнинг кўшилиши муаллиф билан жонли мулоқот қилаётгандек тасаввур уйғотади².

2001 йилда АҚШнинг Индиана университетида «Оммавий дискурс ва шахсий ҳаёт: Ўзбек аёли ва совет бошқаруви, 1917–1991 й.» мавзусида Элизабет Константиннинг фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация 1917–1991 йилларда ўзбек аёллари ўртасида гендер масаласи ҳамда уларнинг ҳар кунги ҳаёти ҳамда ушбу масалалардаги ўзгаришлар тўғрисида сўз юритади. Жумладан, дастлаб муаллиф ҳудуддаги анъанавий гендер масаласини таърифлаб, сўнг ундаги ўзгаришлар кетма-кетлигини даврий жиҳатдан таққослаб берди. Шунингдек, бу ишда гендер масаласи никоҳ тўйи, бешик тўйи, Биби Сешанба,

¹ The Daughters of Amazons. Voices from Central Asia. Shirkat Gah, 1996; Между лозунгами коммунизма и законами ислама. – Office of Regional programs. Vienna, 2000; Утомленные прошлым. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане. – Office of Regional programs. Vienna, 2001; Ўтмиш толиқтирган аёллар. – Office of Regional programs. Vienna, 2001; XX век глазами женщин Узбекистана. – М.:Наталис, 2008.

² Тохтаходжаева М. Между лозунгами коммунизма и законами ислама. – Vienna, 2000. – С.220–222.

гап, зиёрат каби маҳаллий маросимларда қандай ўрин тутгани тадқиқ қилинади¹.

Гендер тадқиқотлари бўйича машхур мутахассислардан Д.Кандиоти ва Н.Азимованинг мақоласида Ўзбекистон хотин-қизларининг диний маросимлардаги иштироки ҳамда совет даври ва мустақиллик йилларида бу борадаги ўзгаришлар ҳақида фикр юритилади. Жумладан, совет ҳокимияти йилларида диний маросимларнинг «сиёсийлаштирилиши»га қарамасдан уларда иштирок этганлари ва бунинг сабаблари очиб берилади. Муаллифлар мустақиллик йилларида маросимлар ҳақиқий ўзбек идентиклигини тасдиқловчи таъсир бўлиш билан бирга уларда кишиларнинг мавқеи ва моддий аҳволидаги нотенглик намоён бўла бошлангани таъкидлайди. Мақолада 1997–2001 йилларда Андижон, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида аҳоли орасида дала тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар илмий истеъмолга киритилган².

Шунингдек, Н.Хидирова ўз тадқиқотида XVI–XX аср бошлари Ўрта Осиё хонликлари оила-никоҳ муносабатларига доир қозилик ҳужжатларини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш ва улардаги маълумотлар асосида ўрта асрларда яшаган аёлларни жамият ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ҳаётида тутган ўрнини аниқлашга эътибор қаратмоқда. Бунда турли табақага мансуб аёлларнинг ижтимоий ҳимоя тизимини шаръий ва маҳаллий қонунлар асосида таҳлил қилиш,

¹ Elizabeth A. Constantine. Public discourse and private lives: Uzbek women under Soviet Rule, 1917-1991. PhD diss. – Indiana University, 2001. – 295 p.

² Azimova N. Women's Survival Strategies: Their Role in Keeping Traditions Alive. Gender and Identity Construction. – Brill, Leiden, 2000. – P. 299-304; Deniz Kandiyoti and Nadira Azimova. The communal and the sacred: women's worlds of ritual in Uzbekistan // The Journal of the Royal Anthropological Institute Vol. 10, No 2. – London, 2004. – P. 327-349.

қозилик ҳужжатларида акс этган иқтисодий масалалар (олди-сотди, мерос, васият)ни аёллар ҳаётига таъсири-ни аниқлаш, XVI–XX аср бошлари никоҳ амалиётида акс этган никоҳ шартномаси масалаларини ўрганиш, аёллар масаласи билан боғлиқ юридик ҳужжатларни дипломатика (ҳужжатлар мазмуни, шакли, тузилиши ва бошқа хусусиятлари) тарихи доирасида тадқиқ этиш, уларнинг динамика ва трансформация жараёнларини кўрсатиб бериш, гендер масалаларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда¹.

Саволлар:

1. Фанлараро ёндашув усули ва унинг аҳамияти ҳақида нималар биласиз?
2. Фанлараро тадқиқотларнинг ўсиб бориши ва янги тадқиқот йўналишларининг вужудга келиши қандай кечган?
3. Менталитет тарихини ўрганишнинг аҳамияти нимадан иборат?
4. Гендер тарихи тарихий тадқиқотларнинг замонавий усули сифатида қандай ўзига хос жиҳатларга эга?

¹ О роли женщин в общественной жизни Средней Ази (на основе документов XVIII – начала XX вв.) // Международный научный симпозиум, посвященный 110-летию основания первой на мусульманском Востоке светской женской школы // Азербайджан. 5–8 Октября, 2011. – С.76–81; Ўрта Осиё оила никоҳ муносабатларида маҳр: умумий ва ўзига хос жиҳатлари // Марказий Осиё тарихи замонавий медиевистика талқинида. – Тошкент, 2013. – Б. 213–223; Ўрта Осиё аёлларининг ижтимоий – иқтисодий маъқеини тадқиқ этишда вақф ҳужжатларининг ўрни (XVI–XIX аср биринчи ярми Бухоро хонлиги мисолида) // Шарқшунослик. – 2016. – №1. – Б.23–30; Ўрта Осиё оила-никоҳ муносабатларига оид ҳужжатлар: анъанавийлик ва ўзига хослик (XVI–XX аср бошлари) // Тошкент Ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – 2015. – №1. – Б.38–41; Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида темурий маликалар тавсифи // ЎзМУ хабарлари. – 2016. – №1. – Б. 27–34; Амир Темура ва темурийларнинг дипломатик муносабатларида аёлларнинг ўрни (XIV аср иккинчи ярми XV аср бошлари) // Хорижий шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2016. – Б.146–153.

2.4. Визуал тадқиқотлар тарих фанидаги йўналишлардан бири сифатида

Мақсад: Визуал манбалар, уларнинг турлари ва тарихий тадқиқотларда улардан фойдаланиш масалалари юзасидан талабаларда янги билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Таянч сўз ва иборалар: Визуал тадқиқотлар, «Анналлар» мактаби, «янги тарих фани», сурат, миниатюра, карикатура, сатирик расм, плакат, реклама, киноҳужжат, телеҳужжат, видео ёзув, архитектура объекти ва б.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, антропология фанида визуал материаллардан кенг фойдалана бошланган. Охириги ўн йилликларда тадқиқотчилар визуал материалларга манба сифатида мурожаат қилишмоқда. XX аср ўрталаригача визуал антропология фақат абориген халқлар маданиятини ўрганиш билан чегараланди. Бу йўналишда тадқиқот олиб борган машҳур олимлар М.Мид ва Г.Бэйтсон 1952 йилда «Балида транс ва рақслар» номли фильм яратдилар.

Тарихий асарларга ишланган турли мавзудаги миниатюралар Шарқни, хусусан, Марказий Осиёни визуал ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Китобларга ишланган тасвирий санъат асарларининг аксариятида гарчи сарой ҳаёти, жанг майдони ёки ҳукмдор ва шаҳзодаларнинг ов маросими тасвирланган бўлса-да, масалан, уларнинг ичида сарой аёллари ёки аёлларнинг турли базмлари, шунингдек, бозор ва турли тадбирлардаги аёллар тасвири ҳам учрайди. Улар орқали ўша давр аёлларининг қиёфаси, кийиниш, машғулоти, маданий турмуш тарзи, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни ўрганишимиз мумкин.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон хотин-қизларининг ижтимоий ҳаёти ҳақида тасаввур ҳосил қилишда визуал манбалар ҳам ўзига хос ўрин

эгаллайди. Мазкур даврга хос визуал манбалар маҳаллий кишилар ҳамда кейинчалик ўлкага келган россиялик ва европаликлар томонидан яратилган. Жумладан, «Ашъори нисвон» китобида Иброҳим Даврон чизган бир нечта реалистик суратлар мавжуд. Шулардан бири «Бир шоираи нажиба» сурати бўлиб, бу бир шоиранинг чиндан ҳам суратими, буниси айтилмаган, лекин ташқи ва ички гўзалликни ўзида жамлаган аёл сурати акс этган. Китобда бундан ташқари «Ҳасратли шоира», «Хаёл оламида», «Китоб ўқиб йиғлаган хотин», «Ўш (Имом ота водийси)да бир шоиранинг мозори», шоира Нозиманинг «Оҳанги ошиқона» сарлавҳали шеъри мазмунига қараб чизилган «Ғижжак ушлаган қиз» сурати бор¹.

Бу даврда воқеа ва ҳодисаларни, дунёни фиксация қилиб қўйишнинг янги шакли сифатида аналог фотосуратга олиш вужудга келди. Ўлка ҳаётига фотосуратлар кириб келиши билан ундан хотин-қизлар ҳам четда қолмади. Улар ҳам турли ҳолатларда суратга туша бошладилар. Энди уларни миниатюраларда чизибгина қолмай, суратларга олиш ҳам пайдо бўлди.

XIX аср охири XX аср бошларида сурат (фотография) мустамлакачилик қарашини ўзида акс эттирган, чунки суратларни ўлкада ўз мақсад ва қарашларига эга бўлган русийзабон кишилар олган эди. Мустамлака ҳудуднинг суратлардаги энг тўлиқ образи «Туркистон альбоми»да яратилган эди². Туркистон биринчи

¹ Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б.130–131.

² Горшенина С. Крупнейшие проекты колониальных архивов России: утопичность тотальной Туркестаники генерал-губернатора Константина Петровича фон Кауфмана // *Ab Imperio*. – 2007. – № 3. – С. 31–42; Dikovitskaya M. Central Asia in Early Photographs: Russian Colonial Attitude and Visual Culture // Uyama T. (Ed.). *Empire, Islam, and Politics in Central Eurasia*. – Sapporo: Slavic Research Center, Hokkaido University, 2007. – P. 104–108

генерал-губернатори генерал Константин Петрович фон Кауфман (1818–1882 й.) буйруғига асосан тайёрланган «Туркистон альбоми»дан 1200 дан ортиқ сурат, шунингдек, архитектура лойиҳалари, акварелда чизилган расм ва хариталар ўрин олган. 1871–1872 йилда тайёрланган мазкур тўплам 4 қисм ва 6 томдан иборат бўлиб, «Археологияга оид қисм» икки томни, «Этнографияга оид қисм» 2 томни, «Хунармандчиликка оид қисм» 1 томни ва «Тарихга оид қисм» 1 томни ташкил этган. Альбомнинг археология ва этнографияга оид қисмини шарқшунос олим А.Л. Кун тайёрлаган. Хунармандчиликка доир материалларни агроном М.И. Бродовский ва ботаник И.И. Краузе, бўёқчиликка доир материалларни В.П. Иванов, ҳарбий тарихга оид материалларни тайёрлашда ротмистр М.А. Терентьев ва бошқалар иштирок этди. «Туркистон альбоми» суратлари Н.Н. Нехорошев томонидан бажарилган.

«Туркистон альбоми»га кириш сўзини ёзган А.Л. Кун унинг мақсад ва вазифалари ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Рус қўшинлари мамлакатни эгаллаганича Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган, Қўқон ва Бухоро хонликлари тасарруфидаги ерлар ҳақида жуда чекланган маълумотга эга эдик.... Рус қўшинлари Европа цивилизацияси учун Ўрта Осиёнинг катта қисмини очиб берди. Тошкентнинг, ундан кейин Самарқанднинг босиб олиниши ўлкага жуда катта қизиқиш билан қараётган рус тадқиқотчиларига Ўрта Осиё билан ҳар томонлама танишиш имконини яратди. Умумий қизиқишни қониқтириш ва ўқувчиларни қўшиб олинган ҳудудлар билан тезликда таништириш мақсадида Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғига биноан бошқа тадбирлар каби суратлар альбоми ташкил этилди. Альбомнинг асосий ва-

зифаси қуйидагиларни яққол кўрсатиш эди: 1) ўлкада сақланиб қолган қадимий ёдгорликларни (археология қисми); 2) аҳолининг замонавий ҳаётини – типлари, диний қарашлари, урф-одатлари, кийимлари ва турар жойлари (этнография қисми); 3) ўлканинг саноат, хунармандчилиги (хунармандчиликка оид қисми) ва 4) Россия империясининг ҳарбий ҳаракатлари ўтган жойлар ва Ўрта Осиёга йўл очган шахслар портрети (тарихий қисм)»¹.

«Археологияга оид қисм»нинг биринчи томида Сирдарё вилоятининг тарихий обидалари, шаҳарлар, уларнинг кўринишига оид суратлар ўрин олган. Иккинчи томи эса, асосан, Самарқанднинг қадимий обидалари тасвирланган суратлар ва расмлардан иборат.

«Хунармандчиликка оид қисм»да эса шаҳар аҳолисининг, асосан, савдогарлар ва хунармандларнинг ҳаёти тасвирланган суратлар ўрин олган. «Тарихга оид қисми»да рус генераллари, зобитлари суратлари берилган, айниқса, Ўрта Осиёни босиб олишда муҳим ўрин тутган, орденлар билан мукофотланган зобитларга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, жанглар ўтган жойлар сурати ҳам берилган.

Таъкидлаш жоизки, «Туркистон альбоми» ва бошқа сурат коллекцияларидаги расмларда, Эдвард Саид ёзганидек, ориентализм мавжуд эди. Уларда «бизники» ва «уларники» орасига аниқ чизик тортилиб, Ўрта Осиё жамиятининг бегоналиги ва ўзгачалигига алоҳида урғу берилган. Умуман олганда, бошқа маданиятга ноодатий деб қараган томошабинни ҳайратлантириш

¹ Туркестанский альбом по распоряжению туркестанского генерал-губернатора генерал-адъютанта К. П. фон Кауфмана I-го: В 4 ч.: В 6 т. / сост. А.Л. Кун, М. И. Бродовский и М. А. Терентьев. – Спб., 1871–1872. Предисловие.

мақсадида қадимий архитектура ёдгорликлари, қишлоқ ва шаҳарлар кўриниши, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, кийимлари, мусиқа асбобларининг суратлари намойиш қилинди. Бундан ташқари, Империя вакиллари яратган суратлар, Эдвард Саид ёзганидек, Россиянинг Ўрта Осиё устидан ҳукмронлигини ва устунлигини кўрсатишга хизмат қилган¹.

XIX аср охири XX аср бошларида турли экспедициялар таркибида ўлкага рассомлар ва фотосуратчилар ҳам келди. Жумладан, 1893 йилда ўлка тарихини ўрганишга келган В.В. Бартольд билан бирга қадимий ёдгорликларни қайд этиш учун рассом ва фотосуратчи С.М. Дудин (1863–1929 й.) Туркистонга келган. У археологик ёдгорликларни суратга олиш билан бирга маҳаллий аҳоли ҳаётининг турли жиҳатларини, жумладан, уларнинг турмуши, анъанавий турар жойлари, кийим-кечаклари, машғулоти, шаҳар ва қишлоқлар кўринишларини суратга олди. 1900–1909 йиллар орасида деярли ҳар йили ўлкага келиб турган С.М. Дудин тўплаган 15 та фотоколлекция (1500 сурат) Россия Антропология ва Этнография Музеи фондларида сақланмоқда².

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда илк пайдо бўлган литография усулида тайёрланган, Тошкент манзаралари тасвирланган «открытка»лар ҳам ўлка тарихини ўрганишга маълум ҳисса қўшади. Ўзбекистонлик ўлкашунос тадқиқотчи Б.А. Голендер «Туркистондан салом» («Привет из Туркестана») серия-

¹ *Абашин С.Н.* Власть и фотография: визуальная репрезентация в имперской рамке // Неприкосновенный запас. – 2012. – 4(84). – С. 120–138.

² *Прищепова В.К.* 150-летию со дня рождения С.М.Дудина –художника, этнографа (по материалам МАЭ РАН) // Антропологический форум. №15. Online. – С. 608–649.



Шифокор овулдаги беморга тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Прищепова В.А. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии второй половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. – СПб.: Наука, 2011. – С.212.



Бухоро. Яхудийлар мактаби. Н.Ордэ. 1880-йиллар.

№ 255–176 / Прищепова В.А. Иллюстративные коллекции по народам Центральной Азии второй половины XIX – начала XX века в собраниях Кунсткамеры. – СПб.: Наука, 2011. – С.275.

сидаги «открытка»ларни тўплаб, китоб ҳолида нашр этган. Унинг ёзишича, «Француз коллекционер-филокартистлари яқин ўтмишимизнинг маданий ёдогорликлари бўлган почта «открытка»ларининг аҳамиятини таъкидлаган ҳолда уларни «кичик антиквариат» деб атаган. Айниқса, «открыткаларнинг олтин асри»даги, яъни 1918 йилгача чоп этилган почта «открытка»лари алоҳида ажралиб туради. Ҳатто Европа ва Америка учун ҳам турмуш тарзи этнографиясини, ўша давр руҳини тиклашда антиквар почта «открытка»лари алоҳида ўрин тутади. Ўтган асрда нафақат ҳаёт тарзида, балки ташқи қиёфасида ҳам кескин ўзгаришлар юз берган Туркистон ўлкаси пойтахти – Тошкент ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас»¹. Мазкур «открытка»лардан ўлкада яшаган турли миллат кишилари қиёфаси, уларнинг кийими, анъанавий турар жойлари, шаҳар кўриниши ҳақида маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Шунингдек, XX аср тарихини ўрганишда ҳам визуал манбалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, Ўзбекистоннинг бу давр тарихини ўрганишда фоторсуратлар алоҳида ўрин тутади. Шундай фотограflардан бири – 1915 йилда Биринчи жаҳон уруши даврида яҳудийларга қарши қувғинлар жабрини тортган Макс Пенсон (1893–1959 й.) Ўрта Осиёга келади. Дастлаб мактабда расм ўқитувчиси бўлиб ишлаган Макс Пенсон 1926 йилда «Правда Востока» газетасида фотомухбир (1926–1952 й.) бўлиб ишлай бошлайди. Пенсон туширган фотосуратлар ТАСС янгиликлар агентлиги орқали тарқалиб кетди. Унинг энг машҳур фотосурати – «Ўзбек Мадоннаси» 1937 йилдаги Жаҳон

¹ *Голендер Б.А.* Окно в прошлое: Туркестан на старинных почтовых открытках (1898–1917). – М.: изд. ЛИА Р. Элинина, 2002. – 246 с.; *Голендер Б.А.* Иудаика на Туркестанских почтовых открытках // Евреи в Средней Азии: вопросы истории и культуры. - Ташкент, 2004. – С. 64–76.

кўргазмасида олий мукофотни қўлга киритади. Унда паранжисини ташлаган, фарзандига кўкрак сути бераётган мусулмон аёли тасвирланган эди¹. Орадан 60 йил ўтиб 1998 йилда унинг суратлари яна Париж Луврида Жаҳон кўргазмасида намойиш қилинади ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланади.



Макс Пенсон.
Ўзбек Мадоннаси, 1937.

1919 йил 27 августда «Фотография ва кинематография савдоси ва саноати Маориф халқ комиссарлигига ўтказиш тўғрисида» декрет имзоланди ҳамда фото ва киносаноат национализация қилинди². 1950-йилларда фотокамералар ишлаб чиқарувчи янги заводлар вужудга келди, фотоаппаратларнинг янги моделлари ишлаб чиқарила бошлади, фотоқоғозлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Жумладан, 1957 йилда СССРда миллионта, 1959 йилда ундан 200 мингта кўпроқ фотоаппарат ишлаб чиқарилди³. Фотоаппаратлар ишлаб чиқариш ривожланиши билан аҳолининг суратга тушиши ҳам кучая борди, шунингдек, даврий матбуотда ҳам суратлар чоп этиш ҳам кўпая бошлади.

Совет даври визуал репрезентациясида ўша давр журнал ва газеталари саҳифаларида чоп этилган суратларни ҳам ўрганиш тадқиқотчилар учун муҳим

¹ Пенсон Мирон. «На волне памяти...». Часть первая. Ташкентцы / <http://mytashkent.uz/2014/09/28/miron-penson-na-volne-pamyati-chast-pervaya/>

² Абрамов Г. Этапы развития отечественного фотоаппаратостроения. 01.04.2014 (<http://www.photohistory.ru/1207248170259168.html>).

³ Нарский И.В. Фотокарточка на память: Семейные истории, фотографические послания и советское детство (Автобио-историо-графический роман). – Челябинск, 2008. – С.320.

ҳисобланади. Бир нечта суратларни эмас, балки суратлар сериясини ўрганиш белгиланган тизимни аниқлаш имконини беради. Масалан, бир даврдаги бир неча суратларда кийимлардаги элементлар, гавда ҳолати, юз ифодасидаги ўхшашликлар шу жамиятда кишининг ўзини намоён қилишини кўрсатади. Шунингдек, 1930–1980 йилларда суратларда тасвирланган хотин-қизларнинг ташқи қиёфаси, кийимидаги ўзгаришларни кузатиш орқали жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни аниқлаш мумкин. Умуман, фото ва киноҳужжатлар орқали совет ҳокимиятининг тарғибот ва ташвиқот ишларини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар ўз ишларида визуал манбалардан бири бўлган киноҳужжатлардан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофиқ¹. Масалан, 1920–1930 йилларда суратга олинган фильмлардан ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги визуал маълумотларга эга бўлиш мумкин. Жумладан, 1925 йилда «Бухкино» номли Россия–Бухоро ширкати ленинградликлар билан бирга иккита картина – «Ўлим минораси» (режиссёр В.Висковский) ва «Мусулмон аёл» (режиссёр Бассалиго) картиналарини суратга олди. «Мусулмон аёл» Германия, Хитой, Латвия, Франция, Италия каби хорижий давлатларда намоёиш қилинди. «Ўлим минораси» 14 та давлатда «Бухоро ҳарами» номи билан намоёиш этилди. 1926 йил июлида «Ўзбекистон давлат киноси» Москвада «Иккинчи хотин» картинасини суратга олиш учун режиссёр М.Доронин, оператор

¹ Исакова М. История ЦГА КФФД и его деятельность по созданию фондов культуры Узбекистана: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: НУУз, 2004. – 30 с.; Исакова М. Значение архивных фотографических альбомов как исторических источников в процессе изучения истории Узбекистана // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз, 2005. – № 1–2. – С. 93–94 ва бошқалар.

В.Добржанский ва киногуруҳ ташкил этилди. Картина сценарийси тошкентлик ёзувчилар Л.Сайфуллина ва В.Собберейлар томонидан ёзилди¹.

Визуал манбалардан (киноҳужжатлар, телеҳужжатлар, видео ёзувлар, фотосуратлар) фойдаланишда тадқиқотчилар кузатиш усулидан фойдаланади. М.Блок тарихни визуал ўрганиш имкониятлари ҳақида фикр юритиб, «ўтмиш изларини... тўғридан-тўғри қабул қилиш имконияти мавжуддир. Бу ёзма бўлмаган ва ҳатто аксарият ёзма манбалардир»², деган эди. Тадқиқотчилар киноҳужжатлар билан ишкўрганда уларнинг саҳна учун ишланган жамоавий ижод эканини эътиборга олиши лозим. Охириги йилларда киноҳужжатлар билан бирга видеоҳужжатлар ҳам пайдо бўла бошлади, улар алоҳида шахслар томонидан суратга туширилиб, воқеликни реал тасвирлаши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бундай ҳужжат муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Визуал маданиятни ўрганиш зарурлиги масаласини етакчи постмодернистлар Ж.Деррида, Ж.Лакан, М.Шапиро, К.Силверман, Ж.Бодрийяр ва бошқалар кўтариб чиқдилар. И.Гофман, П.Бурдые, Р.Барт каби олимлар ўз тадқиқотларида визуал мавзуларни таҳлил этдилар. Визуал маълумотларга манба сифатида мурожат қилиб, улар, асосан, тасвирланаётган субъектларнинг (объектлар) ҳажми, субъектлар ўртасидаги рамзий тартиб (субординация), уларнинг вазифаларини тартибга солиш каби жиҳатларга эътибор берганлар.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Ғарб ижтимоий фанларида визуал материалларга қизиқиш ортиб кетди:

¹ Каримова Н. К вопросу изучения генезиса кино Узбекистана // http://www.sanat.orexca.com/rus/archive/3-10/nigora_karimova.shtml

² Блок М. Апология истории или ремесло историка. – М.: Наука, 1986. – С.33.

етақчи университетларда факультетлар сони кўпайди, махсус нашрлар пайдо бўлди, ушбу муаммолар бўйича тадқиқотлар чоп этила бошлади. Бу эса визуал антропологияни баҳслар майдонига айлантирди, ҳозиргача тадқиқотчилар орасида визуал усуллар, улардан фойдаланиш ва бошқа усуллар билан мувофиқликда тадқиқотлар олиб бориш ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда. Ҳозирги кунда визуал материаллар нафақат тадқиқот манбаси, балки объекти тарзида ҳам ўрганилмоқда.

1990-йиллардан бошлаб, МДХ давлатлари ичида Россия ижтимоий фанларида визуал тадқиқотлар олиб боришга эътибор берилди. Москва давлат университетида визуал антропология маркази, Россия Фанлар академияси Этнология ва Антропология институтида ҳамда ижтимоий сиёсат ва гендер тадқиқотлари маркази (Саратов шаҳрида) аудиовизуал антропология лабораториялари ташкил этилди, бундан ташқари, мазкур йўналишда курслар ва ёзги мактаблар ташкил қилинди, «Визуал антропология, этномаданий анъаналар ва этнофутуризм» (2002 й.), «Визуал антропология: ижтимоий воқеликка янгича қарашлар» (2006 й.) номли конференциялар ўтказилди. Шунингдек, талай нашрлар эълон қилинди.

Визуал тадқиқотларда миқдорий таҳлил ва дискур таҳлил усули кенг қўлланади. Масалан, расмларни таҳлил қилишда машҳур олимлар И.Гофман ва П.Бурдые айнан шу усулларни қўллашни таклиф этадилар. П.Бурдые ижтимоий ролга ва иерархияга катта эътибор беради. «Расмдаги мавжуд индивидлар ва уларни ўқиш расмдаги индивидлар тавсифини бермайди, аксинча, индивидларнинг ижтимоий ролини – эр, бола, солдат, амаки, хола образларини кўрсатади. Ма-

салан, куёвнинг расмида қизнинг эри эмас, балки ижтимоий мувафакқияти тасвирланган». Микдорий таҳлил у ёки бу расмлар ёхуд образларнинг тарқалганлигини аниқлашга, дискурс таҳлил тасвирланган субъектлар қандай ижтимоий-маданий контекстда тасвирланганини тушунишга ёрдам беради.

Визуал тадқиқотлар ичида Оксана Гавришина¹ ва Игорь Нарскийнинг автобиографик монографияси² матнлар моҳияти ва шакли ҳамда тадқиқот усуллари билан ажралиб туради. И.Нарскийнинг «Эсдалик учун фотокарточка: оилавий тарих, суратли нома ва советча болалик» номли китоби 1966 йилда Горький шаҳридаги фотостудияда олинган ўз болалик суратларини таҳлил қилишга қаратилган. Тадқиқотда суратдан, бир томондан, автобиографик хотирани тиклаш манбаи сифатида фойдаланилса, бошқа томондан, хотирани англашда фойдаланилган.

Оксана Гавришинанинг «Ёруғлик империяси: замонавий даврда сурат визуал амалиёт сифатида» номли китобига аввал эълон қилинган визуал тарихга доир мақолалари жамланган. Муаллиф суратларни образлар яратиш технологияси ва воқеликни тасвирлаш нуқтаи назаридан ўрганиб, даврнинг визуал маданиятини ёритиб берган.

И.Нарскийнинг монографияси енгил тилда ёзилган, унда муаллиф кундалик ёзувлардан тортиб эссе ва тарихий-бадий асарларгача фойдаланган. Ҳажман катта монография, муаллиф таъкидлашича, баён қилишнинг уч вертикал чизиғи (Горькийда ўтган болалик билан

¹ *Гавришина О.* Империя света: фотография как визуальная практика эпохи «современности». – М.: Новое литературное обозрение, 2011. – 192 с.

² *Нарский И.* Фотокарточка на память: Семейные истории. Фотографические послания и советское детство (автобио-историографический роман). – Челябинск: Энциклопедия, 2008. – 516 с.

боғлиқ эсдаликлар, биографик маълумот, суратлар билан ишлаш усуллари таҳлили) ва олтита горизонтал катламдан иборат¹. Китобни бошидан охиригача горизонтал чизик бўйича, шунингдек, муҳим ва қизиқарли мавзуларни вертикал чизик бўйича ўрганиш мумкин. Мавзуларни муаллиф нафақат алоҳида параграфларга, балки бир-биридан ажралиб турувчи қисмларга (фотоаппарат, кундалик, фотоплёнка, маълумот рамзи...) ҳам ажратган. Шундай қилиб, фотосурат маълумот тўпловчи ядро вазифасини бажаради, уни интерпретация қилиш техникаси, оилавий ривоят, совет ўсмирининг кундалик ҳаёти тасвирланади. Бундан ташқари, китобда ўша давр аҳолисининг маиший турмуши ҳам ўз аксини топган.

Мазкур икки китобда муаллифлар суратларни матн сифатида ўқийдилар. Улар совет даврида ва унда яшаган кишилар ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаи сифатида суратларни ўрганар экан, кундалик ҳаётни турлича тадқиқ қилишган.

Юқорида таъкидланганидек, И.Нарскийнинг тадқиқоти марказида Горький ва Челябинскда кечган болалик хотиралари, совет яхудийларининг ҳаёти турган. «Визуал манбалар билан ишлашда асосий вазифа, – деб ёзди И.Нарский, – уларни контекстуализация қилишдир. Контекстдан ташқари қараш тасвирлар аҳамиятини кескин равишда тушириб юборади»². Муаллифлик контекстуализацияси суратга олиш даврида ўзининг ва қариндошларининг ҳаёти ҳақидаги эсдаликлардир.

¹ *Нарский И.* Фотокарточка на память: Семейные истории. Фотографические послания и советское детство (автобио-историографический роман). – Челябинск: Энциклопедия, 2008. – С. 336.

² *Нарский И.* Фотокарточка на память: Семейные истории. Фотографические послания и советское детство (автобио-историографический роман). – Челябинск: Энциклопедия, 2008. – С. 32.

Уларни дўстлар ва қариндошларнинг эсдаликлари, шунингдек, турли хужжатлар тўлдиради ҳамда «Мактаб»¹, «Омон қолиш стратегияси» (Б. 268–275), «Советча турмуш тарзи» (Б. 307–317), «Маданий ҳордик» (Б. 413–421) каби рукнларга бўлинган.

Оксана Гавришина кундалик ҳаёт тарихини визуал тадқиқотларда бошқачароқ ёритган. Тўпламдаги «Фотографда суратга тушиш: совет сурат студияларида тана тартиби», «Кимнинг ҳаққонийлиги? 1940–1950-йилларда Литва суратларида портрет» ва «Ўхшашлик ҳазили: Дэвид Аттининг автопортретлари»² мақолаларида муаллиф турли фотографларнинг суратларини батафсил ўрганиб, совет давридаги портретларнинг умумий жиҳатларини, суратларда «советча» гавда ҳолати қандай вужудга келганини кузатади. Оксана Гавришина кундалик ҳаётни суратдаги гавда ҳолати ва атроф-муҳитни ўрганиш орқали тадқиқ этади, суратга туширилган вақт, суратга олинган жой, тарихий вазиятга қўшимча маълумот сифатида қарайди. Литва суратчилари фаолияти тўғрисида Гавришина «турли кишилар тасвирланган бўлса-да, суратга олиш вазияти умумий эди», – деб ёзади³. Бу кишиларни нафақат суратга тушиш факти, балки умумий бир тартибга бўйсунтириб бириктириб туради. Шундай қилиб, жамоавий тана тажрибаси вужудга келади, 1970 йилларда Дэвид Аттининг «Совет кишиси» номли Киев сериясида бир

¹ Нарский И. Фотокарточка на память: Семейные истории. Фотографические послания и советское детство (автобио-историографический роман). – Челябинск: Энциклопедия, 2008. – С. 253–260.

² Гавришина О. Империя света: фотография как визуальная практика эпохи «современности». – М.: Новое литературное обозрение, 2011. – С. 31–71.

³ Гавришина О. Империя света: фотография как визуальная практика эпохи «современности». – М.: Новое литературное обозрение, 2011. – С. 47.

хил типдаги суратлар мавжуд ва уларни «биз» деб тавсифлаш мумкин¹. Оксана Гавришина ва Игорь Нарский тадқиқотларида суратлар ўз даврининг қолипи бўлгани сабабли бошқа манбалар каби давр ҳақида маълумот беради.

Визуал манбалардан бири реклама бўлиб, айниқса, дунёда газеталар пайдо бўлиши билан реклама кенг йўлга қўйила бошлаган эди. Туркистонда матбуот орқали реклама ва эълонлар беришни ўлканинг тўнғич газетаси бўлган «Туркестанские ведомости» газетаси бошлаб берди. Бу газета нашр қилина бошланганиданок ўз саҳифаларида давлатга қарашли ва хусусий эълонлар бериб борди. Ваҳоланки, дунё бўйлаб чиқа бошлаган матбуот органлари ўз газеталарини тарқатиш ҳамда реклама ва эълонлар ҳисобига фаолият юритар эдилар. XIX асрнинг охири XX аср бошларида дунёнинг деярли барча давлатларида матбуот органлари молиявий томондан шундай таъминланар эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг охирида «Туркестанские ведомости» газетасида берилган эълонлар ичида ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кириб келаётган янги техника ва технологиялар рекламаси алоҳида ўрин тутган. Масалан, газетада ёзув машиналари, велосипедлар, тикув машиналари рекламалари пайдо бўла бошлайди. XX асрнинг бошидан эса газета саҳифаларида турлича техника воситалари, машиналар, ускуналар рекламаси берилди бошлайди. Бу рекламаларнинг кўпчилигига иллюстрациялар (расмлар) ва тавсифлар илова қилинган. Масалан, «Ундервуд» ёзув машинасининг рекламасида дунё кўрғазма-

¹ Гавришина О. Империя света: фотография как визуальная практика эпохи «современности». – М.: Новое литературное обозрение, 2011. – С. 67-68.

ларида (тез ёзиш бўйича) бу машинанинг бир неча бор олтин медалга сазовор бўлгани ҳамда мусобақаларда рекорд ўрнатгани ҳамда бир неча бор биринчиликни қўлга киритгани таърифланади¹.

Реклама берувчилар уларнинг эълонларига қизиқувчилар бўлса, тезда ўз маҳсулотлари ҳақида бепул каталоглар жўнатишлари мумкинлигини билдирганлар. Ўша даврда Туркистон ички бозорига дунёга ўз маҳсулотлари билан танилган компания ва ташкилотлар кириб кела бошланганини газетадаги берилаётган рекламалардан кўриш мумкин. Шундай компаниялардан бири «Зингер» компанияси бўлиб, ўз тикув машиналари билан дунё бозорига машҳур бўлган бу компания ўз рекламаларида маҳсулотларни фақат компаниянинг хусусий дўконларидан харид қилиш мумкинлиги таъкидланган². Бу машинанинг нархи 25 рубль бўлиб, уни харид қилишни осонлаштириш мақсадида пулини бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин бўлган. Машина учун бошида 10 рубль тўланган, колган пули эса ҳафтада 1 ёки ойига 4 рубль тўланган³. Бундан ташқари, «КОДАК» компаниясининг фотоаппаратлари ҳам реклама қилинади. Бу компаниянинг Ўрта Осиёдаги ягона вакили «Филипп Каплан и сыновья» савдо уйи эди⁴.

1911 йилларда пахта тозалаш заводи, ёғ-мой заводлари учун турли техник ускуналар, тегирмонлар, буғ машиналар, моторлар, локобиллар⁵, двигателлар, насосларни сотиш учун «Антон Эрлангер и к⁰» ширкатининг Тошкентдаги бўлими ҳамда «В.Г. Столь и К⁰»

¹ Туркестанские ведомости. 1910, № 204.

² Туркестанские ведомости. 1911, № 87.

³ Шу ерда.

⁴ Тараккий. 1906, № 5.

⁵ Локобил – буғ кучидан фойдаланиб, бошқа машиналарни юргизадиган қурилма.

ширкати идораси газеталарга эълон бериб турган эди¹. Бундан ташқари, «Стукен и к⁰», «В.Фицнер и К.Гампер» акционерлик жамияти вакиллари, Американинг Лумус заводи (жун, пахта учун пресслар ва ҳоказолар) вакиллари ҳам турли техник асбоб-ускуналар тўғрисида эълонлар бериб бордилар. «Полак ва К⁰» жамияти дунёга машҳур турли компанияларнинг маҳсулотларини сотиш учун реклама қилади, уларнинг ичида «Горнсби-Венатингауз», «Отто Швиде и К⁰» каби ишлаб чиқарувчиларнинг товарлари ҳам бор эди.

XX аср бошларида газеталарда транспорт воситалари рекламалари ҳам анча кўпаяди. Рекламалардан бирида Тошкентдаги омборда «Бенц» автомобиллари борлиги таъкидланар экан, бу машинага ҳар томонлама дунёдаги энг яхши марка деб баҳо берилади. Унда айтилишича, «Бенц» автомобиллари жаҳон рекорди ўрнатиб, соатига 228 км йўл босиб ўтган. Бу автомобилларни сотиш учун Туркистондаги ягона вакил «Проводник» ширкати эди². Ўша давр газеталарида жаҳонга машҳур Англиянинг «Арров» маркали велосипедларининг энг янги модели, «Свифт», «Триумф», «Блок-пионер», «Ройал-Блок» транспорт воситаларининг энг янги модели ҳамда «Пальмер» шиналари, «Вандерер Верке» мотоцикллари реклама қилинган эди. «Туркестанские ведомости» газетасининг 1914 йилдаги сонларида «Свифт» велосипеди реклама қилинар экан, унинг Рига, Стокгольм, Киев олимпиадаларида биринчи мукофотни қўлга киритгани таъкидланади³.

¹ Туркестанские ведомости. 1911, № 144, 187; Туркистон вилоятининг газети. 1914, № 26.

² Туркестанские ведомости. 1912, № 222.

³ Туркестанские ведомости. 1914, № 77.



ПОСЛѢДНІЯ НОВОСТИ
КАТАЛОГЪ СЕЗОНА 1898 ГОДА
ВЫСЛАЕТСЯ ВЕСПЛАТНО ТОРГ. ДОМЪ Ж. ВЛОК
до 1000 велосипедовъ на складѣ

Туркестанские ведомости

ДѢТСКАЯ МОЛОЧНАЯ МУКА НЕСТЛЕ

ДЛЯ ВСКАРМЛИВАНІЯ ГРУДНЫХЪ ДѢТЕЙ,

суррогатъ материнскаго молока.

Цѣна жестянки 1 рубль 50 коп.

СГУЩЕННОЕ МОЛОКО НЕСТЛЕ. Цѣна 1 р. 10 к.



ЕДИНСТВЕННЫЙ АГЕНТЪ ДЛЯ ВСЕЙ РОССИИ

Александръ Венцель

Оптовый складъ въ Центральномъ депо перевозочныхъ и хирургическихъ матеріаловъ
 Торговаго Дома АЛЕКСАНДРЪ ВЕНЦЕЛЬ въ С-Петербурѣ, Гороховая, 33.
 Въ г. Ташкентѣ можно получать во всѣхъ аптекахъ и аптекарскихъ магазинахъ.

Типографія ОСИПА ПОРЦЕВА въ Ташкентѣ

«Туркестанские ведомости» газетасининг реклама учун
 ажратилган сахифаси.

Учредитель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Редакция: г. Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.
Фирма "Триолит"
 Издатель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Адрес: Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.

Учредитель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Редакция: г. Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.
 Адрес: Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.

Учредитель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Редакция: г. Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.
 Адрес: Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.

МЫЛО МОЛОДОСТИ
 DEBARYE N° 40021
 A. CIU N° 112

Самые лучшие продукты
 МЫЛО МОЛОДОСТИ
 DEBARYE N° 40021
 A. CIU N° 112

Учредитель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Редакция: г. Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.
 Адрес: Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.

Ташкентский институт
 Ташкентский институт
 Ташкентский институт

Кристаллы
Кристаллы
 Кристаллы



Учредитель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Редакция: г. Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.
 Адрес: Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.

Ташкентский институт

Учредитель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Редакция: г. Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.
 Адрес: Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.



Учредитель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Редакция: г. Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.
 Адрес: Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.

Учредитель: Товарищество "Трудовая Троица".
 Редакция: г. Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.
 Адрес: Ленинград, ул. Троицкая, д. 10.

«Таракский» (1906) – илмий, адабий, сиёсий, фанний ва тижорий газета.

XX асрнинг бошларидан бошлаб Туркистонда рус тилидаги ва ўзбек тилидаги газеталарда европача мусиқий асбоблар ҳам реклама қилина бошланади. Булар орасида дунёга машҳур Я.Беккер, К.М. Шредер, Оффенбахер, А.Эбберг, Карл Рениш, Ф. Мюльбах, В.Менцель, М.Эриксон каби фабрикаларнинг рояль ва пионинолари, Саксония фабрикаларининг гитаралари, скрипкалар, грамофонлар, парлофонлар (грамофоннинг такомиллашган кўриниши), гармонлар, балалайкалар бор эди¹. Бу мусиқий асбоблар пулини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳамда ижарага олиш мумкин бўлган. Реклама берган мусиқий асбоблар магзини Тошкентда жойлашган бўлиб, бошқа шаҳарларда яшайдиган харидорлардан ҳам буюртмалар қабул қилган.

Газеталарда, шунингдек, қурилиш материаллари ҳам кенг реклама қилинган. Масалан, Ф.К.Рейнгольднинг Тошкентнинг цемент ва мозаика фабрикаси турли хил рангли ва нақшли плиткалар, ариқ ва кудуқлар учун цемент қувурлар, дераза токчаси ҳамда зиналарини харидорларга таклиф этган². Бундан ташқари, Маҳмуд Хўжа Бехбудий муҳаррирлигида чиққан «Самарқанд» газетасида «Зайдел» ғишт заводи эълонлари узлуксиз бериб борилган. «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1906 йилги сонларида Тошкентнинг Бешёғоч даҳаси Қоратош маҳалласидан Муҳаммад Амин Зафар Ҳожи ўғли Америка, Германия ва Франциядан ускуналар келтириб, ўз ҳовлисида машинада кашта тикиш корхона очганлигини эълон қилади³. Бу тадбиркор киши олиб келинган аппаратларда ишлаш учун Москва ва Истам-

¹ Туркестанские ведомости. 1910, № 222; Туркистон вилоятининг газети. 1906, № 44.

² Туркестанские ведомости. 1911, № 185.

³ Туркистон вилоятининг газети. 1906, № 64.

булдан усталар олиб келади. Ўз эълонида аҳолини корхонасини кўришга ҳамда уларнинг хизматидан фойдаланишга чақиради.

Ўша давр матбуотида, шунингдек, уй-рўзғор буюмлари, мануфактура моллари, косметик товарлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари узлуксиз равишда реклама қилинади. Шунингдек, меҳмонхоналар, ресторанлар тўғрисида доимий маълумотлар бериб борилади.

XX аср бошларида Туркистонда тадбиркорлар маҳсулотларини реклама қилишда фақат матбуот саҳифалари ёки жонли рекламадан эмас, балки шаҳарларда ўрнатилган доска ва призмалардан ҳам фойдаланганлар. 1909 йилда «Туркестанские ведомости» газетаси шаҳар бошқармаси беш йил олдин 100 дан ортиқ доска ва призмалар сотиб олган бўлса кундан-кунга реклама кучайишига қарамасдан, уларнинг сони кўпайтирилмади, деб ёзади¹. Бу призмалар шаҳар боғи ва хиёбонида ўрнатилган эди. Бунинг устига призмаларнинг асосий қисми уч томонламалик бўлиб, ўсиб бораётган талабга жавоб бера олмасди. Агар Тошкент шаҳрида бир вақтнинг ўзида бир неча труппалар, цирк, спектакль томошалари қўйилса ҳамда реклама берувчи пул тўлагандан сўнг талаб қилишга ҳақли эканини ҳисобга олинса ҳақиқий аҳволни тасаввур этиш мумкин. Бундан ташқари, шаҳар бошқармаси тўғри келган жойларга деворлар ва дарахтлардан реклама ва эълонлар учун фойдаланишни таъқиқлаган эди. Шунга қарамасдан, реклама қилинадиган махсус жойлар етарли бўлмаганидан доимий равишда ўғил болалар ва қиз болалар гимназияси деворларига турли ранглардаги бўёқларда рекламалар ёзилиб кетилган². Газета таҳририяти ўз томонидан шаҳар бошқармасига при-

¹ Туркестанские ведомости. 1909, № 50.

² Туркестанские ведомости. 1909, № 51.



«Муштум» журнали. 1970-йил, 13 сон. «Раис: Далада эркаклар кўринмаяпти деяптилар. Манави дўппиларни кийиб олинглар».

змалар сонини кўпайтириб, уларни беш томонликлари билан алмаштиришни ҳамда мавжуд доскаларнинг размерини катталаштиришни таклиф этган.

Визуал манбалардан яна бири карикатура¹ ҳисобланади. Масалан, тарихий тадқиқотларда ўз карикатуралари билан ҳам машҳур бўлган «Муштум» – ҳажвий журнали материалларидан ҳам турли мавзуларни ўрганишда фойдаланиш мумкин. Чунки у «ижтимоий фикр барометри» ва уни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун у ёки бу тарихий воқеа ҳақида

¹ Карикатура (итал. – орттириб кўрсатмоқ) – у ёки бу нарсани кулгили кўрсатиш мақсадида ҳажвий ёки юмор шаклида яратилган тасвирий санъат асари. Бунинг учун тасвирда инсоннинг қомати, юзи, кийим-кечаги, ўзини тутиши ошириб кўрсатилади.

маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Масалан, сатирик карикатураларда «душман» образи яққол намоён бўлади. Жумладан, 1920–1930 йиллар матбуотида совет ҳокимияти унга қарши бўлган «синфий душманлар» образини, яъни бойлар, совет ҳокимиятига қарши курашган курулчи ҳаракат иштирокчилари, уламоларни тасвирлаб, ўз тарғиботини олиб борган¹.

Ўзининг тарихий ривожланиши давомида «карикатура фақат тасвирий санъат жанри бўлиб қолмасдан ижтимоий онга таъсир этувчи курулчи айланди, журналистиканинг оригинал жанри ва босма графиканинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Журналистика сиёсий ва мафкуравий курашнинг муҳим воситаси экан, бу биз-

¹Мазкур журналнинг 1-сони 1923 йил 18 февралда «Туркистон» газетасига илова (3 минг нусхада) чоп этилган. Журналнинг 1-сонидан унинг ташкилотчиларидан Абдулла Қодирийнинг «Муштум таърифида» деган бош мақоласи берилган. «Муштум»га турли даврларда ижод қилган Ғози Юнус, Чўлпон, Ҳожи Муин, Рафиқ Мўмин, Ғафур Ғулом, Комил Алиев, Абдулла Қаҳҳор, Носир Саид, Ғайратий, Собир Абдулла, Саид Аҳмад, Анвар Муқимов, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон ва бошқалар ўз асарлари билан иштирок этган. «Муштум»да босилган кўпгина ҳажвий асарлар Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»си, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмаднинг энг сара ҳажвиялари, Эркин Воҳидовнинг «Донишқишлоқ хангомалари», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драмаси ва бошқалар) адабиётимизнинг бебаҳо дурдоналарига айланган. Журнал ўз фаолиятида турли ижодий шакллардан, жумладан, Насриддин Афанди, Алдар Кўса каби халқ оғзаки ижодидаги образлардан кенг фойдаланилади. Унинг саҳифаларида муҳим воқеаларга бағишланган фельетон, памфлет, ҳажвия, ўртоқлик ҳазиллари ва бошқалар кизиқарли танқидий материаллар ёритилади. 1998 йил 28 августда журналнинг ҳафталик иловаси – «Афанди» газетаси ташкил этилган. Журналнинг биринчи рассоми Иштван Тулля бўлган, кейинчалик журналда турли йилларда Т. Муҳамедов, Д.Синицкий, М.Воробейчиков, Н.Иброҳимов, А.Холиқов, С.Субхонов, А.Қамбаров, С.Салоҳиддинов, Ҳ.Содиқов ва бошқалар ишлади. «Муштум»га Ғози Юнус, Зиё Саид, Ғуломназир Ғофуров, Хусайн Шамс, Жуманиёз Маҳмудов, Мумтоз Муҳамедов, Акмал Пўлат, Зокир Йўлдошев, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Неъмат Аминов, Максуд Қориев, Ашурали Жўраев ва бошқалар муҳаррирлик қилган. Ҳозир «Муштум»нинг бош муҳаррири Носиржон Тошматов (2007 йилдан). Адади 20000 (2009).

га журналистика ва карикатура олдиди турган умумий мақсад ва вазифалар ҳақида гапириш имконини беради» – деб ёзади, Хамадах Мамдух ўзининг шу мавзуга бағишланган тадқиқот ишида. Карикатурани журналистика билан боғлайдиган яна бошқа бир жиҳат мавжуд. Карикатура дунёда содир бўлаётган у ёки бу воқеа билан боғлиқ долзарб ахборотнинг ўткир қисмини ўзида мужассам этади. Карикатуранинг мазмунига кўра турлари: сиёсий карикатура – жамият сиёсий ҳаётининг турли томонларини, халқаро муносабатлар, сиёсий вазият, сайловлар, сиёсий кураш ва б.; маиший турмуш карикатура – ижтимоий муаммолар: маданий-маиший шароитлар, савдо, бола тарбияси, авлодлар ўртасидаги муносабат, фоҳишалик, наркомания, алкоголизм ва б.; ҳажвий карикатура – ўткир қарамақаршилик мавжуд бўлмаган кулгили вазиятлар; шарж – муайян усуллар ёрдамида одам юзини тасвирлаш турлари мавжуд.

Плакат¹ тарихий манбаларнинг турларидан бири бўлиб, унинг бир қанча типлари мавжуд, жумладан, реклама, тарғибот ва сиёсий плакат каби плакатлар чоп этилган. XX асрда сиёсий плакатлар кенг тарқалган ва улар маълум бир ижтимоий гуруҳга мўлжалланган, унинг асосий хусусияти кишиларнинг эътиборини жалб қилишдан иборат. Шунинг учун плакатларни ёрқин, эътиборни жалб қиладиган, қизиқарли тарзда чоп этишга ҳаракат қилинган, уларнинг қахрамонлари ва яратилган образлар яхши таниш бўлган. Бошқа томондан улар муайян бир ғоявий йўналишга эга бўлиб, унда аҳолининг нафақат онгли, балки беихтиёр қабул қилиши ҳам назарда тутилади. Плакат ўз даври-

¹ Плакат (лотинча сўздан олинган бўлиб, «далил» деган маънони билдиради) – маълум ҳаракатларга чорловчи катта варақда қисқа матн ёзилган бадиий расм.

нинг маданий, ғоявий ва сиёсий қарашлари ифодачиси ҳисобланади. Совет даврида чоп этилган плакатлар давлатнинг ижтимоий сиёсатининг воситаси ва ижтимоий-маданий вазифаларни (маориф, соғлиқни сақлаш, оммавий физкультура ва спорт) ҳал қилишга ёрдам берувчи восита эди. Плакатлар давлат буюртмасини бажариш билан бирга сиёсий-маданий муҳитга ва жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳлари кундалик ҳаётининг совет қолиплари шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган. Плакатлар билан ишлаганда унда тасвирланган воқеани ва унинг санасини, қандай сиёсий буюртмага ва қайси аудитория учун тайёрланганини аниқланади, шунингдек, плакатнинг персонажи ва рамзлари таҳлил қилинади. Бундан ташқари, плакатнинг олд қисмида ва орқа қисмида ким ёки нима тасвирлаганига эътибор қаратилади. Плакатда қайси фигуралар ҳамда объектлар катта ва кичик қилиб тасвирланган ва унинг сабаблари таҳлил қилинади, плакат аудиторияга етказиб бермоқчи бўлган маълумот ўрганилади.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг большевиклар сиёсий ва ҳарбий плакатлар чоп этишга катта аҳамият берди. Жумладан, 1918–1921 йилларда большевиклар 835 та сиёсий ва 1015 ҳарбий плакатлар нашр этилди. 1918 йил ўрталаридан Марказий ижроий комитет, халқ комиссарликлари, инқилобий-ҳарбий кенгашлар, давлат нашриётлари томонидан плакатлар узлуксиз чоп этила бошлади.

Ушбу манбани таҳлил қилишда плакатнинг чоп этилган йили ва жойи, тиражи кўрсатилмаган. Россиялик тадқиқотчи М.И. Слуховский совет давлатида 1918–1931 йилларда чоп этилган 215 та плакатни ўрганиш натижасида уларнинг географиясини аниқлайди, жум-



1930-йилларда чоп этилган плакатда «Хунарманд! Сен кўрсан, шунинг учунки саводсизсан. Ўз саводсизлигингни тугат! Саводсизлик сенинг ишинг ва турмушингда етишмасликнинг бош сабабидир» деб ёзилган.

ладан, Москвада – 55%, Петроград-Ленинградда – 15%, бошқа шаҳарларда – 30% плакатлар нашр қилинганини эътироф этади¹. 1918 йилдан бошлаб Тошкентдаги Воскресенский бозори майдонида «ТуркРОСТА ойналари» ташкил этилди ва ўша даврнинг долзарб мавзуларига доир тарғибот ҳажвий плакатлари мунтазам равишда қўйилди. Улар асл нусха бўлиб, дастлаб улар босиб чиқарилмади. Фақат 1920-йилларнинг охиридан Ўзбекистондаги газета ва журналлар, айниқса, «Муштум» журнали улардан нусха кўчириб босди.

Визуал усуллар тартиб-қоидалар, мода ҳақидаги ўтмиш ва ҳозирги замон қарашларини ижтимоий воқеликни бир тизимга солган ҳолда ўрганиш имкони беради, унда суратдаги эпизод факт сифатида эмас, факт ҳақидаги фикр сифатида талқин этилади.

¹ Андреева О.В. История книжного дела в изобразительных аудиовизуальных и вещественных источниках: Учебное пособие. – М: МГУП, 2008. – С.66. 172 с.



Омонтачилар! Омонат кассаларидан топширикларингизни биққат билан ва тез бажаришларини талаб қилингиз.



Пахта тайёрлашни муддатда бажарамиз.

Масалан, шаҳарни визуал идрок этиш, аксарият ҳолларда, шаҳар аҳолисида эмас, шаҳарга ташриф буюрган, кўчаларни пиёда кезган меҳмонларда яхшироқ кечади. Умуман, шаҳарни визуал жиҳатдан ўрганишда

пиёда саёҳат қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Немис олими Франкфурт-Одердаги «Виадрина» Европа университетида Шарқий Европа тарихидан дарс берувчи профессор Карл Шлөгель¹ 1980-йилларда ўз тадқиқот усулини ишлаб чиқади. У Москва тарихини ўрганишда фақат ҳужжатлар ва адабиётлар, статистик маълумотлар, тарихий биографиялар, шаҳар хариталарига эмас, балки биринчи навбатда қизиқувчан пиёда сифатида шаҳарни ўрганиб, ўз қайдларини қоғозга туширган кишилар маълумотларига таянган. Карл Шлөгель шаҳарни «ўқиш» жуда енгил, мен уйларнинг деворини, кўчаларни ва хиёбонларни ўрганишдан бошлайман, буларнинг ҳаммаси мен учун матн вазифасини бажаради², дея таъкидлайди.

К.Шлөгель ўз тадқиқотларида тарих ва география фанларининг ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, уларга архитектура, шунингдек, шаҳар қурилишини ҳам қўшган. Унинг фикрича, қурилиш лойиҳалари ва режаларини ўрганиш билан бутун бир даврни тадқиқ этиш имкони туғилади. У Москвадаги «нажоткор Исо Масих» ибодатхонасининг 1931 йилда Сталин буйруғига биноан портлатилиб, унинг ўрнига «Советлар саройи» қуриш режалаштирилганини мисол сифатида келтиради. Унинг бўйи 415 метр, яъни дунёдаги энг баланд бино бўлиб, Совет иттифоқининг чексиз қудратини кўрсатувчи рамзий маънони англатиши кўзда тутилган эди. Лекин бундай баҳайбат сарой қуриш ғояси амалга ошмади ва 1960 йилда унинг фундаменти ўрнида очиқ бассейн ташкил этилди. Орадан 40 йил ўтиб москваликлар «нажоткор Исо Масих» ибодатхона-

¹ *Moskau lesen.* – Berlin, 1984/2000; Berlin Ostbahnhof Europas. Russen und Deutsche in ihrem Jahrhundert. – Berlin, 1998

² *Шлөгель К.* Постигая Москву. – М.: РОССПЭН, 2010. – С.22.

сини аввалги ҳолатида қайта тиклади ва бунга 170 миллион доллар сарф этилди¹.

Фотосуратлардан биографик тадқиқотларда кенг қўлланилади, бундан ташқари, турли маросим ва урф-одатларни ўрганувчи тадқиқотчилар ҳам улардан анча кенг фойдаланади. Масалан, тўй маросимларини ўрганишда фотосуратларнинг ўрни алоҳидадир.

Фотосурат фақат тасвир бўлмасдан, балки даврнинг бир бўлаги ҳам ҳисобланади, шунинг учун суратда тадқиқотчилар маълум бир даврда нималар, қандай ва нима учун тасвирланганини тушунишлари лозим.

Фотографик тасвирлар фақат иллюстрация вазифасини ўтамасдан, тадқиқотнинг доминант услуби сифатида тадқиқ этилаётган контекстнинг муҳим элементи бўлиши керак. Фотосуратлардан бир пайтнинг ўзида иллюстрация ва визуал репрезентация сифатида фойдаланиш мумкин. Расмларда тасвирланган образ инсоннинг фақат ташқи қиёфасини эмас, балки ўша давр образини: маиший турмуш, кийим-кечак, кайфиятни, яъни ўша давр руҳини яққол тасаввур қилишга имкон беради. Фотоҳужжатларни ўқишда новербал тил – бадан, имо-ишора, қараш таҳлил қилинади, бундан ташқари, расмда қандай ёзувлар мавжудлиги, расмларнинг жойлашган ўрни, масалан, газетада тасвирланган субъектнинг танланиши (аёллар, эркеклар) таҳлил қилинади.

Шундай қилиб, визуал тадқиқотларда турли визуал манбалардан, жумладан, сурат, расм, реклама, плакат, карикатура, архитектура объектлари, киноҳужжат каби манбалардан фақат иллюстрация сифатида фойдаланмасдан, уларни тадқиқот объекти сифатида ўрганилади.

¹ Шлэгель К. Постигая Москву. – М.: РОССПЭН, 2010. – С.161–162.

Саволлар:

1. Визуал манбалар ва уларнинг турлари нималардан иборат?
2. Визуал манбалар ёрдамида тарихнинг қандай масалаларини ўрганиш мумкин?
3. Фотохужжатлар тарихий тадқиқотларда қўлланишида қайси жиҳатларига эътибор берилиши лозим?
4. Ўзбекистон тарихини ўрганишда қандай фотожамланмалардан фойдаланиш мумкин?

2.5. Оғзаки тарих: шаклланиши, вазифалари ва усуллари

Мақсад: Оғзаки тарих ва унинг анъаналари, тарихий воқеалар иштирокчиларидан интервью олиш ва анкеталаштириш усули, интервью натижаларини илмий истеъмолга киритиш борасида маълумот бериш.

Таянч сўз ва иборалар: Тарихий тадқиқотларнинг янги методлари, Жо Гулда, Колумбия университети қошида оғзаки тарих маркази, Оғзаки Тарих Ассоциацияси, Пол Томпсон – «Ўтмиш овози», интервью, «кичик одамлар», сўров, сўров натижаларини таҳрир қилиш.

Оғзаки тарих ва унинг анъаналари

«Оғзаки тарих» атамаси пайдо бўлганига кўп бўлмаган, лекин «оғзаки тарих» тушунчаси янги эмас, тарих пайдо бўлиши билан оғзаки тарих вужудга келган, у тарихнинг биринчи тури эди.

Маълумки, эрамизгача V асрда яшаган «тарих отаси» Геродот ўз асарига манба сифатида оғзаки анъаналардан кенг фойдаланган. Эрамизнинг III асрида Лукиан бўлажак тарихчиларга маълумот берувчининг мотивларига эътибор қаратишни маслаҳат беради. Геродиан эса ўз тадқиқоти манбаларини қиймати бўйича

қуйидаги тартибда таснифлайди: қадимги обрў-эътиборли кишилар, сарой маълумотлари, хатлар, сенат йиғилишлари ва бошқа маълумотлар.

Ёзув бўлмаган жамиятларда оғзаки анъаналарнинг ишончлилиги кучли эди. Масалан, Қадимги Грецияда кўхна қуроллар ва шаҳар харобаларининг аниқ тавсифи 600 йил мобайнида «Илиада»нинг ёзма вариантлари пайдо бўлгунча оғзаки шаклда сақланиб келгани илмий тасдиқланган.

Ҳозирги замон одамлари ҳам маросимлар, исмлар, кўшиқлар, тарихни ёдда сақлаб қоладилар, аммо ўзига яқин даврдагиларини сақлаб қоладилар ва кейинги авлодга маълумотларни ҳужжатлар орқали етказиб бериш кафолатланади. Демак, жамиятда ҳурматга сазовор бўлган анъанавий оғзаки ривоятлар энг заиф нуқталардан бўлган. Аксинча, бошқалар учун муҳим эмас деб ҳисобланган, қоғозга кам кўчириладиган шахсий ва оилавий хотиралар оғзаки тарихнинг энг кенг тарқалган манбаси ҳисобланади. Бошқа оғзаки анъаналар, масалан, ўйинлар, балладалар (достон), кўшиқлар ва тарихий ҳикоялар болалар орасида, узок қишлоқларда сақланиб қолган. Масалан, Францияда вандей роялчилари оилаларида республикачиларга қаршилик ҳаракати 150 йил оғиздан оғизга кўчиб юрган.

Дастлабки ёзма тарихий манбалар 3 минг йиллар олдин пайдо бўлган. Уларда ўтмишга доир мавжуд оғзаки анъана сақланиб қолган ва аста-секин солномалар ёзиш шаклланган. Жумладан, Хитойда сарой тарихчиси Сима Цян (145 ёки 135 – тахминан 86 эрамизгача) тарихий ривоятларни тўплаб, тизимга солган ва шу асосда солнома ёзган. VIII асрда япон императори буйруғига биноан шундай китоб ёзилган. IX асрда пайғамбарлар

ҳақидаги хотиралар тўпланган. Масалан, бизгача ҳадислар тўплами етиб келган бўлиб, Имом ал-Бухорий тўплаган «Ҳадис ас-саҳих» энг ишонарли тўпламлардан ҳисобланади. Оғзаки анъанага асосан ёзилган асарлар ҳақида кўплаб мисол келтириш мумкин.

Айнан шу даврда тарихчининг манбалардан фойдаланишида миқдорий ва сифатий сакраш юз берди, бу аввало китоб босишдаги ривожланиш билан боғлиқ эди. Масалан, шаҳзода Савойский кутубхонасининг кутубхоначиси Френуа 1713 йилда чоп этган ва кейинчалик голланд, немис ва инглиз тилларига таржима қилинган «Тарихни ўрганишнинг янги усули: ушбу фанни такомиллаштириш бўйича оддий тавсиялар ва тўлиқ кўрсатмалар» номли китобда «катта амалий тажрибага эга, виждонан ишлайдиган тадқиқотчи» «кабинетдан чиқмасдан, фақат бошқа тадқиқотчилар маълумотларига таяниб иш кўрадиган тадқиқотчиларга нисбатан» устун туришини таъкидлайди. Мазкур муаллиф китобнинг 2-томида асосан Европа тилларидаги 10 мингта тарихий адабиётлар библиографиясини беради. Бу даврга келиб шунча адабиётлар рўйхати келтирилгани тарихий тадқиқотлар манбавий асоси кенгайганини билдиради. Инглиз тадқиқотчиси, масалан, графликлар ва алоҳида жойлар тарихи, биография ва биографик тўпламлар, саёҳатчилар хотираларидан фойдаланиши мумкин эди. Дала тадқиқотларисиз, кабинетдан чиқмасдан ҳужжатлар ва бошқаларда чоп этилган оғзаки манбаларга таяниб, тарихий тадқиқот олиб бориш имконияти пайдо бўлди.

Пол Томпсон таъкидлаганидек, XVIII асрда ҳам тарихий тадқиқотларнинг манбалари ўзгармаган. Масалан, маърифатпарвар Вольтер авлоддан авлодга етказиладиган оғзаки анъаналарни бемаъни уйдирма

деб атаган бўлса-да, ўз асарлари учун ҳам оғзаки, ҳам ёзма хужжат маълумотларини тўплаган. У «Карл XII тарихи» номли асарида (1731) «воқеа гувоҳлари билан маслаҳатлашмасдан биронта маълумотни киритмаганини» айтиб ўтган эди¹.

XIX аср ўрталаридаги машҳур тарихчилардан бири Маколей сэр Вальтер Скоттнинг оғзаки манбаларига таянган. Скотт ёшлигида, ёзувчи бўлишидан аввал, адвокат сифатида фаолият юритган ва унинг дастлабки нашрларидан бири «Шодландия чегараларидаги кўшиқлар» (1802) кишлоқ аҳолисидан эшитган халқ балладалари тўпламидир.

XIX аср ўрталарида француз тарихчиси Эколь Нормаль, Сорбонна ва Коллеж де Франс профессори Жюль Мишле яратган «Француз инқилоби тарихи» (1847–1853) китобининг асосига фақат ёзма манбалар қўйилмасдан, унда эсдаликлардан ҳам кенг фойдаланилган. Ж.Мишле 1798 йилда Парижда туғилган, яъни бу вақтда Бастилия ишғол қилинганига ҳали ўн йил ҳам тўлмаган эди. У 10 йиллар давомида Париждан ташқарида оғзаки эсдаликларни тизимли равишда тўплаган. Жюль Мишле расмий хужжатлар маълумотларини аҳолининг сиёсий қарашлари билан уйғунлаштиришни мақсад қилган эди.

Оғзаки тарих янги фан тармоғи ва янги метод сифатида XX асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлаган. Оғзаки тарих методининг асосчиси сифатида америкалик журналист Жо Гулда тан олинади. У ўзининг «Бизнинг давримизда оғзаки тарих» китобини ёзиб оғзаки тарих методига асос солди. Мазкур асар АҚШда нашр қилинган. Айтиш мумкинки, АҚШ

¹ Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. – М., 2003. – С.43.

тарихчи-тадқиқотчилари ушбу методнинг ижтимоий фанлар тизимига кириб келишига катта ҳисса қўшган. Айнан АҚШда 1948 йили Колумбия университети қошида оғзаки тарих маркази иш бошлайди. 1967 йил шу мамлакатда оғзаки тарих ассоциацияси ташкил топади.

Кейинги йилларда Европа мамлакатларида ҳам оғзаки тарихга алоҳида эътибор берила бошлайди. Жумладан, 1970-йиллар бошида Буюк Британия тарих-шунослигида «оғзаки тарих»нинг академик жихатдан шаклланиши ва тан олинishi жараёни бошланади. 1971 йилда ташкил этилган «Oral History» журнали, кейинчалик шу номда оғзаки тарих пионерларидан бири бошчилигида вужудга келган жамият «пастдан юқорига йўналган тарих» тамойили асосида билишга ҳаракат бошланганидан далолат беради. Ушбу методнинг ривожланишига ва кенг қўллана бошланишига 1977 йил инглиз тарихчиси Пол Томпсон яратган «Ўтмиш овози»¹ асари катта ҳисса қўшган.

Оғзаки тарихнинг «отаси» Пол Томпсон «оғзаки анъана» деганда алоҳида инсонларнинг – деҳқонлар, шаҳарликлар, қариялар, аёллар, болаларнинг фикрлари йиғиндисини тушунган, бунда баъзи фикрлар кўп мараба тақдорланган².

Ж.Мишле оғзаки гувоҳликларнинг устун ва нозик жиҳатларини яхши англаб етган. У ўз даврининг машҳур олимларидан ҳисобланган. Бундан юз йил ўтиб тарих фани анъанавий усуллардан шунчалик узоқлашиб кетдики, профессор Жеймс Вестфолл Томпсон «Тарих фанининг тарихи» номли монументал ки-

¹ Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. – М., 2003.

² Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. М., 2003. – С.36.

тобида Мишленинг асаридан парча келтирган ҳолда «тарихий маълумотлар тўплашнинг ғалати услубини» қўллаганини таъкидлайди. Нима учун вазият мутлако ўзгариб кетди? Қайси босқичда оғзаки тарих аввалги аҳамиятини йўқотиб қўйди?

Ёзув пайдо бўлгунга қадар тарих фақат оғзаки шаклда эди. Аммо барча нарсалар ўрганилган: хунар-мандчилик, кун ва йил вақтлари, осмон жисмларининг жойлашуви, жуғрофий тушунчалар, қонунлар ва бошқалар. Ян Вансина «Оғзаки анъана: тарихий методология тадқиқоти» номли асарида¹ (1965) Африка оғзаки анъаналарида 5 та категорияни ажратиб кўрсатади. Биринчидан, формулалар: таърифларни, маросим, шиор ва унвонларни ёдлаш; иккинчидан, жуғрофий номлар ва исмлар. Ундан кейин расмий ва норасмий шеърят – тарихий, диний ёки шахсий. Тўртинчи категорияни тарихий, тарбиявий, бадий ёки шахсий ҳикоялар ташкил қилади. Ниҳоят охириги категорияга ҳуқуқий ва бошқа изоҳлар киради.

Анъаналар катта аҳамиятга эга бўлгани сабабли уларни оғзаки шаклда бир авлоддан иккинчи авлодга етказиб беришнинг ишончли механизми ишлаб чиқилган ва жуда кам ўзгаришлар билан кейинги авлодга етказилган. Масалан, маросимларни адо этиш, низоларни ҳал қилиш, амални эгаллаш вақтида айтиладиган сўзлар матнни аниқ сақлаб қолишга имкон берган, баъзан шунчалик эскириб кетганидан тушунарсиз ҳам бўлган. Қадимда саройларда махсус амалдорлар турли анъаналарнинг сақланиб қолишига жавобгар бўлган².

¹ Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. М., 2003. – С.37.

² Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. – М., 2003. – С.39.

Бундан ташқари, қишлоқлардаги махсус бахшилар аждодлар ривоятларини кейинги авлодга етказиб беришда катта ўрин тутган. Уларнинг аналоглари дунё халқларининг кўпчилигида учрайди, жумладан, скандинав халқларида скальдлар, ҳиндларда ражпутлар шундай иш билан машғул бўлган.

«Оғзаки тарих» тарихий тадқиқотнинг услубиятидан бири бўлиб, унда ёзма манбалар ва моддий ашёлар билан биргаликда янги категориядаги манбалар таҳлил қилинади. Шу билан бирга оғзаки манбалар ҳам ёзма манбалар каби ўз кучли ва заиф жиҳатларига эга бўлиб, у тафсилотларга бой ва моҳият жиҳатидан турли хил, аммо маданий қолиплар ва сиёсий қарашлар билан боғлиқ хатоликлар учрайди, шунинг учун ҳам унга илмий-танқидий ёндашиш лозим. Улар ижтимоий хотиранинг шаклланиш йўллари ҳақидаги маълумотлар учун қимматли манба ҳисобланади, оммавий тарихий онг шаклланиши жараёнига кириб бориш имконини беради. Оғзаки тарих материалларининг қимматли жиҳати унда тарихий воқеалар гувоҳларининг барқарор таассуротлари сақланиши билан аниқланади, унда бошқа манбаларда учрамайдиган ноёб маълумотлар мавжуд. У ўз тадқиқот усули – интервью орқали муайян давр ҳақида ўша даврда яшаган шахс билимларини қайд этади. Воқеа гувоҳларининг у ёки бу воқеа ҳақидаги ҳикояси аудио ва видеотехника ёрдамида ёзиб олинади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихининг баъзи мавзуларини ўрганишда оғзаки тарих усулларида кенг фойдаланилган. Туркистондаги 1916 йил кўзғолони тарихи шундай мавзулар сирасига киради. Масалан, 1946 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти уюштирган экспедиция таркибида олимлардан Х.Зарипов, Х.Расул, М.Афзалов,

И.Ражабов, М.Алавия ва Ҳ.Зиёевлар Жиззахда бўлишиб, 1916 йил Жиззах кўзғолони тафсилотлари, кўзғолонга бағишлаб тўқилган кўшиқ, термалар ва кўзғолон қатнашчилари эсдаликларини ёзиб олдилар¹. Бундан ташқари, т.ф.д., профессор Ҳ.Зиёев ва бошқа олимлар Туркистоннинг бошқа жойларида рўй берган 1916 йил кўзғолони иштирокчилари билан суҳбатлар олиб бориб, ўз тадқиқотларида уларни акс эттирганлар².

Социологик усуллардан фойдаланиш. Масалан, ижтимоий муносабатларни тадқиқ этишда элита, яъни ижтимоий пирамиданинг юқори чўққисида турган, ҳокимиятга ва таъсир кучига эга бўлган ижтимоий қатлам тарихини ўрганиш алоҳида йўналишни ташкил этади. Элита таҳлил этилганда унинг таркибига, шахсий характеристикаси, ҳокимиятни ушлаб туриш усуллари, тафаккури, ижтимоий алоқалари, кундалик машғулотларига эътибор берилади. Элитани тарихий таҳлил этиш услубларидан бири просопография, яъни тарихий жараённи сиёсий раҳбарлар мавқеини ҳар томонлама ўрганиш орқали тадқиқ этиш мумкин.

Социология усулларида фойдаланишнинг намунаси сифатида Е.С. Сеньевскаянинг «XX асрда уруш психологияси: Россиянинг тарихий тажрибаси» номли

¹ Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – Б.72.

² Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII – XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.400–430; 5. Зияева Д.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918–1924 гг.): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1999. – 61 с.; Исмоилова Ж. XX аср бошида Туркистонда миллий-озодлик курашлари. (Фарғона водийси мисолида.) Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2002.

китобини ёзишда қуролли тўқнашув қатнашчилари билан ўтказган интервью ва анкеталаштиришини мисол қилиб келтириш мумкин¹. Россия ФА Тарих институти ва Россия давлат гуманитар университети ҳамкорлигидаги Афғонистон урушининг оқибатларини ўрганишга бағишланган тадқиқот 1993 йил октябр-декабрида ўтказилди. Муаллиф уруш тугаганига бир неча йил бўлгани сабабли посттравматик синдром бироз юмшаганини ҳисобга олди² ва шу боис респондентлар ўз бошидан кечирган воқеаларни вазминлик ва ақл-идрок билан айтиб беришлари мумкин эди. Бундан ташқари, уруш воқеалари уларнинг хотираларида ҳали яхши сақланган эди³. Е.С. Сенявская Афғон урушини ўрганиш учун хотира-интервью ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканини асослаб берди. Бу давр бўйича бошқа манбаларда маълумотлар кам ва ҳаққоний бўлмаган, чунки бу уруш «эълон қилинмаган», «махфий» эди, ҳарбий цензура эса ниҳоятда кучли эди. Муаллиф икки хил тарихий-социологик тадқиқот ўтказди: чуқур интервью (14) ва анкеталаштириш (150 респондентдан ортиқ). Дастурга кўра, тадқиқот мақсади тарихий-социологик манба вужудга келтириш эди, у фронт ҳаётига доир муаммолар, уруш қатнашчилари турмуши ва психологиясига доир маълумотларни ўз ичига олган. Тадқиқот учун танланган респондентлар классик социологик тадқиқотга тўлиқ тўғри келмаса-да, улар асосий кўрсаткичлар бўйича танланди (жинси, ёши, маълумоти,

¹ *Сенявская Е.С.* Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М., 1999.

² Уруш тугашидан сўнг жанг қатнашчиларининг махсус психологик ҳолати, бу ҳолат инсон психикасига салбий таъсир кўрсатади ва тинч ҳаётга кўникиши мушкул кечади.

³ *Сенявская Е.С.* Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М., 1999. – С. 28.

оилавий аҳволи)¹. Тадқиқот услубияти олдиндан тугзилган саволлар асосида эркин интервью ўтказишга асосланган, ammo респондентлар фақат лозим топган саволларига жавоб бериш имконига эга бўлган. Респондентлар розилиги билан суҳбат диктофонга ёзиб олинган. Аниқ бир савол доирасидан чиқиб кетган респондентнинг суҳбати бўлинмасдан эшитилди, чунки у гапириб бераётган мавзулар унинг учун муҳим эканлиги ҳисобга олинди, уларнинг психологик хусусиятлари ва унинг урушга муносабати ҳақида қўшимча маълумотлар берган². Е.С. Сенявская интервью ўтказишга ижодий ёндашди ва уни тарихий-психологик тадқиқот хусусиятларига мослаштирди. У «классик интервьюдан фаркли равишда битта эмас, бир нечта саволлар бериб, респондентни эркин ва унинг хоҳишига кўра хотирлашга йўналтирди»³. Бу эса фақат жангларда қатнашиш ва фронтдаги ҳаёт хусусиятлари ҳақида маълумот бериб қолмай, балки респондентнинг қадрият тавсифлари (урушга, душманга, қуролдош дўстларга муносабат ва б.) ҳақида ҳам маълумотлар беради. Шунинг билан ташкил этилган манба ва бошқа материаллардан фойдаланиш асосида, уларни интерпретация қилиш усули, фанлараро ёндашувлардан фойдаланиб, муаллиф уруш иштирокчиларининг хулқ-атворидаги турли жиҳатлари, уларнинг жанг вақтидаги ва жангдан кейинги фикрлари ва идроклари ҳақида тадқиқот яратди. Тадқиқотда уруш образи ва унинг эволюцияси, душманга муносабат, дин шакллари ва характери, фронт турмушининг ўзига хос хусусиятлари, урушда

¹ Сенявская Е.С. Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М., 1999. – С. 28–29.

² Сенявская Е.С. Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М., 1999. – С. 30.

³ Сенявская Е.С. Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М., 1999. – С. 30.

хотин-қизларга муносабат, уруш иштирокчилари тақдирига урушнинг таъсири каби масалаларга эътибор қаратилган. Бошқа тадқиқотларда ҳам социология усулларидан кенг фойдаланилганини кўриш мумкин¹.

Тарихий воқеалар иштирокчиларидан интервью олиш ва анкеталаштириш усули

Е.С. Сенявская «агар ўрганилаётган воқеа иштирокчилари ва замондошлари ҳаёт бўлса, тарихчи кишиларнинг ўзидан бевосита ахборот манбаи сифатида фойдаланиш имконига эга бўлади. Унинг устунлиги шуки, тадқиқотчи янги манба вужудга келтириш жараёнини ўзи бошқариши, олинadиган маълумотларни аниқлаштириши мумкин»².

П.Томпсоннинг ёзишича, воқеа иштирокчиларининг гувоҳлиги уч томонлама аҳамиятга эга. Биринчидан, маълумотларни талқин қилишда янги ёндашувларни ишлаб чиқишга имкон беради. Иккинчидан, тарихий воқеаларни аввал ҳаққоний талқин қилинган ёки қилинмаганини аниқлашда ёрдам беради. Учинчидан, воқеалар индивидуал даражада қандай қабул қилинганини ўрганишга шароит яратади.

Оғзаки тарихнинг маълумотлар базасини вужудга келтиришда қуйидаги талаблар инобатга олинishi лозим:

интервью давомида томонларнинг бир-бирига таъсири ҳисобга олинади;

хотира бошқа манбалар таъсирига берилган бўлиши мумкин, у ҳиссиётга йўғрилган ҳамда иккиламчи манба, чунки аввалги версиялари хотирадан ўчиб кетган;

¹ *Миронов Б.Н.* Историк и социология. – Л., 1984; Советский простой человек. (Опыт социального портрета на рубеже 90-х). М., 1993; Серебрянников В.В. Человек и война в зеркале социологии // Военно-историческая антропология. – Ежегодник, 2002. – С. 23–37.

² *Сенявская Е.С.* Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М., 1999.

оғзаки гувоҳлик бошқа манбалар каби танқидий таҳлилни талаб қилади;

уни бошқа манбалар билан қиёсий равишда ўрганиш лозим.

Оғзаки тарихнинг илмий аҳамияти қуйидагилардан иборат: 1) ўрганилаётган тарихий воқеалар ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган нодир маълумотлар жамланган; 2) ижтимоий ва хусусий дунё ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда ижтимоий фан тармоқларида махсус метод сифатида қўлланилади. Ушбу методда ахборот тадқиқотчининг шахсий интервьюси натижасида ҳосил қилинади.

Ўзбекистонда ҳам оғзаки тарих йўналиши бўйича тадқиқотлар амалга оширила бошлади. Жумладан, 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти томонидан Ўзбекистон тарихининг турли даврларини ўз ичига олган оғзаки тарих бўйича тадқиқотлар ҳамда «Oral history» бўйича жаҳон тажрибаси масалаларини ўзида акс эттирган тўплам нашр этилди¹.

Оғзаки тарих методининг асл моҳияти – катта ёки кичик тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ушбу воқелик ва тарихий шахслар ҳаётини бевосита кузатган ва шоҳиди бўлган гувоҳларнинг оғзаки хотиралари орқали қайд қилишдан иборат.

Оғзаки тарих шарофати билан тарихий жараёнлар уларнинг иштирокчилари нигоҳи орқали ўрганилади. Масалан, бир неча ўн минг киши иштирок этган жанг

¹ Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник материалов конференции. Выпуск I. Отв. ред. Р.М. Абдуллаев. – Ташкент, 2011. – 384 с.

тарихини ўрганишда жангнинг ҳар бир иштирокчиси индивидуал тарихини: унинг нима қилгани, нимадан хавотирланганлиги, нимани ҳис қилганлигини тиклаш имконияти мавжуд эмас. Аммо буни билмасак, ўша жанг ҳақидаги билимларимиз тўлиқ бўладими? Ёки воқеа қатнашчилари тарихчилар асарини ўқиб, ҳақиқатда нима бўлганини танимаса, бу ҳақдаги билимларимиз етарли бўладими?

Оғзаки тарих туфайли воқеа иштирокчиларининг далиллари сақланиб қолади, акс ҳолда улар изсиз йўқолиб кетади. Айниқса, у таъқиқланган даврлар ва мавзуларни ўрганиш ҳамда муайян қолипда, фақат расмий манбалар асосида ўрганилган даврлар ва мавзуларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу методнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, тадқиқ қилинаётган тарихий жараёнда бевосита иштирок қилган, бироқ тадқиқотларда орқа фонларда қолиб кетадиган «кичик одамлар» ҳақида маълумот беради, иккинчидан, тўпланган ахборотлар тарихнинг бошқа фан тармоқлари учун фойдали бўлади, мисол учун, тарихий антропология, тарихий психология, тарихий герменевтика, учинчидан, ушбу метод маданий-семантик код авлодлардан авлодларга ўтиб боришини таъминлайди.

XX асрнинг биринчи ярмида Францияда фаолият олиб борган «Анналлар» мактаби вакиллари фикрига кўра, «биз урушлар тарихини ўрганар эканмиз, унда бир неча иштирокчилар маълумотларига таянамиз, чунки биз ҳар бир шахсга индивидуал тарзда ёндаша олмаймиз деб ўйлаймиз ва шу боисдан ҳам улар нима қилган, қандай яшаган каби саволларга жавоб топа олмаймиз, бу ҳолат эса ушбу уруш иштирокчилари тарихи ҳақидаги асл ҳақиқатдан узоқлашиб кетишимизга сабаб

бўлади. Натижада бу ҳақда ёзилган тарихни шу жараён гувоҳи бўлган иштирокчи ўқиганида реал воқеликни топа олмайди»¹.

Оғзаки тарих учун маълумотлар йиғишда тадқиқотчи бир қатор муаммоларга дуч келиши мумкин. Булар: 1) шу воқеа иштирокчиларини излаб топиш ва интервьюга жалб этилаётган кишиларнинг ушбу воқеага қанчалик даражада гувоҳ сифатида иштирокини аниқлаш муаммоси; 2) улар сўзлаб бераётган маълумотларнинг қай даражада ҳақиқатлигини аниқлаш учун исбот излаш каби муаммоларга учраши мумкин; 3) иштирокчининг хотиралари панд бермаслиги ҳам муҳимдир. Одатда бундай интервьюлар катта ёшлилар, асосан, кексалар орасида ўтказилиши ҳисобга олинса, бу тадбирга алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади; 4) иштирокчиларнинг ушбу воқеага нисбатан ҳиссиётлари ва муносабатини аниқлаб олиш; 5) бунда интервьюда иштирок қилаётган инсоннинг автобиографияси билан таниш бўлиш фойдалидир. Шунда иштирокчининг воқеаларга нисбатан қанчалик ҳолис фикр билдира олиши ва қай даражада ҳиссиётларга берилиши мумкинлигини билиб олиш мумкин; 6) интервьюда иштирок қилаётган шахснинг темпераменти ҳам аниқланиши лозим; 7) интервьюда қатнашаётган шахс воқеаларни қанчалик ҳаққоний гапириб бера олади, у қай даражада ҳаёлий тўқималардан фойдаланаётганини аниқлаш кабилар.

Оғзаки тарих билан шуғулланувчи тадқиқотчи учун қуйидагиларни билиб олиш муҳим ҳисобланади:

Интервьюда иштирок қилаётганлар ўрганилаётган воқеликда нимани олдинги фонга чиқаряпти, улар мазкур воқеанинг қайси жиҳатини кўпроқ ёритмоқда ва

¹ Қ.: Jan Vansina, *Living with Africa*. – Madison, Wis., 1994.

нега айнан шу жихатига кўпроқ урғу беряпти каби саволларга жавоб бера олиши керак;

Интервью жараёнида иштирокчининг шахсий буюмлари, ёзишмалари ва хужжатлари ҳам асқотиши мумкин;

Воқелик ҳақида интервью бир эмас, бир неча гувоҳлар орасида ўтказилгандагина фойдалидир.

Тадқиқотчи интервью давомида тўплаган маълумотлар, эндиликда унинг шахсий ижод маҳсулига айланади ва унга қанчалик ишлов бериш унга боғлиқ ҳолдир. Бироқ тарихий ҳақиқатни ойдинлаштириш учун интервью натижалари тўғри тақдим қилиниши шарт.

Интервью давомида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Саволлар бир-бирига боғлиқ тарзда бир-бирини тўлдирадиган қилиб тузилиши талаб этилади.

Саволлар интервью қатнашчиси холис жавоб бера оладиган қилиб тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Саволлар иштирокчига аввалдан маълум қилиниши тўлиқроқ жавоб олишга имкон беради.

Интервью иштирокчиси расмий тарзда бирор жойга чақирилиши мақсадга мувофиқ эмас, суҳбат шундай жойда бўлиши керакки, танланган жой иштирокчига яна қўшимча ҳис-туйғулар бера олсин.

Интервьюда иштирок қилувчига ҳис-туйғуга эмас, аниқ фактларга таянувчи жавоблар олишга имкон берувчи саволлар ҳавола этилиши лозим.

Баъзи ҳолатларда интервью берувчига унинг интервьюда қатнашаётганини билдириш керак эмас, у ҳаяжонланиши ва маълумотларни эсдан чиқариши мумкин, у хабардор бўлганда тадбир ҳам аудиотехника воситалари унга яққол кўрсатилмагани маъқул.

Интервью натижаларини илмий истеъмолга киритиш

Интервью тасмаларда қайд қилинаётганда унда сана ва вақт аниқ ифодаланаётганига эътибор қаратиш керак.

Интервьюдан сўнг жавоблар таҳрир қилиниши ва таснифлаб олиниши зарур, ҳар қандай жавобни ҳам жавоб сифатида қабул қилиб, тадқиқотга киритиб бўлмайди.

Тўпланган жавоблар бошқа мавжуд маълумотлар асосида яна бир бор таҳлил қилинади. Жавоблар тадқиқотда фойдаланса бўладиган даражага чиқарилиши учун у тарихнинг бошқа методлари асосида яна бир бор кўздан кечирилиши лозим. Интервью натижалари эълон қилинаётганда унда сўров қатнашчиси ҳақида зарур маълумотлар, интервью вақти ва жой номи ҳам кўрсатилади.

Замонавий тарихий тадқиқотларнинг янги усулларида инсон омили асосига қўйилаётган бугунги даврда «оғзаки тарих» ва шу йўналишдаги бошқа усулларнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Оғзаки тарих шуниси билан аҳамиятлики, унда «кичик ишлар» ва «кичик одамлар» воситасида ўша давр руҳиятини, инсонлар дунёқарашини ўрганиш ва таҳлил қилиш каби катта қамровдаги ишларни амалга ошириш мумкин.

Ҳар қандай воқеликни ёритишда «тирик гувоҳлар»нинг шохидлиги зарурий аҳамиятга эгалиги ҳаммамизга яхши маълум. Чунки фақатгина улар воқеликнинг энг майда жиҳатлари, сабаблари ва оқибатларини кўра олади, зеро буларни ўз бошидан ҳам кечирган.

Халқимизда «табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб» ёки «минг марта эшитгандан, бир марта кўрган

афзал» каби халқ нақллари мавжуд. Бу эътирофларнинг ўзи ҳам оғзаки тарихга эътиборни оширишга ундайди.

Айниқса, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида хотира ва гувоҳликлардан бошқа манбалар қолмаган тақдирда оғзаки тарих усулларидан фойдаланиш аҳамиятлидир.

Масалан, қуйидаги мавзуларни ўрганишда катта самара беради:

Расмий тергов ишлари материалларида сақланган сиёсий репрессиялар ва ижтимоий курашлар тарихи «бир томонлама» қарашларни акс эттиради. Оғзаки тарих ва қурбонлар хотирасидан фойдаланмасдан репрессияга учраган кишилар нуқтаи назарини бериб бўлмайди, фақат «тергов тахмини» билан чегараланишга тўғри келади;

Ҳарбий тарих, айниқса, «оммавий бўлмаган» ва локал конфликтлар;

Жамиятнинг баъзи қатламлари (масалан, қаровсиз қолган болалар, мигрантлар) тарихи;

Этник тарих, айниқса, қишлоқ аҳолиси, шунингдек, кичик халқлар тарихи;

Гендер тарих ва хусусий ҳаёт тарихи.

Умуман олганда, оғзаки тарих ўтмишда яшаган кишилар онги ва унинг трансформациясини, у ёки бу тарихий жараёнларнинг кечишини акс эттириш имкониятини беради. У тарихий антропология, микротарих, менталлик тарихи, кундалик ҳаёт тарихи, хусусий ҳаёт тарихи, тарихий психология ва бошқа тарихий-антропология йўналишларига бой материал етказиб беради.

Саволлар:

1. «Оғзаки тарих» тушунчаси қандай маъно касб этади ва бу усулнинг афзалликлари нималардан иборат?
2. Тарихий воқеалар иштирокчиларидан интервью олиш ва анкеталаштириш усули тўғрисида сўзлаб беринг.

3. Оғзаки тарих яратишнинг асосий босқичлари ҳақида гапириб беринг.
4. Кундалик ҳаёт тарихида ўрганиладиган муаммолар нималардан иборат?
5. Сўров усули натижалари илмий истеъмолга қандай кiritилади?

2.6. Дискурс ва семиотик таҳлил усуллари

Мақсад: «Дискурс» тушунчаси, тарихий манбаларнинг дискурс таҳлили усули, дискурс таҳлилнинг босқичлари, семиотик таҳлил усули борасида талабаларга билим ва кўникмалар бериш.

Таянч сўз ва иборалар: Дискурс таҳлил, дискурс назарияси, ижтимоий воқелик, маданий-семиотик ёндашув, маданият матн сифатида, маданият тизимида белгилар, рамзлар, маданий кодлар, тарихий семиотика, тарихий манбалар ва ҳужжатларни таҳлил қилиш, семиотик усуллар.

«Дискурс» тушунчаси. Тарихий манбаларни дискурс таҳлил қилиш усули

«Дискурс» атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, муҳокама қилмоқ, мулоқот ўрнатмоқ деган маънони билдиради ва айнан шу маънода XVI–XVIII асрда фанда қўлланилган. Дискурс илмий далилларга асосланган нутқнинг синоними сифатида ишлатилиб, илмий муаммоларни аниқ бир мақсадга қаратилган муҳокамасидир. Уйғониш даврида дискурс тадқиқот жараёни ва изланиши режаси сифатида намоён бўлган. Янги даврда эса илмий фаолиятнинг қонун-қоидалари сифатида қўлланила бошлади.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, тадқиқотчилар турли матнларни ўрганаётганларида уларни таҳлил

этишда ёндашувларни бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Унда турли фан соҳалари, жумладан, антропология ва этнография, социология ва психология, лингвистика ва риторика, манбашунослик вакиллари иштирок этганлар. Улар янги соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшганлар. Дискурс таҳлилнинг асосини француз структурализми ташкил этади.

Россия тадқиқотчилари (антропологлар, тилшунос ва адабиётшунослар) XX асрнинг бошларида турли матнларни таҳлил қилишда оддий структура анализидан фойдаланганлар, яъни тилга белгилар тизими сифатида қараб, уни ташкил қилувчи компонентлар фонетик, грамматик, лексик birlikлари ўртасида ўзаро боғланиш ва муносабатларни тадқиқ этганлар. XX асрнинг 60-йилларида Клод Леви-Стросс структуравий антропология назариясини (1957 й. «Структурная антропология» китоби, 2001 й. рус тилига француз тилидан таржима қилиниб чоп этилган) яратди. Унинг асосий кизиқиши баён қилиш бўлиб, адабий ҳикоялар, кундалик ҳаётдаги тарих, фильмлар, ижтимоий афсоналар тилшунослик усулларига таяниб тадқиқ этилган.

XX асрнинг 80-йилларида голландиялик машҳур олим Т.А. ван Дейк (1985 йил, 4 томлик «Handbook of Discourse Analysis») текстларни тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилишда дискурс таҳлилинини янада бойитди. Матн маълумотларини қайта ишлаш жараёнига қатор янгиликлар олиб кирди. Биринчидан, инсоннинг билиши унинг дунё ҳақидаги умумий билими билан боғлиқдир. Дунё ҳақидаги тасаввури матндаги маълумотларни қабул қилиш ва талқин этишда муҳим, ҳатто ҳал қилувчи ўрин тутди. Бундан 30 йилча олдин тилшунослар таржимани машина орқали бажара бошлаганларида иттифоқо тилни тушуниш учун фақат

тил лексикаси ва грамматикасини билиш етарли эмаслигини англаб етдилар, бунинг учун дунё тўғрисидаги «кўшимча» билимга эга бўлиш ҳам талаб қилинади.

Иккинчидан, инсонлар воқелик ҳақида эмас, балки муайян талқинга эга воқеликнинг субъектив моделига эга бўлади. Т.А. ван Дейк тадқиқ этилаётган вазиятни тушунгандагина матнни тушуниш мумкинлигини исботлади.

Масалан, оммавий ахборот воситалари матнларини дискурс таҳлил этишда нималарга эътибор қаратиш лозим. Маълумки, оммавий ахборот шундай соҳаки, унга матнни беришда маълум чегаралар қўйилади. Матбуотда ўқувчи воқеликнинг ғоявий жиҳатдан турли мақсадларни кўзлаб қоғозга туширилганига дуч келади. Газета материаллари – журналистларнинг ижтимоий фаолияти натижаси бўлиб, улар ғоявий жиҳатдан яроқлилиги, маълум мақсад ва манфаатларга тўғри келиши ёки келмаслиги текширилади. Шу билан бирга, вазият модели қандай кўрсатилгани текширилади. Матбуот материалларини таҳлил қилаётганда тадқиқотчи атайлаб танлаб олинган вазият моделларига дуч келади. Уларни ўқувчига етказиб бериш ва ўқувчида маълум фикрларни шакллантириш матбуотнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ижтимоий ўзгаришлар даври тадқиқотлар учун бой материаллар тақдим этади. Ижтимоий ўзгаришлар билан бир вақтда тил ислоҳоти ўтказилиб, эски ижтимоий-сиёсий дискурс даврга жавоб берувчи янгиси билан алмаштирилади. Немис тадқиқотчилари Германия рейхи талафоти немис тилидаги ўзгаришларга олиб келди, деган фикрни илгари суради. Шунингдек, Хитой «маданий инқилоби» янги сўзлар луғатини вужудга келтирди. Американинг Вьетнамдаги уруши вақтида «вьет-

намча инглиз тили» деган атама вужудга келди, унда АҚШ маъмурияти матбуот орқали урушнинг бориши тўғрисида ахборот бериб борди.

Ҳозирги пайтда ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида, айниқса, МДХ давлатларида янги сўз ва атамалар пайдо бўлмоқда. Масалан, Россияда 1970-йиллардан бошлаб, янги сўз ва атамалар луғат-кўрсаткичи чиқа бошлаган. Унда рус тилининг изоҳли луғати XX асрнинг 50–60, 70–80 ва 90-йилларида матбуотда ҳамда бадий адабиётда пайдо бўлган сўзлар билан тўлдириб борилган. Россия парламентидаги очик тортишувлар асосида А.Н. Баранов ва Ю.Н. Караулов рус тилининг сиёсий метафора луғатини чоп эттирган. Тадқиқотчилар сиёсий мулоқот парадигмаси ўзгаришини, сиёсий диалог ривожлангани, ўз сиёсий позициясини очик билдиришини таъкидлайдилар.

Кундалик тилимизга янги сўзлар кириб келди, баъзида телевидение орқали сленг, жаргон лексикани эшитиш мумкин. Бу эса миллатнинг ўзлигини йўқотишига олиб келиши хавфини вужудга келтириши мумкин. Россияда «Ёшлар сленглари изоҳли луғати» (12.000 сўзни ўз ичига олган)¹ чоп этилди, янги кириб келаётган бир сўз ёки бирикма юзлаб сўзларни муомаладан сиқиб чиқармоқда. «Сленг» сўзи инглиз тилидаги «slang» сўзидан олинган бўлиб, жаргон деган маънони англатади. У лаҳжалар, ёшларнинг сўзлашув ва маиший нутқи жамламасидан иборат. Ёшлар сленги куйидаги умумий тавсифларга эга: нутқнинг аниқ адресга қаратилганлиги, яъни суҳбатдош фикрларини бошқалардан сир тутишни хоҳлаши; маълум жамоага

¹ Стенин И.А. Словарь молодежного жаргона. – Воронеж, 1992; Словарь жаргонных слов и выражений // Мильяненко Л. По ту сторону закона. Энциклопедия преступного мира. СПб., 1992 ва бошқалар.

кўшилиш; вақтни тежаш мақсадида сўзларни содда-лаштириш; ўзининг бу соҳадаги билимларини намоён қилиши; ўзини ёш қилиб кўрсатиш ёки аксинча ўз ёшидан катта кўрсатиш; атрофдаги кишиларнинг эътиборини қаратиш. Мутахассислар фикрига кўра, 12–25 ёшлилар орасида сленглар анча кенг тарқалган. Бундан ташқари, сленгларнинг ишлатилиши кишиларнинг фаолият тури, ижтимоий мавқеи, дини, миллати ва бошқа жиҳатлари билан ҳам боғлиқдир. Сленглар тури бир қанча бўлиб, шулардан бири компьютер сленги: «сисадмин» – тизим маъмурияти, «лвл» – даража, «забанить» – блоклаб қўйиш, «блины» – дисклар, «мыло» – электрон почта, «виндец» – омадсизлик, «дрова» – драйвер ва бошқалар. Шунингдек, мисол сифатида талабалар сленги: степуха – стипендия, гос – давлат имтиҳони, автомат – имтиҳон топширмасдан баҳо олай ботан – ўта ҳаракатчан аълочи ўқувчилар, курсач – курс иши, шпора – шпаргалка ва бошқалар.

Бизнинг жамиятимизда ҳам ёшларнинг ўзаро мулоқотида «кўча» тилида гаплашиш ҳолатлари учрайди. Айниқса, ўсмир ёшлар ичида сленг сўзлар бот-бот ишлатилмоқда.

Дискурс таҳлилнинг босқичлари

Дискурс – инсон онгининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган, уни кундалик ҳаёт билан алоқада тутадиган воситадир. Дискурс индивиднинг (шахснинг) шаклланишига хизмат қиладиган, барча оғзаки ёки ёзма шакллар билан алоқадор ҳисобланади. Улар илмий нашрлар, ўқув материаллари ва маърузалар, турли очерклар, оммавий ахборот воситаларида ёзма ва оғзаки тарзда эълон қилинаётган маълумотлар, журналистлар, сиёсий ва маданий арбобларнинг нутқлари, иш юзасидан

битилган қайдлар, тиббий қайдномалар, хуллас, инсонни бошқа инсон билан боғлашга хизмат қиладиган барча сўзлар дискурс даражасига чиқа олади.

Дискурс – яхлит гап тузилмасидир. «Дискурс» атамаси этимологияси лотинча сўздан олинган бўлиб, «discutere» муҳокама ёки музокара олиб бормоқ маъносини англатади.

XVI – XVIII асрлардан ижтимоий фан тармоқларида илмий истеъмолга киритилган, дастлаб тилшунослик фанлари таҳлилида ва кўпроқ фалсафий таҳлилда қўлланилган.

XX асрнинг 60–70 йилларига келиб дискурсни гаплар ёки нутқлар кетма-кетлиги сифатида, яъни матн шарҳи сифатида қабул қилган бўлсалар, 1980-йиллар охирларига келиб дискурсга мураккаб алоқа боғловчи ходиса, мураккаб иерархик билиш ва фақатгина матн сифатида эмас, балки мураккаб лингвистик омил сифатида янада тўлиқроқ ва кенгроқ қараш бошланди.

XX асрнинг охирларидан фан тармоқлараро алоқа ёндашувининг оқибатида дискурсга нафақат семантик ва синтактик таҳлил воситаси сифатида, балки матн ва «манзил» (ўқувчи) муносабатларини прагматик ўрганувчи усул сифатида ёндашилди.

Бугунги кунда дискурсга инсониятни комплекс ўрганувчи усул сифатида қаралади. Айтиш мумкинки, замонавий ижтимоий фанларда амалга оширилаётган тадқиқотлар методологиясида дискурс таҳлил етакчи усуллардан бирига айланиб бормоқда, бу ҳол сиёсий тарих, сиёсат, социология ва тарих фанларида яққол кўзга ташланади.

Матн ва дискурс доимо бир-бири билан алоқадор, ҳар қандай дискурс матн бўла олиши мумкин, аммо ҳар қандай матн дискурс бўла олмайди. Жавонда турган

китоб «манзил» ўқувчи қўлига етиб келмагунига қадар у дискурс бўла олмайди.

Матн ва дискурс орасидаги фарқни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Дискурс прагматик – матн фақатгина лингвистик категория;

Дискурс жараёнлар категорияси – матн натижалар категорияси;

Матн мавҳум тузилма – дискурс уни актуаллаштиради.

Дискурс тилни актуаллаштириш хусусиятига эга, яъни мавҳум белгилар тизими ва матндаги мавҳум қарашлар тизимини ойдинлаштиради. Бу таҳлил ёрдамида тадқиқотчи муайян тарихий ва ижтимоий кенгликни ишлаб чиқа олиши мумкин.

Дискурс икки томонлама алоқа қилишдир, алоқа муаллиф ва субъект ўртасида амалга оширилади, субъект бу – ўқувчи, фойдаланувчи ва айни вақтда муаллифнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин. Дискурс далиллаш, дискурс муаллифи ўзгартирилаётган нарсаларни исботлаши ва далиллар асосида кўрсата олиши лозим.

Дискурс таҳлил тарихий тадқиқотларда кенг имкониятларга эга эканлигини М.Фуко ва Э.Саид каби Ғарб тадқиқотчилари илмий асарларида кўрсатиб берган. Э.Саид Шарқ халқлари тарихини ёритишда дискурс таҳлилдан фойдаланмасликнинг иложи йўқ, деб таъкидлайди¹.

Э.Саид мавзуни ўрганишда М.Фуконинг мавзуни таҳлил қилишдаги «дискурс таҳлил» (матнни мантикий ва қиёсий таҳлил этиш) дан унумли фойдаланади. Ориентализмни идентификациялашда (тенглаштириш,

¹ Фуко М. Археология знания. – СПб.: Гуманитарная академия, 2004; Саид Э. Ориентализм. – М., 2006. – С.10.

бирхиллаштириш) дискурс билишдан фойдаланмаслик мумкин эмас. Ғарбнинг уйғониш давридан сўнг Шарқни мустамлакага айлантириши Шарқда ўзларининг сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ҳамда ҳарбий ва фан соҳасидаги бошқарувининг ўрнатилишига ва Ғарб маданияти шарқни бошқара бошлаганига сабабларни билиш ва баҳолаш бу жараёнлардаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Тарихий тадқиқотларда дискурс таҳлил манбалар матнини талқин қилишга асосланади ва узвий боғлиқ бўлган бир неча босқични ўз ичига олади. Дастлаб бир манба ичида маълум мавзу, атама бўйича дискурс аниқланади. Кейин бир матн ичидаги фикрлар гуруҳи (дискурс) тизимлаштирилади ва улар баён қилинади. Учинчи босқичда эса бир матн ичидаги фикрлар гуруҳининг ўзаро муносабатлари ва уларнинг маълум давр ёки мавзудаги бошқа тарихий ҳужжатлардаги дискурслар билан алоқаси тадқиқ этилади. Бу турли дискурслар ва матндаги муайян рамзларнинг ўзаро алоқаларини, уларнинг маълум тарихий даврдаги эволюциясини талқин қилиш имконини беради. Бунда тарихчи фақат «Матнда нима ҳақда ва қандай айтилган?», деган саволга жавоб берибгина қолмасдан, балки «Бу дискурс нима учун айнан шу матнда вужудга келди?», деган саволга ҳам жавоб бериши лозим.

Тарихий манбаларни ўрганиш ва улар моҳиятини тушунишга имкон берувчи истиқболли усуллардан бири дискурс квантификация ҳисобланади. Унда нарратив тарихий манбаларни ўрганишда дискурс ва микдорий таҳлил (биринчи навбатда контент таҳлил) усулларини биргаликда ишлатиш назарда тутилади. Мазкур усул ижтимоий-маданий жараёнлар тадқиқотида, турли дискурсларни ўзида мужассамлаштирган ҳужжатларни

чукур таҳлил этиш ва уларнинг яширин моҳиятини очиб беришда ишлатилади.

Масалан, тарих фанлари доктори О.С.Поршнева Биринчи жаҳон уруши йилларида ишчилар, деҳқонлар ва аскарлар дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳақидаги¹ тадқиқотида ишчи ва солдат депутатлари советининг марказий органларига хатларни таснифлаш, уларнинг моҳиятини талқин қилиш ва хатлар мазмунидаги ўзаро боғлиқликларни кўп қиррали статистик таҳлил ёрдамида ўрганади. Бунинг учун дастлаб хатларнинг моҳияти уларни вужудга келтирган ижтимоий-маданий ва сиёсий контекстда сифат жиҳатидан таҳлил этилади. Олинган миқдорий таҳлил натижаларини талқин қилиш дискурс таҳлил белгиларига эга бўлган тарихий синтез асосида амалга оширилади.

Ишчи, деҳқон ва аскарларнинг марказий органларга ҳамда «Известия» газетаси таҳририятига йўллаган хатлари бу ижтимоий қатламлар оммавий онгининг моҳияти, унинг аҳамиятга молик жиҳатлари, тузилиши, ҳар бир маълумот манбасининг белгилари орасидаги алоқалар ва уларнинг бирлиги, ҳар бир сифат белгисининг бошқаси билан ўзаро алоқаси тизимини аниқлаш имкониятини яратади.

Тадқиқотда 330 та хатнинг моҳият белгилари – хат муаллифларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий муаммолар бўйича билдирган фикрлари ҳисобга олинди. Тадқиқотда жадвал тузилди, сатрлар сони хатлар сонига (330) тенг, устунлар сони эса моҳият категориялари – белгилар сонига тенг эди. Жами жадвалда $330 \times 64 = 21\ 120$ каттак мавжуд эди. Катаклар ҳар бир хат-

¹ Поршнева О.С. Менталитет и социальное поведение рабочих, крестьян и солдат России в период Первой мировой войны (1914-март 1918 г.). – Екатеринбург, 2000. – С. 267-287.

да учрайдиган моҳият категориялари учраш сони билан тўлдирилган. Агар хатда маълум бир моҳият категорияси бўлмаса, унга тўғри келадиган сонга 0 қўйилади. Кейин турли устунлардаги маълумотлар корреляцияси коэффициентлари ҳисоблаб чиқилади (биринчи ва иккинчи устун, биринчи ва учинчи устун маълумотлари). Жами 2 016 корреляцияси коэффициентлари аниқланди ва улар кейинги таҳлилларга жалб этилди.

Хатлар даврий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиниб, яъни баҳор, ёз, куз фаслларида ёзилганига қараб ажратилди, яъни бу даврда сифатий ўзгаришлар рўй берган эди. Хатлар моҳияти бу даврда жамият қуйи табақаларининг оммавий онгида эволюция юз берганини кўрсатади. Уларнинг оммавий онги структурасини 4 та асосий гуруҳга ажратиш мумкин: анъанавий (хатларнинг 40%), демократик (хатларнинг 47%), ҳарбийларга қарши (хатларнинг 51,5%) ва социалистик (хатларнинг 23,3%). Шунингдек, онгнинг диффуз (аралаш) ҳолати, яъни баъзи хатларнинг бир неча гуруҳга оидлиги ҳам аниқланган ва улар барча хатларнинг ярмини ташкил этган.

Таҳлил қилинган хатларнинг 47,9% солдатларга, 23,6% деҳқонларга, 14,9% ишчиларга тегишли бўлган. Қолган 13,6% аниқ бир ижтимоий қатламга тегишли бўлмаган, аммо уларнинг моҳияти, лексикаси хатлар жамиятнинг қуйи қатламлари вакилларига хос эканидан далолат беради. Контент таҳлил турли ижтимоий гуруҳ кишиларининг онгидаги фарқларни яққол кўрсатиб берди. Шунингдек, бу гуруҳдаги кишиларнинг долзарб ижтимоий муаммоларни ечиш моделларини ўрганиш имкониятини беради.

Ўзбекистонлик тарихчилар ҳам ўз тадқиқотларида семантик таҳлилдан фойдаланмоқдалар. Жумладан,

Г.Султонова қўлёзма асарлар ва уларни муайян ма-сала нуқтаи назаридан ўрганишда герменевтика ва семантик таҳлил орқали нафақат ўша манбаларда-ги маълумотларни илмий муомалага киритиш, балки айни фактларни қандай англаш лозимлиги каби савол-ларга ҳам жавоб беради. Маълумот ёки воқеликни баён қилган шахс ижтимоий мавқеи, тарихий даврдаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда унинг фикрларини таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Тарихий жараёнларни глобал контекстда ўрганишга алоҳида аҳамият бериш билан бирга жараённинг ҳудудий ўзига хослигини кўрсати-тиб ўтади. Тадқиқотларда қўлланилган манбаларни танқидий ўрганиш усули воситасида унинг ишончли-лик даражасини аниқлашга ҳаракат қилади¹.

Семиотик таҳлил усули

«Семиотика» тушунчасининг пайдо бўлиши швей-цариялик тилшунос, Женева тилшунослик мактаби асосчиси Фердинанд де Соссюр (26 ноябрь 1857, Жене-ва – 22 февраль 1913) номи билан боғлиқ, у тил белги-

¹ *Sultonova G. Inshā collections in Uzbekistan: a comparative analysis (In the context of the international relations of the Bukhara Khanate), in Central Asia, a Maturing Field, ed. A. Morrison & S. Saxena, Cambridge: Cambridge Scientific Publishers, 2016, pp. 199–211; Sultonova G.N & Scott Levi, Bukhara-Indian Diplomatic Relations, 1572–1598: Role of Actors, in Insights and Commentaries South and Central Asia, eds. Anita Sangupta and Mirzohid Rahimov, India: New Delhi, 2015, pp. 95–107; Sultonova G. Trade relations of Bukhara and Yarkand Khanates in the 16th and early 17th Century. // Journal of International Institute Central Asian Studies under the auspices of UNESCO. Vol. 11, 2010, pp. 40–48; Султонова Г.Н. Маҳмудов Ш. Ўрта Осиё хонлик-лари аҳолиси этник таркиби ва минтақада кечган демографик жараён-ларнинг манбаларда акс этиши (XVI – XIX аср биринчи ярми). Ташкент: Фан, 2011. – 128 б.; Sultonova G. Diplomatik yazişmalarda uluslararası ticaret meseleleri: Genel kurallar ve anlaşmalar (Buhara hanliki, Osmanli ve Rusiya). 4. Uluslararası Türk Dünyası Ekonomi Forumu 7–9 Mayıs 2015, Hitit Üniversitesi, Türkiye, p. 63–71; Sultonova G. Bukhara-Junghar relations: New sources and New Insights // Central Asiatic Journal, 2017. № 60. P. 42–63.*

лар тизими эканлигини исботлади. Унинг асосий асари бўлган «Умумий тилшунослик курси» (фр. «Cours de linguistique générale») олимнинг ўлимидан сўнг – 1916 йилда шогирдлари Шарль Балли ва Альбер Сеше томонидан Соссюрнинг ўқиган маърузалари асосида чоп этилган. Фердинанд де Соссюр семиология «жамиyat ҳаёти доирасида белгилар ҳаётини ўрганувчи фандир», деб таърифлайди ва бу фан белгилар нимадан иборат ҳамда қандай қонуниятлар уларни бошқаришини кўрсатиб бериши лозим, деб ёзади¹. Демак, семиотика – белгилар тизими ҳақидаги фандир. Анча йиллар давомида семиотика, асосан, журналистика ва коммуникация факультетлари қошида ўрганилди. Чунки айнан шу факультетлар медиатекстларни тадқиқ этган, улар учун «визуал матн» «вербал матн» каби муҳим бўлган. «Семиотика» тушунчасидан француз постструктурализм вакили Ролан Барт (12 ноябрь 1915, Шербур – 26 март 1980, Париж) ҳам фойдаланиб, мода, турли ўрамларни (упаковка) белгилар тизими сифатида тадқиқ қилди. 1967 йилда «Мода тизими» номли китоб нашр этган Барт XX асрнинг 50–60-йилларида структурализмга ўта бошлади, Фердинанд де Соссюр, даниялик тилшунос Луи Тролле Ельмслев (3 октябрь 1899–30 май 1965), машҳур француз этнологи, социологи, файласуфи ва структуравий антропология асосчиси Клод Леви-Стросс (28 ноябрь 1908 й., Брюссель – 30 октябрь 2009 й., Париж) ҳамда бошқа муаллифларнинг асарларини чуқур ўрганиши натижасида рамзлар тизимини таҳлил қилишда парадигмалар аҳамиятини тушунди².

¹ Соссюр Фердинанд де. Курс общей лингвистики. Пер. с французского. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С.40.

² Барт Р. Система Моды. Статьи по семиотике культуры. Перевод с фр., вступ. ст. и сост. С. Н. Зенкина. – М.: Издательство им. Сабашниковых, 2003. – 512 с.

Бартнинг структурализмга ўтишида «Рамзлар тасавури» (1962) ва «Структурализм фаолият сифатида» (1963) мақолалари муҳим ўрин тутди. 1960-йиллар бошида Барт оммавий коммуникацияларни ўрганиш марказининг ташкилотчиларидан бирига айланади, 1962 йилдан Олий билимлар амалий мактабидаги «Белгилар, рамзлар ва тасвирлар социологияси» семинарининг раҳбари бўлиб фаолият юрита бошлайди. 1973 йилдан мазкур семинар «Социология, антропология ва семиотика тадқиқотлари фанлараро маркази»га айлантирилади.

Барт «семиология» атамасини белгилар тизими ҳақидаги умумий фанга нисбатан ишлатган бўлса, «семиотика» атамасига аниқлик киритди, Масалан, «таом семиотикаси», «кийим-кечак семиотикаси» ва бошқаларга ўз тадқиқотларида эътибор қаратди.

Ҳаётининг сўнгги йилларида Бартнинг обрўи жуда ошиб кетди, 1977 йилда Франциядаги қадимий ўқув юртларидан бири Коллеж де Франсда унга махсус адабиёт семиологияси факультети очиб берилди. 1978 йилда Барт лавозимини эгаллаш пайтида ўқиган маърузасининг 30 йиллик илмий фаолиятининг масъули бўлиши билан бирга ўша давр семиологиясини ривожлантириш дастури вазифасини ҳам бажарди. Аммо бу дастурни бажариш имкони бўлмади, чунки 1980 йил 27 мартда Барт автоҳалокат оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Бартнинг фикрича, нафақат тиллар, балки турли моддий буюмлар ҳам коннотатив¹ мазмун касб этиши

¹ Коннотация (лотинча *connotatio* сўздан олинган бўлиб, таъкидламоқ, белгиламоқ деган маънони англатади) — маълум бир тилда сўзлашувчилар онгида тилнинг асосий маъзи билан бирга қўшимча семантик ёки стилистик элементларнинг вужудга келиши тушунилади. Синонимлар коннотацияси бир-биридан фарқ қилиши мумкин: масалан, «эшак» (коннотация — «ўжарлик») ва «эшак» (коннотация — «узок вақт ишлаш

мумкин, улар шу сабаб фақат амалий вазифани бажармай, балки рамзий вазифани ҳам бажаради¹. Масалан, кийим совуқдан химоялаш, озиқ-овқат маҳсулотлари очликни енгиш учун хизмат қилади, шу билан бирга, улар ижтимоий мазмунга ҳам эга бўлиши мумкин. Яъни оддий свитер ва жунли ёпинчиқ амалий вазифани бажаради, лекин бир пайтнинг ўзида уларнинг эгалари турли ижтимоий ва мулкый мавқега эгаллигини кўрсатади.

Коннотатив моҳият уни вужудга келтирган ғоявий контекст билан узвий боғлиқ, агар бу контекст йўқолса, моҳият ҳам йўқолади. Масалан, XX асрнинг 60–70 йилларида «космополитизм»² сўзининг моҳияти 1940-йиллардагидан кескин фарқ қилади. 1948–1953 йилларда совет иттифоқида зиёлиларга Ғарб мамлакатлари тарафдори сифатида қараб, уларни космополитизмда айблаб, уларга қарши кураш бошлайди. Яна бир мисол, Далнинг луғатида келтирилишича, «туб аҳоли» бирор бир мамлакатнинг маҳаллий аҳолисидир. Аммо

қобиляти»). Турли тилларда битта сўз коннотацияси бир хил бўлиши мумкин (масалан, кўп Еврора тилларида «тулки сўзи»), турли хил ёки зиддиятли (масалан, «фил» сўзнинг коннотацияси рус тилида – беўхшовлик, санскритда – «хушқомад» маъносини англатади). Коннотация айтилаётган фикрнинг хиссий ёки баҳолаш маъносини ва жамиятнинг анъанавий маданиятини ўзида акс эттиради. Коннотациялар предмет ва воқеликнинг ўзини эмас, уларга бўлган муносабатни кўрсатади. Масалан, қорли кучли шамолни билдирувчи бўрон, қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин: «пат бўрон каби айланар эди», «тулки» сўзи «айёрлик», «ғирромлик», «хўроз» – «кеккайганлик», «арралаш» – «қамиша бирхиллик», «шамол» – «беқарорлик», «тезлик» коннотациясига эгадир.

¹ *Барт Р.* Основы семиологии / Структурализм: «за» и «против». – М.: Прогресс, 1975. – С.131.

² Космополитизм (гречка *κοσμοπολίτης* (*kosmopolites*) сўзидан олинган бўлиб, космополит, дунё кишиси деган маънони билдиради) – Дунё фуқаролиги ғояси, унда инсоният манфаати алоҳида бир миллат ёки давлат манфаатларидан устун қўйилиши эътироф этилади, инсонга Ер юзидаги эркин индивид сифатида қарайди.

мустамлакага хос жумлада «Ер юзида 1 миллиард аҳоли ва 4 миллиард туб аҳоли яшайди», деб «туб аҳоли»га мафкуравий ургу берилади¹.

Белгилар рамзлар ролини бажаради, унда маълумотлар мавжуд. Белгилар тизими маданий тажриба, жамиятдаги ижтимоий ва маданий ўзаро таъсир трансляциясини амалга оширади.

Ҳар қандай маданиятнинг рамзлар гуруҳи ёзувгача бўлган даврга бориб тақалади, рамзлар маданиятнинг вертикал чизиқ бўйича кесимини ташкил этади, у ўтмишдан келиб, келажакка кетади. Рамзлар йиғини маданият бирлигини кўрсатади. Рамзлар, бир томондан, ўзгармас бўлса, бошқа томондан, маданият таъсирида ўзгариб туради.

Ю.М. Лотман тарихий манба матнига шифрланган баён қилиш деб қараган ҳолда тарих семиотикасини ўрганиш калитини кўрсатиб беради². Тарих семиотикаси ўтмишдаги рамзлар ва кодларни аниқлашни, уларни замонавий рамзий тизимга ўгиришни ва шу йўл билан манбанинг моҳиятини очишни таклиф қилади³.

Ю.М. Лотман «Кундалик ҳаётда декабрист» китобида⁴ декабристлар тарихини ўрганишда одатий муаммолардан четга чиқиб, рус кишиларининг алоҳида бир типи сифатида декабристларнинг кундалик ҳаётини ўрганади. Улар Россия тарихида ўз хатти-ҳаракати билан

¹ *Барт Р.* Семиотика. Поэтика. Избранные произведения. Перевод с французского. – Москва, 1989. – С.17.

² *Лотман Ю.М.* Проблема исторического факта // Лотман Ю.М. Внутри мыслящих миров. Человек – текст – семиосфера – история. – М., 1999. – С. 302.

³ *Филлюшкин А.И.* Методологические инновации в современной российской исторической науке // АСТНО NOVA, 2000. – С. 26.

⁴ *Лотман Ю.М.* Декабрист в повседневной жизни // Лотман Ю.М. Беседы о русской культуре. Быт и традиции русского дворянства (XVIII-начало XIX в.). – СПб., 1994. – С.331–384.

ажралиб турган. Муаллиф вазифани қўйишда тадқиқот қаратилган фаразни илгари суради. Ю.М. Лотман тарихий ва бадиий манбаларга асосланиб, декабристларнинг маиший турмушдаги хатти-ҳаракатини дворян жамиятидаги бошқа категориядаги кишилар билан қиёсий таҳлил қилади. Ю.М. Лотман декабристларга услуб бирлиги, аристократларга хос қоидалар ва шартлар онгли равишда хос эканини, асосий хатти-ҳаракат сифатида уларнинг нутқ сўзлашларига, барча чиқишларига рамзий маъно беради. Нима сабабдан бундай бўлди, деган табиий савол туғилади. Бу саволга жавоб бермасдан декабристлар хатти-ҳаракатининг моҳиятини тушуниб бўлмайди. Шу мақсадда Ю.М. Лотман дворян революционерларнинг психологик тавсифини улар фаолияти, давр тарихий-маданий шароити билан боғлаб кўрсатган ҳолда улар ўзларини тарихий буюк шахслар сифатида тан олгани ҳақидаги хулосага келди.

Декабристлар хатти-ҳаракатини матн сифатида кўрган Ю.М. Лотман «Одатий ҳаётда сўз хатти-ҳаракатни келтириб чиқаради: айтилган сўз хатти-ҳаракатда якун топади. Декабристлар ҳаётида эса сахнадаги каби, тартиб ўзгарди, яъни хатти-ҳаракат Сўзни келтириб чиқарди, унинг якуни, баҳоси, рамзий ифодаси бўлди. Агар амалга оширилган иш назарий декламацияда, тарихчи қайдномасида ёки бирон бир матнда айтиб кетилмаган бўлса, авлодлар учун йўқолиб кетган ва умуман бўлмагандек. Ҳаётда сўз ўзидан кейин хатти-ҳаракатни вужудга келтирган бўлса, декабристлар қарашларида хатти-ҳаракат Сўзни вужудга келтирган»¹. Бундан

¹ Лотман Ю.М. Декабрист в повседневной жизни // Лотман Ю.М. Беседы о русской культуре. Быт и традиции русского дворянства (XVIII–начало XIX в.). – СПб., 1994. – С.332.

ташқари, декабрист сўзи ҳар доим ошқора, очиқ омма олдида айтилган. Декабристлар сўз, ишорага алоҳида эътибор беришган. Маиший турмушдаги хатти-ҳаракатлари тўғридан-тўғри сиёсий айбловларга асос бўла олмаганлиги сабабли улар яширмаган, аксинча, уларни таниш белгилари сифатида таъкидлаган. Уларнинг бу ҳолати махфийликни сақлашда катта муаммо туғдирган¹.

Этнолог олима Г.Зуннунова ўз тадқиқотида Тошкент аҳолисининг турар жойи билан боғлиқ маросимларини ўрганишда семантик ёндашувдан фойдаланган. Дала тадқиқотлари асосида қурилишни бошлаш учун дастлабки ғиштни ёши улуғ, ҳурматли кишилар бошлаб бериши, бўлажак уй қурилишини муваффақиятли тугатиш учун тўсинлардан бирига оқ латта боғлаб қўйиш ва «қон чиқариш» амалга оширилиши таъкидланади. Муаллиф «қурилиш қурбонлиги» асрлар мобайнида ўзгариб борди, ҳозирги замонда қурбонлик қилиш билан бирга «ис чиқарилиши», яъни маросим таоми пишириб, унинг ҳидини арвоҳлар руҳига етказиш маросими ҳам амалга оширилишини таъкидлайди.. Бундай ташқари, уйга киришдаги (эшик, ойна, остона) элементлар ҳам семантик жиҳатдан ўрганилади. Шунингдек, маросим кийимлари, уларнинг сақланиши ва янги шакллари-нинг маросимга мослашуви семантик-семиотик ёндашув орқали ёритилган².

¹ *Лотман Ю.М. Декабрист в повседневной жизни // Лотман Ю.М. Беседы о русской культуре. Быт и традиции русского дворянства (XVIII–начало XIX в.). – СПб., 1994. – С.340, 342.*

² *Зуннунова Г.Ш. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций. – Ташкент, 2013. – 300 с.*


Саволлар:

1. Дискурс нима? Илмий адабиётда бу тушунчанинг мазмуни қандай ўзгариб борди?
2. Тарихий манбаларни дискурс таҳлил этишнинг асосий босқичларини таърифлаб беринг.
3. Семиотика нима?
4. Белги ва рамз нима, уларнинг ўртасида қандай фарқ мавжуд?
5. Маданий кодлар қандай шаклланади?
6. Маданиятда белги, рамз ва маданий кодларнинг роли қандай?
7. Тарихий-маданий тадқиқотларда семиотика усуллари-нинг қўлланишига мисоллар келтиринг.


Илова

Кириш. Тарих илмий билим сифатида


1-чизма. Тарих илмий атама сифатида икки хил маънони билдиради.



2-чизма. Н.М. Карамзин тарихнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган:



3-чизма. Кўпчилик тарихчилар тарихни ўрганиш зарурати тўғрисида қуйидагича фикр билдирганлар.



4-жадвал.

Қадимги Шарқ донишмандлари ва тарихчилари¹

Муаллиф	Даври	Давлат	Асар номи
Конфуций	Эр.ав. 551–479 й.	Хитой	«Лун юй» («Сухбатлар ва мулоҳазалар»)
Каутилья	Эр.ав. IV аср	Ҳиндистон	«Артхашастра» («Давлатни бошқариш санъати»)
Берос	Эр.ав. 350–280 й.	Вавилон	«Вавилон тарихи»
Манефон	Эр.ав. IV–III аср бошлари	Миср	«Миср тарихи»
Сима Цянь	Эр.ав. 145–86 й.	Хитой	«Тарихий ёзувлар»
Бань Гу	Эр. 32–92 й.	Хитой	«Хан сулоласи тарихи»

¹ Ҳар бир муаллифнинг биттадан асари келтирилган.


«Анналлар» мактаби	
Тарихчилар	Асосчилар (биринчи авлод): Марк Блок, Люсьен Февр Иккинчи авлод: Фернан Бродель, Эрнест Лабрус, Пьер Губер, Жорж Дюби, Пьер Шоню, Робер Мандру Учинчи авлод: Эммануэль Ле Руа Ладюри, Марк Ферро, Жак Ле Гофф, Пьер Нора, Филипп Арьес Тўртинчи авлод: Роже Шартье, Жак Ревель, Андре Бюргьер, Бернар Лепти
Назариялар	Менталитет тарихи, Кундалик ҳаёт тарихи, Янги тарих
Журнал	«Анналлар»

1.1. Илмий тадқиқот усуллари ва уларни классификациялаш


1.1.1-чизма.

Илмий билишнинг умумий усуллари 3 гуруҳга бўлинади		
1) эмпирик тадқиқот усуллари (кузатиш, таққослаш, ўлчов, эксперимент)	2) эмпирик ва назарий тадқиқотларда қўлланадиган усуллар (абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, моделлаштириш ва б.)	3) назарий тадқиқотларда қўлланадиган усуллар (абстрактликдан аниқликка ва б.)


1.1.2-чизма.



1.1.3-чизма.




1.1.4-чизма. Методологиянинг асослари бўлиб қуйидаги омиллар хизмат қилади




1.3. Тадқиқотларда фанлараро ёндашув


1.3.1.



1.3.2.



1.3.3.




1.3.4.




1.4. Тарихий тадқиқотнинг махсус усуллари ва миқдорий усуллар


1.4.1.




1.4.2.




1.4.3.



1.4.4.



1.4.5.



1.4.6.




2.1. Тарихга микро ва макроёндашувлар. Локал тарих

2.1.1.




2.1.2.




2.2. Кундалик ҳаёт тарихининг шаклланиши, ривожланиши ва тадқиқот усуллари

2.2.1.




2.3. Гендер ва менталитет тарихи ҳамда визуал тадқиқотлар тарих фанидаги янги йўналишлар сифатида
2.3.1.




2.3.2.

Визуал тадқиқот




2.3.3.



2.4. Оғзаки тарих усуллари

2.4.1.



2.4.2.

Оғзаки тарихнинг отаси – Пол Томпсон.
У яратган «Ўтмиш овози»

«Оғзаки тарих» атамаси пайдо бўлганига кўп бўлмаган эса-да, аммо «оғзаки тарих» тушунчаси янги эмас, тарих пайдо бўлиши билан оғзаки тарих вужудга келган ҳамда тарихнинг биринчи тури

Оғзаки тарих

Янги фан тармоғи ва янги метод сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаган

Оғзаки тарих материалларининг қимматли жиҳати тарихий воқеалар гувоҳларининг тассуроотлари билан белгиланади

2.4.3.

Тарихий воқеалар иштирокчиларидан интервью олиш ва анкеталаштириш усулида иштирокчиларнинг гувоҳлиги 3 томонлама аҳамиятга эга


Биринчидан, маълумотларни талқин қилишда янги ёндашувларни ишлаб чиқишга имкон беради

Иккинчидан, тарихий воқеаларнинг аввал ҳаққоний талқин қилинган ёки қилинмаганини аниқлаш


Учинчидан, воқеалар индивидуал даражада қандай қабул қилинганини ўрганишга шароит яратди

2.5. Дискурс ва семиотик таҳлил усуллари

2.5.1.



2.5.2.



2.5.3.

Семиотик таҳлил усули

Семиотика белгилар
хаётини ўрганувчи
фандир

Тадқиқот йўналиши
сифатида вужудга келгун-
га қадар журналистика ва
коммуникация факультет-
лари қошида ўрганилган

1977 йилда француз
олими Ролан Барт бошчи-
лигида Коллеж де Франс-
да семиология факультети
фаолият бошлади

Семиотика тушун-
часининг пайдо бўлиши
швейцариялик олим Фер-
динанд де Соссюр номи
билан боғлиқ

2.5.4.

Семиология ва тарих семиотикаси

Белгилар рамзлар ролини
базаради, унда маълумотлар
мавжуд

Белгилар тизими
маданий тажри-
ба, жамиятдаги
ижтимоий ва
маданий ўзаро
таъсир трансля-
циясини амалга
оширади

Тарих семиотикаси
ўтмишдаги рамзлар ва
кодларни аниқлашни
уларни замонавий
рамзий тизимга
ўгиришни ва шу йўл
билан манбанинг
моҳиятини очишни
таклиф қилади

Рамзлар мада-
ниятнинг верти-
кал чизик бўйи-
ча кесимини
ташқил қилади,
у ўтмишдан
келиб
келажакка
кетди

МУСТАҚИЛ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. *И.Д. Ковальченконинг* «Методы исторического исследования» асарида методлар талқини масаласи
2. *И.Д. Ковальченконинг* «Теоретико-методологические проблемы исторических исследований. Заметки и размышления о новых подходах» илмий мақоласининг илмий таҳлили
3. *М.Ф. Румянцеванинг* «Теория истории» ўқув қўлланмасида усул масалаларига янгича ёндашув
4. *А. Тойнби* «Цивилизация перед судом истории» асарининг тарихий тадқиқотлардаги амалий аҳамияти
5. *Февр Л.* «Бои за историю» асарининг илмий таҳлили
6. *Фукуяма Ф.* «Конец истории?» мақоласининг илмий талқини («Вопросы философии». – 1990. – №3)
7. *О. Шпенглернинг* «Закат Европы» асари илмий аҳамияти
8. *К. Ясперснинг* «Смысл и назначение истории» асарини илмий ўрганиш
9. *М.А. Баргнинг* «Цивилизационный подход к истории» илмий мақоласида цивилизацион ёндашувнинг ёритилиши
10. Тарихий жараёнларни ўрганишда цивилизация ва формация ёндашувининг қўлланилиш даражаси ва аҳамияти
11. *Самюэль Хантингтоннинг* «Столкновение цивилизаций» асарининг замонавий тарихий тадқиқотлардаги аҳамияти
12. Ўзбекистонда ижтимоий тарихни ривожлантириш масаласи

13. *М. Дингес* «Историческая антропология и социальная история: через теорию «стилей жизни» к «культурной истории повседневности»» илмий мақоласининг илмий таҳлили (Одиссей. Человек в истории)

14. *Ф. Бродельнинг* «Материальная цивилизация, экономика и капитализм XV–XVIII вв.» асарининг илмий талқини

15. *Бородкин Л.И., Леверманн раҳбарлигида нашр қилинган* «История и компьютер: Новые информационные технологии в исторических исследованиях и образовании» номли илмий мақолалар тўпламининг таҳлили

16. Локал тарих методи асосида тадқиқотни амалга ошириш

17. «Анналлар» мактаби фаолиятини илмий ўрганиш

18. «Кундалик ҳаёт тарихи» ёндашуви асосида тадқиқот амалга ошириш

19. Визуал материаллар асосида танланган тарихий мавзунини ёритиш

20. *П. Томпсоннинг* «Голос прошлого. Устная история» асарининг илмий таҳлили

ГЛОССАРИЙ

Абстрактлаштириш – бу усул универсал характерга эга бўлиб, тафаккурнинг ҳар бир қадами ушбу жараён билан боғлиқ. Бу усулнинг моҳияти шуки, асосий бўлмаган хусусиятлар, алоқалар, муносабатларга эътибор қаратилмасдан, предметнинг тадқиқотчини қизиқтирадиган асосий бир нечта томонларини тадқиқ этишга қаратилади. Абстрактлаштириш жараёни икки босқичли мураккаб характерга эга. Биринчи босқичда муҳим жиҳатлари номуҳимларидан ажратиб олинади. Айнан шу босқичда воқеликларнинг турли томонлари, турли омиллари баҳоланади. Иккинчи босқичда эса турли хусусиятларга бой бўлган объект билан алмаштирилади. Абстрактлаштириш жараёни бошқа тадқиқот усуллари билан, айниқса, анализ (таҳлил) ва синтез усуллари билан чамбарчас боғлиқдир.

Абстрактликдан конкретликка ўтиш тафаккурнинг асосий усуллари билан бирдир. «Абстрактлик» асосан инсон билимларини таснифлаш учун ишлатилади. Абстрактлик деганда бир томонлама, тўлиқ бўлмаган, предметнинг асосий моҳиятини очиб бермайдиган билим тушунилади. «Конкретлик», одатда, икки хил маънода ишлатилади: 1) воқелик, турли хусусиятларга эга бўлган объектлар; 2) объект ҳақида кўп қиррали, ҳар томонлама, тизимли билим.

Агрегатив метод – барча тур ва кўринишдаги манбалардан олинган тарқоқ фактларни жамлаш.

Анализ (таҳлил) (юнонча – ажратиш, парчалаш) – бир предметни таркибий қисмларга ажратиш орқали илмий тадқиқот олиб бориш усули.

Аналогия бу – айнан бир хиллик эмас, сифат жиҳатидан турлича бўлган тизимлар ҳақида аналогия асосида хулоса чиқарилади. А объектини ўрганишда тўпланган билимлар, камроқ ўрганилган Б объектга қўлланилади.

«Анналар» мактаби ёки «Янги тарих фани» – ХХ асрда Франция тарих фанидаги йўналиш бўлиб, ижтимоий фанларда ноанъанавий тадқиқот усуллари билан таклиф қилган.

«Анналлар» мактабининг асосий намояндалари Л.Февр, Блок, Ф.Бродель, Ле Гофф каби олимлар эди.

Анналчилар – қадимги Рим тарихчилари, улар тарихий воқеа-ҳодисаларни консулларнинг ҳукмронлик қилган йилларига қараб ёзишган.

Анналлар – қадимги ва ўрта асрларга мансуб бўлган, ўзининг қисқа баёни билан фарқ қилувчи йилномалар кўринишидаги ёзувлар.

Артефакт (сунъий равишда яратилган) – 1) инсон фаолияти натижасида рўй берадиган табиий жараёнлардан ташқари барча нарсалар; 2) тадқиқ қилиш давомида юзага келадиган жараён.

Архетип – намуна, бирламчи кўриниш ва ғоя.

Архитектоника – қисмларнинг бир бутунликка бирикуви, жамланма.

Аспект – тадқиқот объекти кўриб чиқиладиган нуқтаи назар қирраси.

Бифуркация – жараённинг тармоқлари нуқтаси, унда эволюциянинг янги чизиқлари вужудга келади (И.Пригожиннинг Бельгия мактаби томонидан киритилган).

Гендер тарихи – «Хотин-қизлар тарихи»дан фарқли равишда ўз предмети сифатида жинслар диалогини танлади. Гендер тарихи тарихий тадқиқотларда фанлараро ёндашувнинг намоён бўлиши бўлиб, янги ижтимоий тарихнинг яхлитлигини тиклашга қаратилган. Гендер тарихининг предмети ижтимоий муносабатларнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ҳамда уларнинг макротарихий контекстда намоён бўлиши ҳисобланади. Гендер тарихи жинсларнинг ижтимоий-маданий фарқлари ва жинслар иерархияси тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда уларнинг функциясини тарихий ретроспекцияда кўрсатади. Гендер муносабатлари динамикаси ижтимоий-тарихий ривожланишнинг умумий концепциясига қўшилиб кетади.

Визуал тадқиқотлар – XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Ғарб ижтимоий фанларида визуал материалларга қизиқиш

ортди: етакчи университетларда факультетлар сони кўпайди, махсус нашрлар пайдо бўлди, ушбу муаммоларга доир тадқиқотлар чоп этила бошлади. Бу эса визуал антропологияни баҳслар майдонига айлантирди, ҳозиргача тадқиқотчилар орасида визуал усуллар, улардан фойдаланиш ва бошқа усуллар билан мувофиқликда тадқиқотлар олиб бориш ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда. Ҳозирги кунда визуал материаллар нафақат тадқиқот манбаси, балки объекти тарзида ҳам ўрганилмоқда. Визуал тадқиқотларда миқдорий таҳлил ва дискурс таҳлил усули кенг қўлланилади.

Диахрон усул ёки даврлаштириш усули – инсон, жамият ёки жараёнлар ривожланишини алоҳида босқичларга ажратиш. У тарихий тадқиқотларнинг муҳим усулларидан биридир. Бу усул тарихий жараённинг муайян бир давр мобайнида сифат жиҳатидан ўзгаришини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, маълум бир даврда тарихий воқеликларнинг моҳиятини ва қонуниятини очишга ёрдам беради.

Дискурс – «Дискурс» атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, муҳокама қилмоқ, мулоқот ўрнатмоқ деган маънони билдиради ва айнан шу маънода XVI–XVIII асрда фанда қўлланилган. Дискурс илмий далилларга асосланган нутқнинг синоними сифатида ишлатилиб, илмий муаммоларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган муҳокамасидир. Уйғониш даврида дискурс тадқиқот жараёни ва изланиш режаси сифатида намоён бўлган. Янги даврда эса илмий фаолиятнинг қонун-қоидалари сифатида қўллана бошлади. У мулоқот иштирокчиларининг қарашлари, мақсадлари, хабарнинг пайдо бўлиш шароити ва қабул қилиниши ҳақида тасаввур беради.

Дедуқция (лотинча – суриштириб билмоқ) – билиш жараёнида умумийликдан хусусийликка ўтиш; хусусийликдан умумийликни ажратиш. Дискуссия – мунозара, мубоҳаса, баҳс, маълум бир баҳсли масалаларни муҳокама қилиш, унда ҳар бир томон суҳбатдошининг фикрига эътироз билдириб, ўз позициясини асослайди ва шу орқали мақсадига эришишга ҳаракат қилади.

Ижтимоий антропология – инсон ва жамиятни, уларнинг ривожланиш қонуниятлари ва маданий хилма-хиллигини ўрганувчи фанлараро фандир. Илмий билиш методологияси – илмий тадқиқот фаолиятининг тамойиллари, шакллари ва йўллари ҳақидаги таълимот.

Илмий тадқиқот – аниқ бир мақсадга қаратилган билиш, унинг натижаси тушунчалар, қонунлар ва назариялар тизими сифатида намоён бўлади. Илмий ғоя – назариянинг турли компонентларини бирлаштириш асоси. Ғоя назариянинг бошқа компонентларига нисбатан тадқиқ этилаётган соҳанинг асосий хусусиятларини кўрсатиб беради.

Илмий факт (далил) – хулоса қилиш ёки тасдиқлаш учун асос бўлувчи воқеа ва ҳодисалар, илмий билимнинг асосини ташкил этади.

Индукция – хусусий маълумотлардан умумий хулосаларга ўтиш.

Интеллектуал тарих – ғоялар тарихи интеллектуал тарихнинг анъанавий предмети бўлишда давом этса-да, унинг тадқиқот доираси анча кенгайган ва битта илмий парадигмага таянмайди. Анъанавий интеллектуал тарихдан фаркли равишда у фақат мазмун ва шаклни эмас, балки интеллектуал фаолият шароитини, давр интеллектуал иқлимини ўрганади ва тафаккур тарихини ижтимоий-маданий боғлиқликда тадқиқ этади.

Компаратив ёндашув – тарихий-киёсий усулнинг бир жиҳати сифатида тарихий жараёнлар талқинида ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш имконини беради. Унинг ёрдамида маълум бир жараёнларни келтириб чиқарган турли омилларни аниқлаш мумкин.

Концепция – бирон бир нарса ҳақидаги қарашлар тизими, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот олиб бориш йўллари ҳақидаги асосий фикр.

Конъюнктура – маълум бир ижтимоий ҳаёт соҳасида вужудга келган вазият.

Кузатиш – инсон ҳиссий органлари орқали фаол билиш жараёнидир. Кузатиш назарий ва амалий ҳаракатлар

асоси бўлиб хизмат қилиши учун предмет ва воқеаларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериши зарур. Билишнинг самарали усули бўлиш учун кузатиш бир нечта талабга жавоб бериши лозим: 1) режали; 2) йўналтирилган; 3) фаол; 4) тизимли.

Кундалик ҳаёт тарихи (everyday life history, Alltagsgeschichte, histoire de la vie quotidienne) – тарихий тадқиқотларнинг йўналишларидан бири бўлиб, унинг предмети инсон кундалик ҳаётини турли тарихий-маданий, сиёсий, этник ва конфессионал контекстда ўрганишдир. XX аср ўрталарида Ғарб мамлакатлари ижтимоий тафаккурида «тарихий-антропологик ўзгариш» рўй бериши билан кундалик ҳаёт тарихи мустақил тадқиқот соҳаси сифатида шаклланди. Дастлаб француз тадқиқотчилари кундалик ҳаёт тарихининг тарихий тадқиқотларга катта туртки бера олишини кўра билдилар. Айнан улар тарихнинг фақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатларини эмас, балки уни бир бутунликда тадқиқ этишни ҳамда инсоннинг бу жараёнларга муносабати масалаларини ўрганишни диққат марказига қўйдилар. Мазкур тарихий-антропологик ёндашув «Анналлар» журнали атрофида бирлашган машҳур йўналиш вакиллари М.Блок, Л.Февр, Ф.Бродель асарлари асосини ташкил этди. Уларнинг асарларида кундалик ҳаёт тарихи инсонлар ҳаёти макроконтекстининг бир қисми сифатида намоён бўлди.

Математик усуллар – миқдорий маълумотлар асосида воқелик ва жараёнларнинг миқдорий, математик моделини яратишдир. Уларнинг иккисиди ҳам таҳлил учун миқдорий кўрсаткичлар асос бўлиб хизмат қилгани ва материалларни ишлаш учун математик аппарат қўллангани сабабли улар ўртасида ўхшашлик кўп ва шунинг учун бу икки атама бири-бирига айнан ўхшаш деб қабул қилинади. Бу усул тарихий тадқиқотларда ҳам қўлланади. У ўрганилаётган объектларни тўлиқ ёки сайлаб кузатиш натижасида маълумотлар олишни тақозо этади. Бунда тадқиқотчи чоп этилган статистик материаллардан ҳамда ўзи тўплаган маълумотлардан фойда-

ланиши мумкин. Лекин оддий ҳолатларни таснифлаш учун бундай маълумотлар тўлиқ бўлиши, ўрганилаётган жараённинг барча томонларини ўзида акс эттириши лозим. Бу усул ўрганилаётган объектнинг миқдорий ва сифатий ўхшашликларини аниқлашга ва умумлашган кўрсаткичларни олишга ёрдам беради.

Менталитет (менталлик) – 1) у ёки бу жамият аъзоларининг муайян ақлий, психологик жиҳатларига эга бўлиши натижасида уларнинг дунёни ва ўзини англашига имкон бериши; 2) фикрлаш образи, алоҳида бир кишининг ёки ижтимоий гуруҳнинг ақлий кўникмаси ва маънавий қадриятлари.

Менталитет тарихи – 1960-йилларда тарихчилар менталитет тарихини ўрганишга киришдилар, унинг асоси М.Блок ва Л.Февр асарларида ўз аксини топган. М.Блок ижодида бу феномен (атама ишлатилмасдан) социология, ижтимоий антропология, тарихий психология ютуқларига таяниб ўрганилган бўлса, Л.Февр менталликни психология билан бирга тадқиқ этди. М.Блокнинг «Феодал жамият» номли асарида ўша давр кишилари идроки, ҳиссиёти, тафаккури, коллектив хотираси тадқиқ этилган. 1960–1970 йилларда менталликни ўрганиш француз тарихшунослигида асосий йўналишга айланди.

Методика (услугият) – тадқиқот усуллари ва йўллари йиғиндиси, уларни қўллаш тартиби ва улар ёрдамида олинган натижаларни талқин қилиш. У тадқиқот объекти, методологияси, мақсади, усуллари, тадқиқотчининг умумий тайёргарлик даражаси билан боғлиқ.

Методология – у ёки бу фаннинг асосини ташкил этувчи умумий тамойиллар, усуллар, қарашлар тизими.

Микротарих – машхур бўлмаган кишилар, у ёки бу ижтимоий катламнинг одатий бўлмаган вакиллари ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш орқали тарихий тадқиқотлар олиб бориш йўналишидир. 1950–60-йилларда «микротарих» атамаси Ф.Бродель томонидан ишлатилган. Микротарих 1970-йилларда Италияда вужудга келган. Бу борадаги дастлабки ишлар аввал «Quaderni Storici» номли журналда, кейинчалик

Эйнауди нашриётида Карл Гинзбург ва Жованни Леви томонидан «Microistirie» номли серияда чоп этилган. 1970-йилларда Германияда ижтимоий фанларнинг тарихий-танқидий вакилларига қарши (Х. У. Велер, Х. Бёме, Ю. Кокк, М. Штюрмер) «давлат сиёсатини ўрганишдан ва глобал ижтимоий тизимларни таҳлил қилишдан кичик ҳаётий воқеликларга муурожаат қилайлик» шиори остидаги ҳаракат бошланди. Микротарихнинг пайдо бўлишига 1960-йилларда макротарихий тадқиқотларнинг инқирози сабаб бўлган.

Миқдорий усуллар – воқелик ва жараёнларни миқдорий кўрсаткичлар тизими асосида таҳлил қилиш.

Мониторинг – оммавий ахборот воситалари томонидан маълумот тўпланиши.

Муаммо – йирик, умумлаштирилган илмий масалалар бўлиб, у келгуси тадқиқот чегарасини ўз ичига олади.

Назария – ишончли ғоялар, қоидалар, тушунтириш талаб қилувчи ҳодисалар тизими. Назария исботланган, мантиқан тўғри тузилган илмий билимлар тизими, у мавжуд хусусиятларни, қонунийликни, сабаб-оқибат алоқаларини аниқлашга қаратилган.

Нарратив – баён, эпик, тавсифий.

Оғзаки тарих – «оғзаки тарих» атамаси пайдо бўлганига кўп бўлмаган эса-да, аммо «оғзаки тарих» тушунчаси янги эмас, тарих пайдо бўлиши билан оғзаки тарих вужудга келган ҳамда тарихнинг биринчи тури эди. XIX аср ўрталарида француз тарихчиси Эколь Нормаль, Сорбонна ва Коллеж де Франс профессори Жюль Мишле «Француз инқилоби тарихи» (1847–1853) китобининг манбалари фақат ёзма манбалар бўлмай, у эсдаликлардан ҳам кенг фойдаланган. Ж. Мишле 1798 йилда Парижда туғилган, бу вақтда Бастилия ишғол қилинганига ҳали ўн йил ҳам тўлмаган эди. У 10 йиллар мобайнида Париждан ташқарида оғзаки эсдаликларни тизимли равишда тўплаган. Жюль Мишле расмий ҳужжатлар маълумотларини аҳолининг сиёсий қарашлари билан уйғунлаштиришни мақсад қилган эди. Оғзаки тарихнинг «отаси» Пол Томпсон «оғзаки анъана» деганда алоҳида

инсонларнинг – дехқонлар, шаҳарликлар, қариялар, аёллар, болалар фикрлари йиғиндисини тушунган, бунда баъзи фикрлар кўп маротаба такрорланган.

Парадигма – бошланғич концептуал схема, муаммоларни қўйиш ва уларни ечиш модели, маълум бир тарихий даврда илмий жамиятда ҳукмрон бўлган тадқиқот усуллари.

Партиявийлик тамойили (принципи) – ҳодиса ва жараёнларни баҳолашда синфий ёндашувга ўхшаш бўлган партиявийлик тамойили тарихий тадқиқотларнинг марксча-ленинча методологияси асосини ташкил этган. Собиқ Иттифок даврида олимлар партиявийлик принципига тадқиқотни тарихий баҳолашда асосий мезон сифатида амал қилган. Тарих фанида партиявийлик принципидан асосий тамойил сифатида фойдаланиш жамиятдаги ўзаро муносабатларни реал тасаввур этишдан четлашишга олиб келди.

Полемика (юнонча сўздан олинган бўлиб, келишмовчилик маъносини англатади) – баҳс қилиб саволларни аниқлаш ёки муаммолар ечимини топишдир. Шу билан бир қаторда диспут, баҳслашиш, дискуссия маъносида ҳам ишлатилади.

Псефология – замонавий сайловларни тадқиқ этиш соҳаси бўлиб, бунда асосан сонлар билан ишланиб, улар таҳлил этилади. 1950-йиллар ўрталаригача электоратнинг сиёсий қизиқишларини аниқлаш анча мураккаблик туғдирган, шу даврдан бошлаб ижтимоий фикрни аниқлаш юзасидан сўровлар ўтказилиши бу масалага ойдинлик киритишга ёрдам берди.

Ретроспектив усул – тарихий жараён қайтарилмайди, тарихий вақт орқага қайтмайди. Ўтмишга айланган воқеаларни реал ҳолатда тиклаш имкони йўқ. Аммо реал ҳолатни тиклаб бўлмаса-да, тафаккурда унинг моделини амалга ошириш, тарихий воқелик ва жараёнларни ишончли равишда тасвирлаб бериш мумкин. Тарихий воқелик ва жараёнларни ишончли равишда тасвирлаб бериш, уларнинг сабабларини, аниқ бир тарихий шароитда ривожланиши ва амал қилиши қонуниятларини аниқлаш тарих фанининг вазифасидир.

Ретроспектив усул тарихий моделлаштириш усули ҳам деб аталади. Бу усулнинг моҳияти «ретроҳикоя», яъни тадқиқотчининг фикрлаш йўналиши ҳозирги замондан ўтмишга, ҳозиргача сақланиб қолган эски элементларни ўрганишдан улар асосидаги тарихий воқеа ва ҳодисаларни реконструкция қилишдадир. Ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг бирлиги ретроҳикояга имкон беради. Ҳозирги замондан ўтмишга бориш натижасида тадқиқотчи воқеликларнинг турли босқичларини кўриш имкониятига эга бўлади. Ўз навбатида, ўрганилаётган жараёнларнинг моҳиятини чуқур англаб етишга, кейинчалик уларнинг моҳиятини очиб беришга имкон яратилади. Аммо тадқиқотчи ўша даврдаги ривожланган воқеликни эталон сифатида қабул қилмаслиги лозим.

Семиотика – бу тушунчанинг пайдо бўлиши унинг асосчиси Ф. де Соссюр номи билан боғлиқ, у тил белгилар тизими эканини исботлади. Демак, семиотика белгилар тизими ҳақидаги фандир. Анча йиллар мобайнида семиотика, асосан, журналистика ва коммуникация факультетлари қошида ўрганилди. Чунки айнан шу факультетлар медиатекстларни тадқиқ этган, улар учун «визуал матн» «вербал матн» каби муҳим бўлган. «Семиотика» тушунчасидан француз постструктурализм вакили Роланд Барт ҳам фойдаланиб, мода, упаковкларни белгилар тизими сифатида тадқиқ қилди. Белгилар рамзлар ролини бажаради, унда маълумотлар мавжуд. Белгилар тизими маданий тажриба, жамиятдаги ижтимоий ва маданий ўзаро таъсир трансляциясини амалга оширади.

Синергетика – «синергетика» атамаси қадимги юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, биргалик, бирлашган ҳолда, ҳамкорлик, кўмаклашиш, иштирокчилик ёки кўмаклашувчи, ёрдам берувчи деган маъноларни англатади. Синергетиканинг тадқиқот предмети бўлган тизимлар ҳар хил бўлиб, турли фанлар, масалан, физика, химия, биология, математика, иқтисод, социология, лингвистика ва бошқа фанлар томонидан ўрганилиши мумкин. Илмий билишнинг анъана-

вий соҳаларидан ташқари синергетика ҳар қандай табиатга эга бўлган тизим эволюциясининг умумий қонуниятларини ўрганади. 1980-йилларда Германияда бу фан синергетика (Г.Хакен), француз тиллик давлатларда – диссипатив тизимлар назарияси (И.Пригожин), АҚШда – динамик тартибсизлик назарияси (М.Фейгенбаум) деб аталган. Унда ривожланиш тизимнинг барқарор ҳолатига мувофиқ равишда узок даврлар изчиллиги сифатида тушунилади. Ўртада узилиш, яъни тартибсиз ҳолатларнинг қисқа даври («бифуркациялар») рўй беради. Ундан кейин яна бифуркация нуктасида танланган флуктуацияга қараб кейинги барқарор ҳолатга («аттракторга») ўтилади.

Синтез (юнонча уланиш) – анализ натижасида олинган қисмларни бир бутунга бирлаштиришдан иборат. Унда ҳодисалар ўзаро боғланиб, бир бутун ҳолда тадқиқ этилади, олинган натижалар умумлаштирилади ва хулосалар чиқарилади.

Синхрон усул – турли воқеа ва ҳодисаларни бир пайтда ўрганиш. Турли воқеа ва ҳодисаларни алоҳида ўрганиш уларнинг аҳамиятини ошириб ёки камайтириб юборади, оқибатда абсолютлаштириш келиб чиқади. Воқелик ҳақида субъектив қарашлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, синхрон усулдан фойдаланиш воқеликлар ўртасидаги мураккаб алоқаларни ва ўзаро таъсирни ўрганиш имконини беради.

Структуралли-тизимли усул – бу усул жамиятни турли ва кўп алоқаларга (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ғоявий) алоқаларга эга бўлган ягона, аммо мураккаб тизим сифатида тадқиқ этади, яъни «горизонтал ҳолатда» ўрганади; бу усул жамиятнинг ижтимоий структурасини «вертикал кўринишда» ўрганиш имконини беради, яъни жамиятни иерархияга асосланган гуруҳлар (шахс, ижтимоий гуруҳ, синф, партия, давлат ва б.)га бўлиб ўрганади.

Тадқиқот объекти – ўрганиш учун танланган муаммовий вазиятни келтириб чиқарувчи жараён ёки воқелик.

Тадқиқот предмети – тадқиқот объекти чегарасида маълум аспекти ўрганилувчи нарсалар. Тадқиқот предмети аниқ бўлиб, у тадқиқотда бевосита ўрганиладиган муносабат ва алоқаларни ўз ичига олади. Ҳар бир объектда бир нечта тадқиқот предметларини ажратиш мумкин. Тадқиқот предметидан умумий вазифалар ва мақсад келиб чиқади.

Тамойил (принцип) – қандайдир бир назария, таълимот, фаннинг асосий бошланғич ҳолати.

Тарихий тадқиқот предмети – билиш жараёнига киритилган объектнинг бир қисми. У кўп аспектли бўлиб, ҳар доим тизимли характерга эга. Тарихий тадқиқот предмети доимо тарихий тадқиқот объекти билан узвий равишда кўриш керак.

Тарихий антропология – 1970-йилларнинг бошларида Ғарбда тадқиқотнинг янги йўналиши сифатида вужудга келди. Бу вақтда инсоннинг тарихдаги ҳақиқий ролини тушуниш учун «қиёфага эга бўлмаган» ментал тизимлар етарли эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Шунингдек, бу даврга келиб ҳамкор фан бўлган психология ҳам тарихда инсоннинг хатти-ҳаракати, унинг ижтимоий ҳаёти ва ижтимоий муносабатлари механизмлари сабабларини ўрганиш учун етарли эмаслиги тушунилди. Демак, тарихий антропология тарих фанининг янгиланишга бўлган ички эҳтиёжини тушуниш натижасида вужудга келди. Янгиланишнинг воситаларидан бири ўзаро яқин фанларнинг, аввало, ижтимоий ва маданий антропология, шунингдек, социология, лингвистика ютуқларидан фойдаланиш бўлди. Гуманитар фанларнинг янги парадигмаси бўлган тарихий антропология тарихий тадқиқотларда инсон омилини кучайтириш билан бирга тарихда альтернативликни (бир-бирига зид икки хил йўл), дунёнинг турли нуқталарида ва алоҳида ҳудудларда муҳим жараёнларнинг шаклларидаги хилма-хилликни кўрсатади.

Тарихий параллел (қиёсий-тарихий) усули – ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга асосланган. Бу усул ўрганилаётган воқеликни ўрганиб бўлинган воқелик билан қиёслаш ҳамда иккинчи-

си орқали биринчисининг моҳиятини англаб етишга ёрдам беради. Ушбу усул XIX охири – XX аср бошларида ягона илмий усул сифатида тан олинган.

Тарихий воқеалар ва жараёнларни баҳолашда синфий ёндашув – тарихий ва тарихшунослик тадқиқотлари марксча-ленинча методологиясининг асосий белгиси, унда воқеа ва жараёнлар, манбалар маълум бир синф нуктаи назаридан ўрганилади. Совет ҳокимияти йилларида коммунистик партия раҳбарлари ва идеологлари тарих фанида нафақат синфий ёндашувни қонунлаштирди, балки уни мутлақлаштирди ва илмий асослашга уринди. Замонавий тарих фанида бундай ёндашувдан воз кечилган, аммо воқеа ва жараёнлар маълум бир даврда муайян мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда рўй беришини унутмаслик лозим.

Тарих методологияси – тарих фанининг усуллар ҳақидаги қисми. XIX асрнинг биринчи ярмидан бу тушунча ишлатила бошланган. Атама дастлаб немис тарихчилари томонидан усул ҳақидаги таълимот (Methodenlehre) ва ўқув фанининг номи сифатида ишлатилган. Ҳозирги кунда «методоло́гия» тушунчаси нафақат дастлабки ҳолатида, балки тарихий билишнинг назарий асоси сифатида ҳам қўлланилади. Тарихчининг тадқиқот амалиётини умумийлаштирган ҳолда, методология билишга онгли равишда муносабатда бўлиш, усуллар ва назарий тамойилларни ишлаб чиқиш ва онгли равишда уларни тадқиқотга қўллаш имкониятини беради. Методология қўйилган муаммоларга тайёр жавоб бермайди, аммо муаммоларни қандай ечишни ўргатади. Тарих фанининг умумий методологияси мавжуд эмас. Тарихчининг назарий позицияси унинг танлови ёки мустақил ижоди ва билим даражаси, ижтимоий муҳит билан боғлиқ.

Тарих фанини ўрганишда формациявий ёндашув – формациявий ёндашув доирасида икки хил концепция илгари сурилади: 1) Марксистик ва 2) Жамиятнинг постиндустриал назарияси. Марксистик назария ижтимоий-тарихий жараёнлар асосини ишлаб чиқариш усуллариининг ривожланиши ташкил этади, деб ҳисоблайди. ШУ асосда эса жа-

мият ривожланиш босқичлари – формациялар аниқланади. Формациявий ёндашув чизикли ривожланишнинг мутлак эканини таъкидлайди ва тарихда иқтисодий омилни мутлаклаштиради, ижтимоий-психология – менталитетнинг аҳамиятини эса пасайтириб кўрсатади. Совет даврининг котиб қолган қарашларига асосан, Карл Маркс жамият ривожланишини бир неча босқичларга бўлиб чиқади. Булар ибтидоий жамоа даври, қулдорлик даври, феодализм, капиталистик давр ва коммунистик давр. Аммо К.Маркс тадқиқотларида бу бешлик кўрсатилмайди. Бу бешликнинг ҳақиқий муаллифлари Ленин ва Сталин ҳисобланади. Формациявий ёндашув совет даври тарих илмининг методологик асоси ҳисобланган, ундан озгина чекиниш ҳам қаттиқ тақиқланган. Жамиятнинг постиндустриал назарияси ижтимоий-тарихий жараённинг асосий аниқловчилари сифатида учта жамиятни: анъанавий, индустриал ва постиндустриал жамиятни кўрсатади.

Тарихни ўрганишга цивилизациявий ёндашув – бу ёндашув формациявий ёндашувга қараганда бир қанча кўпроқ асосларга эга. Цивилизациявий ёндашув тарихий тадқиқот марказига ишлаб чиқариш усулларини эмас, балки инсонни кўяди. Мазкур ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у цивилизацияни, жамият тизимини бир бутун деб тушунади ва ўз ичига ҳар хил бир-бирига боғлиқ бўлган элементларни (дин, маданият, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ташкилотлар) қамраб олади. Ушбу ёндашувда асосий диққат кўп вариантликка ва тарихий ривожланиш даврийлигига, у ёки бу жамиятнинг ижтимоий-психология – менталитет таҳлилига қаратилади.

Тарихийлик – тарихнинг мустаҳкам қонуниятлари мавжудлигига ишонч ва ижтимоий ривожланишнинг азалий характерга эга эканлигига асосланган концепция. Бунга асосланиб тарихийлик тарафдорлари тарихий башорат қилиш мумкин деб ҳисоблайди.

Тарихий информатика – манбашунослик ва информатика чегарасида пайдо бўлган тарих фанининг йўналиши, унинг асосини тарихий манбаларни компьютерда қайта иш-

лаш, тадқиқотда янги компьютер технологияларини қўллаш, ўқув жараёни учун компьютер дастурларини вужудга келтириш ташкил этади.

Таркибий таҳлил усули (контент анализ) – таҳлил предмети ахборот бериш қобилиятига эга бўлган матнлар таркибидан иборат. Таркибий таҳлил ўз моҳиятига кўра худди миқдорий таҳлил усули каби матн ва матнлар мажмуасини таҳлил қилади. Таркибий таҳлилда манба ўрганилаётганда унга ёндош бўлган барча ахборот манбалари бирдек таҳлил қилинади. Ушбу усулнинг кенг қўллана бошланган даври ахборот асрининг бошланиши билан боғлиқ, бироқ XVIII асрадаёқ Швецияда бу усул асосида айрим тадқиқотлар яратилган. XX асрнинг 30-йилларидан у тўлақонли усул сифатида АҚШда ижтимоий фанлар доирасида кенг қўллана бошланди. Мазкур усулнинг назарий масалаларини яратишда АҚШлик олимлар Б.Мэтью, А.Тенни, Д.Спид, Д.Уипкенние ва кейинчалик франциялик тадқиқотчи Ж.Кайзерлар хизмати катта бўлган. Дастлаб таркибий таҳлилдан социологик тадқиқотларда, жумладан, реклама ва тарғибот ишлари материалларини ўрганишда фойдаланилган. Сиёсий тадқиқотларда қўлланилиши юзасидан дастлабки тадқиқотни Г.Лассуэл амалга оширган. У Иккинчи жаҳон урушидаги ташвиқот ва тарғибот материалларини ўрганишда метод имкониятларини очиб берган. 1960-йиллардан эътиборан компьютер техникаларидан кенг фойдаланишга ўтилиши билан ушбу усулга кўп муурожаат қилиш бошланди.

Таққослаш – билишнинг энг кенг тарқалган усуллари-дан биридир. Таққослаш предмет ва воқеаларнинг ўхшаш жиҳатлари ҳамда фарқларини аниқлаш имконини беради. Таққослаш натижасида иккита ва ундан ортиқ объектга хос бўлган умумийлик аниқланади. Таққослаш ёрдамида предметнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари маълум бўлади. Воқеликларда такрорланадиган умумийликни аниқлаш қонуниятларни билиш йўлидаги босқич ҳисобланади. Таққослаш самарали бўлиши учун 2 та асосий талабга жа-

воб бериши лозим: 1) ўртасида умумийлик мавжуд бўлган воқеликлар таққосланиши лозим; 2) объектларни ўрганиш учун уларнинг муҳим, асосий жиҳатлари таққосланиши лозим.

Тенденция – бирон бир ғоя, фикр, ҳодисанинг ривожланиш йўналиши.

Трансформация – жамият ҳаётидаги содир бўладиган ўзгаришлар.

Эксперимент (тажриба) усули ҳам мавжуд бўлиб, у кузатиш усулига қараганда бир қанча устунликларга эга: 1) тажриба жараёнида у ёки бу воқеликни «тоза» ҳолатда ўрганиш имконияти мавжуд; 2) тажриба воқеликларни экстремал ҳолатда тадқиқ этади. Илмий тажриба ўтказиш учун унинг натижаларини умумлаштириш, натижаларни тушунтириш учун назария зарур бўлади. Тажрибани ўтказиш бир қанча босқичларни ўз ичига олади: 1) илмий фаразни олдинга суриш; 2) тадқиқотнинг аниқ вазифаси ва объекти белгиланади; 3) тажрибани амалга ошириш учун моддий база тайёрланади; 4) тажриба ўтказишнинг оптимал йўли танланади; 5) тажриба жараёнида воқеликлар кузатилади; 6) олинган натижалар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.

Фанлараро ёндашув – XIX асрда пайдо бўлиб, тарих фанининг тадқиқот усуллари доимий равишда бойитиш эҳтиёжидан келиб чиққан. Фанлараро тадқиқотларнинг методологик асосини ижтимоий гуманитар фанларнинг объекти умумийлиги ташкил этади, уларнинг предметлари эса турличадир. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг объекти инсон бўлиб, унинг ҳаётининг барча жиҳатлари ўрганилади. Шу билан биргаликда, тадқиқот усуллари турличалиги ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар предметининг ўзига хос хусусиятини ташкил этади.

Фараз (гипотеза) – у илмий муаммодан келиб чиқади, илмий муаммо ҳали билинмаган ва билиш лозим бўлган нарса ҳақидаги билим бўлса, фараз эса эҳтимол тутилган билим, билимдан олдинги билим, илмий муаммони ҳал қилишнинг эҳтимол тутилган йўллари ҳақидаги озми-кўпми асосланган, далилланган илмий фараздир. Тадқиқотчининг ижоди мана

шу йўлларни тўғри танлашда намоён бўлади. Агар фараз (гипотеза) илмий тадқиқот жараёнида тасдиқланган, унинг тўғрилиги ва мавжуд илмий фактларга зид эмаслиги исботланган бўлса, у тўлақонли илмий назарияга айланади. Гипотеза ва назариялар ишлаб чиқиш илмий ижоднинг муҳим жиҳатидир.

Усул – муайян равишда ташкил этилган мақсадга эришиш йўли, фанда эса тадқиқотчининг фаразга асосланган ҳолда тадқиқот предметини ўрганиш йўли.

Ўлчов таққослашга нисбатан аниқроқ усул ҳисобланади. Ўлчов сифати ўлчов асбобларига ва тадқиқотчининг ҳаракатига боғлиқдир. Бу усул, асосан, аниқ фанларда ишлатилади.

Хронологик усул – тарихий воқеа ва ҳодисаларни тарихий давр доирасида уларнинг кетма-кетлиги, ҳаракати ва ўзгариши нуқтаи назаридан ўрганади. Ушбу усул бир-бири билан боғлиқ воқеалар хроникасини ўрганиб, тадқиқ этилаётган жараённинг моҳиятини очиш имконини беради.

Янги ижтимоий тарих – XX асрнинг охириги ўн йиллигида анъанавий ижтимоий тарих трансформацияси асосида илмий билимларнинг антропологиялашуви таъсирида пайдо бўлди. Анъанавий ижтимоий тарихдан фарқли ўларок унинг диққат марказида ижтимоий тизим ва жараёнлар эмас, балки «ривожланаётган жонли ижтимоий организмнинг ҳужайраси сифатида» инсон туради. Ижтимоий жараёнларни ўрганиш ракурси ўзгарди: тарихни «юқоридан» туриб, «дунёнинг кучли кишилари» идрок қилиши ва расмий дискурс орқали ўрганишдан воз кечилди, турли даврларда оддий инсонлар ҳаёти «пастдан» ва «ичкаридан» ўргана бошланди. Шунингдек, ижтимоий борлиқ шакллари, ҳокимият институтлари ва улар ўртасидаги муносабатлар, инсонларнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни ва роли тадқиқ этилади. Шундай қилиб, ижтимоий тарихда инсон ижтимоий-маданий амалиёти ва инсон хатти-ҳаракатининг (кундалик ҳаётда инсонларнинг ўзаро муносабати ва ҳокимият билан муносабати; оила, никоҳ, болалар туғилиши ва тарбияси муаммолари;

жинслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, таълим, моддий жиҳатдан таъминланганлик, дам олиш ва бошқалар; яшашнинг ҳар кунлик муаммоларини ҳал қилувчи ижтимоий муассасалар, жамиятнинг моддий таъминланганлиги, ахлоқий ва психик жиҳатдан саломатлиги; ичкиликбозлик, жиноятчилик, наркомания муаммоси; эътиқод рамзлари, ижтимоий онг афсоналари, маросимлар, суҳбат амалиёти, фольклор ва бошқалар) ижтимоий сабаблари олдинга чиқади.

Ҳаққонийлик – инсон иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда дунё, предметлар ва уларнинг хусусиятлари мавжуд бўлиши.

Тарихий тадқиқотлар ҳаққонийлиги – тадқиқот мавзусини аввалдан белгилаб олинган баҳолашсиз ва конъюктура тасаввурларисиз бутун мураккаблиги, кўп жиҳатлилиги билан ўрганиш. Тадқиқотчи тарих фанини сиёсийлаштирмасдан, ҳақиқатни излаши ва унга амал қилиши лозим. Олим миллий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда инсонпарварлик қадриятларини ва бутун инсоният манфаатларини устун қўйиши керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Расмий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон овози. – 1998. – 28 июль.

Адабиётлар:

2. *Абашин С.Н.* Власть и фотография: визуальная репрезентация в имперской рамке // Неприкосновенный запас. – 2012. – 4(84). – С. 120–138.

3. *Абдуллаев Р.* Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. – Ташкент: Навруз, 2014. – 218 с.

4. *Абдуллаева М.Н.* Миллий ғоянинг илмий фалсафий асослари. Монография. – Тошкент.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2011.

5. *Абдуллаева М.Н.* Мураккаб тизимлар эпистемологияси / ЎЗМУ хабарлари. – 2014. – №1/2. – Б. 65–71.

6. *Абдуллаева Я.А.* Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX – XX вв. (Социально-политический аспект). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2005. – 46 с.

7. *Агзамова Г.* Ўзбекистон шаҳарлари XVI–XIX асрнинг ўргаларида. – Тошкент, 2014.

8. *Алимова Д.А.* Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. – 132 с.

9. *Алимова Д.А.* История как история, история как наука: История и историческое сознание. Т. 1. – Ташкент: Ўзбекистон, 2008. – 280 с.
10. *Алимова Д.А.* История как история, история как наука: Феномен джадидизма. Т. 2. – Ташкент: Ўзбекистон, 2009. – 170 с.
11. *Алимова Д.А.* Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. – Ташкент: Vaktria press, 2017. – 640 с.
12. *Андреев А.Ю., Бородкин Л.И., Коновалова А.В., Левандовский М.И.* Методы синергетики в изучении динамики курсов акций на петербургской бирже в 1900-х гг. // Круг идей: историческая информатика в информационном обществе. – М., 2001.
13. *Андреев А.Ю., Бородкин Л.И., Левандовский М.И.* История и хаос: новые подходы в синергетике // Сравнительное изучение цивилизаций мира / Ред. К.В.Хвостова. – М., 2000.
14. *Андреева О.В.* История книжного дела в изобразительных аудиовизуальных и вещественных источниках: Учебное пособие. – М: МГУП, 2008. – 172 с.
15. *Анкудинова Т.В.* Методы исторического исследования. – Горно-Алтайск, 2007.
16. *Афанасьев Ю.Н.* Понятие «цивилизация» во французской историографии // Цивилизация и исторический процесс. – М, 1983.
17. *Аҳмедов Б.* Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
18. *Аширов А.* Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона, 2007. – 275-б.
19. *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти // Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Тошкент: Маънавият, 2000. – 166 б.

20. *Базарбаев А.* XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах уезди аҳолиси: статистик ва архив манбаларининг қиёсий таҳлили // Тошкент Ислон университети Илмий-таҳлилий ахбороти. – 2015. – № 4. – 21–24-б.

21. *Барг М.А.* Категории и методы исторической науки. – М., 1984.

22. *Барг М.А.* Эпохи и идеи: становление историзма. – М., 1987.

23. *Барт Р.* Основы семиологии / Структурализм: «за» и «против». – М.: Прогресс, 1975.

24. *Барт Р.* Семиотика. Поэтика. Избранные произведения. Перевод с французского. – Москва, 1989.

25. *Берк П.* Историческая антропология и новая культурная история // Новое литературное обозрение. – 2005. – № 75. – С.64–91.

26. *Беспалова А.Г., Корнилов Е.А., Короченский А.П.* и др. История мировой журналистики. Москва – Ростов-на-Дону: Издательский центр «Март», 2003.

27. *Бессмертный Ю.Л.* Историческая антропология сегодня: французский опыт и российская историографическая ситуация // Историческая антропология: место в системе социальных наук, источники и методы интерпретации: Тез. докл. и сообщ. науч. конф. Москва, 4–6 февраля 1998 г. / Отв. ред. О. М. Медушевская. – М., 1998. – С.32–34.

28. *Бессмертный Ю.Л.* Некоторые соображения об изучении феномена власти и о концепциях постмодернизма и микроистории // Одиссей. Человек в истории. – М., 1995. – С. 9–13.

29. *Блок М.* Апология истории или ремесло историка. – М.: Наука, 1986.

30. *Бодрийяр Ж.* Система вещей / Пер. с франц. – М., 2001.

31. *Бойм С.* Общие места. Мифология повседневной жизни. – М., 2002.

32. *Бородкин Л.И.* Контент анализ в исторических исследованиях. – М., 1984.
33. *Бородкин Л.И.* Методы прикладной математики и информатики в исторических исследованиях: Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д-ра ист. наук. – М.: МГУ, 1993. – 48 с.
34. *Бранд М.Ю., Ляшенко Л.М.* Введение в историю. – М., 1994.
35. *Бродель Ф.* Структуры повседневности: Возможное и невозможное / Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV–XVIII вв. в 3-х т. Т.1. – М., 1986. – 621 с.
36. *Брусиловская Л.Б.* Культура повседневности в эпоху «Оттепели»: Метаморфозы стиля. – М.: Изд-во УРАО, 2001. – 188 с.
37. *Бюргьер А.* Историческая антропология // История ментальностей. Историческая антропология. Зарубежные исследования в обзорах и рефератах. – С. 32–43.
38. *Вебер М.* Избранное: образ обществ. – М., 1994.
39. *Вебер М.* Избранные произведения. – М., 1990.
40. *Вейнберг, И.П.* Рождение истории: Историческая мысль на Ближнем Востоке середины I тысячелетия до н. э. – М.: Наука, 1993.
41. Визуальная антропология: новые взгляды на социальную реальность / Под ред. Е.Р. Ярской-Смирновой, П.В. Романова, В. Круткина. – Саратов, 2007.
42. Визуальная антропология: режимы видимости при социализме / Под ред. Е.Р. Ярской-Смирновой и П.В. Романова. М, 2009.
43. *Вяземский Е.Е., Стрелова О.Ю.* Методика преподавания истории в школе. – М., 2001.
44. *Гавришина О.* Империя света: фотография как визуальная практика эпохи «современности». – М.: Новое литературное обозрение, 2011. – 192 с.

45. *Ганиева Г.Ж.* Женский вопрос в Узбекистане: новые подходы, проблемы и решения. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: 2006. – 24 с.

46. Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш. – Тошкент, 2007. – 424 б.

47. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 411 б.

48. *Гинзбург К.* Микроистория: две-три вещи, которые я о ней знаю // Современные методы преподавания новейшей истории: Материалы из цикла семинаров при поддержке TACIS / Ред.: А. О. Чубарьян и др. – М., 1996. – С. 207–236.

49. *Гинзбург К.* Мифы – эмблемы – приметы: Морфология и история: Сб. ст. – М., 2004.

50. *Гинзбург К.* Моя микроистория // Казус: Индивидуальное и уникальное в истории. – М., 2006. – С. 343–353.

51. *Гинзбург К.* Приметы: Уликовая парадигма и ее корни // Новое литературное обозрение. – 1994. – № 8. – С. 32–61.

52. *Гинзбург К.* Сыр и черви. Картина мира одного мельника, жившего в XVI в. – М.: РОССПЭН, 2000. – 272 с.

53. *Голендер Б.А.* Иудаика на Туркестанских почтовых открытках // Евреи в Средней Азии: вопросы истории и культуры. – Ташкент, 2004. – С. 64–76.

54. *Голендер Б.А.* Окно в прошлое: Туркестан на старинных почтовых открытках (1898-1917). – М.: изд. ЛИА Р. Элинина, 2002. – 246 с.

55. *Горшенина С.* Крупнейшие проекты колониальных архивов России: утопичность тотальной Туркестаники генерал-губернатора Константина Петровича фон Кауфмана // *Ab Imperio*. – 2007. – № 3. – С. 31–42.

56. *Гренди Э.* Еще раз о микроистории // Казус: Индивидуальное и уникальное в истории. – М., 1997. – С. 291–302.

57. *Гумилев Л.Н.* Древние тюрки. – М., 1967. – 507 с.

58. *Гуревич А.Я.* Исторический синтез и школа «Анналов». – М: Индрик, 1993.

59. Гуревич А.Я. О кризисе современной исторической науки // Вопросы истории. – 1991. – № 2–3. – С. 30–41.
60. Гуревич А. Я. Проблема ментальностей в современной историографии // Всеобщая история: дискуссии, новые подходы / Отв. ред. А. О. Чубарьян, В. В. Согрин. Вып. 1. М., 1989. С. 75–89.
61. Гуревич А.Я. Исторический синтез и Школа «Анналов». – М., 1993. – С. 15–25.
62. Дашкова Т. Визуальная репрезентация женского тела в советской массовой культуре 1930-х годов // Логос. – 1999. – № 11–12. – С. 131–155.
63. Дингес М. Историческая антропология и социальная история: через теорию «стилей жизни» к «культурной истории повседневности» // Одиссей. Человек в истории. – М., 2000. – С. 96–124.
64. Дюби Ж. Развитие исторических исследований во Франции после 1950 года // Одиссей. Человек в истории. – М., 1991. – С. 53–55.
65. Жалалова Г.О. Илм-фандаги трансформация ва конвергенция жараёнлари // O'zbekistonda ijtimoiy fanlar. – Toshkent, 2015. – № 1. – 24–29-б.
66. Жалалова Г.О. Таълим тизимидаги трансформацияларнинг эпистемологик моҳияти // ЎзМУ хабарлари. – 2013. – Махсус сон. – 181–184-б.
67. Жалалова Г.О. Фандаги трансформация жараёнлари ни ўрганишда синергетика методологиясининг имкониятлари // ЎзМУ хабарлари. – 2014. – №1/2. – 152–155-б.
68. Жалалова Г.О., Абдуллаева М.Н. Трансформация когнитивных возможностей научного познания. Материалы VIII Международной научно-практической конференции. 26–27 декабря 2012 г. Том III. Москва, 2012. – С. 13–16.
69. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
70. Женская повседневность в России в XVIII–XX вв.: Материалы международной научной конференции. 25 сентября 2003 года. – Тамбов, 2003.

71. Женщина. Гендер. Культура. Под ред. Пушкаревой Н.Л. – М.: МЦГИ, 1999.

72. *Жиромская В.Б.* Советский город в 1921–1925 гг.: проблемы социальной структуры. Отв. ред. Ю. А. Поляков. – М., 1998. – 166 с.

73. *Журавлев С.В.* «Маленькие люди» и «большая история». Иностранцы московского Электростроительного завода в советском обществе 1920–1930-х гг. – М.: РОССПЭН, 2000. – 453 с.

74. *Журавлев С.В., Мухин М.Ю.* «Крепость социализма»: Повседневность и мотивация труда на советском предприятии, 1918–1938. – М.: РОССПЭН, 2004. – 240 с.

75. *Жўраев Н.* Тарихи фалсафасиннинг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 465-б.

76. *Жўраева Н.Д.* Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20–30 йиллари): тарихи фан.номзод. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2004. – 33-б.

77. *Земон Девис Н.* Дамы на обочине. Три женских портрета XVII века. – М.: Новое литературное обозрение. С. 1999. – 400.

78. *Земон Дэвис Н.* Возвращение Мартена Герра. – М.: Прогресс, 1990. – С. 208.

79. *Зиёев Ҳ.* Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII–XX аср бошлари). – Тошкент: Шарк, 1998. – 400–430-б.

80. *Зияева Д.* Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иқкинчи ярми XX аср бошларида. – Тошкент, 2013.

81. *Зияева Д.Х.* Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918–1924 гг.): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1999. – С. 61.

82. *Зубкова Е.И., Куприянов А.И.* Ментальное измерение истории: поиски метода // Вопросы истории. – 1995. – № 7. – С. 153–160.

83. *Зуннунова Г.* Отражение гендерных взаимоотношений в жилом пространстве узбеков // *Общественное мнение. Права человека.* – Ташкент, 2009. – №3.

84. *Зуннунова Г.Ш.* Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций. – Ташкент, 2013. – 300 с.

85. *Йоргенсен, Марианне В., Филлипс, Луиза Дж.* Дискурс-анализ. Теория и метод / Пер. с англ. – 2-е изд., испр. – Харьков: Изд-во «Гуманитарный центр», 2008. – 352 с.

86. Информатика для гуманитариев. Вводный курс. Учебное пособие / Подред. Л.И. Бородкина и И.М. Гарсковой. – М.: Изд-во УРАС, 1997. – 220 с.

87. *Исакова М.* Значение архивных фотографических альбомов как исторических источников в процессе изучения истории Узбекистана // *Вестник Каракалпакского отделения АН РУз*, 2005. – № 1-2. – С. 93–94.

88. *Исакова М.* История ЦГА КФФД и его деятельность по созданию фондов культуры Узбекистана: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: НУУз, 2004. – 30 с.

89. *Исмоилова Ж.* XX аср бошида Туркистонда миллий-озодлик курашлари. (Фарғона водийси мисолида.) Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2002.

90. Историк в поиске. Микро- и макроподходы к изучению прошлого. Доклады и выступления на конференции. 5–6 октября 1998. – М., 1999.

91. Историческая антропология: Концепция преподавания в РГГУ: Учеб. – метод. пос. / Сост.: Т. В. Борисенок, М. Ф. Румянцева. – М., 2001.

92. Историческая антропология: место в системе социальных наук, источники и методы интерпретации: Тез.докл. и сообщ. науч. конф. Москва, 4-6 февраля 1998 г. / Отв. ред. О. М. Медушевская. – М., 1998.

93. История в XXI веке: Историко-антропологический подход в преподавании и изучении истории человечества: Материалы междунар. интернет-конференции / Под ред. В. В. Керова. – М., 2001.

94. История государственности Узбекистана. Вторая половина II тысячелетия до нашей эры – III век нашей эры. Ташкент: Ўзбекистон, 2009. Т. I. – 560 с. [Отв. редакторы Э.Ртвеладзе, Д.Алимова].

95. История Древнего Востока / под ред. В. И. Кузищина. – М.: Высшая школа, 1988.

96. История и антропология: междисциплинарные исследования на рубеже XX–XXI веков / Пер. с англ. К.А. Левинсона; пер. с фр. Л.А. Пименовой; под ред. М. Крома, Д. Сэбиана, Г. Альгази. – СПб., 2006.

97. История и компьютер: Новые информационные технологии в исторических исследованиях и образовании. Сб. статей / Под ред. Бородкина Л.И. и Леверманна В. – Геттинген, 1993. – 278 с.

98. Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и ранее средневековье. – Ташкент: УМЭД, 2008. – 456 с.

99. Каганский В.Л. Культурный ландшафт и советское обитаемое пространство. – М.: НЛЮ, 2001. – 574 с.

100. Карамзин Н.М. История государства Российского. Том 1. – СПб, 1816.

101. Касавин И.Т. Дискурс-анализ как междисциплинарный метод гуманитарных наук // Эпистемология и философия науки. – 2006. – №4. – С.5-17.

102. Ким С.Г. Историческая антропология в Германии: методологические искания и историографическая практика. – Томск, 2002.

103. Кинг Д. Пропавшие комиссары: Фальсификация фотографий и произведений искусства в сталинскую эпоху. – М., 2005.

104. Ковальченко И.Д. Количественные методы в исторических исследованиях. М. 1984.

105. Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. – М.: Наука, 1987.

106. *Коллингвуд Р.Дж.* Идея истории. Автобиография / Пер. с англ. – М.: Наука, 1980. – 485 с.

107. *Коломийцев В.Ф.* Методология истории. – М., 2001.

108. *Копосов Н.Е.* О невозможности микроистории // Казус: Индивидуальное и уникальное в истории. – М., 2000. – С. 33–51.

109. *Кром М.М.* Арон Яковлевич Гуревич и антропологический поворот в исторической науке // Новое литературное обозрение. – 2006. – № 81. – С. 221–228.

110. *Кром М.М.* Историческая антропология. Пособие к лекционному курсу. – СПб., 2000.

111. *Кром М.М.* Повседневность как предмет исторического исследования (Вместо предисловия) // История повседневности: Сб. науч. работ / Отв. ред. М. М. Кром. – СПб., 2003. – С. 7–14.

112. *Лебина Н.Б., Чистиков А. Н.* Обыватель и реформы. Картины повседневной жизни горожан в годы нэпа и хрущевского десятилетия. СПб., 2003.

113. *Леви Дж.* Биография и история // Современные методы преподавания новейшей истории: Материалы из цикла семинаров при поддержке TACIS / Ред.: А. О. Чубарьян и др. – М., 1996. – С. 191–206.

114. *Леви Дж.* К вопросу о микроистории // Современные методы преподавания новейшей истории: Материалы из цикла семинаров при поддержке TACIS / Ред.: А. О. Чубарьян и др. – М., 1996. – С. 167–190.

115. *Лотман Ю.М.* Внутри мыслящих миров. Человек – текст – семиосфера – история. – М., 1999.

116. *Лотман Ю.М.* Декабрист в повседневной жизни // Лотман Ю.М. Беседы о русской культуре. Быт и традиции русского дворянства (XVIII–начало XIX в.). – СПб., 1994. – С.331–384.

117. *Лукашевич В.К.* Основы методологии научных исследований. – Минск: Элайда, 2001.

118. *Лурье С.* Геродот. – М. –Л., 1947. – С. 142–151.

119. *Людтке А.* «История повседневности» в Германии после 1989 года // Казус. – М., 1999. – С. 117–131.
120. *Людтке А.* Что такое история повседневности? Ее достижения и перспективы в Германии // Социальная история. Ежегодник, 1998/99. – М., 1999.
121. *Маликов А.* Культура Самарканда второй половины XVIII – первой половины XIX в. // Культурно-исторические процессы в Центральной Азии (древность и средние века). – Алматы: Дайк-пресс, 2012. – С.290-304.
122. *Маликов А.* Самарканд в начале XIX века // Эхо истории. – №4. – 2010.
123. *Маликов А.* Узбеки группы кунграт долины Зерафшана в XIX – начале XX в. – Самарканд, 2007. – 125 с.
124. *Маликов А.* Ходжи долины Нижнего Зерафшана: история и идентичность // Религиозная жизнь народов Центральной Евразии. Отв.ред. В.И.Харитонова. – Москва: ИЭА РАН, 2012. – С. 176–180.
125. *Махкамова Н.* Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30-е годы XX в.). Ташкент: Aloqachi, 2009. – 236 с.
126. *Медик Х.* Культура уважения: одежда и ее расцветка в Лайхингене (1750–1820) // Анналы на рубеже веков: Антология. – М., 2002. – С. 222–243.
127. *Медик Х.* Микроистория // THESIS. Теория и история экономических и социальных институтов и систем. – М., 1994. Т. II, вып. 4. – С. 193–202.
128. *Медик Х.* Народ с книгами. Домашние библиотеки и книжная культура в сельской местности в конце раннего Нового времени. Лайхинген (1748–1820) // Прошлое – крупным планом: Современные исследования по микроистории / Под общ. ред. М. Крома, Т. Зоколл, Ю. Шлюмба. – СПб., 2003. – С. 181–222.
129. *Медушевская О.М., Румянцева М.Ф.* Методология истории: учебное пособие. – М., 1997.

130. *Миллет К.* Теория сексуальной политики // Вопросы философии. – М., 1994. – №9. – С.23–58.
131. *Миронов Б.Н.* Историк и социология. – Л., 1984.
132. *Миронов Б.Н.* Социальная история России периода империи (XVIII – начало XX). В 2-томах. 3-издание. – СПб, 2003.
133. *Мишель де Серто.* Изобретение повседневности. 1. Искусство делать / пер. с фр. Д. Калугина, Н. Мовниной. – СПб.: Изд-во Европейского университета в Санкт-Петербурге, 2013.
134. *Могильницкий Б.Г.* «Тотальная история» Фернана Броделя как опыт слияния макро- и микроподходов в историческом исследовании // Социальная история. Ежегодник. – 2001/2002. – М., 2004. – С. 37–44.
135. *Морган Л. Г.* Древнее общество. – М., 1934.
136. *Муртазаева Р.* Миграционные процессы в Узбекистане в конце XX – начале XXI веков: исторические события и новые тенденции. – Германия: Lambert, 2015.
137. *Мухамеджанова В.А.* Периодическая печать 20–30-х годов о раскрепощении женщин Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994. – С. 26.
138. *Нарский И.* Фотокарточка на память: Семейные истории. Фотографические послания и советское детство (автобио-историографический роман). – Челябинск: Энциклопедия, 2008. – С. 516.
139. *Нарский И.В.* Жизнь в катастрофе: Будни населения Урала в 1917–1922 гг. – М.: РОССПЭН, 2001. – С. 632.
140. *Насретдинова Д.* Туркистон маданияй ҳаётида татар аёллари. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 184-б.
141. *Нишанбаева К.В.* Культурные аспекты решения женского вопроса в Узбекистане (20–30 гг.). Опыт и последствия.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 27.
142. *Осокина Е.А.* За фасадом «сталинского изобилия»: Распределение и рынок в снабжении населения в годы индустриализации. 1927–1941. – М.: РОССПЭН, 1997. – 271 с.

143. *Пападопулос Т.* Метод социальных наук в исторических исследованиях. – М., 1970.

144. *Поршинева О.С.* Менталитет и социальное поведение рабочих, крестьян и солдат России в период Первой мировой войны (1914 март 1918 г.). – Екатеринбург, 2000.

145. *Прищепова В.* К 150-летию со дня рождения С.М.Дудина –художника, этнографа (по материалам МАЭ РАН) // Антропологический форум. №15. Online. – С. 608–649.

146. *Пушкарева Н.Л.* История частной жизни и история повседневности: содержание и соотношение понятий // Социальная история. – М., 2005.

147. *Пушкарева Н.Л.* Частная жизнь и повседневность глазами историка // Шмидт С.О. (ред.) Города европейской России конца XV – первой половины XIX в. Ч.1. – Тверь, 2002. – С. 49–63.

148. *Пушкарева Н.Л.* Частная жизнь и проблема повседневности // Демоскоп weekly. – 2002. – № 57/58. – С.4-5.

149. *Пушкарёва Н.Л.* Частная жизнь русской женщины: невеста, жена, любовница (X – начало XIX в.). – М.: Ладомир, 1997.

150. *Ражабов Қ., Иноятов С.* Бухоро тарихи. – Тошкент, 2016.

151. *Ражабова Д.Н.* Проблемы молодежи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX).: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 26 с.

152. *Раппопорт Х.* Философия истории. (В ее главных направлениях). СПб., 1898.

153. *Раупова З.Э.* Участие женщин Узбекистана в развитии сельского хозяйства в 20-гг.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1993. – 29 с.

154. *Репина Л.П.* Социальная история и историческая антропология: новейшие тенденции в современной британской и американской медиэвистике // Одиссей. Человек в истории. – М., 1990. – С. 167–182.

155. *Репина Л.Н.* Историческая наука на рубеже XX–XXI вв. социальные теории и историографическая практика. – М.: Кругъ, 2011.

156. *Репина Л.П.* Интеллектуальная история сегодня // Диалог со временем. Альманах интеллектуальной истории. Под ред. Л.П.Репиной и В.И.Уколовой. Вып. 2. – М., 2000. – С. 9–10.

157. *Репина Л.П.* Социальная история и историческая антропология: новейшие тенденции в современной британской и американской медиевистике // Одиссей. Человек в истории. – М., 1990. – С.167–181.

158. *Савельева И. М., Полетаев А.В.* История и время. В поисках утраченного. – М., 1997.

159. *Савицкий А.* Саттархон Абдугафуров – просветитель-демократ. – Тошкент: Узбекистан, 1965. – С. 46.

160. *Саид Э.* Ориентализм. – М., 2006.

161. *Сенявская Е.С.* Психология войны в XX веке: исторический опыт России. – М., 1999.

162. *Сенявская Е.С.* 1941–1945: Фронтное поколение. Историко-психологическое исследование. – М., 1995.

163. *Сенявская Е.С.* Человек на войне. Историко-психологические очерки. – М., 1997.

164. *Серебрянников В.В.* Человек и война в зеркале социологии // Военно-историческая антропология. Ежегодник, 2002. – С. 23–37.

165. *Симона де Боваур.* Второй пол. – М.: Прогресс, 1997.

166. Словарь жаргонных слов и выражений // Мильяненко Л. По ту сторону закона. Энциклопедия преступного мира. СПб., 1992.

167. *Соколов А.К.* Социальная история России новейшего времени: проблемы методологии и источниковедения // Теоретические проблемы исторических исследований. Вып.1. – М., 1998. – С.108.

168. *Соколов А.К.* Социальная история: проблемы методологии и источниковедения // Проблемы источниковедения и историографии. Материалы II Научных чтений памяти академика И.Д.Ковальченко. – М., 2000. – С.78–79.

169. *Соссюр Фердинанд де.* Курс общей лингвистики. Пер. с французского. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.

170. *Стенин И.А.* Словарь молодежного жаргона. – Воронеж, 1992.

171. *Султонова Г.Н. Махмудов Ш.* Ўрта Осиё хонликлари аҳолиси этник таркиби ва минтақада кечган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI–XIX аср биринчи ярми). – Ташкент: Фан, 2011. – 128-б.

172. *Тойнби А.Дж.* Постигание истории / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1990. – 730 с.

173. *Тойнби А.Дж.* Цивилизация перед судом истории. – СПб., 1995.

174. *Томпсон П.* Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. – М., 2003. – С.43.

175. *Топольский Е.* Дискуссии о применении теории хаоса к истории // Исторические записки. - №2(120). – М., 1999.

176. *Тохтаходжаева М.* XX век глазами женщин Узбекистана. – М.:Наталис, 2008.

177. *Тохтаходжаева М.* Между лозунгами коммунизма и законами ислама. – Office of Regional programs. Vienna, 2000.

178. *Тохтаходжаева М.* Между лозунгами коммунизма и законами ислама. – Office of Regional programs. Vienna, 2000. – С.220–222.

179. *Тохтаходжаева М.* Ўтмиш толиқтирган аёллар. – Office of Regional programs. Vienna, 2001.

180. *Тохтаходжаева М.* Утомленные прошлым. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане. – Office of Regional programs. Vienna, 2001.

181. *Тош Дж.* Стремление к истине: Как овладеть мастерством историка. – М.: Весь мир, 2000. – 295 с.

182. Тошкент маҳаллалари: анъанавийлик ва замонавийлик (Тарихий-этнографик тадқиқот). Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 217-б. [Масъул муҳаррир З.Орифхонова].

183. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент: Шарк, 2000. – С. 672. [Отв. ред. Р. Раджапова].

184. Туркестанский альбом по распоряжению туркестанского генерал-губернатора генерал-адъютанта К. П. фон Кауфмана I-го: В 4 ч.: В 6 т. / сост. А. Л. Кун, М. И. Бродовский и М. А. Терентьев. – Спб., 1871–1872. Предисловие.

185. Урбанизационные процессы в Узбекистане: история и современность [Отв. Ред. Р.Х.Муртазаева]. – Ташкент, 2007.

186. *Урсу Д.П.* Методологические проблемы устной истории // Источниковедение отечественной истории. – М., 1989. – С. 3–32.

187. *Усенко О. Г.* К определению понятия «менталитет» // Русская история: проблемы менталитета: Тез.докл. науч. конф. Москва, 4–6 октября 1994 г. / Отв. ред. А. А. Горский. – М., 1994. – С. 3–7.

188. Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник материалов конференции. Выпуск I. Отв. ред. Р.М. Абдуллаев. – Ташкент, 2011. – С. 384.

189. *Қодиров М.* Журжоний // Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент, 1996.

190. Фалсафа: энциклопедик луғат. ЎзФА, Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010. – 183–184-б.

191. *Февр Л.* Бои за историю. – М., 1991.

192. *Филд Д.* История менталитета в зарубежной исторической литературе // Менталитет и аграрное развитие России (XIX–XX вв.): Материалы междунар. конф. Москва, 14–15 июня 1994 г. / Редкол.: В.П. Данилов, Л. В. Милов (отв. ред.). – М., 1996. – С. 7–21.

193. *Филюшкин А.И.* Методологические инновации в современной российской исторической науке // АСТЮ NOVA, 2000. – С. 26.

194. *Фицпатрик Ш.* Повседневный сталинизм. Социальная история Советской России в 30-е годы: город / Пер. с англ. – М.: РОССПЭН, 2001. – С. 336.

195. *Фуко М.* Археология знания. – СПб.: Гуманитарная академия, 2004.

196. *Фуко М.* Воля к истине: по ту сторону власти и сексуальности. – М., 1996.

197. *Фуко М.* Говорящий пол. Сексуальность в системе микрофизики власти // Современная философия. – Харьков, 1995.

198. *Фуко М.* Порядок дискурса: инаугурационная лекция в Коллеж де Франс 2.12.70 // Фуко М. Воля к истине: по ту сторону знания, власти и сексуальности. – М., 1996. – С. 49–96.

199. *Фукуяма Ф.* Конец истории? // Вопросы философии. – 1990. – № 3.

200. *Фурқат.* Танланган асарлар. II том. – Тошкент: 1959. – 123–159-б.

201. *Хакен Г.* Можем ли мы применять синергетику в науках о человеке? // Синергетика и психология. Вып. 2. «Социальные процессы». – М., 2000.

202. *Хакен Г.* Синергетика. – М., 1980.

203. *Халдун Ибн.* Введение // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX–XIV вв. – М., 1961. – С. 559–628.

204. *Хидирова Н.* Амир Темур ва темурийларнинг дипломатик муносабатларида аёлларнинг ўрни (XIV аср иккинчи ярми XV аср бошлари) // Хорижий шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари // Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2016. – 146–153-б.

205. *Хидирова Н.* Ўрта Осиё аёлларининг ижтимоий - иқтисодий мавқеини тадқиқ этишда вақф хужжатларининг ўрни (XVI–XIX аср биринчи ярми Бухоро хонлиги мисолида) // Шарқшунослик. – 2016. – №1. – 23–30-б.

206. *Хидирова Н.* Ўрта Осиё оила никоҳ-муносабатларида маҳр: умумий ва ўзига хос жиҳатлари // Марказий Осиё тарихи замонавий медиєвистика талқинида. – Тошкент, 2013. – 213–223-б.

207. *Хидирова Н.* Ўрта Осиё оила-никоҳ муносабатларига оид хужжатлар: анъанавийлик ва ўзига хослик (XVI–XX аср бошлари) // Тошкент Ислом университети Илмий-таҳлилий ахбороти. – 2015. – №1. – 38–41-б.

208. *Хобсбаум Э.* Эхо «Марсельезы». Взгляд на Великую французскую революцию через двести лет. – М., 1991.

209. *Хоф Р.* Возникновение, развитие гендерных исследований / Пол, гендер, культура. Под ред. Э.Шоре, К.Хайдера. – М.: РГГУ, 1999. – С. 24–43.

210. Хрестоматия «Синергетика и психология»: Синергетика и психология. Тексты. Выпуск 1. Методологические вопросы / Ред. И.Н.Трофимова, В.Г.Буданов. – М., 1999.

211. Хрестоматия по устной истории / Пер., сост., общ. ред. и введение М.В. Лоскутовой. – СПб., 2003.

212. *Хут Л.Р.* Теоретико-методологические проблемы изучения истории Нового времени в отечественной историографии рубежа XX–XXI вв. – М.: Прометей, 2010. – С. 529–549.

213. *Ҳайдаров Ҳ.* Жиззах тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 72-б.

214. *Черутти С.* Микроистория: социальные отношения против культурных моделей? // Казус: Индивидуальное и уникальное в истории. – М., 2006. – С. 354–375.

215. *Черутти С.* Скорый суд. Практика и идеалы правосудия в обществе Старого порядка (Турин XVIII века) // Неприкосновенный запас. – 2005. – №4 (42). – С. 5–18.

216. *Черутти С.* Социальный процесс и жизненный опыт: индивиды, группы и идентичности в Турине XVII века // Прошлое – крупным планом: Современные исследования

по микроистории / Под общ. ред. М. Крома, Т. Зоколл, Ю. Шлюмбама. – СПб., 2003. – С. 27–57.

217. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 4. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2002.

218. *Шаберт И.* Пол как категория новой истории литературы // Пол. Гендер. Культура. – М., 1999.

219. *Шадманова С.* Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870 – 1917 й.). – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – 296-б.

220. *Шадманова С.* Ўзбекистон шаҳарларидаги трансформация жараёнлари (1917–1941 й.). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2014. – 336-б.

221. *Шадманова С.* Тарихий тадқиқотлар методологияси ва замонавий усуллари. Дарслик. – Тошкент: Barkamol fayz media, 2018. – 216-б.

222. *Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А.А.* Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 2013.

223. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида теурий маликалар тавсифи // ЎЗМУ хабарлари. – 2016. – №1. – 27–34-б.

224. *Шартье Р.* История сегодня: сомнения, вызовы, предложения // Одиссей. Человек в истории. – М., 1995.

225. *Шартье Р.* Новая культурная история / Номо Historicus: К 80-летию со дня рождения Ю. Л. Бессмертного: В 2 кн. / Отв. ред. А. О. Чубарьян. – М., 2003. Кн. I. – С. 271–284.

226. *Шидер Т.* Различия между историческим методом и методом социальных наук. – М., 1970.

227. *Шлёггел К.* Постигая Москву. – М.: РОССПЭН, 2010.

228. *Шлюмбом Ю., Кром М., Зоколл Т.* Микроистория: большие вопросы в малом масштабе / Прошлое — крупным планом: Современные исследования по микроистории. Под общ. ред. М. Крома, Т. Зоколл, Ю. Шлюмбама. – СПб., 2003. – С. 7–26.

229. *Шпенглер О.* Закат Европы. – М: Наука, 1993. – С. 592.

230. *Эргашхўжаева Г.Э.* 20-йиллар Ўрта осие хстинкизлари эмансипацияси масалалари француз тарихшунослигида: тарих фан.номзод. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1996. – 27-б.

231. *Ясперс К.* Смысл и назначение истории. – М., 1991.

232. *Юнусова Х.* Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2009. – 176-б.

Инглиз, немис ва француз тилларидаги

тадқиқотлар:

1. «Arme Sieger». Die Invaliden des «Großen Vaterländischen Krieges» der Sowjetunion, 1941–1991, Geschichte von unten: Fragestellungen, Methoden und Projekte einer Geschichte des Alltags / Hrsg. von H. Ehalt. Wien, Köln, Graz, 1984.

2. Alltag im 16. Jahrhundert. Studien zu Lebensformen in mitteleuropäischen Städten / Hrsg. von A. Kohler, H. Lutz. – Wien, 1987.

3. Alltag in der Zeit der Aufklärung / Hrsg. von K. Gerteis. – Hamburg, 1991.

4. Alltag und Fortschritt im Mittelalter: Intern. Round-table-Gespräch (Krems, 1984). – Wien, 1986.

5. Alltagsgeschichte: Zur Rekonstruktion historischer Erfahrungen und Lebensweisen / Hrsg. von A. Ludtke. Frankfurt/M., 1989. Инглиз тилидаги таржимаси.: The History of Everyday Life: Reconstructing Historical Experiences and Ways of Life / Ed. by A. Ludtke; engl.transl. by W. Templer. – Princeton, 1995.

6. Alltagskultur, Subjektivität und Geschichte: zur Theorie und Praxis von Alltagsgeschichte / Hrsg. Berliner Geschichtswerkstatt. – Münster, 1994.

7. *Alvarado M., Buscombe E. and Collins R.* (eds), Representation and Photography: A Screen Education Reader. – Palgrave, 2001.

8. Analyzing Discourse: Text and Talk / Ed. by D. Tannen. – Washington, 1982.

9. *Azimova N.* Women's Survival Strategies: Their Role in Keeping Traditions Alive. Gender and Identity Construction. Brill, Leiden, 2000. – P. 299-304.

10. *Batchen G.* Burning with Desire: The Conception of Photography. –Massachusetts Institute of Technology, 1997.

11. *Baum W.K.* Transcribing and Editing Oral History. – Nashville, 1991.

12. *Baumol, W.J.* and *Benhabib, J.* Chaos: significance, mechanism and economic applications. In: Journal of Economic Perspectives. – Vol. 3. – 1989.

13. *Bazin A.* 'The Ontology of the Photographic Image,' in Classic Essays on Photography, Edited by Alan Trachtenberg. – New Haven, 1980.

14. *Becker H.* Photography and Sociology // Studies in the Anthropology of Visual Communication. 1974. Vol. 11. № 1. P. 3–6.

15. *Bennett J.M.* Women in the Medieval English Countryside: Gender and Household in Brigstock before the Plague. – N.Y., 1987.

16. *Berelson B.* Content Analysis in Communication Research. – Glencoe, IL:Free Press. – 1952.

17. *Beycheren A.D.* Nonlinear Science and the Unfolding of a New Intellectual Vision // Papers in Comparative Studies. – 1990. – №6.

18. *Bourdieu P.* Remarquessur l' «Histoire des femmes en Occident» // Femmes et histoire / Eds. G. Duby, M. Perrot. – P., 1993.

19. *Briggs Ch.L.* Learning how to ask: A sociolinguistic appraisal of the role of the interview in social science research. – Cambridge, 1986.

20. *Brown Milton W.* 'The History of Photography as Art History' // Art Journal. – Vol. 31. – №.1. – 1971.

21. *Burgin V.* (ed), Thinking Photography. – Basingstoke: Macmillan, 1982.

22. *Burke P.* History and Social Theory. – Cambridge, 1992.

23. *Burke P.* Varieties of Cultural History. – Cambridge, 1997.

24. *Burke P.* What is Cultural History? – Cambridge, 2004.
25. *Chartier R.* «Histoire des femmes en Occident»: XVI–XVIII siècles. Differences entre les sexes et violence symbolique // *Femmes et histoire* / Eds. G. Duby, M. Perrot. – P., 1993.
26. *Chen P.* Empirical and theoretical evidence of economic chaos // *System Dynamics Review.* – Vol.4. – 1988.
27. *Chiarella C.* The cobweb model. Its instability and the onset of chaos. In: *Economic Modelling.* – 1988.
28. *Davis N.Z.* Fiction in the Archives. Pardon Tales and their Tellers in Sixteenth-Century France. – Stanford, 1987.
29. *Davis N.Z.* Society and Culture in Early Modern France. – Stanford, 1975.
30. *Davis N.Z.* The Gift in Sixteenth-Century France. – Madison; London, 2000.
31. *Davis N.Z.* The Shapes of Social History // *Storiadellastoriografia.* – 1990. –N 17. – P.28–34.
32. *Deniz Kandiyoti and Nadira Azimova.* The communal and the sacred: women's worlds of ritual in Uzbekistan. *The Journal of the Royal Anthropological Institute* Vol. 10, No 2. – London, 2004. – P. 327–349.
33. *Derrida J. and Steigler B.* Echographies of Television. Trans. Jennifer Bajorek. – Cambridge : Polity Press, 2002
34. *Dikovitskaya M.* Central Asia in Early Photographs: Russian Colonial Attitude and Visual Culture // *Uyama T. (Ed.). Empire, Islam, and Politics in Central Eurasia.* Sapporo: Slavic Research Center, Hokkaido University, 2007. P. 104–108.
35. *Douglas T. Northrop.* Subaltern Dialogues: Subversion and Resistance in Soviet Uzbek Family Law // *Slavic Review,* Vol. 60, No. 1 (Spring, 2001), pp. 115–139.
36. *Douglas T. Northrop.* Languages of Loyalty: Gender, Politics, and Party Supervision in Uzbekistan, 1927–41 // *Russian Review,* Vol. 59, No. 2 (Apr., 2000), pp. 179–200.
37. *Douglas T. Northrop.* Veiled Empire: Gender and Power in Stalinist Central Asia. Ithaca, NY: Cornell University Press. 2004.

38. *Duby G.* Histoire des mentalites // L'histoire et ses methodes / Sous la dir. de Ch. Samaran. – Paris, 1961. – P. 917–966.

39. *Dulmen R. van.* Kultur und Alltag in der FrtihenNeuzeit. Bde. 1–3. Munchen, 1990–1994. Bd. 1: Das Haus und seine Menschen: 16.-18. Jahrhundert. 1990. 3. Aufl. 1999; Bd. 2: Dorf und Stadt 16.-18. Jahrhundert. 1992. 2. Aufl. 1999; Bd. 3: Religion, Magie, Aufklarung 16.-18. Jahrhundert. 1994. 2. Aufl. 1999.

40. *Eley G.* Labor History, Social History, Alltagsgeschichte: Experience, Culture, and the Politics of the Everyday Life — a New Direction for German Social History? // The Journal of Modern History. – 1989. – Vol. 61. – N 2. – P. 297–343.

41. *Elizabeth A. Constantine.* Public discourse and private lives: Uzbek women under Soviet Rule, 1917–1991. PhD diss. – Indiana University, 2001. – 295 p.

42. Explorations in the social history of modern Central Asia (19th-early 20th century), ed. Paolo Sartori. – Leiden-Boston, 2013. – 333 p.

43. Faire de l'histoire / Sous la dir. de J. Le Goff, P. Nora. [Vol.] I-III. – Paris, 1974.

44. *Fieseler B.* Frauen auf dem Weg in die russische Sozialdemokratie, 1890–1917. Eine kollektive Biographie (= Quellen und Studien zur Geschichte des ostlichen Europa. Hg. Helmut Altrichter), Stuttgart 1995.

45. Geschlechtergeschichte: Normen und soziale Praxis // FrueheNeuzeit. – Muenchen, 2000.

46. *Ginzburg C., Poni C.* Il nome e il come: scambioinegual e mercatostoriografico // Quadernistorici. – 1979. – Vol. 40. – P. 181–190. Инглиз тилидаги таржимаси: The Name and the Game: Unequal Exchange and the Historiographic Marketplace // Microhistory and the Lost Peoples of Europe / Ed. E. Muir, G. Ruggiero; transl. by E. Branch. – Baltimore; London, 1991. – P. 1–10.

47. *Gregory B.* Is Small Beautiful? Microhistory and the History of Everyday Life // History and Theory. – 1999. – Vol. 38. – N 1. Febr. – P.100–110.

48. *Grendi E.* Micro-analisi estoria sociale // Quadern storici. – 1977. – Vol. 35. – P. 506–520.
49. *Hayles N.K.* Chaos Bound: Orderly Disorder in Contemporary Literature and Science. – Ithaca, N.Y., 1990.
50. *Hauptert Bernhard, Schäfer Franz Josef.* Jugend zwischen Kreuz und Hakenkreuz - Biographische Rekonstruktion als Alltagsgeschichte des Faschismus. – Frankfurt am Meine, 1991.
51. Histoire des femmes en Occident / Eds. G. Duby, M. Perrot. – P., 1991–1992. – Vol. I–V.
52. *Ives E.* The Tape-Recorded Interview: A Manual for Field Workers in Folklore and Oral History. – Knoxville, 1980.
53. *Jan Vansina,* Living with Africa. – Madison, Wis., 1994.
54. *Jensen, R.V.* and *Urban, R.* Chaotic price behaviour in a nonlinear cobweb model. In: Economics Letters. – Vol. 15. – 1984.
55. *Johnson J.L., Burton B.K.* Chaos and complexity theory for management: Caveat emptor // Journal of Management Inquiry. – 1994. – vol.37. – №1.
56. *Kamp M.* Pilgrimage and Performance: Uzbek Women and the Imagining of Uzbekistan in the 1920s // International Journal of Middle East Studies, Vol. 34, No. 2, Special Issue: Nationalism and the Colonial Legacy in the Middle East and Central Asia (May, 2002). – P. 263–278.
57. *Kamp M.* The New Woman in Central Asia: Islam, the Soviet Project, and the Unveiling of Uzbek Women. Seattle, WA; London: University of Washington Press, 2006. – 320 p.
58. *Kamp M.* Unveiling Uzbek Women: Liberation, Representation and Discourse, 1906-1929 Ph.D. Dissertation : University of Chicago, Illinois, 1998.
59. *Kelsey D.* The economics of chaos or the chaos of economics // Oxford Economic Papers. – 1988.
60. Köln-Weimar-Wien 2013. *Schloegel K.* Kommunalka – der Kommunismus als Lebensform. Zu einer historischen Topographie der Sowjetunion // Historische Antropologie. Kultur. Gesellschaft. Alltag. 1998. S. 329–346.
61. *Kotkin S.* Magnetic Mountain: Stalinism as a Civilization. – University of California Press, 1995.

62. *Krippendorf K.* Content Analysis: An Introduction to its Methodology. – Beverly Hills, CA, Sage Publishers, 1980.
63. *La nouvelle histoire / Sous la dir. de J. Le Goff, R. Chartier, J. Revel.* – Paris, 1978.
64. *Levi G.* Inheriting Power: The Story of an Exorcist / Engl, transl. by L. G. Cochrane. – Chicago; London, 1988.
65. *Marien M. W.*, Photography and its Critics: A Cultural History, 1839–1900. – Cambridge University Press, 1997
66. *Marien M.W.*, Photography: A Cultural History. – Laurence King Publishing, 2002.
67. *Massell, Gregory J.* The Surrogate Proletariat: Moslem Women and Revolutionary Strategies in Soviet Central Asia, 1919–1929. Princeton, NJ: Princeton University Press, 1974.
68. *McCloskey D.* History, differential equations and narrative problems // History & Theory. – 1991. – №1.
69. *McMahan E.* Elite Oral History Discourse: A Study of Cooperation and Coherence. – Tuscaloosa, 1989
70. *Medick H.* Entlegene Geschichte? Sozialgeschichte und Mikrohistorie im Blickfeld der Kulturanthropologie // Alltagskultur, Subjektivität und Geschichte: zur Theorie und Praxis von Alltagsgeschichte / Hrsg. Berliner Geschichtswerkstatt. – Münster, 1994. – S. 94–109.
71. *Medick H.* Quo vadis Historische Anthropologie? Geschichtsforschung zwischen Historischer Kulturswissenschaft und Mikro-Historie / H. Medick // Historische Anthropologie. – 2001. – № 9.
72. *Medick H.* Weben und Überleben in Laichingen 1650–1900. Lokal-geschichte als Allgemeine Geschichte. – Göttingen, 1996; 2. Aufl. 1997.
73. *Microhistory and the Lost Peoples of Europe / Ed. by E. Muir, G. Ruggiero.* – Baltimore; London, 1991.
74. *Mikrogeschichte — Makrogeschichte: komplementärer Inkommensurabel?* / Hrsg. und eingel. von J. Schlumbohm. – Göttingen, 1998; 2. Aufl. 2000.
75. *Mishler E.G.* Research Interviewing: Context and Narrative. Cambridge, 1986.

76. *Mondzain, M-J.* Image, Icon, Economy. The Byzantine Origins of the Contemporary Imaginary. Trans. Rico Franses. – Stanford: Stanford UP, 2000.
77. *Morrison A.* Russian Rule in Samarkand, 1868-1910: A Comparison with British India. Oxford. Oxford University Press. 2008. – 364 p.
78. *NeMathews K.M., White M.C., Long R.G.* Why study the complexity sciences in the social sciences // Human relations. – 1999. – № 52(4).
79. Oral History: An Interdisciplinary Anthology / Ed. by D. K. Dunaway. Nashville, 1996.
80. Perspectives on Historical Writing / Ed. by P. Burke. – University Park (Pennsylvania), 1992.
81. Photography: A Middle-Brow Art. Text by Pierre Bourdieu. Translated by Shaun Whiteside. – Stanford University Press, Stanford, 1990.
82. *Pythian-Adams C.* Local History and National History // Rural History. – Vol.2 – №1. – P.1–23.
83. *Pomata G.* Histoire des femmes, histoire de genre. Observation sur le Moyen Age et l'époquemodernedans l'«Histoire des femmes en Occident» // Femmes et histoire / Eds. G. Duby, M. Perrot. – P., 1993.
84. *Ritchie D.* Doing Oral History. – New York, 1995.
85. *Scheinkman, J.A.* Nonlinearities in economic dynamics // Economic Journal. – Vol.100. – 1990.
86. *Schermer M.* The Chaos of History: On a Chaotic Model That Represents the Role of Contingency and Necessity in Historical Sequences // Nonlinear Science Today. – 1993. – Vol. 2. – №4.
87. *Schlegel K.* Berlin Ostbahnhof Europas. Russen und Deutsche in ihrem Jahrhundert. – Berlin, 1998.
88. *Schlegel K.* Moskau lesen. Berlin, 1984/2000.
89. *Schlumbohm J.* Lebenslaufe, Familien, Hofe. Die Bauern und Heuerleute des Osnabriickischen Kirch spiels Belm in proto-industrieller Zeit, 1650–1860. –Gottingen, 1994; 2. Aufl. 1997.

90. *Sultonova G.* Bukhara-Junghar relations: New sources and New Insights // *Central Asiatic Journal*, 2017. № 60. P. 42–63.

91. *Sultonova G.* Diplomatik yazışmalarda uluslararası ticaret meseleleri: Genel kurallar ve anlaşmalar (Buhara hanlığı, Osmanlı ve Rusiya). 4. Uluslararası Türk Dünyası Ekonomi Forumu 7-9 Mayıs 2015, Hitit Üniversitesi, Türkiye, p. 63–71.

92. *Sultonova G.* Inshāʿ collections in Uzbekistan: a comparative analysis (In the context of the international relations of the Bukhara Khanate), in *Central Asia, a Maturing Field*, ed. A. Morrison & S. Saxena, Cambridge: Cambridge Scientific Publishers, 2016, pp. 199-211.

93. *Sultonova G.* Trade relations of Bukhara and Yarkand Khanates in the 16th and early 17th Century. // *Journal of International Institute Central Asian Studies* under the auspices of UNESCO. Vol. 11, 2010, pp. 40-48.

94. *Sultonova G.N & Scott Levi*, Bukhara-Indian Diplomatic Relations, 1572–1598: Role of Actors, in *Insights and Commentaries South and Central Asia*, eds. Anita Sangupta and Mirzohid Rahimov, India: New Delhi, 2015, pp. 95–107.

95. *Terkel St.* Coming of Age: The Story of Our Century By Those Who've Lived It. – New York, 1995.

96. *The New Cultural History / Ed. by L. Hunt.* – Berkeley, Los Angeles, 1989.

97. *Thomas Welsford.* Fathers and sons: re-readings in a Samarqandi private archive. In *Explorations in the social history of modern Central Asia (19th-early 20th century)*, ed. Paolo Sartori, Leiden-Boston, 2013. P. 299–324.

98. *Tokhtakhodjaeva M.* The Daughters of Amazons. Voices from Central Asia. Shirkat Gah, 1996.

99. *Ullrich V.* Entdeckungsreise in den historischen Alltag // *Geschichte in Wissenschaft und Unterricht.* – 1985. – №6.

100. *Ullrich V.* Spuren im Alltag. «Barfusshistoriker» — woher sie kommen und was sie wollen // *Die Zeit.* – 1981. – №2.

101. *Women's Words: The Feminist Practice of Oral History / Ed. By Gluck Sh., Daphne P.* – New York, 1991.

102. Wunder H. Frauen und Geschlechtergeschichte // Sozial- und Wirtschaftsgeschichte. Arbeitsgebiete-Probleme-Perspektiven. 100 Jahre Vierteljahr schriftfuer Sozial- und Wirtschaftsgeschichte. – 2004.

103. Wunder H. Normen und Institutionen der Geschlechterordnung am Beginn der Frueher Neuzeit // Geschlechter perspektiven Forschungen zur Fruehen Neuzeit. – Helmer, 1998.

104. Wunder H. Ueberlegungen zum «Modernisierungsschub des historischen Denkens im 18. Jahrhundert» aus der Perspektive der Geschlechtergeschichte // Geschlechtsdiskurs. Bd. 2: Anfaengemodernen historischen Denkens. – Fr.a/M., 1994.

105. Wunder H. Wiewird man ein Mann? Befunde am Beginn der Neuzeit (15.–17. Jahrhundert) // Wassind Frauen? Was sind Maenner? Geschlechts konstruktionen im historischen Wandel. – Fr.a/M., 1996.

106. Yow V.R. Recording Oral History: A Practical Guide for Social Scientists. Walnut Grove. – London, New Delhi, 1994.

Интернет материаллари:

1. Said Essoulami. The press in the Arab world: 100 years of suppressed freedom [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.al-bab.com/media/introduction.htm>, свободный. – Al-Bab: an Open Door to the Arab World.

2. Каримова Н. К вопросу изучения генезиса кино Узбекистана // http://www.sanat.orexca.com/rus/archive/3-10/nigora_karimova.shtml

3. Мининков Н.А. Объект, предмет и субъект исторического познания // Открытый текст. Электронное периодическое издание. – URL: <http://www.opentextnn.ru/history/?id=1350> (дата обращения: 09.06.2015)

4. Пенсон Мирон. «На волне памяти...». Часть первая. Ташкентцы / <http://mytashkent.uz/2014/09/28/iron-penson-na-volne-pamyati-chast-pervaya/>

ОГЛАВЛЕНИЕ

Вводное слово	6
Тексты лекции	10
Введение. История в качестве научного знания.....	10

I Глава. Методы научных исследований: специальные методы и междисциплинарный подход

1.1. Методы научного исследования и их классификация.....	40
1.2. Место цивилизационного и формационного подхода в изучении исторических процессов	54
1.3. Междисциплинарный подход в исследованиях	71
1.4. Историческая антропология и «новая» социальная история	96
1.5. Специальные методы исторического исследования и количественные методы	113

II Глава. Новые направления исторического исследования и их методы

2.1. Микро и макроподходы к истории. Локальная история	139
2.2. Формирование, развитие истории повседневной жизни и методы исследования.....	154
2.3. Гендерная история и история менталитета	169
2.4. Визуальные исследования как одно из направлений исторической науки	190
2.5. Методы устной истории	219
2.6. Методы дискурс анализа и семиотического анализа	236
Приложение	254
Список самостоятельной работы.....	269
Глоссарий.....	271
Литература.....	288

TABLE OF CONTENTS

Introductory word	6
The texts of lecture.....	10
Introduction. History as a scientific knowledge.....	10

I Chapter. Research methods: special methods and interdisciplinary approach

1.1. Methods of scientific research and their classifications	40
1.2. The role of the civilizational and formational approach in the study of historical processes	54
1.3. Interdisciplinary approach in research	71
1.4. Historical anthropology and «new» social history.....	96
1.5. Special methods of historical research and quantitative methods	113

II Chapter. New directions of historical research and their methods

2.1. Micro and macro approaches to history. Local History	139
2.2. The Formation and development of history of everyday life and methods of research	154
2.3. Gender history and history of mentality	169
2.4. Visual studies as one of the areas of historical science.....	190
2.5. Methods of Oral History	219
2.6. Methods of discourse and semiotic analysis.....	236
Appendix.....	254
List of independent works.....	269
Glossary	271
Literature.....	288

Аннотация

В учебнике рассматриваются вопросы методологии и современных методов исторических исследований. Вместе со специальными методами исторической науки в нем анализируются общие методы научных исследований, а также методы, которые были заимствованы из других областей науки. Кроме того, в учебнике особое внимание уделяется новым подходам, которые начали появляться с середины XX в. в мировой историографии и которые уже успели превратиться в новые парадигмы исторических знаний. Показываются причины пользования междисциплинарным подходом отдельными исследователями до середины XX в. и широкого использования этого метода после второй мировой войны. Также, освещаются вопросы возникновения исторической антропологии, факторы, которые повлияли на её возникновение и вопросы, которые изучает историческая антропология. Автор уделяет особое внимание на то, что историческая антропология играет важную роль в отказе от мнения линейного развития человечества. Кроме того, анализируется отличие новой социальной истории от традиционной.

В учебнике, также, раскрываются понятия микро- и макроподхода к истории, вопросы возникновения микроистории и ее причины, взаимовлияние микро- и макроистории, а также локальной истории. Студентам даются сведения о процессах формирования истории повседневной жизни, ее методах исследования и источниках. Также, в учебнике отражаются материалы об особенностях таких направлений исторических исследований, как гендерная история, история ментальностей и визуальные исследования. Автором сделана попытка информирования студентов об основных направлениях исторических исследований, которые возникли начиная с середины XX в. и имели свои методы исследования.

Благодаря этому учебнику во-первых, студенты получают теоретические знания о методах и направлениях исторического исследования, во вторых, научатся использовать современные методы в своих исследованиях.

Annotation

This textbook examines the issues of modern methods of historical research. Together with special methods of historical science, it analyzes general methods of scientific research, as well as methods borrowed from other fields of science. In addition, the textbook focuses on new research areas that began appearing in the middle of 20th century in world historiography and which have already managed to turn into new paradigms of historical knowledge. In particular, interdisciplinary approach was seldom used by researchers until the middle of 20th century, but this work illustrates that this method became a crucial part of methodology in historical sciences after World War II. Furthermore, this textbook concentrates on issues about origination of historical anthropology, impact factors of originating this method and modern outlooks of anthropology. The author mentions that historical anthropology plays main role in giving up views that ways of development of human is linear motion. In addition, distinguishes between traditional social history and modern social history are reviewed.

This textbook covers issues about micro and makro approaches in historical science, origination of microhistory and its reasons, impressions of microhistory and macrohistory to each other and local history. The author introduces students with formation of history of everydaylife and its approaches. Furthermore, this work pays attention to main aspects of gender history, history of mentalities and visual research methods and their sources. The author attempts to give students main methods and approaches in historical science that originated and evolved at leading universities and research institutions in western countries in the middle of 20th century.

It is hoped that: firstly, students can get theoretical knowledge about methods and various approaches of historical research; and secondly, they may study how to use modern methods in their research works.

Ўқув наشري

**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЗАМОНАВИЙ
УСУЛЛАРИ**

Муҳаррир *А. Файзуллаев*
Рассом-дизайнер *Х. Қутлуқов*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Кичик муҳаррир *М. Салимова*
Мусахҳих *Д. Файбуллаева*
Компьютерда саҳифаловчилар: *К. Ҳамидуллаева,*
Н.Аҳмедова

Наشريёт лицензияси АИ № 158.14.08.2009.

Босишга 2019 йил 28 ноябрда рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.
Офсет қоғози «Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида
босилди. Шартли босма табоғи 16,8. Нашр табоғи 15,24.
Адади 500 нусха. Буюртма № 19-664.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz